

10 25692
3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАН ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

А. МИРЗАЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ
ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН ЎҚУВ ҚҰЛЛАНМА СИФАТИДА
ТАСДИҚЛАНГАН

ТОШКЕНТ

Муаллиф Абдулахат МИРЗАЕВ

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курсидан ўқув қўлланма.
(Муаллиф А. Мирзаев. Тошкент, 2000 й. 328 бет).

Мазкур ўқув қўлланма талабалар ва ушбу курсдан таълим бераётган ўқитувчиларга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўзлашибиршиларига ёрдам бериш мақсадида яратилди.

«Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-услубий кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тайёрланди.

25692
10 3
Тақризчилар:

ТошМИ, проф. АБИЛОВ У. М.,
ТошДТУ, проф. СИДДИҚОВ Б. С.

2000 O'zb. Rcs. DK
A | 2432

К И Р И Ш

ФАННИНГ ПРЕДМЕТ, МУСТАҚИЛ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИ ЙУЛИГА ҚУШИЛИШИ

Ўзбекистон давлат Мустақиллигига эришди. Сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва мағкуравий мутеблик асоратидан қутулиб, мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига қўшилди. Халқимизнинг — тили, дини, миллий қадрияти, ғурури ва обрўси тикланиб, ўз тақдирини ўзи белгилашдек ҳуқуқга эга бўлди.

Ўзбекистон халқининг ҳаётида янги давр, янги тарихий босқич бошланди. Бу янги давр ўзига хос мураккаб бир жаражидирки, буни англаб етиш учун халқимиздан юксак маънавийликни ва чуқур билимни талаб этилади. Янги давр халқимиз олдида бозор иқтисодиётiga асосланган инсонпарвар демократик одил, фуқаролик, ҳуқуқий жамият қуриш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди. Бу мураккаб вазифа ўта маъсулиятли бўлиши билан бирга, жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган ва тан олинган шарафли йўлдир.

Мустақил Узбекистоннинг танлаган бу йўли Президенти И. А. Каримовнинг асарларида, маърузаларида, ҳамда сўзлаган нутқларида, журналистлар билан бўлган суҳбатларида, назарий-методологик гоявий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий асослари ишлаб чиқилган булиб, бугунги кунда эркесвар халқимиз томонидан имкони борича амалий ҳаётимизга татбиқ этилиб берилмоқда. Демократик адолатли инсонпарвар ҳуқуқий давлатни қуриш учун энг аввало унинг назарий асосларини чуқур ўрганиш ва ижтимоий ҳаётда бўлаётган иқтисодий сиёсий ва бошқа жараёнларни англаб етиш ва таҳлил қилиш ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Лекин бу бир қараганда, осон кўринсада, жуда чуқур назарий билимни талаб этади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани биз кўраётган янги жамиятни комплекс ҳар томонлама назарий, амалий жиҳатдан мо-

ҳиятини тушунтириб берадиган фандир. Шу маънода Узбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганишга бўлган эътибор кучайиб, республика жамоатчилигининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Айниқса, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари гуманитар фанлари ўқитиши жараёнинда биз қураётган янги жамиятнинг назарий асосларини чуқурроқ ўргатишга ҳам катта зътибор берилмоқда. Чунки бугунги талаба эртага жамиятимизнинг етакчи кучига айланади. Шундай экан, олий диплом соҳиби бўлган мутахассиснинг ижтимоий ва гуманитар фанлардан етарли даражада билимга эга бўлмас экан, Узбекистоннинг танлаган тараққиёт йўлини назарий асосларини мукаммал, чуқур ўзлаштириб олмас экан, ундай мутахассисни жамиятимиз, халқимиз, Ватанимизнинг равнақи учун фойдаси тегмайди.

Ана шунни ҳисобга олиб, олий таълим вазирлиги институтларида, университетларда «Узбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курсини жорий қилиндиким, яъни талабалар Президент И. А. Каримов асалари, маърузалари ва нутқларини, ҳамда мустақиллик даврида қабул қилинган қонунларни, меъёрий ҳужжатларни, ҳамда янги ижтимоий-иктисодий муносабатларга ўтиш масалаларига бағишилаб нашр этилган, бошқа адабиётлар ва мақолаларни атрофлича ўрганиб бугунги ва эртанги кунимиз ҳамда келажатимиз тўгрисида чуқур билим ва тасаввурга эга бўлсинлар, деган мақсадда, ушбу курс ўқув программасининг таркибига киритилгандир. Демак, Узбекистонда демократик жамият қуриш назарияси еа амалиёти курсининг мақсади талабаларимизни ва кенг жамоатчиликни Президентимиз И. А. Каримов асаларида илгари суррилган илмий таълимотлар билан яқиндан таништириш, ҳамда бу таълимотларни амалий ҳаётда тўғри қўллашга ўргатишдан, ўқувчиларни интеллектуал камолотга эришишларида ёрдам беришдан иборатдир.

Курскинг назарий методологи асослари бу республикамиизда демократик одил фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга оширилётган ишлар, жамиятда бўлаётган туб ўзгаришларни мақсад ва моҳиятини амалга ошириш усуllibарини (методларини) тўғри билиб олишга, республикамиизда бўлаётган иктиносидий, сиёсий, маданий-маънавий ва маърифий ўзгаришлар жараёнининг амалий методлари мажмуасини тўғри тушуниб, билиб олишга ёрдам беришдан иборатдир.

Ватанимиз мустақиллигини сақлаб қолиш ва уни
ҳар томонлама мустақамлани муаммоси бўлажак мут-
тахассислар зиммасига тушади. Бу маъсулий муаммо-
ни ҳал этиш осон кучмайди, шунинг учун ҳам бугунги
кунда олий даргоҳларда таълим олаётган талабалари-
мизнинг ҳар томонлама пухта билимдон бўлишларида,
айниқса ижтимоий гуманитар фанларнинг билимдени
қилиб тарбиялаша ушбу фан муҳим роль ўйнайди.
**«Узбекистонда демократик жамият қуриш назарияси
ва амалиёти»** фанининг категорияларини яхши ўзлаш-
тириб олиш, ёш мутахассисларнинг келажакдаги иш
фаолиятларида, умуман мустақилликнинг моҳиятини
ва аҳамиятини чуқур билиб олишларида катта роль
ўйнайди. Ушбу фаннинг категорияларини қўйидаги му-
аммолар ташкил этади:

Халқимизнинг мустақиллик учун кураши ва унинг
босқичлари, Ўзбекистонда миллый тикланишининг янги
босқичи, мустақиллик йўли тутилиши, Ўзбекистоннинг
маъмурий ҳудудий тузилиши ва бой имкониятлари, Ўз-
бекистоннинг ўтмишдаги ва бугунги кундаги давлатчи-
лик асослари, ҳуқуқий давлат ҳокимияти, демократик
одил фуқаролик жамиятини вужудга келтириш, сиёсий
партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга ке-
лиши. Кўп партиявийлик тизимининг шакланиши,
Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий одил фуқаролик жа-
миятни қуриш йўлидаги ютуқлари ва муаммолари, Ўз-
бекистон республикасининг кадрлар сиёсати, демокра-
тик жамиятнинг моддий негизи ва иқтисодий тизимини
шакллантириш назарияси ва амалиёти, миллый юксалиш
мағкураси ва унинг демократик жамият қуриш-
даги ўрни Ўзбекистон жаҳон ҳам жамиятига қўшили-
ши ва тутган ўрни каби муҳим категорияларини ўз
ичига олган.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси
ва амалиёти фанининг категорияларидан кўриниб ту-
рибдики, бу фан Ўзбекистоннинг миллии давлатчилик
асосларини янгидан қарор топиши ва унинг равнаки
ҳамда ижтимоий сиёсий, иқтисодий тараққиёти ҳаки-
даги фандир.

**«Узбекистонда демократик жамият қуриш назария-
си ва амалиёти»** фани қатор ижтимоий ва гуманитар
фанлар билан, яъни Ўзбекистон ҳалқлари тарихи, по-
литология, иқтисодиёт назарияси, бозор иқтисодиёти,
философия, маданиятшунослик давлат ҳуқуқи асослари,
маънавият-маърифат курси каби фанлар билан узвий

алоқадор бўлиб, уларни ютуғига таянган ҳолда ўрганилади ва ривожланади. Ҳар бир фаннинг ўз йўналиши бўлганидек, бу фаннинг ҳам ўзига хос йўналиши ва мақсади бор. Бу йўналиш мазмун ва моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Энг муҳими Ўзбекистонда бўлаётган туб ўзгаришлар жараёни амалда қандай усусларда қўлланилаётганлиги ҳақида аниқ, маълумотлар беради ва талабалари назарий ва амалий жиҳатдан ҳаётга тайёрлайди.

Ўзбекистонда давлатчилик асосларини вужудга келтириш тарихига назар ташласак, бой тарихий тажрибага эга эканлигини кўрамиз. Ўзбекистонда давлатчилик асосларини вужудга келиши эрамиздан аввалги 111 асрларининг ўрталарига тўғри келади. Бу ҳақда кўпгина ёзма археологик манбалар гувоҳлик беради. Демак янги мустақил Ўзбекистон давлати қуруқ бўшлиқда пайдо бўлмасдан, балки Ўзбекистон ҳалқининг бой ва қадимий давлатчилик тажрибасига таянган ҳолда вужудга келиб, ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳалқларининг давлатчилик тарихи рангбаранг бўлиб, инқизозга юз тутган ҳолатлари, гуллабяшнага даврлари, ҳамда босқинчилар томонидан истило қилиниб, давлатчилик асосларини батамом йўқ қилиб, ташлашга уринишлар ҳам бўлган. Лекин эркесвар ўзбек ҳалқи ҳар доим ўз давлатларини қайтадан тиклаб олиши учун кураш олиб борганлар ва ўз мақсадларига эришганлар.

Ўзбекистон ҳалқининг давлатчилик асослари ҳақида гап кетганда, биз фахр билан Амир Темур, Улуғбек каби йирик давлат арбоблари ҳокимиятини бошқарган даврларни эсга оламиз, чунки улар ҳукмронлик қилган даврларда ўзбек давлатчилиги цивилизациясининг энг гуллаб-яшнаган ва энг юқори даражага кўтарилиган тарихий даврлар бўлган. Улар ҳукмронлик қилган йилларда давлат тузилмаси, ўз даврига нисбатан такомиллашган тузилмага эга бўлган эди. Шунинг учун ҳам бу даврларда . хунармандчилик илм-фан, маданиятсанъат гуллаб-яшнаган бўлиб, аждодларимиздан бой маънавий мерос, бетакрор архитектура ёдгорликлари қолган. Бугун Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлган экан, энг аввало миллий давлатчилигини тиклашни, янги давлат тузимининг энг замонавий усулида, миллий ва маҳаллий хусусиятларни тўла ҳисобга олган ҳолда маънавий жиҳатдан баркамол давлатчилик

анъаналарига суюнган ҳолда янги жамият қуришдек буюк мақсад сари қадам ташламоқда.

Ўзбекистон ярататган жамиятнинг сиёсий, ижти-моий, иқтисодий, маънавий қиёфаси конституциямизда ўз ифодасини топган. Мақсадимиз ҳуқуқий, демокра-тич адолатли фуқаролик жамияти куриш. Республика-мизда демократик жараёнлар умумжаҳон халқлари эътироф этган тамойиллар, анъаналар ҳисобга олинган ҳолда эволюцион тарзда ривожланмоқда.

Ўзбекистонда демократик жараённи ривожланиши-нинг характерли томони шундаки, яъни жаҳон халқ-лари эътироф этган демократик тамойиллар, анъаналарига тўла риоя этган ҳолда Шарқона демократия-нинг энг яхши жиҳатларини органик кўша олганлиги-дадир.

Шарқда демократик жараёнлар аста-секинлик билан, яъни тадрижий асосда тараққий этади. Шарқ де-мократиясининг ўзига хос жиҳатларидан яна бирин шундаки, бу ерда кўпроқ босиқлик билан мулоҳаза асосида иш юритиш, иффат ва андишали бўлиш, ах-лоқ-одоб қоидаларига қатъий амал қилиш, адолатпар-варлик ҳамда инсонпарварлик фазилатлари алоҳида бўртиб туради. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар барчага хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш ва ўзаро ёр-дам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг бениҳоя мухим меъёри ҳисобланади. Ўз ватанига меҳ-муҳаббат, меҳнатсеварлик зиёлийларга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан ўзгача ҳурмат эҳтиром халқимизга хос фазилатдира.

Шарқда, хусусан Ўзбекистонда маҳалла жамиятнинг ўзига хос демократик андозасининг кичик бир шакли-дир. Умуман Шарқда демократия тушунчаси кўпроқ ўзаро ҳамжиҳатлик ғояси асосида, жамоатчилик фик-рининг устиворлиги билан ияклланади. Шарқда қадим-қадимдан қонунга нисбатан алоҳида ҳурмат эҳти-ром билан қараб келинган. Ўзбек давлатчилигининг асосчиси улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади», дегани ҳам бежиз эмасдир.

Ўзбекистонда давлат ҳалиқ манфаатларига хизмат қилишига асосланиб яратилган. Шунинг учун ҳам Ўз-бекистон республикаси конституциясида давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир, дейилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси конституцияси, ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади (7-модда).

Конституциянинг 9-моддасида жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалалар ҳалқ муҳокамасига қўйилади, умумхалқ овози (референдум)га қўйилади дейилган. Республикаизда референдум ҳақида маҳсус қонун қабул қилинган бўлиб, у референдум қандай ўтказилишини белгилаб беради.

Бу келтирилган мисолларимиздан кўриниб турибдики, ҳокимиятни амалга оширишда ҳалқ бевосита овоз бериш (референдум) йўли билан, шунингдек ҳокимиятга ўз вакилларини сайлаш йўли билан иштирок этадилар. Бундай сайловлар ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқоди, миллати, динига кўра ҳеч қандай чекловлариз тенг ҳуқуқли асосда ўз иродасини эркин намоён этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон миллий давлатчиликнинг демократик асосда янгидан барпо этилганлигини ёрқин мисол сифатида Узбекистон Республикаси Олий Мажлис вакиллари органининг таркиб топишида ҳам кўришимиз мумкин. 1994 йил декабрда мамлакатнимиз тарихида биринчи марта Кўп партиявийлик муқобиллик асосида Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўлиб ўтди. Маълумки, бугунги кунда Олий Мажлис депутатлари бир неча фракцияларга бўлиниб, фикрлар хилма-хиллиги асосида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти демократиянинг энг муҳим тамойили ҳисобланган ҳокимиятни тақсимлаш концепциясига асосланганлиги ҳам муҳимдир. Конституциянинг 11-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тузими, ҳокимиятнинг қонунчилик ижроия ва конституцион суддан иборат қисмларга ажralиш тамойилига асосланади». Демак, ҳеч бир орган мутлоқ ҳукмронликка даъвогар бўла олмайди. Конституцияда қатъий белгилангандек қокун доирасида ва қонунга қатъий риоя этган ҳолда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши била-ноқ, иқтисодий ривожланиш йўлини фаол излаш ва уни амалга ошириш, шунингдек иқтисодий муносабатларни ва ҳалқ ҳўжалигини қайта қуриш тизимларини ислоҳ қилиш йўлида катта ишларни амалга оширади.

Жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибалари ўрганилди, умумлаштирилди; миллий ва маҳаллий хусусиятлар ҳисобга олиниб Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли ишлаб чиқилди.

Маълумки, жаҳон цивилизацияси ривожланиш йўлидаги муқаррар босқич бозор иқтисодиётидир. Мана шу умумий иқтисодий тараққиёт қонуниятидан келиб чиқиб, юртбошимиз республика иқтисодиёти келажагини фақат бозор муносабатлари билан боғлиқ ҳолда қурди.

Президент «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» рисоласида иқтисодий мустақилликни қарор топтириш ва ривожлантиришга оид беш тамойиллidan иборат концепциясини ишлаб чиқиши жамиятимиз тараққиётида муҳим босқич бўлди. Мазкур асарда Ўзбекистонни ўз йўлини, яъни ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий андозасини, ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг йўналишларини аниқ ва равшан белгилаб берди.

Ўзбекистон танланган ислоҳот йўли йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу деган сўз бозор механизмнинг самарали бўлишини кучли ижтимоий кафолатини назарда тутиш демакдир. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтоҷ табақаларини ва гурӯҳларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсатнинг устивор йўналиши бўлиб қолиши, иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолига давлат меҳнатини рағбатлантиришнинг кучли воситасини жорий этиш ҳисобига бу табақанинг меҳнат ва ижодий имкониятини тўлиқ даражада рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиб беради.

Президентимиз И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойил ҳаёт синовидан ўтди. Тажриба уларнинг тўғрилигини ва самарадорлигини тасдиқлади. У жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқуланди, энг муҳими уни ҳалқ қабул қилди, қўллаб-қувватлади ва ишонч билан ҳаётга тадбиқ, этишга киришдилар. Ишлаб чиқилган йўлнинг тўғрилигидан далолат шундаки, яъни собиқ Иттифоқ республикалари, жумладан Россиянинг иқтисодиётида ҳали ҳам орқага кетиш мавжуд бўлса, Ўзбекистоннинг иқтисодиётида ўсиш, ривожланиш сезиларли даражада бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга олингандан кейин нефть, электр қуввати, газ, рангли металлар, ҳалқ

истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кўпайди. Янги турдаги маҳсулотлар, хусусан, аккумуляторлар, ойна, чинни ва фосфорит буюмлари, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган машина ва ускуналар, кийим-кечаклар, озиқовқатлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Чунки ҳозир Навоийда олтин саралаш комбинати, Нукусда — улкан тўқимачилик мажмуи тикланди, Самарқандда — троллейбус ва автобуслар, Асакада — автомобиллар, Хоразмда — юқ машиналари, Самарқанддаги «Автовазагрегат» заводи негизида ташкил этилган йигирув корхонасида йилига мингта автобус ва 300 та троллейбус ишлаб чиқарилади².

Франция ва Япония билан ҳамкорликдаги Марказий Осиёда йирик бўлган нефтни қайта ишлаш заводи ишлай бошлади. Республикамизнинг Эрон жанубий дениз портига ва ўнлаб бошқа муҳим обьектларга чиқишига йўл очилган, темир йўл бўйича ҳаракат бошланди. Булар Ўзбекистонни иктисадий ўсиб бораётганини кўрсатувчи далиллардир.

Жамият ҳар томонлама тараққий этиб боришда энг мураккаб ижтимоий, иктисадий ва сиёсий муаммоларини ҳал этилиб борилиши маданият ва маънавият, маърифатни юксалишга боғлиқдир. Маънавият ва маърифат жамият тараққиётининг белгиловчи омилидир. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳамма асарларида, маърузаларида маънавиятга, маданиятга ва маърифатга катта эътибор бериб келмоқда.

«Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётган жамиятимизни янгиланиш ва тараққий эттириш йўлида муваффақиягли равишда олға силжитишга ҳал қилувчи таъбир жоиз бўлса белгиловчи аҳамиятга эгадир»³.

Маънавий баркамоллик бўлган жойда тараққиёт бўлади, одамлар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамкорлик, адолатга асосланган муносабатлар қарор топади. Маънавият қарор топган жамият ривожланади, тараққий этади, энг олий даражадаги, ҳамда фуқароларга маъқул бўлган жамият яратилади. «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт саодат бўлмайди. Нафақат кўхна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради»⁴.

Жамият ва инсонлар тақдиррида маънавият катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, республика-

мизда бир қатор амалий ишлар қилиндики, бу жамиятимиз аъзоларини маънавий баркамолликка эришишида муҳим роль ўйнайди. Жумладан, И. А. Каримов фармони билан давлат тизимида маънавий бўлимларни ташкил топиши, ҳамда «Маънавият ва маърифат» асослари бўйича ўқув Курсларини жорий этилиши ва бошқа қатор ишларимиз, фақат тараққиётимиз учун, халқимизнинг баркамоллинги учун хизмат қилади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириши, ҳамда ўзининг ташки сиёсатини мустакил равишда ўтказиш, жаҳон ҳамжамиятига кириши ўз йўлини ишлаб чиқиши, давлатлараро муносабатларнинг йўналишлари ва устуворликларини белгилаш имконини берди. Ўзбекистоннинг ташки сиёсати халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган сиёсий йўлни, ҳамда тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташки алоқаларни ўрнатиш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш каби энг олижаноб принципларга асосланган олти пунктдан иборат ташки сиёсий программасини илгари суради ва шунга асосланади.]

Ўзбекистоннинг ташки сиёсий йўли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-моддасида аниқ қилиб белгиланган. «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларни тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташки сиёсати, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳисизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган, бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.]

«Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Йттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажраби чиқиши мумкин».]

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташки сиёсат олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам қисқа вақт ичида Ўзбекистон дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатлари томонидан тан олинган, улардан деярли 100 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилган. Республикада 88 дан

ортиқ чет әл ваколатхонаси, шу жумладан, 35 та әлчи-хона очилган.

Ўзбекистон амалда деярли барча халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий ташкилотларнинг аъзосидир. БМТ, Европада ҳамкорлик ва ҳавфсизлик ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ, халқаро валюта фонди. Реконструкция ва Ривожланиш Европа банки, жаҳон банки, халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистонда 50 тадан ортиқ халқаро ташкилотлар ваколатхонаси очилган. Булар мустакил Ўзбекистон давлатининг халқаро майдонда обрусини ошиб бораётганини, Марказий Осиё минтақасида етакчи давлат бўлажагини, геосиёсатда Марказий Осиё давлатлари орасида муҳим роль ўйнаётганини кўрсатувчи далиллардир.

Ушбу фан программаси доирасига киритилган муаммолар ижтимоий ҳаётни жуда кўп қирраларини қамраб олган бўлниб, Ўзбекистоннинг бугунги ва сртани ҳамда келажаги тўғрисида жуда кўп маълумотлар беради. Талабаларимиз томонидан «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг яхши ўзлаштириб олишлари, уларнинг ўз ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширади. Улардаги ватанпарварлик туйгуларини кучайтиради. Чунки инсон ўз ватани тўғрисида қанчалик кўп билса, шунчалик уни севади ва ардоклайди, эъзозлайди. Ватанинни севмоқ учун, уни билмоқ керак. Билиш, билим ватанпарварлик ва миллатпарварликнинг бош манбаидир. Билимдон, ўз касбинининг устаси бўлган кишигина ўз тақдирини ватан тақдири билан боғлай олади.

КИРИШ ҚИСМИ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

¹ Б. Сиддиқов. «Ҳалқимизнинг эзгу нияти муштарак», Ҳалқ сўзи газетаси, 23 октябрь, 1996 йил.

² М. Ш. Шарифхўжаев. «Истиқлол истиқболлари», Т., «Ўзбекистон», 1994 йил, 69—70-бетлар.

³ И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида», Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 139—140-бет.

1-м а в з у

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

РЕЖА:

1. Мустақил давлат түзиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳар бир халқнинг муқаддас орзусидир.
2. Халқимизнинг чоризм мустамлакачилик сиёсатига қарши курашининг босқичлари.
3. Ўзбек халқнинг мустақиллик учун олиб борган курашида жадидчilik ҳаракатининг тутган ўрни.
4. Совет ҳокимияти йилларида халқимизнинг мустақиллик учун олиб борган курашларининг шакллари.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритилиши тасодифий ҳолат бўлмай, балки жамият тараққиётининг қонуний маҳсулидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов сўзлари билан айтганда «мустақиллик ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир»¹. Бу ютуқни қўлга киритиш учун халқимиз юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилиб гоҳида зимдан, гоҳида очиқ кураш олиб бордилар. Бу курашларда озодлик учун, Ватан мустақиллиги учун жонини фидо қилган фарзандларидан ажралдилар. Ватан мустақиллиги учун йўқотиш қанчалик кўп бўлмасин, халқимизни мустақиллик озодлик тўйғуси ҳеч қачон тарк этмади, чунки бу қонуният эди. Бу қонуниятнинг моҳияти шунда эдики, ҳар бир халқ Мустақил давлат түзиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи табиатдан, аниқроғи, Оллоҳ Таолодан берилган муқаддас инъомдир. Қолаверса, жаҳон халқлар эътироф этган энг олий даражадаги ҳуқуқий тамойилдир.

Инсон дунёга келар экан, у туғилган, киндик қони тўкилган шу тупроқ, замин ҳавосидан ва ҳидидан илк бор нафас олади. Шу дақиқадан бошлаб, унинг учун энг муқаддас нарса бу Ватан туйғуси бўлиб, инсон руҳиятига жо бўлади. Шундай экан, Ватанини севган ҳар

бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз Ватанини озод ва эркин бўлишини дилдан ҳоҳлайди. Ҳар қандай босқинчиликка қарши нафрат билан қараб, босқинчиларга қарши кураш олиб боради.

Хўш, кучли давлатларнинг ўзга мамлакатларни бо-сиб олиши, мустамлакага айлантириши, унинг аҳолисини асоратга солиши, инсон ҳуқуқларини ва эркини поймол қилиши, ер ости ва устидаги бойликларини талаб кетиши, инсоний ахлоқ мезонига тўғри келмаслиги, ҳар бир онгли инсонга маълумдир. Лекин инсоният бундай ҳолатлар қадимдан, дунёning турли бурчакларида тез-тез қайд этиб турилади. Хўш ана шу адолат мезонининг чегарасидан чиқиб кетишнинг сабаби нимада? Бунинг сабаблари кўп, лекин битта аниқ сабаби шундаки, яъни босқинчи давлатларнинг ҳайвоний, йиртқичлик нафсини инсонийлик моҳиятидан устун келишидадир.

Марказий Осиё давлатлари жойлашган географик кенглиқ, айниқса, Узбекистон Республикасининг ҳудуди қадимдан босқинчи зўравон давлатларнинг диққатини ўзига тортиб келган, чунки бу ҳудуд Шарқ билан Фарбни, Шимол билан Жанубни боғланишида энг қулай чорраҳада жойлашган бўлиб, табиати ҳам ўзига хос бетакрор хусусиятларга эга, ҳамда тупроғи серунум ва ер ости бойликлари масаласида ҳам жуда катта заҳираларга эга бўлиши билан бирга хилма-хилдир. Президентимиз И. А. Каримов сўзлари билан айтганимизда: «Амалда, Менделеев жадвалидаги ҳамма минераллар Республикамизда бор»² бўлганлиги босқинчиларни икки карра қизиқишини оширгандир.

Шунинг учун ҳам қадимдан Узбекистон давлатига кўплаб босқинчилик ҳаракатлари бўлиб турган. Лекин ҳар доим эркесвар жафокаш ҳалқимиз босқинчиларнинг босқинида бир умр қолиб кетмасдан, ўз мустақиллиги учун кураш олиб борганлар. Узоқ ўтмиш тарихимиздаги босқинчилик ва озодлик ҳаракатлари тўғрисида сиз ҳалқимиз тарихидан кўплаб маълумотларни биласиз.

Келинг, биз инсонлар камолатига эришган, ҳалқаро муносабатларнинг мукаммал механизмлари ва принциплари, ҳуқуқий асослари қарор топган XIX аср охири XX аср бошларидағи тарихи босқинчилкларни кўриб чиқайлик. Бу даврга келиб миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий норматив актлари, иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг тенг ҳу-

ли хил қўшимча солиқлар тўлаши ва ҳар хил натурал хизматларни бажаришлари керак эди.

Масалан, текинга ариқ қазиш, армияга от бериш ва бошқа турдаги солиқлар ҳалқни ҳолдан тойдирди.

Қаттиқ социал-сиёсий, иктисадий ва миллий мустамлакачилик зулми, маҳаллий ҳалқ оммасига Чор Россиясининг мустамлакачилик зулмига қарши норозиликнинг кучайишига қўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлди.

Бундай қўзғолонлар 1872 йилда Чирчиқ, 1875—1876 йилларда Қўқонда, 1885 йилда Фарғона вилоятининг Андижон, Уш, Маргилон уездларида, 1892 йилда Тошкент шаҳрида кўтарилди. Жумладан, 1875 йил 9 октябрь куни эрталаб Қўқон шаҳрида қўзғолон бошлиниб, қўзғолончилар хон Үрдасига ҳужум қилишди. Қўзғолоннинг шиддатли тус олаётганини кўрган Насридинхон қочиб кетишга мажбур бўлган. Шундай килиб, Қўқон хонлиги тахтига даъвогар бўлиб, Пўлатхон қолди. Пўлатхоннинг обрўси кундан-кунга ошиб борди. Ҳаттоқи, Туркистон генерал-губернаторлиги волостларида ҳам қўзғолончилар тарафдорлари кўпая борди. Айрим жойларда қуролли чиқишилар ва Пўлатхон томонга ўтганлар ҳам бўлган. Масалан, 1875 йилнинг 8 ноябрида матачоликлар Қўқон хонлигидаги қўзғолонга қўшилишига қарор қилганлар. Улар волост бошқарувчиси Мирза Ҳакимни асрга олиб, Қўқонга жўнатишган ва қаландар Мирзохунни ўзларига бошлиқ қилиб сайлаганлар.

Зарафшон округи бошлиги А. Абрамовнинг буйрутига биноан штаб капитани Арандаренко бошчилигига жазо отряди тузилиб, матчоҳ қўзғолонини бостиришга юборди, улар қаршилик кўрсатган қишлоқларни ер билан яксон қилиб, ёшу-қарини аёвсиз қирдилар. 18 ноябрь куни эрталаб еттида Пичугин бошчилигидаги жазо отряди Ашоба қишлоғига ҳужум қилишган. Ашоба қишлоқ аҳолиси кўплаб қурбонлар берсаларда қаттиқ, қаршилик кўрсатдилар. Ҳатто қишлоқ аёллари чор аскарларига пичноқ билан ташланиб, тошлар ёғдирдилар. Босқинчилар гўдакларни ҳам, аёлларни ҳам аяшмади бутун қишлоғда ўт қўйишиди. Қўзғолон шафқатсизлар бостирилди. Шундай ҳаракатлардан янга бири 1892 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ҳаракатнинг тарихга «Холера қўзғолони» номи билан кирдилди май ойнда шаҳарда холера — тарқалибдан кўпроқ, кишини олиб кетди. Ҳукумат

фот этган кишиларни факат битта қабристонга күмишга рухсат берди. Эпидемстанция ходимлари рухсатсиз күмилган мурдаларни қайтадан олиб, бошқа жойга күмишга мажбур қилди. Бундан норози бўлган аҳоли 24 июнь 1892 йили қўзғолон кўтардилар.

Қўзғолон бошланишига холера бир барона бўлсада, асосий масала ҳалкнинг социал-иктисодий аҳволи эди. Қўзғолонда 5 киши ҳалок бўлди, 80 киши Анҳорда чўқиб ўлди, 60 кишини хукумат қамоққа олди, 8 киши ўлим жазосига, 15 киши 2 йилдан қамоқ жазосига хукм қилинди.

XIX асрнинг охириларида озодлик ҳаракатининг энг каттаси «Андижон қўзғолони» номи билан машҳур бўлган қўзғолон Фарғона водийсида бўлиб ўтди. Бу қўзғолон «Дукчи Эшон» (Мадали Эшон) номи билан аталади.¹

12 май 1898 йили Турк султони Мадали Эшонга олтин узук ва яшил байроқ (ислом байроғини) юбориб ғазоват уруши эълон қилишга даъват этади. 17 май 1898 йили 500, баъзи бир маълумотларга қараганда 2000 кишилик отряд билан Мингтепа қишлоғидан Андижонга қараб юриш бошлади. Отряд қилич, пичоқ, болта, кетмон билан қуролланган эди. 18 майда рус гарнизонига ҳужум қилинди, 22 рус солдати ўлдирилди. Қўзғолон тезлик билан бостирилди. Наманганд, Андижон, Марғилон ва Фарғонада қўзғолон хайриҳоҳлари ва иштирокчилари қамоққа олинди. Мадали Эшон иши масаласида 546 киши қамоққа олинди, 18 кишини осиб ўлдиришга, 147 кишини 20 йил қамоқ, 15 киши Сибирга сургун қилишга, 15 киши 4 йил қамоқ жазосига хукм қилинди.

XIX асрнинг охиридаги тарқоқ, кичик-кичик турұхлар томонидан кўтарилиган, қўзғолонларнинг хеч қандай қиёнчиликсиз бостирилишининг сабабларини биз юқорида қайд этиб ўтдик. Яна шуни кўшимча қилиш керакки, озодлик ҳаракатининг ташаббускорлари яхши қуролланмаган тайёргарликсиз аниқ программасиз, максадсиз жаңгга бордилар.

Юқорида келтирилган мисолларимиз шунки кўрсатаси, XIX асрдаги ҳаракатлар қанчалик бўш ва кучсиз шишига қарамай, ўзбек ҳалқининг ватанпарварлик қанчалик қучли эканлигини, ўз ватанининг тўпроғидас хисоблаб, бөсқинчи колонизаторларнинг айёл қўймаслик учун кураш олиб боришникларини кўрсатди.²

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий буржуазия ва помешчиклар, ҳамда савдоғарлар халқнинг озодлик ҳаракатига етакчилик қилмадилар, аксинча, халқнинг қаҳру-ғазабидан қутилишининг энг осон йўли рус тўраларининг паноҳига бекиниш деб билдилар.

XIX асрнинг охириларида Урта Осиё халқлари орасида кўтарилаётган озодлик ҳаракатини бостириш учун Чор Россияси қўлидан келган барча чора тадбирларни кўрди. Босқинчилар бу халқни ўз мустақиллиги учун қатъий кураш олиб боришлигини кутмаган эдилар. Лекин тарихий жараёнларни ривожланиши Чор ҳукуматини қаттиқ шошилтириб қўйди. Улар Ўрта Осиёда ўзларининг мустамлакачилик мавқенини мустаҳкамлаб олиш мақсадида, бу ўлкада давлат бошқаришни ҳарбий, полициялашган тартибга ўтказдилар. Ҳарбий полиция ходимларига, истаганларича бебошлик килиш йўли билан бўлсада, маҳаллий халқни итоатда ушлаб туришлари учун сиёсий, ҳуқуқий шароит яратиб бердилар. Маҳаллий халқларни итоаткорлигини кучайтириш мақсадида Туркистонни бешта вилоятга жумладан, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув ва Закаспийга бўлиб юбориб, ҳар бир вилоядта алоҳида губернаторлик лавозимини ташкил қилдилар. Вилоятлар ўз навбатида уездларга бўлинниб, уезд ҳокимлари томонидан идора қилинарди. Уезд эса участкаларга ажратилиб, уларнинг тепасида полиция приставлари турарди. Уезд ҳокими ва полиция турли уйдирма «сабаблар» билан истаган кишини жаримага дучор қилиш, агар «айби» оғирроқ бўлса, ҳарбий суд жавобгарлйигига тортиш учун расмий ҳуқуқларга ҳам эга эди. Арзимаган баҳона билан меҳнаткашларни савалаш, ҳақоратлаш полиция маъмурлари учун одат тусига кириб қолган эди.

Подшо маъмурларининг шафқатсизлиги, кенг халқ оммасининг мустамлакачиларига нисбатан қаҳр-ғазабни кучайтирди. Колонизаторлар ўзларининг зўравонлик сиёsatларини ўтказишда маҳаллий эксплуататор табакалари — бойлар, мусулмон руҳонийлари, қози-калонлардан фойдаланиш учун уларни қўйи маъмурий бошқармаларига жалб қилди. Мана шу бадавлат гурухлардан волость ҳокимлари, қишлоқ оқсоқоллари, шаҳарлардаги даҳаларнинг мингбошилари, маҳаллий элликбошилар, ҳамда маҳаллий судья — қозилар сайланар эди. Бу муаммолар ҳам меҳнаткашлар учун дард устига чипқон бўлди. Улар халқни аёвсиз эзид талонтарож қилдилар.

Чор амалдорлари меҳнаткаш оммадан турли-туман маблағлар, солиқлар, жарималар йиғиб, янада бойиб бордилар. Чор Россиясининг бундай талон-тарожлик, сиёсати маҳаллий халкларнинг нафратини янада кучайтириди, миллий бирликни, уюшқоқликни вужудга келтирди. Эзилган, камситилган ҳақ-хуқуқлари поймол қилинган халқ мустакиллик озодлик кураши йўлида ўзаро бирлашдилар.

Тарихий миллий озодлик ҳаракати ҳақида гап борар экан, албатта шу ҳаракат тепасида турган кишиларни ҳам эслаб ўтиш лозим. Ўрта Осиё халқлари 150 йилга яқин чоризм мустамлакачиларининг зулми остида яшадилар. Шу узоқ йиллар давомида Марказий Осиё халқларининг мустакиллиги учун кураш олиб борган афсонавий қаҳрамонлар етишиб чиқдими, деган савол туғилади ва бундай қаҳрамонлар кўп бўлганлар.

Шулардан бири узоқ йиллар давомида озодлик курашига бошчилик қилган қозокларнинг Ўрта жўз хони Кенсархоннинг ўғли Султон Содик ҳисобланади. У жанг майдонларида тобланади, рус армиясининг ҳарбий тактикасини ўрганади. У Россия империясининг узоқ муддатга мўлжалланган босқинчилик режаларини, ҳатто Ҳинд океанига чиқиш нияти борлигини ҳам англаб етди. Содик Авалиё ота (ҳозирги Жамбул), Туркистон, Чимкент шаҳарлари ҳимоясида жонбозлик кўрсатди. Қўқон қўшинларининг қўмондони, Амир лашкари, Алимқул доддоҳ билан Тошкент ҳимоясида қатнашиди. Алимқул доддоҳ Шўртепа қишлоғида хоинлар томонидан отиб ўлдирилганидан сўнг, тўпчиларга қўмондонлик қилиш Султон Содикқа юклатилган. Содик Марғилонда, ҳамда Андижондаги заводда ишланган замоналий тўплар билан рус қўшинлари ҳужумини қайтаришга ҳам әришган эди. Лекин қаттиқ жанг кетаётган, бир пайтда жосуслар томонидан тўпларнинг лўқидони ўғирланади, өқибатда тўплар жант учун яроқсиз бўлиб қолади. Бу ҳолат жангни муваффақиятли боришига салбий таъсир кўрсатади. Тошкент руслар томонидан ишғол қилишади. Шундан сўнг Султон Содик курашни давом эттириш учун Бухоро амирлиги ихтиёридаги Жиззахга бориб, унинг ҳимоясини ташкил этишда қатнашиди.

Жиззах ҳимоячилари рус қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, лекин кучлар нисбати тенг эмас эди. Шу сабабли Жиззах ҳимоячилари енгиладилар. Содик Зирабулоқ, жангда қатнашиб фидойилик кўрсатади.

Бухоро амири қўшинлари Зирабулок; жангиде енгилиб Бухоро хонлиги Россиянинг вассалига айланади. Бухоро амири билан Султон Содиқ, ўртасидаги яқинликни сезган чор ҳукуматининг маъмурлари Султон Содиқни тутиб беришларини Бухоро амиридан талаб қилади, лекин амир сиёсий найранг ишлатиб, Содиқни Нуротага юборади ва унга Россия ҳамда Бухорога қарши чиккан киши сифатида бўлишни маслаҳат беради. Содиқ Нуротага ўз кишилари билан ўрнашгач, Содиқقا қарши Бухоро ва рус қўшинлари юборилади. Лекин Содиқ қуршовда қолмасдан ўз қўшинлари билан аллақачон Қизилкўм орқали Ҳоразмга ўтиб кетган эди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон биринчи рус қўшинларига қарши мудофаа чораларини кўра бошлайди. Рус қўшинлари Хива хонлигини босиб олиш учун Манқишлоқ, Нурота, Қизилкўм, ҳамда Қорабўғоз чўли томонидан ҳужум бошлаб юборади, уч тарафдан қуршалган Хива қўшини мағлубиятга учрайди. Содиқ Хивадан Қорақум томонга туркманлар орасига чекинади. Содиқ Туркманбонидан йигирма минг кишилик лашкар тўплаб берса, рус қўшинларини батамом Урта Осиё ва Қозогистон тупроғидан ҳайдаб чиқаришга сўз беради. Аввалига бу таклиф қабул қилинади, лекин баъзи бир сабабларга кўра кейинчалик рад этилади.

Шундан сўнг Султон Содиқ Қорақум ва Амударёдан ўтиб, Қашқадарё ва Сурхондарёда рус қўшинларига қарши курашаётган амир Музаффархоннинг ўғли Абдулмалик тўра ҳамда Жўрабек додҳоҳлар ҳузурига бориб, озодлик учун бўлаётган жангларда қатнашишни давом эттиради. Абдулмалик тўра билан Султон Содиқнинг биргаликда олиб борган кураши ўн йилларча давом этади. Қашқадарё ва Сурхондарёда рус қўшинлари билан бўлган жангда русларнинг қўли устун келади, сўнг Абдулмалик тўра ва Содиқ Бадахшонга бориб курашни давом эттирадилар. Бадахшонда Абдулмалик тўра билан Султон Содиқни инглизлар разведкаси таъқиб қила бошлайдилар. Ҳатто инглизлар томонидан Содиқни русларга тутиб бериш хавфи пайдо бўлади. Шўнга кўра, Султон Содиқ Бадахшондан Шарқий Туркистонга бориб, Хитой босқинчиларига қарши курашаётган Ёкуббек Бадавлатга кўшилади, озодлик учун курашни давом эттиради. У Қашқар қалъаси ҳимоясида иштирок этади. Лекин Ёкуббекнинг ўлимидан кейин армияда парокандалик юз бориб, курашни давом этти-

риш имкони бўлмай қолади ва Қашқар қалъасини ташлаб чиқишга мажбур бўлади.

Султон Содик 1850 йилдан 1880 йилга қадар чор мустамлакачиларига, Бадаҳшонда эса инглизларга ва Шарқий Туркистонда Хитой босқинчилариға қарши кураш майдонида мардонавор жанглар олиб боради. Бу жангларда кўпгина объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўзининг олий мақсади бўлмиш Туркистоннинг мустақиллигини, озодлигини таъминлай олмайди. Белдан қуввати кетиб кексая бошлаган, Султон жангни ноилож тўхтатишга мажбур бўлади. Довюрак Султон уз ихтиёри билан руслар томонидан тайинланган Ўшҳокими ҳузурига келиб, ўзини топширади. Уни Тонкентга олиб келадилар ва император Александр II нинг рухсатига кўра белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқмаслик шарти билан Султон Содик ўзи туғилиб ўсанграйонидаги уз уйида яшашига рухсат берилади³.

Турон замин учун олиб борилган курашларда бу юрт ўғлонларининг бир тану-жон бўлиб кураш олиб борганликларини Султон Содик, Абдулмалик Тўра мисолида кўриб ўтдик. Шу муносабат билан Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги жумлалари жуда уринли айтилган гапдир:

«Тасаввур қилингки, она юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўқин бўлади»⁴.

Ҳақиқатдан ҳам Турон заминида яшаётган барча халқлар учун ота юртимиз Туркистон бирдек азиз ва мўътабар бўлиб келган. Унинг озодлиги мустақиллиги йўлида Туронликлар ҳар доим яқдил ва ҳамнафас бўлиб ҳаракат қилганлар. Биринчи жаҳон уруши ва унинг Ўрта Осиё Халқларининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётига курсатган салбий таъсири халқнинг тўлиб тошган сабр косасини, яна ҳам тошириб юборди. Уруш йилларида Ўзбекистон халқининг қашшоқланиши янада ошиб кетди. Озиқ-овқат маҳсулотлари камайиб, аҳолига ғалла етишмаслиги ва қаҳатчилик белгилари пайдо бўлди. Шаҳар ва қишлоқларда қашшоқлик ва очлик таҳликаси зўрайди. Бу ижтимоий аҳвол Завқийнинг 1916 йилда ёзган «Қаҳатчилик» деб аталган шеърида уз ифодасини топди.

Қаҳатчилик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас бир парча нон вайронамизда,

Улим хавфи ўраб қишлоқларни,
Не қишлоғу жибол авлодларни.
Қирилди қанча одамлар ва бадан
Нишона қолмади меҳру вафодан⁵.

Үруш йилларида рўй берган оғир аҳвол Туркистон ҳалқларининг норозилигини ва газабини оширди. Миллий озодлик ҳаракатини кучайишига олиб келди. Бунинг устига 1916 йил 25 июнда подшо Николай II нинг «Империядаги бегона ҳалқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги армия районида ҳарбий иншоотлар ва, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар хил ишларга жалб этиш» түгрисида фармони эълон қилинди, фармонга мувофиқ уруш давомида 19 дан 43 ёшгача бўлган барча эркаклар уруш манфаати учун ҳар хил ишларга мажбурий сафарбар қилиш буюрилдиц. Сафарбарликни биринчи даврасида Туркистон аҳолисидан 250 минг кишини чақириш мўлжалланганди. Мардикорликка олиш маҳаллий ҳалқларнинг нафратини қузгатиб юборди. Туркистон ўлкасида ҳалқ қўзғолони 1916 йил 4 июнда Хўжанд шаҳрида бошланди. 6 минг кишилик намойишчилар тўдаси полиция маҳкамаси томон юриш бошлади. 5 юнда Самарқанд уезди Ургут қишлоғининг 2 минг аҳолиси волость бошқармасига тўпланиши.

1916 йил 11 июнда Тошкентда бошланган ҳаракатда кўп минг киши иштирок этдиц. Полициянинг қўзғолончиларни қурол ёрдамида тарқатиб юбориш учун қилтани ҳаракати бефойда кетди. Кучайтирилган ҳарбийлар ёрдамида қўзғолонни бостиридилар. Расмий маълумотларга кўра, 15 киши яраланди. Жазо отрядидан эса 7 киши яраланди, 1 киши ўлди.

1916 йили Жиззах қўзғолонини «русларга қарши қаратилган газоват» ёки Жиззахда Назирхўжа эшон, Бағдод волостида Абдураҳмон Жевагиқаби руҳоний шахслар уюштирган «фанатиклар ҳаракати» деб търифланиб келинар эди. Бундай қараашлар мустақиллик учун олиб борилган курашни камситишдан бошқа нарса эмасдир. Жиззах қўзғолони ўзини шиддатлилиги ва қўзғолончилар сонининг кўплиги билан озодлик ҳаракатида алохида ўрин тутади. Бу ҳаракат Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманганд ва бошқа вилоятларга, шаҳарларга кенг ёйилди. Ҳаттоки, Марғилонда ҳокимият қўзғолончилар қўлига ўтди. Бутун ўлкадаги ҳаракатнинг асосий кучи меҳнаткаш ҳалқ: деҳқонлар, ҳунар-

мандлар, ишчилар әди⁶. Қўзғолончилаар фармонга бўй-сунмаслик мардикорликка одам бермаслик каби шиорларни кўтариб чиққан бўлсаларда, бу қўзғолон аслида кун сайин кучайиб бораётган миллий мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракати әди. Ҳаракат иштирокчиларининг бош мақсадида ўлқада миллий мустамлакачилик зулмига барҳам бериш, мустақилликка эришиш ва мамлакатни бошқаришишни ўз қўлларига олишдан иборат әди.

Қўзғолон чор ҳукумати томонидан ваҳшийларча бостирилди. Шунга қарамасдан, 1916 йил қўзғоломи Урта Осиё халқларининг мустақиллик учун кураши тарихида энг оммавий-сиёсий ва амалий ҳаракат сифати тарихда ўчмас из қолдирди. Қўзғолон чоризмнинг бу ўлкадаги ҳукмронлигига катта зарба берди. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Урта Осиё, шу жумладан Узбекистон халқларининг мустақиллиги учун олиб борилган курашида жадидлар ҳаракати муҳим роль ўйнади. Жадидлар ҳаракати ўзининг ижтимоий таркиби, социал қатлами, дунёқараашлари, кўзлаган мақсадлари, ўз мақсадларининг амалга ошириш учун тутган йўллари нуқтаи назаридан бир хил бўлмасада, лекин мазкур ҳаракат иштирокчиларини бир-бирларига яқинлаштирадиган ҳам фикр қиласидан кучларни бирлаштиришга ундейдиган умумий мақсад шу әдики, у ҳам бўлса озодлик миллий мустақиллик ва истиқлол муаммоси әди.⁷

Жадидчилик ҳаракати Урта Осиёнинг, шу жумладан, Узбекистоннинг турли минтақаларида турлича кечган бўлишига қарамасдан, жадидлар мустақиллик учун, озодлик учун, миллий руҳ, миллий қадриятлар учун курашдилар. Мустамлакачилик зулмига инсон ҳуқуки ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Мустақилликка эришиш, халқнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий онгини ўстириш учун кенг миқёсда тарғибот ишларини олиб бордилар. Улар турли Хил жамиятлар, ширкатлар, нашриётлар, китоб магазинлари, жамоатчилик кутубхоналари ташкил қилдилар. Турли хил номларда, тилларда газета ва журналлар нашр қилди, уларнинг саҳифаларида ижтимоий ва миллий мустамлакачилик зулмини мустаҳкамлаш мақсадида ўрнатилган тартибларни танқид остига олдилар: чор маъмурлари, уларнинг маҳаллий малайлари — мингбошилар, оқосоқоллар, амир ва хонларнинг, амалдорларнинг талончилик, зўравонлик сиёсатини, давлат органларида авж олиб

бораётган ўзбошимчалик, қонунсизлик тўрачилик каби иллатларни фош қилдилар.

Жадидлар мустақиллик ва истиқлолга эришишнинг моддий ва маънавий заминини яратиш масаласига алоҳида эътибор бердилар. Улар маҳаллий саноатни ривожлантириш, миллий банклар очиш йўллар, суғериш иншотларини қуриш қишлоқ хўжалигини, ички ва ташқи саёдони тараққий этгириш, мамлакатдан фойдали ва қазилмаларни ва бошқа бойникларни ташиб кетилишини чеклаш, мамлакатда яратилаётган хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилишга эришиш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини олиб кириш каби долзарб муаммоларни кўтариб чиқдилар.

Жадидлар мамлакатнинг озодлигини, мустақиллигини замонавий билимлар билан қуролланган етук мутахассисларсиз тасаввур эта олмадилар. Шу муносабат билан маҳаллий халқнинг болаларидан замонавий кадрлар тайёрлашга: алоҳида эътибор бердилар. Бу масалани ҳал қилишда маҳаллий бойларни бевосита иштирокини таъминлаш учун кўпгина саъи ҳаракатлар қилидилар. Европа мамлакатларининг бойлари билан Туркистон бойлари ўртасидаги тафовут тўғрисида ниҳоятда қайгуриб ёздилар. Бу масалани ҳал қилиш учун жадидлар маҳсус жамиятлар, жамғарма фондлари туздилар. Россия, Туркия шаҳарлари маҳаллий халқнинг фарзандларини ўқишига юбордилар. Халқ, ўртасида маърифатчиликни кенг тарғиб қилдилар. Умуман улар мустақилликка эришишнинг асосий воситаси, деб юкори даражага кўтарилилган интеллектни қўйдилар. Мустақиллик ва истиқболни қурол йўли билан эмас, балки тинч йўл билан қўлга киритишнинг тарафдорлари эдилар.

Жадидларнинг йирик намояндадаридан бўлган Махмудхўжа Беҳбудий, Абдурашидхон Мунаввар кори, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг ижтимоий ва сиёсий программалари юқорида баён этилган фикрлар асосида қурилган эди. Жадидларнинг олиб борган ҳаракатлари Ўзбекистон халқининг мустақиллик учун олиб борган курашида алоҳида даврни ташкил этди. Бу даврнинг хусусияти шундан иборатки, улар ўз мамлакатининг иктиюдий, сиёсий маърифий қолоқлигини, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига, социал, миллий камситишларига ва хорланаётганликларига қарши кураш олиш боришида халқнинг кўзини очди.

Жадидлар ўзларининг ижтимоий сиёсий қараашлари билан яшаб турган тарихий тараққиёт даражасидан анча илгарилаб кетган эдилар. Улар ўз Ватамларини Европа мамлакатлари даражасига кўтариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашга тайёр эдилар. Давлат бошқариш масалаларида ҳам Европада кенг тарқалган демократик бошқариш формасини жорий қилиш мақсадида кенг тарғибот ишларини олиб бордилар. Улар мамлакат ҳаётига демократик сиёсий-ҳуқуқий институтларни жорий қилиш мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий-сиёсий тараққиётининг муҳим омили деб ҳисоблади ва бунинг учун ҳалқни билимли, маърифатли қилишга курашдилар. Уларнинг сиёсий программалари нинг марказидан ўрин олган асосий масала маърифат ва маънавиятни тинмай ривожлантириш бўлганилиги ҳам бежиз эмас эди. Жадидлар ўзларининг сиёсий программаларини амалга ошириш учун кураш олиб борар эканлар, бу билан улар эзилган, топталган, ҳуқуқий камситилган ҳалқнинг қалбига озодлик кураши алангасини жо қилдилар.

1917 йил Февраль буржуа-демократик инқилобнинг галабасига катта умид боғлаган, ҳалқимизнинг илғор катлами, озодлик курашини янги босқичга кўтардилар. Кураш майдонида янги ижтимоий-сиёсий кучлар, ҳаракатлар, жамиятлар, партиялар ва турли сиёсий ташкилотлар пайдо бўлди. Бу масалада руҳонийлар ҳам фаолият кўрсата бошладилар. Булардан «Шурой—Уламо», Тошкентда «Шурой—Исломия», Самарқандда «Мусулмонлар клуби», «Мирватул Ислом», Андижонда «Озодхалқ», «Мифтахул Маориф», «Саноул Ислом», Қўқонда «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи», Каттақўрғонда «Равнақул Ислом», Хўжандда «Муайин-аттолибин» ва шу каби ташкилотлар.¹

Туркистоннинг ҳар бир шаҳарида ташкил топди². Буларнинг асл мақсади битта бўлиб, у ҳам бўлса мустақилликка эришиш эди. Шунинг учун ҳам ҳуррият даври келганидан руҳланган ҳалқ ўз бахту-саодати учун кураш байроғини баланд кўтариб, мустақиллик учун интилиш кескин, очиқдан-очиқ сиёсий тус олди. Бу ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кўпчилигининг программаларида Россия демократик республикаси таркибиға кирувчи Туркистон муҳториятини ташкил қилишғояси илгари сурилган эди.

Россия демократик республикаси таркибиға муҳторият қандай иқтисодий-сиёсий ҳуқуқларни ўз қўллари-

та олишни кўзда тутган эдилар. Туркистон мустақил булиб, ўзининг ваколати доирасида қонунлар чиқариш, давлат тузилмаларини, давлат чегараларини ўзлари қўриқлаш учун ўзининг армиясига эга бўлиш, хорижий мамлакатлар чегараларида ўзларининг божхонасини ташкил этиш, муҳториятнинг ўз хазинасини ва давлат банкини ташкил қилиш, ўз пулига эга бўлиш, ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш ҳуқуқларига эга бўлиш эди. Албатта, Мустақиллик миллый озодлик учун кураш олиб борган ташкилот ва ҳаракатларнинг ҳаммасини ҳам программаси факат прогрессив руҳда эди, деб айтиб бўлмайди. Лекин уларнинг ҳаракатларидағи айрим иккиланишларидан катъий назар, мамлакат озодлиги учун, ўз халқининг эрки ва мустақиллиги учун кураш олиб бордилар.

1917 йил Октябрь инқилобидан кейин вазият ўзгарди, ҳокимият большевиклар партияси раҳбарлигидаги солдат ва ишчи-депутатлари совети қулига ўтиши муносабати билан ўлгадаги миллый озодлик ҳаракати янада жонланди. Сабаби совет ҳокимияти ҳамма халқларга тинчлик, тенглик, озодлик, миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш каби ҳуқуқларни беришни ваъда килдилар, лекин амалда чор ҳукуматининг мустамлакачилик шовинистик зўравонлик сиёсатини бир мунча бошқачароқ тарзда давом эттирадилар. Ҳатто баъзи бир холатларда чор ҳукумати сиёсатидан ҳам ўтказиб юбордилар. Бунга жавобан маҳаллий халқнинг норозилик ҳаракатлари кучайиб кетди.

Миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тинч парламент йули билан амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етган, маҳаллий халқ вакиллари 1917 йил 26—28 ноябрь кунлари Қўқонда ўлка умуммусулмонларнинг фавқулодда съездига тўпланиб, «Туркистон Муҳторияти» («Қўқон Муҳторияти») ташкил этилганлигини эълон қилдилар.

Лекин 1918 йил 23 январда Туркистон советларининг IV ўлка қурултойи Қўқон Муҳториятининг Муваққат ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари, деб эълон қилди ва қурол-яроғи деярли бўлмаган муҳториятчилар жойлашган эски шаҳарни тўплардан ўққа тутиб, йўқ қилиб ташладид Муҳториятга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли ҳам катта зарар кўрди⁸. Бу сиёсий воқеалардан хulosа чиқарган Узбекистон халқи ўз Мустақиллигини қурол ёрдамида ўз қўлига олиш учун курашнинг бошқа воситаларига ўтдилар. Бу тарихга

«босмачилик» номи билан кирган, аслида эса миллий озодлик ҳаракати эди.

Мустақиллик учун курашнинг турли воситаларидан фойдаланилди. Ўзбек халқининг асл фарзандлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовга ўшаган давлат арбоблари юқори минбарлардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби ёзувчиларимиз матбуотдан, адабиёт ва шеъриятдан фойдаланиб, халқни Мустақиллик сари курашга даъват этдилар. Лекин 30-йилларда Мустақиллик учун, озодлик учун қилинаётган ҳар бир ҳаракат тоталитар тузумнинг назаридан четда қолмади. Чекка ўлкалар деб аталмиш миллий Республикаларнинг аҳолисини ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир ҳаракати марказ томондан назорат остига олинди. Миллий нуқтаи назардан ганирилган ҳар бир сўз учун миллатчи сифатида қаттиқ жазога тортилдилар.

Ўзбекистон халқи 30-йилларда миллий Мустақиллик учун олиб борган курашларида жуда Кўплаб асл фарзандларини йўқотдилар. Бу даврда ҳўлу-қуруқ барабар ёнди. Айбдор ҳам айбсиз ҳам таъкиб қилиниб, миллатнинг гули ҳисобланмиш зиёлилар турли сабаб, баҳоналар билан йўқ қилинди.

30—40-йилларда ўзбек зиёлиларининг мустақиллик учун олиб борган кураши шу билан характерлики, яъни улар Ўзбекистонни иқтисодий мустақиллигини тиклаш учун курашдилар. Сиёсий мустақиллик умуман Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиниб, мустақил давлатга айлантириш ҳақида бирон оғиз гап айтиш ўлим билан тенг эдм. Чунки юқорида айтганимиздек, бу даврда «Давлат хавфсизлик комитети»нинг суд прокурор ва алоҳида бўлими бошлигидан ташқари «учлик», деб атальувчи қотиллик ва адолатсизлик билан тўлиб тошган гурӯҳ иш олиб борар эди. Бу гурӯхнинг иштирокчилари кўплаб бегуноҳ қишиларнинг умрларига завол бўлдилар. Лекин шунга қарамасдан, ҳар қандай тўсиқлар, манъ этишлар, озодлик учун ҳуррия учун улар йўлини тўса олмади. Албатта, 50-йилларда ўз қарашларини эркин билдириш, республика манфаатларини кўзлаб, бирон бир ғояни илгари суриш ўта хабфли эди. Шундай бўлсада, 50—60-йилларда ҳам халқимиз орасидан мустақиллик миллий манфаат тўғрисида ўз фикрларини айтувчилар топилди. Бундай қишилар қаттиқ таъкиб остига олинди ва қамоқ азобларини тортдилар.

Хулоса қилиб айтганимизда мустақиллик миллий

озодлик ўзига хос бир азиз ва муқаддас туйғудирки, бу туйғудан ҳар қандай инсон ҳам воз кечолмайди. Шундай экан, мустамлакачилик азобини тортаётган халқнинг қалбидан Ватан мустақиллиги, озодлиги түйғусини чиқариб ташлаш мумкин эмас. Ўзбек халқи ҳам бу муқаддас туйғуни доимо авайлаб асраб тоҳо очик, тоҳо яширин кураш олиб бориш билан бирга озодлик мустақиллик учун қулай тарихий шарт-шароитни юзага келишини кутдилар.

1-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

- 1 И. А. Каримов, «Ўзбекистоннииг ўз истиқолол ва тараққиёт йули», Т., «Ўзбекистон», 1992 йил, 23-бет.
- 2 И. А. Каримов. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули». Т., «Ўзбекистон», 1993 йил, 34-бет.
- 3 К. Махмудов. «Озодлик қаҳрамонлари ёд этайлик», «Фан ва турмуш». З-сон. 1990 йил, 12—13-бетлар.
- 4 Завқий. Таинланган асарлар тўплами. Т., «Ўзбекистон», 1958 йил, 87-бет.
- 5 Х. Т. Турсунов. «Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане». Т., изд. УзССР. 1962 г. 428 стр.
- 6 С. Аъзамхўжаев. «Шўрои Исломия асли қандай эди». «Фан ва турмуш». 5—6-сон, 1992 йил, 18-бет.
- 7 Н. Норқулов. «Мухториятнинг тугатилиши». «Фан ва турмуш». 8-сон, 1990 йил, 8—9-бетлар.

2-мавзу

УЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИ. МУСТАКИЛЛИК САРИ ЙУЛ ТУТИЛИШИ

РЕЖА:

1. Собиқ Иттифоқида жамиятни қайта қуришнинг объектив заруратга айланиши. Мафкуравий ўякка ҳоқимлик таъсирини сусая бориш сабаблари.

2. «Кадрлар десанти», «Пахта иши» каби марказдан олиб борилган тадбирлари ва уларнинг салбий оқибатларга олиб келиши.

3. Узбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисида Олий Кенгашнинг қарори, Марказ билай Узбекистоннинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятнинг тобора кескинлашиб бориши.

4. 1991 йил 19—21 август кунларидаги фожиали воқеалар. СССРнинг тақдири тўғрисидаги масалага Узбекистоннинг муносабати.

60—80 йилларга келиб собиқ СССРнинг ижтимоний ҳаётини ҳамма жабҳаларида вазият ўзгариб кескинлашиб борди. Жамиятнинг барча соҳалари инқирозга юз тутди. Бунинг сабаблари нимада эди? Нима учун қайта қуриш собиқ Иттифоқ учун объектив заруриятга айланди? Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор эди. Иқтисодий соҳада инқирозни юзага келишидаги асосий сабаблари:

60-йиллардаёқ иқтисодий зиддиятлар кучайиб бораётгани, амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллиги яққол наимён бўла бошлаган эди. Иқтисодийтнинг ривожланиш суръати кескин пасайди. Унга бўлган сарф ҳаражат орта бошлади. Моддий бойликлар ва маблаглар тақчиллиги аниқ кўриниб қолди. Иқтисодий воситалар ва омиллар амалда ишламади. Ишлаб чиқаришни техникивий ривожлантиришда ва ағоли турмуш даражасида Фарб мамлакатларидан анча орқада кола бошлади. Илғор иқтисодчи товар ишлаб чиқариш тарафдорлари-

нинг бозор муносабатларини қайта тиклаш тўғрисидаги даъвати инкор этилди.

Бошқарувнинг тармоқ принципини кучайтиришга, қишлоқ, хўжалигини индустрлаштиришга, корхоналарга катта иктисадий эркинлик беришга фаолиятини баҳолашда қиймат кўрсаткичларига ўтишга қаратилган 1965 йилги иктисадий исолхот ишлаб чиқариш муносабатининг туб моҳиятига даҳл қилингани йўқ ва шу бойисдан кўзда тутилган натижалар иктисиётини жонлаштиришга өлиб келмади.

Консерватив маъмурий тузум, иктисиётига партиявий раҳбарлик ва унинг ҳаддан ташқари мафкуралаштирилганини доирасида кейинчалик иктисиётини ислоҳ қилиш йўлидаги бошқа уринишлар ҳам (1979 йилги режалаштириш тизимини ислоҳ қилиш, 1987 йилги хўжалик механизмини ислоҳ қилиш ва бошқалар) кам самара берди. Аксинча, сўнгги ўн йиллар мобайнида соҳта обру ортириш мақсадида қабул қилинган ва мавжуд имкониятларни ҳисобга олмаган ижтимоий, озиқ-овқат, аграр-энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иктисадий қарама-қаршиликни чуқурлаштириб юборди. Натижада иктисиётини батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий маблағлар тақчилигини даҳшатли тарзда ўсишига ташқи қарзлар кўпайишига олиб келди. Энг асосийси шу бўлдики, меҳнатни рағбатлантириш тизими бузилди. Бу эса одамларнинг ижтимоий руҳияти салбий томонга ўзгаришига олиб келди. Тайёрга айёрлик боқимандалик кайфиятларини келтириб чиқарди. Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услугуб ва усуллари иктисиётининг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлиши, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишига қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди.

80-йилларда иктисадий инқирознинг кучайиб бориши сабабларини очиш, уни бартараф этиш йўлларини топиш борасида, уринишлар ҳам муваффақиятсизликка учради. Ишлаб чиқариш суратининг пасайиш сабаблари ривожланишининг экстенсив омиллари тугаганлигидадир, деб юзаки тушунилганини устувор тармоқларни ажратмасдан, ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ривожлантирилиши тўғрисида мотўғри қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу ҳол пиравард натижада, чекланган маблағларнинг парокандада бўлиб кетишига, молия ва таъминот тизимининг ба-

тамом издан чиқишига олиб келди. Инқирозни чуқурлаштириди»¹.

Мамлакатнинг катта моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланила олинмади. Ишлаб чиқаришга ривожланган мамлакатларнинг техника ва технологиясиға рақобат қила оладиган техника ва технология олиб кирилмади. Ишлаб чиқарининг талаб ва таклиф коидаларига риоя этилмади. Икки сиёсий система ўртасидаги қарама-қаршилик геосиёсатдаги зиддиятга катта эътибор бериш, ҳамда ўзининг сиёсий, иктиносий мағкуравий таъсир зонасини кенгайтиришга берилиб кетилиши, ҳарбий ишлаб чиқариш комплексини катта куч билан ривожлантиришга мажбур этди. Бунинг оқибати шунга олиб келдик, яъни бир мамлакатнинг маъблағини асосий қисми ҳарбий саноатни ривожлантиришга сарфланиб, ҳалқ хўжалиги ва социал, маданий, маърифий, медицина ва бошқа соҳалар узлуксиз равишда иктиносий танқисликни яққол ҳис қилиб келдилар. Бу эса ўз навбатида кишиларнинг маданиятига ва маънавиятига катта салбий таъсир кўрсатди. Иктиносий соҳада мамлакатнинг яна бир катта хатоси шунда бўлдик, «Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иктиносидёти марказдан бошқариладиган ягона ҳалқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айлангандир. Марказ қабул киладиган кўпгина қарорлари Узбекистоннинг манфаатларидан йироқ эди. Хуллас, Чор империяси давридагидек, республика арzon ҳом-ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулотлар сотиладиган қулай бозорга айланиб колаверди, яъни республика ҳом ашё базаси бўлиб келди»². Бундай иктиносий аҳвол, яъни марказнинг каттиқ иктиносий ҳукмронлигини барча республикаларда кўришимиз мумкин эди. Собиқ СССРни таркибиға кирувчи ҳамма республикалар мамлакат манфаати нуқтаи назаридан ихтисослаштирилди. Бу деган сўз бирон-бир республикани моддий, табиий ресурслари, имкониятлари ҳисобига олинмай, у ёки бу соҳага ихтисослашди. Иктиносидёт масаласига марказнинг бундай тарзда ёндошганлигини сабаби нимада деган саволга турлича талкин бериш мумкин.

Масалан: Республикаларнинг ҳар томонлама ривожланишига йўл қўймаслик йўли билан бир-бирига қаттиқ, ҳар томонлама боғлаб ташлаш орқали марказнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш. Токи бирон-бир республика ёки миллат хеч қачон иктиносий ажралиб қолиш-32

дан қўрқиб, мустакилликка давогарлик қилмасин, ёки иккинчи мақсад, у ёки бу имконияти бой бўлган. Ўзбекистонга ўхшаган республикалар ўз имкониятларини ишга солиб, ишлаб чиқариши ҳар томонлама ривожланиб кетиб марказнинг арzon хом-ашё базасидан маҳрум бўлиб, қолмаслиги учун эҳтиёт чораси сифатида шундай механизм қўлланган бўлиши ажаб эмас. Ёки ҳақиқатдан ҳам умумдавлат, умумхалқ манфаатларини яхлит бир бутун деб қараш ҳам асос бўлган, деб фараз килиш мумкин. Лекин бундай қараш ҳақиқий, воқеийликка мутлақо тўғри келмайдиган тушунчадир. Агар собиқ СССР халқларининг манфаатлари бирлиги маъносида иқтисодий сиёсат юритилган бўлса, нима учун давлат ва халқ бойлигини каттагина қисми у республикадан бу республикага юк ташиб учун транспорт воситаларига сарфланди, ўмкониятлардан келиб чиқиб, ҳар бир республиканинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этса бўлмасмиди, деган савол туғилади. Бундай саволларга Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг қўйидаги сўzlари жуда лўнда жавоб бўлади:

«Республика хом-ашё, ёқилғи, ускуна ва технологиянинг айрим турларигина эмас, балки фалла ва қанд, гўшт ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотларни, шунингдек, кўпгина халқ истеъмол молларини ташиб келтиришга мажбур бўлди. Бу, бизнинг назаримизда на транспорт ҳаражатларини, на бошқа сарф ҳаражатларни ҳисобга олмай, ҳар бир республиканинг ҳудудининг комплекс ривожланишига зиён келтирган ҳолда, уларни боқаларга боғлиқ қилиб қўйиш мақсадини кўзлаган империяча сиёсатнинг бевосита кўриниши ва қолдиғидир. Бу масала фақат иқтисодий жиҳати бўлиб, сиёсий жиҳати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тазийкни қайтариш, республикага хос ривожланиш йўллари шаклларини белгилаш борасидаги уринишлар «миллатчилик» сифатида баҳоланиб, уларга дарҳол чек қўйилардиз»³.】

Бу жумлалар марказнинг республикаларга нисбатан тутган иқтисодий сиёсатини туб моҳиятини аниқ очиб беради.

Сиёсий соҳада бутун ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳалари сиёсатга боғланади. Сиёсат қаттиқ мафкуралаштирилиб, ҳаттоқи инсоннинг ҳар бир ҳаракати, оиласвий муносабати, жамоат орасидаги ҳаракатлари, одамлар ўртасидаги муносабатлари, юраётган фикри мафкура нуқтai назаридан таҳлил этилди. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, социал ва иқтисодий сиёсати-

нинг мафкурага ўраб-чирмаб ташланиши, фуқароларнинг эркин мустақил фикрлашларини, ҳаракатларини, қаттиқ мафкуравий чегараланиши одамларда манқуртлик психологиясининг шаклланишига олиб келди. Фуқаролар ҳар бир ҳаракатидан, сўзлаётган фикридан ўзи ҳадиссирайдиган бўлиб, қолдилар. Ижтимоий ҳаётда мафкуранинг кучли салбий таъсири шундан иборат бўлдики, яъни фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик ўз-ўзини танқид қилиши йўколди. Бу ўз навбатида мавжуд сиёсий хатоларни ўз вақтида тўғирлаш, ҳаётдаги камчиликларни бартараф этиш имконияти чеклаб қўйилди. Собиқ совет кишилари учун дунё ҳалқлари иккигуруҳга ажратилганди, яъни дўстларга ва душманларга. Сиёсий мақсадларимиз учун дўстларга ҳамма нарсани текинга бериш ёки арzon-гаровга сотиш йўли билан дўстликни ушлаб туриш. Душманга эса қарши кураш олиб боришга тайёргарлик кўриш. Бунинг учун ҳар қандай оғир-енгилликка чидаш ва порлоқ истиқболни кутиш керак, деган ғоя ҳукмронлик қилди.

Сиёсий соҳада яна бир муҳим масалага хаддан ташқари нотўғри, яъни фанатик равиша қараш ҳам мамлакатнинг ичидан емирилишга олиб келди. Бу миллый масала бўлиб, 60-йиллардан кейин «миллатларнинг бир-бираига яқинлаштириш ва қўшиб юбориш, яъни умумийликка интилиш» шиори остида иш юритилди. Шиорни амалга ошириш мақсадида аҳолининг миграцияси сунъий равиша тезлаштирилди ва фахрланилди ҳам. Бу билан Иттифоқ таркибиға кирган барча миллатларни миллый маданияти, маънавияти, қадрияти, миллый анъаналари, тили, эътиқоди турғунлик ҳолатига келиб қолди. Миллат масаласи хавф остида қолиб, катта миллат томонидан ассимиляция бўлиб кетиш хавфи туғилди. Айнан шу масала 80-йилларнинг иккичи ярмига келиб собиқ иттифоқни ичидан емирилишига сабаб бўла бошлади.

Сиёсий соҳада гапирганда, яна бир масалага тўхталмасдан бўлмайди. Бу давлатни бошқарув органларидаги элита масаларидир.

1970—1980 йилларга келиб собиқ совет давлатининг бошқарувчи эллитаси аристократлашиб бордилар. Давлат ва ҳалқ манфаатлари иккинчи ўринга суриб қўйилиб, ўзларининг шахсий манфаатларига берилиб кетдилар. Ҳалқнинг социал моддий турмуш даражаси пасайиб бораётганилиги давлат иқтисодиёти инқирозга юз тутаётганилигини билсаларда, билмасликка олардилар. На-

тижада мамлакатда аҳолининг қуи қатлами билан юқори қатлами ўртасида қандайдир ажралиш, жарлик пайдо бўла бошлади. Бу ҳолат юқори ва қуи қатламнинг гоявий ва социал жиҳатдан кескин табақаланишига олиб келди, лекин бу табақаланиш назарий жиҳатдан тан олинмаган бўлсада, амалий ҳастда, кундаклик турмушда сезила бошлаган эди.

Аристократлашган элита давлат бошқаришда ёшлиари ўтиб иш қобилиятларини йўқотганлигини тан олмас, мансаб креслоларида умрининг охирги кунларигача ўтириши учун курашиб, ҳаракатчан иқтидорли ёшларга ўз ўринларини бўшатиб беришни хоҳламадилар. Бўшаган мансаб креслоларига ҳам кўпроқ қобилиятсиз, иқтидори паст ёшлар кела бошлади. Элита таркибиغا кираётган ёшларни кўпчилиги таниш-билиш, оғайнингарчилик орқасидан бўлди. Бунга мисол сифатида КПСС МК бош секретари Л. И. Брежневнинг куёви, қизи, ўғли ва бошқаларни кўришимиз мумкин. Юқори мансабдор шахсларнинг фарзандларини ҳар қандай ҳаракатлари, қонун бузарликлари, давлат мулкини умаришлари ёзилмаган қонуний тус олиб оддий ҳолатга айланниб борди.

Элитанинг уруғ-аймоғи ва оила аъзоларининг дам олиш, ҳордиқ чиқариши тиббий ёрдам олишларида ҳам алоҳидалик маҳсуслик ҳолати ҳам қонуний тусга кирди. Социал турмушдаги икир-чикирларда ҳатто социал таъминотда ҳам улар оммадан ажралиб, ҳалққа нисбатан ўзларини оксуюклар даражасидаги шахслар, яъни антик дунё қондаларини ўзларининг ички маънавий дунёларига айлантирудилар. Ҳалқнинг меҳнати билан тўплланган катта-катта бойликларни совуришдан ўзларини тортмадилар. Ана шундай вазиятда ўз-ўзидан маълумки бошқаришда иштирок этаётган элитанинг иш юритиши ҳам ўзига хос ўзига мос бўлиб қолди, қабул қилинган қарорларни бажарилишини ва уни натижаларини текшириш назорат қилиб боришга куч-қудрати етмай қолди ва оқибатда улар қоғознинг қўлига айландилар. Қуи қатламдаги раҳбарлар юқорига ҳамма нарсани бўяб, камчиликсиз қўшиб ёзиб кўрсатдилар, бунинг эвазига мукофотлар, орден ва медалларга сазовор бўлдилар. Орден, медалларга хуруж қўйиш пойгаси бошланди. Бу пойгода ҳам марказ лидерлари голибликни қўлдан бермадилар. Үлмасидан олдин ўз номтарини абадийлаштиришта, ўзларига мамлакатнинг турли бурчакларида ҳайкал ўрнатишда ҳам

оддий меҳнаткаш халқидан уяламдилар, аксинча фахрландилар. Масалан: Л. И. Брежнев 4 маротаба Совет Иттифоқи қаҳрамони, бир маротаба социалистик меҳнат қаҳрамони, ҳамда 22 мамлакатнинг халқ қаҳрамони унсонига сазовор бўлди. Совет Иттифоқи маршали унвонига эга бўлди. Ҳамма олган орден ва медаллари оғирлиги 5 кг 200 гр ни ташкил этган, ҳаттоқи давлатнинг биринчи раҳбарини бюстини тилладан ясаб, ўзига тақдим этганларида ҳам халқнинг пешона териси билан яратилаётган бойликни ўғриси сифатида тортилмади.

Аристократлашган элита ўз фарзандларини қариндош-уруғларини юқори мансабларга кўтариш, уларга давлат имтиёзларини иложи борича кўпроқ бериш, ўзларининг номларини абадийлаштириш, шон-шуҳратга берилиши билан овора бўлиб қолиб, халқ ва давлат манфаатларини унуддилар ёки иккинчи планга суреб қўйдилар. Бу субъектив ҳолларни ҳаммаси секин-аста давлатни иқтисодий ва маънавий, социал-сиёсий жиҳатдан ўлимга олиб кела бошлади. Ана шу юқоридаги ҳолатлар мамлакатни сўёзиз равишда иқтисодий инқизорни келтириб чиқарди. Халқнинг гашига тегди, халқда мавжуд системага нисбатан нафрат уйғонди. Бу нафрат яширин равишда бўлсада, мавжуд эди.

Ижтимоий ҳаётдаги субъектив салбий ҳолатлар объектив омилларни кучайиб боришига сабаб бўлди. Бундан кейин халқнинг социал турмушини ижтимоий барқарорлигини ушлаб туриш мумкин бўлмай колди.

1980-йилларда давлат раҳбарларини тез-тез ўзгариб туриши ҳам, ўзига хос қандайдир муаммоларни чуқурлашиб боришига сабаб бўлди. Ҳар бир раҳбар ўзи бўлганича, муаммоларни ҳал этиш усулини излар ва бу муаммоларга калит топгандек бўлар эди. Ю. В. Андропов мамлакатнинг ҳалокатга қараб кетишининг асосий сабаби деб тартиб-интизомга катта эътибор берган бўлса, Горбачёв умуман ҳаётни қайта қуриш керак деган хulosса келди. 1984—1985-йилларда миллий даромадни йилига 1% га кўтаришни мўлжаллаган Андропов қандайдир мақсаддага эришган бўлса, 1985 йил апрель пленумидаи кейин Горбачёв даврида шунчалик иқтисодиёт орқага кетдики, уни тўғрилашни ҳеч қандай имхонияти тспилмай колди. Мамлакатни ана шу ҳолатни И. А. Каримов жуда ўринли таҳлил қилиб берган. 80-йилларда иқтисодий инқизорзининг кўчайиб бориши

сабабларини очиш, унинг бартараф этиш йўлларини топиш борасидаги уринишлар ҳам мувваффақиятсизликка учради. Ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиш сабаблари ривожланишининг экстенсив омиллари тугаганлигидир, деб юзаки тушунилганлиги устувор тармоқларни алоҳида ажратмасдан, халқ хўжалигининг барча соҳаларини бир вактнинг ўзида ривожлантириш тўғрисида нотўғри қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу ҳол, пировард натижада чекланган маблағларнинг пароканда бўлиб кетишига молия ва таъминот тизимининг батамом издан чиқишига олиб келди ва инқирозни чуқурлаштирди.

Қайта қуриш сиёсати даврида иқтисодиётда жуда кучли бузилишлар рўй берди. Инқироз сабаблари ва омилларини тўлиқ тасаввур этмаган, ўзгартиришларнинг аниқ-равшан дастурига эга бўлмаган бутун иқтисодий сиёсат эмпирик характерда бўлиб, авантюрадан иборат экспериментлардан, ҳар томонга огишлардан бошқа нарса эмас эди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турлича ёндошувларига асосланган дастурлар, лойиҳаларнинг кўплиги ислоҳотларнинг аниқ мақсади йўқлигидан уларни рўёбга чиқариш муддатлари «беш юз кун» деб белгилаб қўйилиши эса, зарур ўзгартиришларнинг туб мөҳиятини ва ниҳоятда мураккаблигини тўла англаб етмаганлигидан далолат беради.

Марказда ишлаб чиқарилган дастурлар ва ислоҳотга оид чора-тадбирлардан Федорация субъектлари бўлмиш республиканинг мафқаатлари эътиборга олинмай келинди. Бунинг устига марказ ўзининг кўргина барбод бўлган ишларини республикаларнинг гарданига юклашга интилиб, уларнинг озиқ-овқат, халқ истеъмол моллари ва моддий бойликлар билан ўзини-ўзи таъминлашга мажбур қиласади»⁴.

Юқорида келтирилган объектив ва субъектив сабабларга кўра жамиятда ҳукмрон бўлмаган мафкурага нисбатан фуқароларда ишонч эътиқод йўқола борди ва мафкуранинг таъсирчанлиги сусайди. Айнан шу шароигда кўргина мамлакатларда миллӣ уйғониш, миллатларни ўзини-ўзи англаш жараёни бошланиб кетган бўлиб, бу тўлиқ собиқ СССР халқларини четлаб ўтмади. Миллӣ уйғониш, миллатларни ўзлигини англаш жараёни собиқ СССРни парчаланиб кетишига олиб келиши мумкинлигини яхши билган давлат элитаси, баъзи республикаларда турли тадбирлар ўтказиш йўли

билин давлатнинг умрини чўзишга ҳаракат қилиб кўрдилар.

Шундай тадбирлардан бир нечтасини Ўзбекистонда ўтказиш мўлжалланди. Чунки Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари орасида хар томонлама, алоҳида мавкега эга бўлиб, собиқ СССРни яхлитлиги сақланиб қолишида ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга марказдан кадрлар десанти ташлаш йўли билан раҳбарликни умуман республикани бошқаришни марказ ўз қўлига олишга қарор қилди. Ана шу маъсадда кўп сонли «кадрлар десанти» Ўзбекистонга ташланди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ҳақида аниқ тушунчаларга эга бўлмаган яроқсиз шахслар эдилар.

Шундай қилиб, 1980-йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, республиканизмнинг тақдири миллатчи-шовинист Анишев — Ўзбекистон компартиясининг иккинчи секретари, Клепиков — Сирдарё область партия ташкилотининг биринчи секретари. Булардан ташқари Огорьев, Рамоновский, Нестеренко, Дидаренко, Гайданов, Литвиненко ва бошқалар қўлида қолди.¹

Ўзбекистонга раҳбарлик лавозимига келган десантчиларнинг биттаси ҳақида қисқача тўхталағидан бўлсақ, қуйидаги ҳолатни кўрамиз: В. Огарков — Ўзбекистон Министрлар совети раисининг биринчи ўринbosари лавозимини эгаллани биланоқ Россия ва Украинадан ўзининг таниш-билишларини ошна-сфайниларини Ўзбекистонга мартабали вазифаларга бирин-кетин чақира бошлади. Харьков шаҳар «Спортторг» магазининг директори бўлиб ишлаб турган дўсти Ю. Литвиненкони Ўзбекистон Республикаси савдо Вазирининг мовуни лавозимига таклиф этди. Малолетов, Баруллин ва бошқалар ҳам шулар жумласидан эдилар. Кадрлар десантининг каттагина қисми Олий таълим системасига жойлаштирилдилар. Ўзбекистоннинг ҳайтидан узоқ бўлган шахсларни республиканизмнинг ҳокимияти таркибиغا киритилиши марказ томонидан оддийгина қилиб айтганда, маданиятсизлик этикага риоя қиласлик эди, империк сиёsatни кучайтириш эди.

Ўзбекистонда ўтказилган тадбирлардан яна бири бу «пахта иши» ёки бошқачароқ айтганда, «ўзбеклар иши» тадбири бўлди. Марказнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон 6 миллиард сўмлик пахтани қўшиб ёзди баҳонаси билан марказдан собиқ СССР нинг прокуратура-сининг маҳсус ишлар бўлмининг ходимлари Гдлян ва

Ивановларнинг раҳбарлигига «қонун ҳимоячилари» Ўзбекистонда иш бошладилар. Шу ўринда бир нарсага алоҳида эътибор беришимиз керакки, яъни қўшиб ёзиш деган иллат фақат Ўзбекистонга алоқадор бўлмай, балки бутун собиқ СССР республикаларига теккан, даволаниши қийин бўлган касаллик эди.

Гдлян ва Ивановнинг иопок тергов гурухига чекланмаган ҳуқуқ бериб қўйилди. Гдлян одамлари республика идора ҳокимиятининг ҳақ-ҳуқуқларини топтаб, ҳамма вилоятларда тўла хўжайин бўлиб олди⁶.

Марказнинг олиб борган бундай сиёsat ўтказган тадбирлар республиканинг маънавий-сиёсий ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатди. Бу гурухнинг қилмишлари собиқ СССР таркибиға кирувчи республикаларнинг ҳуқуқсиз холга келиб қолганлигини бутун дунёга намойиш қилди. Марказнинг бундай харакатлари нафақат Ўзбекистонни балки бошқа республикаларни ҳам ўйлантириб қўйди⁷.

Республикамиизда бўлиб ўтган, бу жараёнларни Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг собиқ биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қўйидагича изоҳлайди:

«...ҳалол меҳнат килаётган билимдон ва тажрибали маҳаллий ходимлар хеч қандай сабабсиз ишдан бўшатилди, катта ижтимоий ҳаётдан четлаштирилиб юборилди.

Масалан, Бухоро вилоятида бир вақтнинг ўзида район секретарларининг ҳаммаси, район ижроия комитетлари раисларининг 70 фоизи, вилоятлар, колхоз ва совхоз раҳбарларининг 50 фоизга яқини қамалган. Олот районида 11 хўжалик бўлим, бу хўжаликлар раҳбарларининг ҳаммаси қамалган. Текширилганда, мана шу раҳбарлар жуда қашшоқликда яшаётгани маълум бўлди»⁸.

Бу рақамларни республикамиз миқёсида кўрадиган бўлсак вазиятнинг жиiddийлиги яна ҳам яққол сезилади. Хўш, марказнинг бундай фожиали тадбирлари қандай оқибатларга олиб келди? Марказ ўзининг кўзлаған сиёсий ва иқтисодий мақсадлариға эриша олдими?— деган савол туғилади. Бундай тадбирлар маълум шахсларни, гурӯхларни моддий манфаатига ва сиёсий шон-шуҳрати учун қайсиdir даражада фойда келтиргандир. Лекин собиқ Иттифоқда вазиятни анча кескинлаштириди, яъни марказ ўзининг нотўғри сиёсати билан республикаларни ўзидан узоқлаштириди. Чунки Ўз-

бекистоннинг бошига тушган бу фожиали тадбирлар бошқа республикаларнинг ҳам бошига келиши мумкинлигини аниқ ҳис қилган бошқа қардош республикалар, марказдан узоқлашиши тезлашади. Узбекистонда миллий мустакиллик ғояси моддий кучга айлана борди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимиға асосланган тоталитар системасининг бутун ярамас иллатлари секин-аста қалқиб юзага чиқиб борар экан, бу иллатларни ҳар томонлама таҳлил қилиш жараёни бошланиб, марказ билан Узбекистон ўртасидаги зиддият кучайди.¹

Узбекистонда пахта яккаҳокимлигига қарши кураш кучайиб борди. Пахта яққаҳокимлигининг кўп йиллик салбий оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот восита-лари оркали ҳалқ муҳокамаси бошланди. Пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиши кераклигини кенг ҳалқ оммаси тушуниб етдилар. Лекин республикада бўлаётган маънавий бузилиш жараёнинга ҳамда марказнинг тазийиқига қарши ўша йилларда республикани бошқарган раҳбарлар Р. Н. Нишонов, ундан кейин И. Б. Усмонхўжаевлар барҳам бера олмас эдилар, чунки Москва-нинг Узбекистонга нисбатан юритаётган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаб, бўлаётган жараёнларнинг бошида ўзлари туарар эдилар. Узбекистон Республикаси раҳбариятида юз берган ўзгариш воқеаларини ривожини батамом ўзгартириб юборди. Узбекистоннинг раҳбарлик лавозимига И. А. Каримов сайланганидан кейин бутун кадрлар сиёсатида миллий манфаатларга мос равишда туб ўзгаришлар рўй берди. Марказ томонидан юборилган, Узбекистон шароитини, урф-одатларини, маданиятини, тарихини, қишлоқ хўжалигини, пахтачиликни мутлақо билмайдиган шахслар миллий кадрлар билан алмаштирилди.² Бу қонуний жараён эди. Янги раҳбар республикада маънавий иқлимини барқарорлаштиришдан, ҳақиқатни қарор топтиришдан, адолатни тиклашдан, ҳалқини хоҳиш-иродасини бажаришдан ўз фаолиятини бошлади.

И. А. Каримов ташаббуси билан Узбекистон Олий кенгашининг «пахта иши» бўйича комиссия тузилиб, комиссияга Республикаси Президенти ҳузуридаги — Вазирлар Махкамаси раисининг биринчи ўринbosари И. Х. Жўрабеков раислик қилди.

«Комиссия ҳуқуқий тенгиззлик давом этаётган ўта мураккаб шароитда иш олиб боришига қарамай, бир талай ишларни амалга ошириди. Ҳақиқатни қарор топтириш учун барча имкониятлардан фойдаланди. Ко-

миссия фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг асосли ёки асоссизлиги билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларни кўтариб чиқди. Комиссия аъзолари 11 мингдан ортиқроқ кишиларнинг ишларини кўриб чиқди.. Ноҳақ судланган ва бутунлай оқланган кишиларга 2 миллион сўм атрофида товон пули тўланди»⁸.]

Республика раҳбарияти ҳамда комиссиянинг саъий ҳаракатлари билан адолат ўз жойида топди. Бутун дунё жамоатчилиги олдида марказнинг империк сиёсати моҳияти фош этилиб, халқимиз очиқ юз билан дунёга боқиш имкониятига эга бўлдилар.

80-йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистон мустақиллiği учун кураш тарихида янги давр бошланди. Бу даврга келиб қайта қуриш, ошқоралик демократия учун кураш жараёни авж олиб, унинг таъсирида турли хил оммавий ташкилотлар, халқ ҳаракатлари, гурухлар вужудга келди. Бу ташкилотлар ва халқ ҳаракатларининг асосий мақсадлари Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эришиш эди. Бу ташкилотлар ва ҳаракатларнинг ютуқлари ва нуқсонлари тўғрисида кейинги дарсларимизда алоҳида тўхталамиз.

Ўзбекистонни мустақил давлатга айлантириш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, республикадаги табиий бойликларга тўла эгалик қилиш, Иттифоқ тасаруфидаги корхоналарни республика ихтиёрига олиш, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлишини таъминлаш, хуллас республикани ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ўз ихтиёрига тўла олиш, мустақил суверен давлат сифатида бутун дунёга танитиш ҳақидаги гояларни И. А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбарияти илгари сурдилар. Лекин бунга қандай эришиш керак? Бу асосий масала эди. Тинч, парламент йўли билан мақсадга эришиш асосий платформа килиб олинди. Ҳар бир қилинаётган иш, ҳар бир қўйилаётган қадам, мустақилликни таъминлаш учун бўлди. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик сари қадамларидан бири бу 1989 йил 21 октябрида Ўзбекистон Олий Советининг сессиясида ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисида қонун қабул қилиниши бўлди.]

Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бобида ўрин олган, чунки давлат суверенитетининг асосий

принципларидан бири бу миллий давлатнинг миллий тилига эга бўлишидир. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қи-
лувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат-
лари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлай-
ди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади
[4-модда].

Ўзбекистон Конституциясининг тил ҳақидаги қоида-
сидан кўриниб турибдики, давлат тили ўзбек тили бў-
лиши бу бошқа халқларнинг заррача камситилишига,
уларнинг маданий, маънавий чекланишига йўл қўйил-
маган. Ўзбек тили билан бир қаторда Ўзбекистонда
яшовчи кўп миллатли барча халқларнинг, миллатлар-
нинг, элатларнинг тиллари, урф-одатлари маданиятила-
рини эркин ривожланиб бориши учун ҳуқуқий, сиёсий
ва моддий шарт-шароитлар яратилиши асосий мақсад
қилиб қўйилган.

— «Озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари
ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, ти-
ли, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши
хамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат
тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида
фаол қатнашиш.

— Маънавийлик ва инсонпарварлик республика ҳу-
дудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва
урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат
қилиш қоидаларига устуворлик берилиши¹⁰.

Мана шу икки пунктдан иборат қоида Ўзбекистон
Республикасининг Президенти И. А. Каримов қаламига
мансуб қоидалардир. Демак Ўзбекистон демократик ва
ижтимоий адолат жамиятини қуриш йўлидан борар
экан, миллати, ирқи ва эътиқодидан қатъий назар адол-
лат ҳамма учун teng ва баробардир деган қоидага
амал қилиши зарурлиги қайта-қайта такрорланмоқда.

Тил ҳақидаги қоидаларни ижтимоий адолат кўзи ва
ақли билан таҳлил қилсак собиқ СССР республикалари,
ҳозирги мустақил давлатнинг бирортасида ҳам Ўз-
бекистон каби бошқа миллатларнинг тилига, урф-одат-
лари, анъаналари юксак ҳурмат билан ёндошганини
топиш қийин. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши
тўғрисида гапирав эканмиз, яна бир нарсани таъкид-
лаб ўтиш жоиздирки, яъни ўзбек тилини билмайдиган,
лекин Ўзбекистонда яшаётган халқлар учун ўзбек ти-
лини ўрганиб олишлари учун, 8 йил муддат белгилан-

ди. Шу мұхлат ичидә тилни мұкаммал үрәниб олған бошқа миллат вакиллари давлат ва жамоат бошқарув ишларыда актив иштирок этишларига конституцион кафолат берилгандир.]

Мустақиллик сари қүйилган иккінчи сиёсий қадам 1990 йилнинг 24 марта Олий кенгаш сессияси томонидан қабул қилинган қарор бўлди. Бу қарорда шундай дейлади. «Давлат бошлиги Президент лавозими таъсис этилсин ва бу мансабга И. А. Каримов сайлансин». Бу узоқни кўзлаган ва оқилона қарор эди. Бундай қарорни қабул қилиш кучли Иттифоқ маркази мавжудлиги шароитида катта жасоратни талаб қиласр эди. Чунки ўша пайтда собиқ СССР республикалари ичидә Узбекистон биринчи бўлиб давлат идораси нинг Президентлик шаклини жорий этди, бу ўз навбатида республика раҳбариятидан катта шижаотни талаб этар эди.] Айнан мана шу нарса мустақилликка тинч, демократик парламент йўли билан жамиятда тинчлик ва тотувликни сақлаш орқали эришши йўлидаги дастлабки қадамларга асос бўлди.

И. А. Каримов президентлик лавозимини бажаришга киришар экан, Узбекистон халқларига сидқидилдан хизмат қилишига тантанали ваъда беради. Шундан бери у ўзининг хар бир хатти-ҳаракати, сўзи, ақл-заковати билан бу олижаноб мақсадга оғишмай амал қилиб келмоқда¹¹.

Мустақиллик сари қўйилган энг мұхим сиёсий, ҳукукий қадам бу 1990 йил 20 июнь Узбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида мустақиллик декларацияни қабул қилиниш бўлди. Бу декларацияда шундай дейилади: «Халқаро ҳукуқ қоидаларига умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Узбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қиласди. Узбекистон ССР Олий Совети умумхалқ мухокамаси асосида демократик ҳукукий давлат тузишга қарор қилганини билдиради»¹². Бу Узбекистонни янги йўлдан мустақил равишда, ўз тақдирини ўзи ҳал қилган ҳолда боришини билдирувчи қатъий қарор эди.] Бундай қарор қабул қилиш мустақиллик декларациясини эълон қилиш ҳам собиқ республикалар орасида биринчиси эди. Бу Президент И. А. Каримовни ўз позициясида қатъий турив, ўзбек халқининг иродасини бажарип йўлида мұхим қадам эди.

Биз юқорида собиқ Иттифоқнинг иқтисодий, сиёсий ахволи ҳакида фикр юритиб, унинг оғир инқирозга юз тутганлиги, бу инқироз қонуний инқироз эканлиги, бу инқироздан чиқиб кетиш ва собиқ СССРнинг сақланиб қолиши мушкул эканлигини илмий ва амалий жиҳатдан тахлил қилишга ҳаракат қилдик.

90-йилларга келиб вазият янада оғирлашди. Собиқ СССРнинг элитаси давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолиш учун ҳамма имкониятларни ишга солиб кураш бошлаганлиги ҳақида ҳам фикр юритдик. Ана шу фикримизнинг давоми сифатида яна шу нарсани таъкидлаш керакки, яъни Иттифоқни сақлаб қолиш ҳақидаги масала бўйича 1991 йил 17 март куни ўтказилган референдум ҳам СССР халқларига мажбуран юклатилган бир шароитда эди. Ана шундай шароитда, ўша вақтдаги Иттифоқдош республикалар орасида факат Узбекистонгина иккинчи бюллетенъ бўйича ҳам овоз бериш бир вақтнинг ўзида амалга оширилди, бундай таъриф биринчисининг мазмуни амалда йўқга чиқарди¹³.

Бу референдум ҳам собиқ Иттифоқни сақлаб қолиш қудратига эга бўлмади. Марказ билан республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора кескинлашиб, боши берк кўчага кириб бормоқда эди. Собиқ Иттифоқни сақлаб қолиш учун таклиф қилинган шартнома узоқ муҳокама қилинди, лекин бир холосага келинмади, сабаби марказ томонидан таклиф этилган шартномада республикаларга арзимаган ҳуқуқлар бериш йўли билан империк ҳукмронликни сақлаб қолмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам 1990 йили марказ билан республикалар ўртасидаги шартнома кўпчилик республикалар томонидан имзоланмади. Иттифоқ таркибига кирган республикалар Конфедератив Иттифоқни ёки ҳақиқий мустақилликни талаб қилиб чиқдилар. Лекин собиқ Марказ республикаларга федератив ёки конфедератив ҳуқуқларни тўла-тўқис беришни хоҳламади. Бу масала юзасидан Узбекистон Президенти И. А. Каримов 2 май 1991 йил журналистлар билан суҳбатда шундай деган эди: «Иттифоқ федерацияси жумҳуриятларнинг чинакам мустақиллигига таянадиган бўлсин у мустақил ҳуқуқли Иттифоқ бўлиб қолсин. Шартномада булар тўла аксини топса Иттифоқни сақлаб қолиш мумкин»¹⁴.

Лекин марказ бундай олижаноб таклифларга ҳам розилик бермади. Оқибатта танглик ва сиёсий вазият янада кескинлашди, иқтисодий механизмлар издан чиқа

бошлади. Иттифоқни Сақлаб қолиш мақсадида коммунистик әлатнинг бир гуруҳи, сиёсий ўйин қилиш йўли билан мамлакатнинг яхлитлигини таъминламоқчи бўлдилар. Ана шу мақсадда мамлакатда иқтисодий-сиёсий вазият кескин бўлиб турганлигига, қарамасдан давлат раҳбари М. С. Горбачёв дам олиш учун жўнаб кетди. Иттифоқни сақлаб қолишнинг тарафдорлари бўлган бир гуруҳ давлат раҳбарлари 19 августда фавқулодда ҳолат эълон қилдилар ва мамлакат пойтахти Москвага қўшин киритадилар. Фавқулодда ҳолат давлат комитети (ФХДК)нинг мамлакатни бундан кейин ҳар қандай йўл билан бўлсада, ушлаб қолиш мумкин эмаслигини тушуниб ета олмаган эдилар. 19—21 август воқеаси ўзига хос ҳарбий давлат тўнтариши эди. Россияда давлат тўнтариши йўли билан ҳокимиятни қўлга олиш учун тайёргарлик кўраётган, яна бошқа сиёсий кучлар хам йўқ эмас эди. Шундай сиёсий кучлардан бири Б. Н. Ельцин бошлигидаги демократлар эди. Демократлар Россияда қулай вазият юзага келганидан фойдаланиб, 1991 йил 8 декабрида уч Славян давлатлари Россия, Белоруссия, Украина Беловеж битимини имзоладилар. Бу битим собиқ СССРни парчаланганигидан далолат берар эди.

Бу ерда диққатга сазоворли жойи шундаки, яъни Узбекистон 19—21 август воқеаларига нисбатан ўз муносабатини тўғри белгилаб олганлигига эди. Август воқеаларидан кейин Узбекистон тезлик билан ФХДК-дан органи очиқ қилиб олди. ¹1991 йил 31 августида Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилишда ҳуқуқий асос бўлган ҳужжатни қабул². Бу ҳақида кейинги дарсимиизда батафсил тўхталамиз.

Холоса қилиб айтганимизда, Президентимиз раҳбарлигига Узбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритишда ниҳоятда босиклик, ақл-заковат билан иш олиб бориб, тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий мустақил давлатчилигига эришди.

2 МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУИХАТИ

¹ И. А. Каримов. «Узбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т., «Узбекистон», 1993 йил, 10—12-бетлар.

² Уша жойда, 25-бет.

³ Уша жойда, 17—18-бетлар.

⁴ Уша жойда, 12—13-бетлар.

- ⁵ И. Жўрабеков. «Янги Ўзбекистон янги қадамлар». «Ўзбекистон», 1994 йил, 8-бет.
- ⁶ Уша жойда, 7-бет.
- ⁷ Уша жойда, 7—8-бетлар.
- ⁸ Уша жойда, 10—11-бетлар.
- ⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992 йил, 9-бет.
- ¹⁰ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон», 1992 йил, 18-бет.
- ¹¹ О. У. Салимов таҳрири остида. «Ўзбекистон бўйил демократия ва бозор ислоҳотлари Йўлидан», 1-қисм. «Университет», Ў., 13—14-бетлар.
- ¹² М. Файзинев. «Мустақиллик нима?». Т., «Адолат», 1992 йил, 48-бет, 1-қисм.
- ¹³ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда». Т., «Ўзбекистон», 10—11-бетлар.
- ¹⁴ Совет Ўзбекистони газетаси. 4 май, 1991 йил.

З-м а в з у

ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

1. Собиқ Иттифоқ парчаланишинг объектив ва субъектив сабаблари. Ўзбекистонда мустақил миллий давлат қуриш ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш масаласининг амалий вазифасига айланиши.

2. Ўзбекистон давлат мустақиллитининг эълон қилиниши ва унинг аҳамияти.

3. Ўзбекистон халқининг эзгу орзуси, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг тинч парламент пули билан рўёбга чиқиши.

Собиқ совет Иттифоқининг парчаланиши ва миллий республикаларни ўз мустақиллитини қўлга киришишларини тарихий қонуният деб карасакда, ана шу қонуниятни сиёсий жараёнга айланиб бориши учун объектив ва субъектив омилни таъсир бўлишилигини ҳам унумаслигимиз керак. Ана шу объектив ва субъектив омилларнинг етилиб бориши тўғрисида биз олдинги маъruzamizda батафсил тўхталган эдик. Бу ерда яна Президентимиз И. А. Каримовнинг бир жумласини келтириб ўтишимиз мақсадга мувофикдир. «Тоталитар тузум шароитида орттирилган бутун тажриба шундан далолат берадики, аниқ-равшан тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий-иклим ва бошқа шароитларни, минтақаларнинг объектив фарқини ҳисобга алмайдиган сиёсат ва хўжалик тажрибаси инқирозга учраши муқаррардир. СССР парчаланиб кетгани, бошқарувнинг маъмурий-буйруқ-бозлиқ услубини тарғиб қилувчи ва юқоридан кўрсатма билан (директив), режалаштиришга ҳамда ресурсларни марказлаштирилган тартибда, ўзбошимчалик билан тақсимлашга асосланган социалистик хўжалик юритиш усулининг тарихий тажрибаси барбод бўлгани буни яққол исботлаб турибди»¹.

Собиқ СССРнинг парчаланиб кетишининг объектин ва субъектив сабабларини И. А. Каримов жуда қисқа ва мантиқий асослаб берган таҳлили ўринидир. Ҳақиқатдан ҳам иқтисодий сиёсий ва социал жиҳатдан инкиrozга учраган собиқ давлатни яхлитлигича саллаб қолиш мумкин эмас эди.¹ Биз олдинги маърузалимизда бу масалага кенгроқ тўхталиб ўтган эдик. Ҳўш мана шундай шароитда, Ўзбекистон қандай йўл тутди? Олдинги дарсларимизда таъкидлаб ўтканимиздек, Ўзбекистон мустақиллик сари бориш йўлини босқичма-босқич амалга ошириб борар экан, ўзининг эзгу мақсадини, назариядан амалиётга, кўчирди, яъни Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақил ривожланишини таъминлашни барча чора тадбирларини кўрди. Бу борада қилиниши керак бўлган биринчи масала, ишлаб чикиш корхоналарини СССР тасарруфидан чиқариб олиб Ўзбекистон республикасининг мулкига айлантириши керак эди. Бу масалани мувоффақиятли, тинч ҳеч қандай жанжалсиз усталик билан амалга оширилди. Иккинчидан, маълумки республикамизнинг халқ хўжалиги хом ашё ва ярим тайер маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бундай хўжалик структурани тубдан ўзгартиришни тақозо этар эди. Бу иш енгил кўчмасада, иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун асосий эътибор ва маблағ шу сструктурани ўзгартиришга қаратилди. Республика иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг учинчи муҳим масаласи бу қишлоқ хўжалигига туб ўзгаришларни амалга ошириш бўлиб, бу борада биринчи навбатда пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш ва халқни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ мустақил рашида қондириш учун дон маҳсулотлари экин майдонларини кенгайтирини зарур эди. Давлат мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлашда, қишлоқ хўжалиги миллий даромадининг энг муҳим манбти сифатида қаралди.

«...Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи касб этди»².

Ўзбекистон раҳбариятининг, шахсан Президент И. А. Каримовнинг катта тажрибага эга бўлган, узоқни кўра билган, доно сиёсатчи ва иқтисодчилиги жуда қўл келганлиги туфайлигина мураккаб ўтиш даври-

нинг иқтисодий энг нозик томонларини илғаб олиб, ана шу томонга асосий эътиборни қаратиши туфайли, Республиканинг иқтисодий инқирози тўхтатилиб қолинди. Бу нозик томонлар нимада эди? Бу ана шу аграр сектор масаласи эди. Узбекистонда мустақил миллий давлат қуриш ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш масаласини, амалий вазифасининг муҳим йўналишларидан бири, бу қишлоқ хўжалиги соҳаси бўлди. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш туфайли саноат потенциалини сақлаш имкониятини берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ гармоқларда ишлаб чиқариш кўлами ҳатто кенгайтиришга эришилди. Президент И. А. Каримовнинг қўйидаги сўzlари фикримизнинг далили, исботи бўлади:

«Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, айниқса пахта ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси, республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, техника ва технология ускунларини импорт бўйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир»³.

Шунинг учун ҳам Узбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг амалий вазифаси ва концепсиясининг марказидан, қишлоқни устун даражада ривожлантиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш вазифаси асосий ўрин олди. Ана шу қоидага қатъий амал қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада қўпайтириш мақсадида дехқон (фермер) хўжаликлири, ҳамда хусусийлаштирилган фермерлар ташкил этилиб уларнинг манбаатлари давлат томонидан ҳимояланли.

Узбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг амалий жараёнлари, бу фақат қишлоқ хўжалигида амалга оширилиб қолмай, балки халқ хўжалигининг барча соҳаларида, давлат тизимларида ҳам бир вақтда олиб борилди.

Давлат бошқариш тизимида ҳам мустақилликни кўлга киритилганига қадар бир қатор ишлар амалга оширилди, бу Узбекистонда мустақил давлат қуриш сари тутилган йўлни амалий вазифага айланганлигини кўрсатувчи омили бўлди. Жумладан, 1990 йил 24 марта Узбекистон президентлик лавозимини таъсис этилиши, ҳамда Узбекистон Конституциясига ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритилиши. Ундан ташкари 1990

Йил 1 ноябрдан бошлаб токи Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида ҳам маҳсус қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Конституциясига амал қилишгача бўлган давр ўзига хос бўлдиким, бу давр ичида Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш тўғрисида, ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида ҳам маҳсус қарор қабул қилинди. Натижада мавжуд Президентлик ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия бошқарув ҳокимияти қўшилиб юборилиб, кейингиси Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Президент айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлиб қолди. Президент ва ҳукумат аппараги бирлашди.

(Президентимизнинг 1990 йил 15 ноябрдаги фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг халқ хўжалиги, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг асосий комплексларига мос келадиган тузилмалар ташкил этилди ва уларнинг навбатдаги ҳамда истиқболдаги вазифалари белгиланди).

Булардан ташқари ўша иайтда Вице Президент лавозими ҳам таъсис этилиб, у Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилувчи ва унинг ишини уюштирувчи шахсга айланди. Бироқ жорий этилган вице президент лавозими ўзини оқламади. Шу боисдан 1992 йил 4 январдан қонун билан у тугатилиб Ўзбекистон Бош Вазири лавозими таъсис этилди⁴. Шундай қилиб давлат тизимини мустақилликка мослаган ҳолда такомиллаштириш жараёни мустақилликни қўлга киритилгандан кейин ҳам давом эттирилиб, мукаммал демократик бошқариш даражасига қўтарилди. Ўзбекистонда мустақил миллий давлат қуриш ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш борасида қилинган ишларнинг энг муҳим томони шунда бўлди, Президентимиз раҳбарлигига Республикаизда давлат тизимини қандай ташкил этиш керак деган муаммони ҳал қилишда, ҳамда иқтисодий тизимини давр ва замон талабларига мос равишда қайта қуриш масалаларида тинимсиз изланишлар олиб борилди. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг тажрибалари ҳар томонлама ўрганилди. Маҳаллий, ҳамда миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда янги тараққиёт йўлини излаб топиш борасида катта ишлар амалга оширилди.] Бу масалаларни

ҳал қилишда И. А. Каримовнинг нутқлари, рисолали-
ри, кўрсатмалари янги жамиятнинг назарий асослари-
ни яратишда программа ҳужжат бўлиб хизмат қилди
ва катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг аҳамияти шунда-
ки Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач баъ-
зи Республикаларга ўхшаб эсанкираб қолмасдан унинг
мустақиллик сари ўз одимларини ишонч билан давом
этиди.

Ватанимиз тарихида, Ўзбекистоннинг янги тарихий
босқични бошлаб берган буюк воқеа содир бўлди.
1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг, навбатдан ташқари олтинчи сессияси
ўзбек халқининг хоҳиш-иродаси билан Ўзбекистоннинг
давлат мустақиллигини, озод суверен давлат — Ўзбе-
кистон Республикаси ташкил этиланлиги эълон қилин-
ди ва давлат мустақиллигининг асослари қонун билан
мустаҳкамланди.

1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақил-
лик куни деб белгиланди. Халқимизнинг асрий орзу-
умидлари ушалди, муқаддас мақсади рўёбга чиқди,
сиёсий иқтисодий қарамликдан кутилди. Дунё хари-
тасида яна битта мустақил, тўла ҳуқуқли суверен дав-
лат Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекис-
тон халқлари ўз тақдирини ўзи ҳал қиласиган бўлди.
Ўз еридаги барча табиий бойликларнинг, ота-бобола-
ри меҳнати билан яратилган бутун ишлаб чиқариш
ва илмий-техник куч қурдатини тўла ҳуқуқли эгасига
айланди. Ислом Каримов мустақилликнинг аҳамиятига
баҳо бериб шундай деган эди «Муқаддас орзу ушал-
ди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг
ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу халқимизнинг қўи
асрлик тарихида буюк воқеадир». Ўзбекистон Респуб-
ликасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида
конституциявий қонунда республиканинг кўп миллат-
ли барча аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўй-
илди ва умумхалқ референдуми буни қатъй тасдиқ-
лади. Шу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зар-
ҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

«...Ўзбекистон халқи жонажон ўлқадаги беқиёс бой-
ликтин абадулабад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Рес-
публика ўз олтини, бошқа нодир ва қиммат-баҳо ме-
талларини мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқ-
да ва сақламоқда. Ер ости бойликлари, бошқа табиий
бойликлар, авлодаждодларининг меҳнаги билан яра-
тилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-

Құдрат ва имкониятлар, миллий бойлик булиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақининг асоси булиб хизмат қилади⁵. Ўзбекистоннинг мустақиллигини қўлга киритишининг аҳамияти ниҳоятда катта ва кенг маънога эгадир. Унинг аҳамиятини ҳамма соҳаларида ёритиш, моҳиятини очиб беришда икки соатга мўлжалланган маъруза камлик қилади. Шунинг учун имкони бор даражада мустақилликнинг аҳамиятини баъзи бир қирраларини ёритамиз.

Энг аввало шуни таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон давлат мустақиллiği чор мустамлакачилиги давридан бошлаб, собиқ Иттифоқ емирилишига қадар ўтган узоқ тарихий давр давомида топталган, камситилган миллий қадриятларимизни, эътиқодимизни унитилган тарихимизни, тиклаш, аслига келтириш янада ривожлантириш ва замонга мослаган ҳолда такомиллаштириш учун ягона асос, белгиловчи омил булиб тарихга кирди. Ўзбекистон давлат мустақиллиги маданий-маънавий камолатимиз миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимиз, тилимиз, тарихимиз, тикланиши ва ривожланиши учун шундай бир кенг имконият ва бенихоя кенг шарт-шароит яратдики, бундай қулайликларга ҳалқимиз кейинги юз-юз эллик йил давомида эга була олмай, бундай имконият учун курашиб, шунга интилиб келдилар. «Биз учун-мустақиллик энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимига олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хона-донда тинчлик-осойишталик, барқарорлик сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину-диёнат, меҳру-оқибатни карор топтиришдир»⁶.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги инсофу-динудиёнатни, меҳру-оқибат ва муруватни, ҳаллоллик ва покликни, инсонийлик ва инсонпарварликни, хулласи қалом маданият, маънавият, маърифат, шарқона ахлоқ ва қадриятларнинг гуркираб ривожланиши учун зарур бўлган объектив ва субъектив заминларни сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий асосларни яратмоқда ва бундан кейин бундай имкониятни янада кенгайтириб бораверади.

Маданият, маънавият, маърифатни ривожлантириш, қадриятларни тиклаш Республикада энг мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал

этишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бусиз миллий истиқлол ва истиқболга эришиб бўлмайди. «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланаётганлиги жамияти-мизни янгилаш ва тарақкий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишга ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»⁷.

Шунинг учун ҳам мустақил Узбекистон Республикаси дунёга келишининг дастлабки кунлариданоқ ҳалқимизнинг маънавияти ва маданияти, маърифатни ривожлантиришга, миллий қадриятларимизни тиклашга, авлод-аждодларимиздан қолиб келаётган буюк анъаналарни тарихий меросимизни тиклашига катта эътибор бериб келмоқда. Чунки илму-маърифатсиз, маънавияти йўқ одам мустақилликнинг буюк аҳамиятига баҳо бера олмайди ва унинг қадрига ҳам етмайди.

Юксак маънавият соҳиби бўлган инсон Ислом Каримов асарларида таъкидлаганидек, миллий ва умуминсоний қадриятларга қатъий риоя этади, иймон-эътиқодли, инсофудиёнатли, ориятли, виждонли бўлади. ҳалол яшайди, ҳалол еб-ичади, меҳнат қилгаида ўз манфаатларидан ташқари давлат, миллат, жамият манфаатларини ҳам унугтайди, хайрсаҳоватли, меҳроқибатли, муруватли бўлади, ўзи мансуб бўлган ҳалқ ва миллатгина эмас балки ўзга миллатларни ҳам ҳурмат қиласди. Буни Президентимиз «Маънавият ўз ҳалқининг тарихи унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суюнгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қиласр эканмиз, бу ҳалқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган ҳалқнинг келажаги ҳам бўлмайди»⁸ деган чуқур мазмунга эга бўлган сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Мустақиллик муносабати билан ана шу юқорида айтилган факторлар асосида шаклланган, ота-боболаримизнинг маънавий мерослари яна қайтадан тикланиб ҳалқимизнинг маънавий орзусига айланмоқда. Жаҳон маданиятига, маданий оламига ўзининг бетакор ҳиссасини қўшган авлодларимизнинг маънавий меросларига ворислик қилишдек буюк имкониятга эга бўлдик.

Ана шу имкониятдан фойдаланиб ўзбек ҳалқининг, бутун маданий дунёда маълум ва машҳур бўлган буюк алломаларимиз, жаҳонга машҳур бўлган давлат арбоб-

ларимиз, буюк саркардаларимизнинг номларини қайтадан тарихимиз саҳифаларидан ва халқимизнинг қалбларидан муносиб жой олмоқдаким бу фақат мустақиллик шарофати биландир. Ўзбек халқининг бутун маданий дунёда маълум ва машҳур бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Мухаммад Бобур, Имом ал Бухорий, Имом ат Термизий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ҳожа Аҳмад Яссавий каби буюк аждодларимизнинг ижодий мероси ва ҳёти жасоратини ҳурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шон-шараф манбаи бўлиб қолади.

Биз тарихимизни, маданиятимизни ўзимиз учун ва бутун дунё учун ҳам қайта тиклаяпмиз. Бу якунни буюк ютуқ деб дадил айтиш мумкин⁹.

Президентимиз айтганидек «Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди». Мустақилликнинг буюк аҳамиятидан бири бу халқимизнинг минг-минг йиллик тарихини қайта тиклаш, узоқ тарихий даврлардан ёдгорлик бўлиб келаётган, салкам бузилиб йўқ бўлиб кетаётган меъморий ёдгорликларни қайтадан таъмиrlаб бутун жаҳон халқларига такдим этаётганимиздадир.

Мустақиллик халқимизнинг кўп асрлик эътиқодларини қайтадан тиклашга имкон берди. Юртбошимиз томонидан хаққоний равишда айтилганидек «Умумбашарий қадриятларга интилиш билан бир қаторда, ҳётишимизда Шарқ фалсафаси муносиб ўрин эгалламоқда. Биз мусулмончиликнинг улуг маданий қадриятлари хуқуқини қайта тикладик. Бинобарин қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила борган сайин, халқнинг ҳёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва аҳлоқий жиҳатдан покизароқ бўлиб боради.

Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган Ислом динининг инсон ва унинг оиласи ҳётидаги, одоб-аҳлоқ ва хайр-саҳоват ишидаги аҳамиятни юқори кўтариш давлатимизнинг дунёвий йўлидан ривожланиши ҳамда виждан эркинлиги билан уйғун тарзда қўшилиб кетмоқда¹⁰.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг буюк ютуғи. Иқтисодий ва сиёсий соҳада ҳам кўзга ташланди. Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат сифатида яшай олишга шубҳа билан қараган ва Ўзбекистоннинг имкониятларини яхши билмаган соҳта башоратчиларнинг башоратини асоссиз эканлигини қисқа вақт ичida ҳётини ўзи исботлади. Ўзбекистон халқ-

лари ўзларининг ер ости ва ер усти бойликларими ҳақиқий эгасига айландилар. Табиаг ином этган бу бойликлардан унумли фойдаланган холда республикани иқтисодий инқироздан чиқариб олиш билан бирга, иқтисодий ўсишни таъминлашга, миллий даромадини йилдаш-йилга ўсиб боришини таъминлашга эришилди. Бундай иқтисодий ютуқ собиқ СССРдан ажралиб чиққан мустақил давлатларнинг бирортасида ҳам бўлмади.

Собиқ Иттифоқ даврида Республикаизда битта ҳам енгил ва юк машиналари ишлаб чиқарадиган завод бўлган эмас. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин саноатда ёўлаетган туб ўзгаришларнинг кўлами жуда кенг бўлмоқда. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Масалан, Самарқандда автобус ва троллейбус, Хоразмда «Мерседес-Бенц» русумдаги юк машиналари, Асакадаги кореяликлар билан ҳамкорликда барпо этилган «УзДЭУ авто» заводи йилига 200 минг ҳар хил турдаги сингил автомобиль ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Бу машиналарга ўзимизда ва хорижий давлатларда талаб ошиб бормоқда. Ундан ташқари Франция ва Япония билан ҳамкорликдаги Марказий Осиёда зинг йирик нефтни қайта ишлаш заводи ишлай бошлади. Олтин қазиб чиқарувчи «Зарафшон—Ньюмонт» (Англия) кони ишга туширилди. Ундан ташқари аккумуляторлар, ойна, чинни ва фосфорит буюмлари, енгил саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Республикаизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари жаҳон бозорларида харидоргир.

Президентимиз 1993 йил Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар концепцияси ишлаб чиқар экан, Ўзбекистон барча тараққий этган мамлакатлар сингари тайер маҳсулотлар билан савдо қилиши зарурлигини, импорт мамлакатидан экспорт мамлакатига айланishi кераклигини қатъий вазифа қилиб қўйган эди. Бу ўша йилларда қўпчилик учун ушалиши қийин бўлган орзуга ўхшаб кўринган бўлса, орадан 3—4 йил ўтмасдан Ислом Каримов ғоялари ҳақиқатга, амалиётга айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон импорт мамлакатидан экспорт мамлакатига айланниб бормоқда.

Холбуки, СССР таркибида бўлган Ўзбекистон пахта, ипак, қаракўл, тери, сабзавот етиштириш, газ, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича собиқ Иттифоқда етакчи ўринни эгаллаб турган, ҳамда унинг иқ-

тисодиётига йилдан-йилга қўироқ хисса қўшгай бўлсада Ўзбекистонга боқиманда деган тамга босилган эди. Марказнинг бундай империк қабихона сиёсатини мустақиллик батамом фош этиб ташлаши жаҳон жамоатчилиги олдида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тизи мавзумизда Президент Ислом Каримовни «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» рисоласида Ўзбекистонни Мустақиллик йилларида эришган ютуқлар нималардан иборат эканлигини кўрсатиб ўтиш билан хуолоса ясаймиз.

1. Авваламбор, Аллоҳ таолонинг иродаси ва мархамати билан мустақиллик ва истиқлолимизни кўлга киритиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий, минерал-хом ашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Дунёй харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингам янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

2. Мамлакатда соҳта ғоя, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган, собиқ Иттифокнинг мустабид тизимига барҳам берилди. Маълумки, аввал зикр этилганидек, бу тизимда Ўзбекистон фақатгина хом ашё базаси, бошқача айтганда, ярим мустамлака ўлка эди.

3. Эркин бозор иқтисодиёти тамоилилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлдик.

4. Ана шу асосда давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқарниш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизимини барпо этишга эришдик. Жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди.

5. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрни ошишига хизмат қиласиган, унинг манфаатларига мос келадиган ташқи сиёsat ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шаклланди ва изчил амалга оширилмоқда.

6. Мамлакатимизнинг сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди. Давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин этувчи мутлако янги асосдаги тизим яратилди.

7. Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг муқаддас динимизнинг жамиятни маъ-
56

навий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди,

8. Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз-бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тутувлиkdir. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятларнинг бекиёс аҳамиятини англаб етиш түйғуси тобора юксалиб бормоқда.

9. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. Иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланмоқда.

Иирик иншоотлар, корхоналр, завод ва фабрикаларнинг қурилгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришилгани, иқтисодиётдаги таркиби ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётидаги сезиларли ижобий ўзгаришлар-буларнинг бари биз танлаган тараққиёт моделининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллардир ва бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

10. Одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ортиб бормоқда. Кишиларимиз онгода демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Бу йиллар давомида биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ — бу ахолининг фаоллиги ошаётгани, ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш зарурлигига, мамлакатимизнинг келажагига бўлган қатъий ишончдир.

Хуолоса қилиб айтганда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритишнинг аҳамияти ниҳоятда бекиёсдир. Ўзбекистон қисқа вақт ичida ҳалқлари нисбатан катта ютуқларни қўлга киритди ва янада ўлкан зафарлар қўчиб боришига Ўзбек ҳалқи қатъи ишонадилар.

З-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РЎИХАТИ

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли», Т., «Ўзбекистон», 1993 йил, 4—5-бетлар.

² И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида», Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 59—60-бетлар.

³ Ума жойда, 61-бет.

- ⁴ У. Чориев. «Ўзбекистон Республикаси ижроия ҳокимиятининг олий идоралари (каранг «Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат»), Т., «Адолат», 1995 йил, 14—17-бетлар.
- ⁵ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», Т., «Ўзбекистон», 1992 йил, 3—4-бетлар.
- ⁶ И. А. Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 77-бет.
- ⁷ И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 139—140-бетлар.
- ⁸ И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллый истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», Т., «Ўзбекистон», 1994 йил, 78-бет.
- ⁹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 149-бет.
- ¹⁰ Уша жойда, 151-бет.
- ¹¹ И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», Т., «Ўзбекистон» 1999 йил, 8—10-бетлар.

4-мазу

СУВЕРЕН ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪМУРИЙ ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ ВА БОЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каҳимовнинг муқобиллик асосида президент этиб сайла-ниши.

2. Ўзбекистоннинг худуди, чегаралари, маъмурий-худудий тузилиши.

3. Республика Давлат мустақиллиги рамзлари-байроқ герб, мадҳия ва конституциясининг қабул қилиниши, сўмнинг муоммалага киритилиши.

4. Ўзбекистон бой табиий ресурслар мамлакати.

1991 йилга келиб Ўзбекистон тўлиқ, принципиал мустақиллик йўлини танлангани ва бу йўлдан қатъий боришлиги аниқ бўлди. 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисидаги декларациясини ва 1 сентябрни мустақиллик куни сифатида байрам қилиниши тўғрисидаги мухим ҳужжатларни қабул қилиниши Ўзбекистоннинг — суверен демократик республика давлати бўлиб қолганлигини тўла тасдиқловчи актла бўлсада, уни бошқа қатор қонуний ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш зарур эдиким, бу ҳужжатлар Ўзбекистоннинг ўз олдига иймон ва адолат заминига таянувчи инсонпарвар ҳуқуқий давлатчилик сари боражагини курсатувчи бир асос бўлиб қолиши керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги 1991 йил 31 август Баёнотида, мана бундай дейилган эди:

«Давлат ҳокимиятининг бирдан — бир соҳиби Ўзбекистон Республикасининг озод, мустақил халқидир! Шундай экан, халқнинг хоҳиш истакларини билиш, уларнинг иродасига таяниш зарур эди, бу биринчидан,

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли, 2 миллионга яқин аҳолиси русий забон миллатлар булиб, Республикада миллий тотувликминг барқарор бўлиши учун уларнинг ҳам розилигини олиш керак эди, учинчидан, халқаро ҳуқуқий тартибларга қўра, у ёки бу давлат таркибидан ажралиб чиқаётган давлатларда халқи рози ёки рози эмаслигини сўров, яъни референдум орқали билиш ва унинг якунларини мустақиллик хужжатлари асосига қўшиб кўйилиши керак эди. Чунки бу хал қилувчи, халқнинг иродасини ёрқин акс эттирувчи хужжат ҳисобланар эди.

Тўртингчидан, мустақиллик — суверен ёш давлатнинг демократик асосида вужудга келаётганигидан халқнинг хоҳиши — истаклари билан иш қўриш, халқ билан хисоблашган холда иш юритаётганигидан ҳам халқаро майдонда намойишнинг бир рамзи эди, ана шу мақсадларга қўра Ўзбекистон ўзини мустақил суверен давлат деб эълон қилган бўлсада, ўз халқининг бу муҳим масалага муносабатларини билиш учун 29 декабрь 1991 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақида референдум, ҳамда Ўзбекистон Республикаси президентлигига сайлов ўтказишга қарор қилинди. «Ўзбекистон Республикаси президентини сайлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ (1991 йил ноябрь) сайлов муқобиллик асосида ўтказилди. Овоз беришнинг қандай ўтаётганигидан Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Хельсинжи Кенгаши Комитетининг махсус етиб келган вакиллари кузатиб бордилар. Шу овоз бериш натижасида унда қатнашган сайловчиларнинг 36 фоизи И. А. Каримов номзодини ёқлаб чиқдилар. И. А. Каримов Мустақил Ўзбекистоннинг умумхалқ монидан сайланган биринчи президенти бўлди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинишидек Тарихий воқеани ҳам ўшанда овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 98,2 фоизи маъқуллади.

Референдум қатнашчилари Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши, унинг халқларининг шу билан бирга маҳаллий миллат кишиларигина эмас, балки бошқа миллат вакилларининг ҳам орзу умидларига мос келишига жаҳон ҳамжамиятини ишонтирди. Бу халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда Республикадаги кўп миллатли барча аҳолининг иродаси мустаҳкамланиб қўйилди ва умумхалқ референдуми бу-

ни қатъий тасдиқлади. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб куйилди».

Шу нарса тахсинга сазоворки, Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилидаёқ асрлар давомида амалга оширилмаган жуда кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлдик. Бунинг якъол намунаси Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинганигини жаҳон ҳамжамияти фаоллик билан қўллаб қувватлади. 1991 йилнинг октябрдан то 1993 йилнинг июль ойигача бўлган қисқа мuddат ичидаги 160 дан ортиқ давлаг, жумладан Туркия, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Саудия Арабистони, Миср, Малайзия, Индонезия, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа давлатлар Ўзбекистонни суврен, мустақил давлат деб расман тан олдилар. Ўзбекистон Мустақиллигини собиқ Совет Республикалари жумласидан биринчи бўлиб Грузия, кейин эса Россия Федерацияси ва бошқалар тан олиши, 1992 йил 2 марта Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул килинди. Мана шу воқеа билан Ўзбекистон ҳалқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлиб тасдиқланди.

Чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эга бўлишга, жаҳон ҳамжамиятига муносиб бўлиб киришга интилиш мустақиллик эълон қилинган биринчи кундан бошлабоқ, ўзбек ҳалқи ва республикамиздаги бошқа ҳалқларнинг қўп асрлик тажрибаси ва анъаналарини инсоният эришган барча маданиятлар билан пайваста қилиб бера оладиган, ўзининг ривожланиш йўлини зўр бериб, мashaққатлар билан қидиришга киришилди.

Ўзбекистонни иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий ривожлантириш ғоясини ишлаб чиқишга Ўзбекистон Республикасининг президенти И. А. Каримов ўлкан хисса қўшди. Ўзбекистоннинг янги жамият қуриш йўлидаги саъий ҳаракатлари президентнинг бир қатор асарларида илмий равишда асослаб берилди. Ишлаб чиқилган тараққиёт йўли Конституциясига асосланган бўлиб, жамиятимизни, ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўйқисига олиб боришга каратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқи И. А. Каримовни президент этиб сайлашда адашмадилар. Ҳалқ И. А. Каримовни иқтисодчи олим сифатида кўп йиллар Республикани турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, катта тажриба ортирган давлат арбоби сифатида ҳам яхши билар эдилар.

И. А. Каримов раҳбарлигига Ўзбекистон Республикаси энг оғир сиёсий-иқтисодий қийинчиликдан тинч, осойишта чикиб олишга муваффақ бўлди. Президентнинг узоқни қўзлаб олиб борган оқилона сиёсати Республикада ижтимоий баркарорликни сақлашга хизмат килди. Бунга жавобдан Республика халқининг президентга бўлган ишончи ортди. Чунчи МДҲ давлатлари орасида ҳар томонлама иқтисодий ўсип, сиёсий барқарорлик, миллий тотувлик, миллатлар ўртасида ҳамжиҳатликни кўлга кирита олган фақат Ўзбекистон Республикаси бўлди.

Шунинг учун ҳам 1995 йил 26 марта Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.]

Унда 11 миллион 245 минг 28 киши ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 99,3 фоизи иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга сиз розимисиз, деган саволга 11 миллион 19 минг 415 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,2 фоизи ижобий жавоб берди.] Референдум натижалари Президентнинг ички ва ташқи сиёсатининг умумхалқ томонидан маъқулланиши ва қўллаб-қувватланишида, мамлакатнинг барча аҳолисининг бунга бўлган тўла ишончидан гувоҳлик берди.

Республика фуқаролари Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришувини, иқтисодий мустақиллигини тамилланишини, мамлакат хавфсизлигининг ортиб боришини ҳақли равишда И. А. Каримов фаолияти билан боғлайдилар.

Республикада кучли ижтимоий сиёsat амалга оширилмоқда. Кексалар ва ноғиронлар, кўп болали оналар ва ёшлар ҳақида гамхўрлик, ўтиш давридаги оғир шароитларда шаҳарларни ободонлаштириш, таълим соғлини сақлашни ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар халқда қизгин хайриҳоҳлик уйғотмоқда. Маънавий-руҳий тикланиш, миллий анъаналарнинг қайтадан тикланиши, кишилардаги диний эътиқод ва туйғуларга ҳурмат билан тутилган йўл, аҳоли томонидан мутлақ қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон хавфсизлигига ғамхўрлик қилибгина колмай, минтақада яхлит хавфсизлик учун президент-

нинг амалга ошираётган ишлари, БМТга ухшаган нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, минтақавий халқаро хавфсизликни таъминлаш түғрисидағи таклифлар жаҳон давлатларининг Ўзбекистонга бўлган ишончини, ҳурматини янада оширмоқда.

Шу ўринда республикамиз ҳаётига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган холис инсоннинг фикрини келтирамиз.

Ўзбекистондаги туб ўзгаришларни, иқтисодий сиёсий жараёнларни кузатиб, таҳлил қилиб бораётган, юридик фанлар доктори Германия Федератив Республикасида истиқомат қилаётган Леонид Левитин. «Кўпчилик мамлакатлар жумладан, Россия политологлари ва журналистлари Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаёти «Тожикистон вариантига» ўхшаган ҳалоқатли бўлади деб қилган башоратлари, давлат ҳокимияти рўлида Ислом Каримов ўтиргани учунгина амалга ошмади. Мен бунга ишонаман, бу ишончимни ҳеч ким тортиб ололмайди. Чунки бу фактларга асосланган ишончдир»³ деб ёzáди.

И. А. Каримов референдум якуни, унинг натижаларини қуйидагича баҳолади: «Референдум, авваламбор, халқимизнинг томир-томири, қон-қонида бўлган бағрикенглик, олийжаноблик каби эзгу фазилатларини, халқимизнинг эътиқоди баландлигини, онги юксаклигини яна бир бор тасдиқлаб берди. Одамларимизнинг асли томир-ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг руҳий—маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги яна бир карра намоён бўлди. Шу билан бирга Референдум олиб борилаётган сиёсатга, танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этди. У бошидан катта-катта қийинчиликлар, етишмовчиликлар, азоб-уқубатларни кечириб турган халқимизнинг машаққатларига мардона бардош бериб, келажакка умид ва ишонч билан яшаётганини ифода киласди»⁴.

Бу айтилган фикрлар 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига муқобиллик асосида ўтказилган сайлов натижасига ҳам жуда монанддир.

2000 йил 9 январда ўтказилган Президентлик лавозимига икки номзод, Фидокорлар Миллий демократик партиясидан номзод қилиб кўрсатилган Ислом Каримов ҳамда Халқ демократик партиясидан номзод қилиб кўрсатилган Абдулҳафиз Жалоловлар халқнинг ишончи учун кураш олиб бордилар. Сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан 12 миллион

123 минг 199 сайловчи иштирок этган бўлса, Ислом Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз берди. Абдулҳафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, давримизнинг етук сиёсатчиси ва давлат арбоби иқтисодчи олим Ислом Каримовга халқимиз юксак ишонч билдиришининг боиси фақат унинг катта буюк хизматларигина эмас, балки сайловолди дастурида, Ўзбекистонни, унинг халқини нурафшон уғуларга олиб чиқиш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун Мустаҳкам иқтисодий сиёсий, ижтимоий, маънавий замин яратиш ва ана шу заминда муносаб турмушни таъминлаб берувчи ғоясига бўлган ишонч хам эди. Биз кейинги маъruzalarimizda Ислом Каримовнинг ана шу сайловолди дастурида илгари сурган тоялар ва илмий концепциялари ҳақида алоҳида тўхталашиб.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида ёзиб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хошиш иродасини эркин билдириласидан туриб ўзgartириш мумкин эмас. Ўзбекистон Конституциясининг тўртинчи бўлими XVI-боби, 68-моддасида «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборатдир», деб белгиланган.

Бу демак Марказий Осиёда, Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди Шимолий Фарбда Турон пасттекислигини, жануби-Фарбда эса қизилқум чўлларининг бир қисмини эгаллади. Унинг фарбдан шарққача майдонининг узунлиги 1425 километрни, шимолдан жанубгача бўлган майдонининг узунлиги 930 километрни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси таркибига: 12 та маъмурий вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси, 157 район, 123 шаҳар ва 104 шаҳар типидаги посёлка, 1445 қишлоқ киради. Давлатнинг пойтахти Тошкент шаҳри. Мамлакат ҳудуди 447,8 минг квадрат километрни ташкил килади. Бу Буюк Британия, Бельгия, Дания, Австрия, Швейцария ҳудудларини қўшиб ҳисоблаганда улардан үйпидир»⁵.

Демак, кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонуний мустаҳкамланган

маъмурӣ-ҳудудий тузилиш тизими, ҳозирги пайтда асосий звенолар — вилоят, туман ва аҳоли пунктларидан иборатdir. Республиканинг маъмурӣ-ҳудудий тизимида вилоят унинг юқори звеноси ҳисобланниб, йирик бўлинма сифатида алоҳида ўринни эгаллади. Ҳудудий тизимнинг қолган звенолари бўлмиш туман, шаҳар ва қишлоқлар вилоятнинг таркибий қисмлари, яъни ички бўлинмалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидаги вилоятлар ўз ҳудудининг ҳажми, аҳолисининг миқдори жамоа ва давлат ҳужаликларининг сони, ижтимоий-маданий муассасалари ва бошқалар бўйича турличадир. Хилма-хиллик табиий, чунки вилоят ўз маркази ва маъмурӣ раҳбарлик билан боғлиқ туман ва шаҳарларнинг оддий йигиндисидангина иборат бўлмай, ўз ичига мавжуд иқтисодий ва маданий, марказий, табиий интилишга асосла надиган маълум ҳудудий комплексни қамраб олади.

Шунинг учун вилоятларни ташкил этаётганда қандай бўлмасин уларнинг бир хил-ҳудудий ўлчами, аҳолисининг сони ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини ҳажмини ҳисобга олишга ҳаракат қилинмай, маълум иқтисодий бўлинмачалар чегарасини назарда тутган ҳолда агросаноат бирлашмалари шаклланганлигига асосланиш, ҳудудларнинг аслида мавжуд бўлган иқтисодий бутунлигини маъмурӣ чегаралари билан узиб кўймаслик керак.

У ёки бу вилоятнинг амалдаги ҳудудида ўзгариш бўлиши у ёки бу сабаблар билан зарурят туғилса, аввалини даврлардагидек буйруқбозлик асосида эмас, балким ҳуқуқий демократик давлатнинг табиатига кўра аҳолининг кенг жамоатчиликнинг фикри ва ижтимоий адолат принципларидан келиб чиқкан ҳолда ҳал этилиши кўзда тутилди.

Бу дегани вилоятларнинг тузилиши, тугатилиши ҳалқ депутатлари вилоят кенгашларининг расмий илтимослари асосида Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан амалга оширилади.

Мазкур масала бўйича зарур ҳолларда тегишли вилоятлarda умумхалқ сўрови — референдум ўтказилиши мумкин.

Мамлакат ичкарисидаги ҳудудий ўзгаришлар тўла демократик асосида ҳалқнинг розилигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади, бу ҳуқуқий демократик давлатнинг табиатига хос бўлган ҳолатdir.

Иккинчи масала бошқа давлатлар билан ҳудудий ихтилофлар бўлиши мумкинми, дёган савол тугилиши табиийдир. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги 1991 йил 31 август Баёнотида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуқга эгадир».

Ўзбекистон Республикаси тарихида давлат чегараларида қисман ўзгартириш ҳоллари юз бериши мумкин. Лекин бу республикалар ўртасида келишилган ҳолда катта ҳўжалик тадбирларини амалга ошириш учун бўлиши мумкин.

Чунончи шундай тадбир 1939 йилда Ўзбекистон катта Фарғона каналини қўрилиши муносабати билан Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида ўтказилган эди.

Ўзбекистон ҳукумати канал қурилиши учун зарур бўлган ер ажратилишини илтимос қилиб Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларининг ҳукуматларига мурожаат қилган эди. Ўзбекистон ҳукуматининг бу илтимосини ҳар иккала республикаларининг ҳукумати ва Олий советларининг қарорлари билан ер ажратиб Ўзбекистон Республикасининг илтимоси қондирилган эди.

Бошқа бир мисол, Қозогистон Олий совети 1956 йил 21 январида жанубий Қозогистон вилоятларининг, Бўstonлиқ туманини ва Мирзачул ерларини бир қисмини Қозогистон таркибидан Ўзбекистон Республикасининг таркибиغا берилишига розилик билдириб қарор қабул қилган эдилар. Бу қарорни Ўзбекистон Олий совети ҳам тасдиқлаган эди. Бу масалалар кўтарилигудек бўлса Ўзбекистон тинч ва ҳар бир Республиканинг манбаатларига мос келадиган ҳолатда ҳал этишни асосий принцип қилиб олган. Бундай масалалар ҳар иккала Республиканинг ҳалқ ҳўжалиги учун фойдали бўлган ҳолатлардан келиб чиқилган ҳолда ҳал этилиши кераклиги қатъий белгилангандир.

Қорақалпогистон Ўзбекистон таркибига кирувчи республика бўлиб, Ўзбекистон конституциясининг XVII боби Қорақалпогистон Республикасига бағишлиланган 70—75 моддаларда Қорақалпогистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тўлиқ акс этирилган. Бу муносабатлар И. А. Каримовни «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» (1992 й., 42-бет) рисоласида қисқа ва

лўнда қилиб берилган. «Ўзбекистон Қорақалпогистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини мухофаза этади. Ўзбекистон билан Қорақалпогистоннинг ўзаро муносабатлари ҳар икки республика ўртасида тўзиладиган шартномалар ва келишувлари асосида тартибга солинади. Ўзбекистон Конституцияси ва қонундари Қорақалпогистон ҳудудида ҳам мажбурийдир».

Жаҳон халқлари, умуман инсоният тан олган ва эътироф этган шундай нарсалар борки, уларни мазмуни ўзига ва жисмига мос бўлиб, бутун характерини ва унинг ички дунёсини оламга намоён этиб туриши шарт. Шундай нарсалардан бири бу давлатларнинг мустақиллигини кўрсатиб турувчи унинг рамзлариdir.

Шу ўринда биз мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзлари байроқ, герб ва мадҳияси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Ҳўш, рамз нима деган савол туғилиши табдий. Рамзлар — бу шартли белгилар бўлиб, улар қадим даврлардаёт турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаганлар.

Дарҳақиқат рамзлар халқни миллатларнинг ҳәтини, турмуш тарзини уларнинг психологиясини, фольклорини, ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини, уларнинг табииатини, иқлимини, географик шароитини, ўтмиш тарихини англатувчи шартли белгиларнинг элементларидан ташқил топади. Шунинг учун ҳам давлатларнинг рамзларига қараб, ўша давлат халқи, миллати ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Мустақил Ўзбекистон рамзлари ҳам чуқур тарихий мазмунга эга бўлиб, халқимизнинг азалий орзуси, унинг зазгу ниятлари, ўтмиш тарихи, бугунги ҳаёт мазмунини акс этиб турибди.

Республикамида давлат мустақиллиги эълон килиниши, чинакам истиқлол йўлига чиқишимиз мустақиллигимизни акс эттирувчи рамзларни ишлаб чиқишни тоқазо этди. Шу муносабат билан 1990 йил 30 марта «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида» қарор қабул қилинди ва бу борада ишлар олиб борилди.

Республиканинг энг қўзга кўринган мусиқашунослари, композиторлари таклиф этилди ва эксперт комиссияси тузилди.

Энг яхши мадҳия матни учун Республика танлови эълон қилинди. Танловга тавсия этилган матнлар орасидан, халқимизнинг бугунги куни, унинг интилиши,

орзу умидлари, эртанги истиқболлари, гурури ва фахри ифодаланган. Абдулла Орипов қаламига мансуб бўлган матнни Республикализнинг Мадҳияси қилиб танлаб олинди. Бунга таниқли композитор Мутал Бурхоновнинг басталаган мусиқаси мос тушди.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси Республикамиз Олий кенгашининг 1992 йил 10 декабрида бўлиб ўтган XI сессиясида тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳиясининг сўзлари қўйидагича:

Серқоёш, ҳўр ўлкам, әлга баҳт, најот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлоддар сенга зўр қанот!
Истиқол мавзали, тинчлик посбони,
Халқсевар, она юрт, мангубўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оlamни маҳлиё айлаган диёр!

1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисида» Олий кенгашнинг қарори қабул қилинди. Республика байробгининг ҳамда гербнинг чизмаларига оид таклифларни тайёрлаш учун машҳур рассом-мусаввирлар, санъатшунос-иззариётчилар, бадиий тасвир ва графиканинг билимдонлари, шунингдек Республика конституциявий комиссия аъзолари, маданият ва санъат арбоблари, политологлар, ҳуқуқшунослар, гербларни ўрганиш соҳасидаги мутахассислардан иборат маҳсус комиссия ташкил этилди.

Бу борадаги саъй ҳаракатлар умумхалқ муҳокамасида бўлиб, матбуотда кенг ёритилди. Байроқ ва Герб тасвири учун Республика конкурс танлови эълон килинди. Узоқ муҳокамадан кейин Ҷавлат байроби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиниң ўн иккичи чақириқ VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрда тасдикланди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби рамзи бизнинг мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган гоят қудратли салтанатлар байробига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда Республиканинг табиатига хос бўлган ҳусусиятларни ҳамда ҳалқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаво ранг — мусаффо осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек, ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзиdir. Ҳаво ранг Амир Темур давридаги байроқнинг асосий белгиси бўлган.

Оқ ранг — тинчлик ва поклик тимсолидир. Маълумки, ёш мустақил давлат ўз йўлида баланд-баланд довонлардан ошиб ўтиш керак. Бизнинг байробимизда бу ранг мана шу йўл мусаффо ва чароғон бўлиши учун яхши ният рамзи сифатида кўйилган.

Кизил йўллар — бу хар бир тирик жон кон томирида уриб турган ҳаётий кучнинг, ҳаётнинг ва ернинг рамзиdir.

Яшил ранг — табиатнинг тимсоли, гуркираб яшнаётган ҳаёт ва хосилдорликнинг рамзиdir. Ҳозирги вактда бутун дунёда атооф — мухитни муҳофаза қилувчи кишилар — табиат дўстлари сафи ва ҳаракати кенгайиб бормоқда. Бу ҳаракатларнинг рамзи ҳам яшил ранг ҳисобланади.

Ярим ой — Ўзбекистон ҳалқининг кун асрлик анъаналарига мувоғик, келади. Ярим ой ва юлдузлар — мусаффо осмоннинг, тинчликнинг рамзиdir. 12 рақами қадим вақтлардан бўён мукаммаллик тимсоли бўлиб келган, шунинг учун бизнинг байробимизга ҳам 12 юлдуз тасвири туширилган.

Давлат байроби — бизнинг ўтмишимиз бугунги кунимиз ва келажагимиз рамзиdir.

Байробимизга туширилган юлдузлар масаласида гапирадиган бўлсак, бу ҳамма ҳалқлар учун рамзий анъанага айланган рамзий тимсолидир.

Умуман юлдузлар инсоният тарихининг энг қадимий рамзий белгилариридир. Осмон жисмларига кирувчи юлдузлар белги сифатида деярли барча ҳалқларнинг тасвиirlарида топилади, юлдузлар доим адабият тимсоли бўлниб келган.

Миллий байроғимизнинг ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинган.

Байроқ факат Республикамиз мустақиллигининг рамзи бўлмай. У Республикамизни ҳалқаро ҳаётий рамзини ифода этади. Давлат Байроғи Президентлик аппарати, Республика Олий Кенгаши ва ҳуқумати, Қорақалпогистон Республикаси Олий Кенгаши ва ҳуқумати, ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, Ўзбекистоннинг доимий ваколатхоналари биноларида ўтарилиган бўлади. Ҳалқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари ўтаётган вақтда, байрам кунлари вазирликлар, маҳкамалар, корхона ва жамоат ташкилотлари биноларида, турар жой ўйларида байроғимиз илинади. Шунингдек чет элдаги ваколатхоналаримизнинг транспорт воситаларида, денгиз ва дарё кемаларида расмий вакилларимиз бўлган тақдирда, давлат, жамоат ташкилотларининг байрам ва шодиёналарида, спорт майдонларида, сайлов кунлари сайлов участкаларида, сайлов ўтгунча қадар, бошқа холларда белгиланган соатларда кўтарилиб, туширилиб қўйилади. Байроғимиз кўтарилиганда, албатта ердан 2,5 метр баландда бўлиши керак.

Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистондаги чет элликлар байроғимизни ҳурмат қилишлари шарт. Байроқقا ҳурматсизлик қонун йўли билан жазоланади.

Давлатимизнинг рамзларидан яна бири бу давлат гербидир. Янги давлат гербини қабул қилиш юзасидан Олий Кенгаш қошида 15 февраль 1991 йил қарорига кўра мутахассислардан иборат эксперт комиссияси тузилди. Тамга лойиҳасини ишлаб чиқиш борасида Республика конкурс-танлови эълон қилинди. Матбуотда, телевидение ва бошқа оммавий ахборог воситаларида тамға масаласида юборилаётган эскизлар кенг муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чакириқ унинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси давлат герби тўғрисида» қонун қабул қилинди. Давлат тамғасини қабул қилишда минг йиллар давомидаги тарихимизнинг бой, яхши анъянавий тажрибасига таянилган. Ўзбекистон Давлат

**тамғаси 2 июль 1992 йил Узбекистон Олий мажлисининг
19 сессиясида қабул килинди.**

Давлат герби давлат мустақиллигининг рамзи бўлиб, республика ижтимоий ва давлат тузилиши принципларини унинг сиёсий, миллий, хўжалик, географик, этнографик ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ифода этади.

Гербимизнинг марказида қанотларини кенг ёзиб туртан Хумо қуши тасвирланган. Бу баҳт-саодат ва эрк-севарлик рамзиdir. Қадим-қадим замонлардан буён Хумо қуши ўзбек халқ орасида одамларни баҳт саодатга етакловчи қуш рамзи сифатида эъзозланиб келинган. Бизнинг буюк бобомиз Алишер Навоий Хумо қушини жамики тирик мавжудотлар ичida энг саҳватлиси сифатида таърифлаб берган эди.

Гербнинг юкори кисмида республикамизнинг событва барқарорлигини рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ичida ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган. Қуёш тасвири бизнинг давлатимиз па халқимизнинг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ниятдир. Айни пайгода у Республикамиздаги ниҳоятда гўзал табиий иқлим шароитини хам кўрсатиб туради.

Бошоқлар ризқ-рўзимиз бўлмиш галланинг тимсоли, оплок бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шохлари серқуёш юртимизнинг доненини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзиdir. Бугдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ҳушаган лента билан ўраб қўйилганлиги бу республикада яшаётган халқлар яқдиллигининг тимсолидir.

Герб рангли тасвирда бўлиб, хумо қуши кумуш рангда; қуёш, пахта чаноғи ва «Узбекистон» деган ёзув тилла рангда, ғўза шохлари ва барглари яшил рангда; тоғлар ҳаво рангда; чаноқдаги пахта, дарёлар, яримой ва юлдуз оқ рангда; Узбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт ҳил рангда берилган.

Давлат гербининг ҳуқуқий макоми маҳсус қонун билан кўрикландади. Давлат гербидан фойдаланиш ҳуқуқи маҳсус давлат ҳокимияти ва бошқаруя идораларига берилган бўлиб, уларга Узбекистон Президенти девонини, Узбекистон Олий Кенгаши, Ҳукумат давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг маҳаллий идоралари, вазирликлар, давлат қўмиталари, барча тоифадаги суд-

лар, прокуратура, дипломатик ва консуллик ваколат-хоналари киради.

Гербни тасвири туширилган муҳрлар, ҳужжатларнинг бланкалари, улардан фойдаланиш ва саклаш, йўқотиб юбориш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус ҳужжати билан тартибга солинган. Албатта давлат гербини оммавий тартибда бир вактнинг ўзида жорий қилиш мураккаб ишдир. Чунки унинг тасвири ҳар бир фуқаронинг паспортида, корхона, муассаса, ташкилотларнинг иш коғозларида Республикализнинг пул бирликларида, қимматли коғозларида, ўз ифодасини топиши шарт.

Давлат гербини ҳурматлаш ҳар бир фуқаро, ҳар бир шахс учун мажбурийдир. Модомики у Она юрт тимсоли давлатимиз рамзи экан, унга бефарқ бўлиш мумкин эмас.

Қабул қилинган миллий давлат рамзларимиз катта тарихий воқелик бўлиб, у мустақил давлатимизнинг биринчи тимсоллари бўлиб, бу тимсол бугунимиз, эртамиз ва келажагимиз учун муносиб хизмат киласди.

Давлат мустақиллигининг энг муҳим белгиларидан бири, миллий валюта — сўмнинг муомалага киритилишидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси» «Сўм» муомалага киритилди. Миллий валютанинг жорий этилиши ва ўнинг муомалага киритилишининг аҳамияти тўғрисида президент И. А. Каримов шундай деди:

«Ёш давлатимиз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар стратегиясида ўз миллий валютамизни жорий этиш ва унинг барқарор муомалада бўлиши муоммасини ҳал этишга foят катта аҳамият берилаётир. Миллий валюта — миллий ифтихор, давлат Мустақиллигининг рамзи, суворен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик вэ мулқдир. 1994 йил 1 июлидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта ягона қонуний тўлов воситаси бўлган сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатдан ҳам инқилобий қадам бўлади. Бу бутун иқтисодиёт ислоҳотида сиёsat жиҳатидан янги босқич бошланганидан дарак беради. Биз, деди президент, бирор киши-

нинг иродасига боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон халқининг манфаатларига мос молиявий, пул-кредит сиёсатини умуман бутун иқтисодиёт, сиёсатимизни амалга оширишнинг аниқ механизмига эга бўлдик»⁴.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик йўлига кирганлиги намунаси бу миллий валютани мумомалага киритишигина бўлмай, балким сабиқ СССР Республикалари орасида биринчи ва ягонаси бўлиб ўзининг пул ишлаб чиқарадиган саройига эга бўлди. Бугунги кунда Республикамиз нафақат мумомала воситаси бўлган пул масаласидаги ўзининг талабини қондира олиши билан бирга зарур бўлиб қолган тақдирда региондаги Республика давлатларининг ҳам эктиёжларини қондира олиш имкониятига эга бўлди.

Бугунги кунда миллий валютамиз сўмнинг тарихий аҳамиятига юксак баҳо берар эканмиз, шу билан бирга унинг қадрини ошириб бориш учун ҳам давлатимиз раҳбарияти катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон президенти И. А. Каримов раҳбарлигидан давлатимиз миллий валютамизнинг қувватини оширишнинг тўртта дастурини кўрсатиб берди: «Биринчидан, ўз валютамиз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлишилиги.

Иккинчидан, валютанинг барқарор амал қилиши, унинг муҳимлиги, эркин алмашувини етарли валюта заҳираси бўлишилиги.

Учинчидан, ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини қадрлашини ўрганган—тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланишилиги.

Тўртинчидан, миллий валютани мустаҳкамланишинг энг муҳим шарти инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёsat ўтказиш»⁵.

Президентимиз томонидан илгари сурилган тўрт дастурни амалга оширилиши нафақат миллий валютамизнинг қадир қимматини оширишга хизмат қилибгина қолмай ички бозорни халқнинг истеъмол маҳсулотларига бўлган этиёжларини ҳам тўла-тўқис камайтиришига, халқимишинг социал фарованиегини таъминдашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг XI сессияси 1992 йил 8 декабрида моддама-модда овоз бериш йўли билан мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституциясини қабул қилди. Бу республика тарихидаги буюк воқеадир. Ўзбекистон халқи илк бор ўз давлат мустақиллигига эга бўлди ва бу тариф

хий факт унинг конституциясида тантанавор мустаҳкамлаб қўйилди Мазкур ҳужжат дунё ҳаритасида янги демократик давлат Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлиги фактини акс эттириди.

Конституция халқнинг ўзини-ўзи бошқариш эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодади. Конституцияда давлатнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иктисадий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларига нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қайдаражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлиги кўзгудагидек акс этиб турибди. Ўзбекистон Республикаси га Президент И. А. Каримовнинг қисқа, лекин сермазмун таърифида конституциямизнинг бутун моҳияти очиб берилган.

«...Бу Конституция ўзининг туб моҳияти фалсафаси, ғоясига қўра янги ҳужжатдир», — деб таъкидлади у.— унда коммунистик мафкура, синфиийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг үлуги — инсон леган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги узаро муносабатларнинг оқилона ҳуқукий ечимини топишга интилдик»⁶.

Ўзбекистон Конституциясида янгиланаётган жамиятимизнинг сиёсий ижтимоий қиёфаси, ўз аксини топган. Биз яратаетган жамият демократик, адолати фуқаролик жамиятидир. Бу Конституцияда демократик жараёнлар умум эътироф этган тамойиллар, анъаналар ҳисобга олинган.

Мамлакатимиз Конституциясининг 1-моддасида шундай ёзилган: «Ўзбекистон — суверен демократик республика». Бу жумла шу маънони билдирадики, «суверенитет» сўзи ҳам мустақиллик маъносини англатади. Яъни мамлакатимиз ва халқимиз хеч кимга муте бўлмаган холда ўзининг миллий-давлатчилик ва маъмурий ҳудудий қурилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимни, ривожланишининг ижтимоий-иктисодий моделини ўзининг ички ва ташки сиёсатини ўзи белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II-бобида халқ ҳокимиятнинг бирдап-бир манбаидир дейлади. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларининг қўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қи-

линган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади». (7-модда).

Хусусан 8-моддада шундай дейилади: «Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ўз миллатларидан қатъий назар Ўзбекистон халкларини ташкил этадилар». Бундан шў нарса кўриниб турибдики, халқимиз азалдан инсонпарвар, одамохун бўлиб келганлар. Инсоннинг қадркимматини ҳамма нарсадан устун кўйганлар, инсонни эъзозлаганлар. Шунинг учун ҳам янги конституцияда миллат ва инсонларнинг эътиқодлари, ирқи ҳисобга олинмасдан тенг хукуқли яхлит бир халқ сифатида қаралмоқда. Собиқ СССРдан ажралиб чиқсан Мустақил Республикаларнинг конституцияларида бундай олижаноб инсонпавлар моддалар кайд этилмаган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллатлар ва элатлар Ўзбекистоннинг сиёсий системасини, сиёсатини, Конституцион қоидаларини ниҳоятда қадрлайдилар.

Бундай қоидаларни кўплаб келтириб таҳлил қилишимиз мумкин. Лекин биз олдинги маъruzalаримизда конституциямизнинг баъзи бир моддалари ва қоидалари тўғрисида тўхталиб ўтдик, кейинги маъruzalаримизда ва амалий машғулотларимизда хам кенгрок батафсилроқ тўхталамиз, кисқа қилиб айтганда курсимиз давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барча моддаларини таҳлил қилиб ўрганамиз.

Олдимиизга кўйган масалага хulosса ясан эканмиз, шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг умумий идроқининг мевасидир, чунки у халқинг орзуумиди, уй-ҳаёлини ифодалаган. У суверен Республиканинг прогрессив ривожидаги асосий қонуннинг энг юкори мавкеига тўла мос келади.

У Ўзбекистон Мустақиллиги Конституцияси, халқнинг бойлиги бўлиб қолди. Конституция халқ манфати йўлидаги, жамиятимизда ислоҳот заруриятидаги шарт-шароитларни яратишга йўналтирган асосни яратади, инсон ҳуқуқини, баркарорликни ва ҳар бир оиласга муносиб турмуш тарзини кафолатлади. Ўзбекистонни янгиланиш ва тараққиёт йўлида яшаб, меҳнат қиласидиган халқ учун бундай Конституция ниҳоятда мос тушади ва халқ учун хизмат килади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституцион қоидаларни мукаммал билишлари ва унга риоя қилишлари, бу қоидалар

билан фахрланишлари зарур, чунки ҳақиқий демократик, жамиятнинг асосини Конституция ташкил этади.

Инсон тафаккурининг қадимий бешиги бўлган Ўзбекистон Республикаси ўзининг геополитик ва геостратегик жиҳатидан Марказий Осиёнинг юраги, марказини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб Гарб билан Шарқни азалдан бирлаштириб турувчи ролни ўйнаб келган Осиё билан Европани боғловчи энг муҳим савдо йўллари қадим замонлардан бўён бизнинг диёризмиздан ўтганлиги бежиз бўлмаган. Бунга мисол сифатида Буюк Ипак йўлини Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтганлиги эслаш кифоядир. Шундай чорраҳада жойлашганлиги Ўзбекистон халқлари учун катта имкониятлар яратувчи омил бўлиб ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёнлари жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Осиё Тинч океани миңтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишади.

Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллик ва суверенитетни кўлга киритганидан кейин бу алоқалар жонланиб, аҳамияти яна ҳам ошди. Бу тасодифий эмас, чунки Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудуди Шарқда Хитой чегараларидан бошланиб, Фарбда Эрон ва Каспий денизигача чўзилиб кетган. Улар Ҳиндистон ярим оролини Россия ва Европа билан боғлаб туради.

Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг хозирги жўғрофий-сиёсий тизимларидаги роли жўда сезиларли ва кагтадир. Шу туфайли бу республикаларда юз бергаётган ҳодисалар жаҳондаги энг йирик давлатлар, турли жўғрофий-сиёсий тизимларининг манфаатларига бевосита даҳлдордир. Ҳар қандай давлат ҳам ўзининг жўғрофий-сиёсий йўлини белгилаган вақтида ана шу вазиятни ҳисобга олади ва ўзи учун сиёсий иқтисодий ва стратегик фойда чиқариб олишiga ҳаракат киласди.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳудудий макон хусусиятлари, унинг жўғрофий ўрни бизнинг ички ва ташқи сиёсатимизни танлаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг энг муҳим имкониятларидан яна бири бу табиат берган катта инъом, бой табиий ресурсларидир. Ўзбекистон ҳудуди азал-азалдан табиий ресурсларга ниҳоятда бой мамлакатdir, қулай иқлим шароити, ўлкан минерал — хом ашё заҳиралари, стра-

тегик материаллари ва қишлоқ, хўжалик ҳом ашёсининг катта захиралари ҳақли суратда Ўзбекистонни минтақа ва дунёнинг энг бой мамлакатлари қаторига олиб чиқди.

Ўзбекистон заминида мавжуд бўлган бойликларга эга давлатлар жаҳон харитасида кўп эмас. Бу бойликларнинг кўпчилиги ҳали ишга солинмаган. Бу эса бугун дунёга машҳур чет эл компаниялари ва банкларининг эътиборини жалб этиши аниқ.

Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади, бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари маъдан намоён, бўлган истиқболи жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал—ҳом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидирилиб захиралар ўз 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал — ҳом ашё потенциал 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганлиги диққатга сазовордир.

Республика олтин, кумуш, уран, мис, молибден, курғошин, рух, вольфрам, сингари қимматли ва нодир металлар заҳираси бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Ҳозирги вақтда 40 та қимматбаҳо металл конлари қидириб топилган. Олтиннинг асосий захиралари олтин конларининг ўзида. Марказий қизилқумда жойлашган бўлиб, тасдиқланган захиралар бўйича республикани дунёда тўртинчи ўринга олиб чиқади. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича МДҲ давлатлари орасида эса иккинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистонни олтин захираларини кўплиги, олтиннинг юкори сифатлилиги кўплаб ривожланган мамлакатларни диққат эътиборини тортмоқда. Жумладач 1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон—Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Корхонанинг муассасаси Американинг «Ньюмонт Майнинг корпорейшн» компаниясидир. Ушбу корхона Мурунтов кон ағдармаларининг минераллашган ўюмидан олтин ажратиб олиш мақсадида барпо этилган. Қиймати 22 миллион АҚШ долларига тенг бўлган завод курилиши 1993 йил октябрiddan бошланди ва бор йўги 18 ойда — 1995 йилда қўшма корхона олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чиқди.

1994 йилда «Омонтов Голжфилде» Узбекистон — Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг чет эллик мутахассислар Лонро компанияси ва Халқаро Молия корпорацияси ҳисобланади. Қўшма корхонанинг мақсади Довғизтов ва Омонтовнинг олтинга бой конларини ўзлаштиришдан иборатdir. Бу комплексни 1998 йилда ишга туширилди.

Республиканинг табиий бойликларини чет эл компаниялари билан биргаликда ўзлаштириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида Узбекистоннинг имкониятлари кенг.

Республика қудратли ривожланган энергетика базасига эгадир. Газнинг аниқланган заҳираси 2 триллион кубометрга яқин, кўмир 2 миллиард тоннадан ортиқ 1160 дан ортиқ нефть кони мавжуд.

Нефть ва газ мавжуд бўлган 5 та асосий минтақани ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар Устюрт, Бухоро—Хива, Жанубий—Фарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақалариидир. Нефть ва газ ресурсларининг заҳиралари бир триллион АҚШ долларидан зиёд баҳоланмоқда. Узбекистонда нефть ва газ тармоғи илдам ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Узбекистон ранги металлар — мис қўрғошин, рух, вольфрам ва гуруҳга киравчи бошқа металларнинг аниқланган заҳираларига эга.

Мис рудалари билан бирга ранги металларнинг 15 дан ортиқ тури, чунончи олтин, кумуш, молибден, кадмий, индий, теллур, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва бошқалар ҳам қазиб олинади.

Бундан ташқари, истиқболли Даънне мис кони тошилган. Унинг мис, молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва олtingугурт заҳиралари катта.

Мазкур кон қидирилиб топилган заҳиралари, қазиб олишнинг таннархи фойдали қазилмаларнинг ажратиб олиниши жиҳатидан МДҲ мамлакатлари орасида тенти йўқ.

Республикамизда 20 та мармар, 15 та гранит ва габбро конлари борлиги аниқланган. Оқ рангдан то қора ранггача хилма-хил безакбоп тошлар олинадиган кўплаб конлар ноёб табиий омборлар бўлиб, улар бутун Евроосиё зонасидаги энг йирик конлардир.

Қоплама тошларнинг умумий заҳиралари 85 миллион кубометрдан ортиб кетади. Улар тошни қайта ишлайдиган корхоналарки, юз йиллар давомида хом-ашё билан таъминлайди.

Ана шундай қудратли хом-ашё базасига эга бўлган, Узбекистон тошини қайта ишлаш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчилардан биридир.

Республикада фосфоритларга бой конларнинг заҳираси тахминан 100 миллион тоннани ташкил этади. Жуда катта калий туз конлари мавжуд бўлиб, тахминий ҳисобларга Қарағанда, калий тузлари 100 йилдан кўпроққа етади. Ундан ташқари 5 та тош тузи конлари мавжуд бўлиб конларда тахминан 90 миллиард тонна хом-ашё бор. Ер ости бойликларимизнинг учдан бири ҳақида фикр юритдик. Ер ости бойлигимиз ва унинг порлоқ келажаги ҳақида тўлиқроқ маълумот президент И. А. Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида Хавфсизликка таҳдид, Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида берилган.

Узбекистоннинг катта имкониятларидан бири бу табиий географик иқлими ва серунум тупроғидир. Шунинг учун ҳам ривожланган кўп тармоқли қишлоқ, ҳукуматига эга.

Узбекистон катта экспорт имкониятига эга бўлган энг муҳим стратегик маҳсулот пахта етиширувчи ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи асосий ўлқадир. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради.

Мустақилликдан кейин паҳтани қайта, тўқимачилик, тикувчилик тармоқларига маблағ сарфлаши чет эл билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республиканинг Бухоро, Андижон, Тошкент ва Фарғона шаҳарларида 4 та йирик тўқимачилик комбинати ишлаб турибди, булардан ташқари, 30 дан оғриқ ип йигириув-тўқув фабрикаси турли минтақаларда жойлашган. Чет эллик инвесторлар иштирокида ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилган. «Қобул — Тўйтепа — Текстайлз» (Жанубий Корея), «Аснамтекстил», «Катекс», «Элтекс», «Самжинтекс» (Туркия), «Супертекстил» (АҚШ) ва бошқалар ишлар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган корхоналар ишлаб чиқарашётган сифатли маҳсулотлари ҳалқимиз эҳтиёжини қондирибгина қолмай хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Узбекистонда ишлаб чиқариладиган шойи, жун, қора кўл тери ва бу маҳсулотлардан тайёрланган буюмлар Узбекистондан анча узокда бўлган

хорижий мамлакатларда ҳам харидоргир буюмлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонни ҳақиқий бойлиги ва мулки унинг меҳнатсевар, саҳий ва меҳмондўст халқидир.

Жамиятимизнинг энг олий бойлиги бўлган халқабадий қадриятларни, қудратли салоҳиятни ўзида жамлаган. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш на тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фарол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб борилишни таъминлаб беради.

Бизни давлатимиз аҳолининг ўсиш суръатлари ва меҳнат ресурслари юқори бўлган минтақа ҳисобланади. Марказий Осиёдаги барча меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистондаги меҳнат салоҳияти — унинг таълим даражаси юқорилигидир. Республикадаги аҳолини яхши саводли даражаси 99,06 фоизни ташкил этади. Бу эса республикани инсон салоҳияти юқори даражада ривожланган иқтисодий тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторга олиб чиқади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон қудратли илмий ва маънавий потенциалга эгадир. Республикада бир қатор фанлар академияси: жумладан, Ўзбекистон фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик Академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Банк-молия Академияси фаолият кўрсатмоқда. Республикада 59 та олий ўқув юрти 258 та ўрта маҳсус ўқув юрти ишлаб турибди, шулардан 75 таси коллеждир.

Ҳозир Ўзбекистон Маркази Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган моддий асосга кенг илмий фондга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг меҳнати бутун дунёда эътироф этилган.

Республиканинг илмий тадқиқот мажмуи академия олий ўқув юртлари ва тармоқ йўналишларидаги 362 мусассасани, шу жумладан, 101 илмий-тадқиқот институтини, олий ўқув юртларидаги 55 илмий-тадқиқот бўлимларини, 65 лойиҳа конструкторлик ташкилотини, 32 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхоналарини, 30 ахборот ҳисоблаш марказини ўз ичига олади.

Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд бўлиб, шулардан 2,8 минги фан доктори ва тахминан 16,1 минги фан номзодидир.

Ўзбекистоннинг яна бир муҳим имконияти бу сайёхлик саноатини ривожлантириш учун қулай бўлган ўзининг нозик меъморчилик тарихий обидалари билан дунёга машҳур бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон сингари шаҳарлари жаҳон халқларини диққатини ўзиға тортиб келмоқда. Республика ҳудудида 4 мингдан зиёд маҳобатли меъморлик ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинади.

Республикамида құдратли ва бир қанча нодир, саноат корхоналари барпо этилган ва ишлаб турибди. Улар саноатнинг деярли барча тармоқлари оғир саноат, машинасозлик, самолётсозлик ва автомобилсозликдан тортиб, енгил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, фан билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларигача таллуклидир Ўрта Осиёдаги маҳсулотларнинг учдан икки қисми Ўзбекистонда тайёрланади. Республикамиз Ўрта Осиёда қора металлар ва прокат, самолётлар, моторлар, пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси, кабель маҳсулотлари, экскаваторлар, кўтарма кранлар ва лифтлар, капролактам тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати учун машина ускуналари, йиғувчи машиналар ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарадиган бирдан-бир давлатdir.

Ана шу катта иқтисодий имкониятларни халқимиз ўзининг миллий манфаатлар йўлида ишлатиш имкониятига эга бўлганлигини мустақиллик берди.

Шунинг учун ҳам мустақиллик деганда, биз учун энг аввало Она заминга эгалик, ер ости ва ер усти бойликларимизни ўзимиз аввалим бор республикамида яшаётган аҳоли учун ишлатиш, бошқача қилиб айтганда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз деганидир⁸,— деб айтган эди президентимиз Ўзбекистон фуқароларига сайловолди мурожаатида.

Ана шу улкан имкониятларни ишга туширишда ва ундан оқилона фойдаланиш учун, Ўзбекистон кучли илмий салоҳиятга эгадир.

Айниқса, дәҳқончилик, табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги салоҳияти кучли. Ўзбекистон олимларининг тарих, математика, физика, қуёш билан боғлиқ материалшунослик зилзилага бардошли иншоотлар наза-

рияси, ўсимлик моддлари кимёси ва бошқа соҳалардағи тадқиқотлари мамлакат ташқарисида ҳам машҳурдир.

Мустақиллик шарофати билан юқорида таъкидлаб ўтилган мол-мұлкілар, барча табиий-иктисодий бойликлар әндилікда нафақат ўзимизнинг ватандошларимизни балким келажак авлодлар бойлиги ҳамдир. Бу бойликлар Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлатга айланишида, мустақилликнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва иқтисодий ривожланишимизга кенг имкониятлар яратади.

Президент И. А. Каримов томонидан катта ишонч ва асосли равишда айтилганидек, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», — деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикаизда ҳамма нарса: табиий бойликлари, унумдор ер, құдратли илмий ва маңнавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими бу диерда меҳнатсевар ва истеъдодли ҳақ яшайди.

4-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

¹ М. Файзиев. «Мустақиллик нима?», Т., «Адолат», 1992 йил, 55-бет.

² И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли», Т., 1992 йил, 4-бет.

³ Л. Левитин в сотрудничестве с Дональдом, с Корлайллом. «Ислам Каримов — президент нового Узбекистана», «Агротек», Вена—Австрия, Издательство «Ўзбекистон», Т., 1996 год, с. 5.

⁴ И. А. Каримов. «Ўзбекистон умумий уйимиз», Т., 1995 йил, 6-бет.

⁵ М. Файзиев. «Мустақиллик нима?», Т., «Адолат», 1992 йил, 20-бет.

⁶ И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Т., 1995 йил, 217-бет.

⁷ И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Т., 1995 йил, 218—223-бетлар.

⁸ И. А. Каримов. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», Т., 1992 йил, 37-бет.

⁹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлар ва тараққиёт кафолатлари» «Ўзбекистон», Т., 227—252-бетлар.

¹⁰ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлар ва тараққиёт кафолатлари» «Ўзбекистон», Т., 253—278-бетлар.

5-м а в з у

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ТАШҚИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚУРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

1. Ҳуқуқий давлат тушунчаси ва асосий белгилари. Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш.
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин, очиқ демократик давлат назариясини ишлаб чиқиши.
3. Ўзбекистонда ҳокимиятни тақсимлаш концепциясига амал қилиниши.
4. Марказ, вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги ҳокимиятни такомиллашуви.

«Инсон ҳуқуқлари ғояси Олий мажлис фаолиятида доимий ўрин эгаллаши керак. Ҳар қандай қонун, ҳаракат соҳасидан қатъий назар, ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу тамойилларга оғишмай риоя этилган ҳолда биз чин маънода ҳуқуқий, адолатпарвар давлат қуришга эриша оламиз»¹,— деган эди И. А. Каримов.

Ҳуқуқий давлат тушунчасига, таълимотига, қулдорлик даврининг алломалари, умумий кўринишида бўлсада, ўз фикр мулоҳазаларини билдирган эдилар. Булар Платон, Аристотель, Полибий, Ликург ва бошқалар. Ўрта асрларда ҳамда XVII—XVIII асрларда Европада ва Америкада бир қатор назариячилар бу ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятни тақсимлаш концепциясини таълимот сифатида шакллантиридилар ва янги босқичга кўтардилар. Булардан Шарль Луи Монтескье, Жон Лок, И. Кант, Т. Жеффферсонлар ва бошқаларнинг таълимотлари, илгари сурган ғоялари мисол бўла олади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида «ҳуқуқий давлат» таълимотига ўзларини катта ҳиссасини қўшганлар немис файласуф маърифатпарварлари Гегель, Ф. Энгельс, К. Маркслар бўлдилар.

ҲУҚУҚИЙ давлатда қонуннинг устуворлигига катта аҳамият берган Платон шундай дейди: «Қайси давлат, кимнингдир ҳукмронлигида бўлиб, у ерда қонунлар ишламаса, ҳеч қандай кучга эга бўлмаса, ўша давлатни ўлимга қараб бораётганлигини кўраман. Қаерда қонун ҳукмдор устидан ҳукмрон бўлса, мен давлатни сақланашётганлигини, гуллаб яшнаётганлигини, худо томонидан давлатга қандай яхшиликлар берилган бўлса, бу яхшиликларни мужассамлашганлигини кўраман».

ҲУҚУҚИЙ давлат тушунчаси Улуғ саркарда ва Давлат арбоби соҳибқирон, бобоколонимиз Амир Темурнинг васияти, сиёсий программаси бўлмиш «Темур Тузуклари»да ҳам юксак мъянода таъкидланган бўлиши билан бирга соҳибқироннинг ўзи айнан қонунлар устувор бўлишига амал қилган.

«...Давлат агар дину ойин (қайди расм, тартиб, одат, равиш) асосида қўрилмас экан, тура-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ўхшарким уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу — нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги — туслиги йўқ уйга ўхшайди».

ҲУҚУҚИЙ Давлат бу инсониятнинг энг юқори цивилизациясининг маҳсулидир. Унинг асосий белгилари инсоният томонидан асрлар давомида тўлдирилиб, тақомиллаштирилиб келинди. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлиги қарор топишини тақозо этади.

Чинакам ҳуқуқий давлат бўлиши учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шартдир. Ҳуқуқий давлатда қонуннинг устуворлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, уни юксак эътиборга эга бўлишининг бонси, сабаби шуки, унда ҳалқнинг ҳукмрон иродаси, хоҳиш истаги, манфаати ва интилишлари ўзининг мужассам ифодасини топади. Шундай экан ҳуқуқий Ҷавлатда, қонунларнинг устуворлиги қандай принципларда ўзини намоён қиласи, яъни ҳуқуқий Давлат ўз мазмунига кўра, қандай элементдан таркиб топган. Давлат ташкилотлари структурасида:

1. Қонунга хос барча хусусиятларнинг, шу жумладан давлат ва жамият ҳаётининг ғұхым масалаларини қонун ёрдамида ҳал этилишининг норматив мустаҳкамлиги.

2. Давлат органлари ва жамият ташкилотлари құлланадиган барча ҳуқуқий актлар орасыда қонун устуварлыги белгилаб қўйилганлиги.

3. Барча қонунийлик принципларига риоя этилишининг конституциявий тарзда мустаҳкамланиб қўйилганлиги.

4. Қонуннинг юридик кучи бошқа норматив актларидан юқорилиги белгилаб қўйилганлиги.

5. Конституциявий назорат ва контролнинг амалга оширилиши.

ҲУҚУҚИЙ давлатнинг соддалаштирилган элементларини академик Кудрявцев В. Н. қўйидагича таърифлайди:

1. Бу — ҳуқуқнинг, қонуларни ҳукмронлиги бўлиб, уни давлат устидан омилкорлигидир. Давлатни қонунга тобелигидир.

2. Шахснинг юқори даражада ҳимояланганлиги, ҳуқуқ ва эркинликнинг кафолатланганлиги.

3. Ҳокимиятни сұбыстемол қилинишига йўл қўймайдиган, ҳокимиятни тақсимлаш концепциясига асосланганлиги, ҳамда қонунлар фуқароларнинг ишончига айланиши.

4. Ҳалқнинг суверенитети ва юксак даражада ривожланган фуқаролик ҳис-туйғусидир.

5. Ҳуқуқий давлатда, әгаллаб турган мавқеи ва мансабидан қатъий назар қонун олдида ҳамма фуқароларни бир хилдаги, тенглиги ва фуқароларнинг ҳаммаси қонун олдида ўз ҳад-ҳаракатлари учун жавобгарлигидир.

Қонун — бу ҳуқуқий давлатдаги фуқароларнинг эркинлиги, тенглигини тартиб ва уюшқоқлигини, социал адолатни таъминлаб беришда ҳимоячидир.¹

ҲУҚУҚИЙ давлат учун инсон ҳуқуқи ва ҳалқнинг ҳуқуқлари, шахснинг даҳлсизлиги ва хавфсизлиги, уйжойга бўлган ҳуқуқий, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини тўла эътироф этишдир. Ҳар қандай камситиш ва чеклашлар мумкин бўлмаган ҳолат деб тушунилади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий давлат қўйидаги принципга асосланади: «Қонун йўли билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади».

ҲУҚУҚИЙ давлатда инсон ҳуқуқлари Конституцияниң конунлар билан ва бошқа ҳуқуқий актлар билан мустаҳкамлаб қўйилган бўлади.

ҲУҚУҚИЙ давлатда фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлари ва бурчлари орқали узвий боғлиқдирлар.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари даҳлсиз бўлиб, хеч ким уларни суднинг қарорисиз ҳуқуқларидан маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ўз ифодасини топган, Конституциямизда ҳуқуқий Давлат принциплари атрофлича баён қилинган. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, ҳамда эркинликлари Конституцияда талайгина ижобий жиҳатлари мавжуд, «...инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидаларини ўзига синдирган. Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги даҳлсиздир. «Конституция — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш ва туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворини ишончли кафолати бўлди.

Демократик ҳуқуқий Давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлиги қарор топишини тақозо зотади. Чинакам ҳуқуқий давлат бўлиши учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунларни тантана қилмоги шарт. Қонунларнинг устуворлиги жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, ўнда ҳалқнинг ҳукмрон иродаси ва истаклари, манфаати ва интилишлари ўзининг мужассам ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида вужудга келганлигини, дунёга эълон қилувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонундаёқ (1991 йил 31 август) ўзининг умуминсоний қадриятларига содиқлигини, демократик давлатчилик йўлидан боражагини Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва қонунлари устун эканлиги баён этди. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳалқимизнинг олий мақсади — инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги ўз ифодасини топди. Бу конституциянинг (15-моддасида) «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади», — деган етакчи қоида битилди.

Узбекистон Республикасининг Президенти **М. А. Каримов**, ҳуқуқий давлатнинг асослари Конституциясида тўлиқ акс эттирилишини таъкидлаб «ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва мөъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Улуғ бобоколонимиз Амир Темур айтганларида: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик булади».

Конституция давлатимизнинг Асосий қонуни бўлиши билан бир вақтда ўта муҳим сиёсий ҳужжат ҳамдир. Жамиятимизнинг ижтимоий сиёсий характеристи ҳамдир. Унда жамиятимизнинг ижтимоий сиёсий характеристи, тараққиётимизнинг бош мезонлари, давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишлари белтилаб берилган Конституцияда давлатнинг асосий функциялари ва сиёсий йўли ўзининг мужассам ифодасини топган.

«Иктисадий, сиёсий ва энг аввало, ҳуқуқий макон тегишлича босқичма-босқич таъминлаб борилмас экан, инсоннинг барча ҳуқуқлари — давлат ишларини юритиша қатнашиши, эътиқод эркинлиги, йигилишлар уюшмалар эркинлиги ва шу каби ҳуқуқлар ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади. Аниқ йўлга қўйилган қонун тизими бўлмас экан, демократия ҳам бўлмайди. Шу билан бирга қонунларнинг ўзини қабул қилиш, ҳукумат ва беистисно ҳамма мансабдор шахсларнинг амалий саъӣ-ҳаракатлари айнан шу демократик мезонлар оркали ўтиши лозим. Бу жуда муҳим, чунки демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий таркибий қисмидир.

ҲУҚУҚИЙ давлат эса шунчаки расмий қонунийликни билдирамайди, у инсон шахсини энг олий қадрият сифатида эътироф этишга ва тўла-тўқис қабул қилишга асосланган яхлит амал қилувчи тизимдир»⁸.

Президенти **М. А. Каримов** томонидан илгари суриган ҳуқуқий давлат принципларига асосланган янги қоидалар Узбекистоннинг янги Конституцияси ўзининг улкан маънавий-ахлоқий, инсон шахсининг энг олий қадриятларини эътироф этиш руҳида тузилган. Конституциянинг инсон учун яратилганлиги, унинг энг муҳим хусусиятидир. Конституциясининг маркази ва бош мезони сифатида инсон, фуқаро ва унинг қонуний манфаатлари қўйилган. Эндиликда инсон унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва ажralmas ҳуқуқи ҳамда

эркинликлари мұқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади.]

(Асосий қонунда давлат фуқароларнинг Конституция ва қонуиларда мустаҳкамланған ҳуқуқлари ва әркинликларини таъминлайди (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқи ва әркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти қафолатланади (44-модда), деган инсонни түлиқ ҳимоя этувчи қоидалар мавжуд.

Бундан ташқары ахлоқий хусусиятларга әга бўлган қоидалар, яъни хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир (46-модда), вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатлизилар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясиадир (45-модда), вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-модда).]

Юқорида қайд этиб ўтилган моддалардан кўриниб турибдики, Узбекистон Республикасининг ҳалқимизнинг бой тарихий маънаий мерослари, маданияти, илмий қадрнятлари, юксак олижаноблиги, колективизм рухиятига асосланған ҳолда, ҳамда илғор демократик ҳуқуқий нормаларини ҳисобга олиб яратилган Конституцияда шарқона миллий демократия билан ғарб демократиясини ўйғунлаштира оладиган таянчини топа олган ҳолда яратилган.

Узбекистон Конституциясида Ҳокимиятни таксимлаш концепциясига қатъий равишда амал қилиниши ҳам ҳуқуқий давлат сари бораётганигимизнинг аниқ исботидир.

ҲУҚУҚИЙ давлатнинг назарий асослари томонидан қўйилган ҳамма қоидаларга Узбекистон Конституцияси түлиқ назарий, ҳамда амалий жавоб беради. Фикримизнинг исботи сифатида, баъзи аниқ мисолларни келтиришимиз жоиздир: Хусусан, Узбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасида Узбекистон Президенти Конституция ва қонунларга қатъий риоя этиши, 48-моддасида эса барча фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга мажбур эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, Президент ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатида чиқарган фармон ва фармойишлари конунга асосан ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинади (қаранг 89, 94, 98-м.). Маҳаллий ҳокимият органлари қонунларни, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар (101-модда). Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсу-

надилар (112-модда). Конунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан эса прокурор назорати амалга оширилади (118-модда).

Бу келтирилган мисолларимиздан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Конституцияси мамлакатда тўла қонун устуворлигини таъминлаш рухи билан суғорилган бўлиб, ҳуқуқий давлатнинг халқаро норматив актлари талабига жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда, Демократик ҳуқуқий давлатни ҳамда эркин одил фуқоролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган ёш суверен Ўзбекистон, Демократик ҳуқуқий мамлакатлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топиб олмоқда. Бунинг асосий сабаби мукаммал қомусимизга эга бўлишлигимиздир.

Конституциясини қабул килиниши мамлакатимизда туб сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилишига шу муносабат билан бутун қонунчиликнинг янгилаши заруриятини кун тартибига қўйди, зоро, жамики ҳуқуқий тизимининг, амалдаги қонунчилик актларининг моҳиятан янгиланиши — давринг объектив талаби бўлиб, унда жорий қонунчилик, қонунчилик қоидалари янги Конституциявий назар билан қайта кўриб чиқилиши, ҳамда унга мувофиқлаштирилиши лозим бўлди.

Бу масалани биринчи навбатда иқтисодиётдан бошлаш зарурлиги ҳаётий заруриятга айланди. Чунки Республиkaning бозор иқтисодиёти тизимиға ўтиб, боришини қонун билан мустаҳкамлаб, ҳимоялаб борилмаса, бозор иқтисодиётини механизмларини фаол ишлашини таъминлаш мумкин эмас эди. Энг биринчи навбатда мулкчилик муносабатларига таъсир этувчи қонунлар мажмуасини вужудга келтиришнинг зарурияти шунда эдики, мулкчилик муносабатлари иқтисодий тизимда марказий ўринни тутиб, уларнинг ҳолатига ҳар қандай ўзгариш давлат томонидан зудлик билан инобатга олиниб, қонунда ифода этилиб борилади.

Масалан, 90-йилнинг бошигача Ўзбекистонда амал қилинган қонунчилик ижтимоий мулкчиликни, унинг давлат ва колхоз — кооператив мулки шаклларини мустаҳкамлар эди. Уша вақтда, ҳали собиқ Совет Иттифоқи шароитида, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаракати бошланди. Иқтисодиётда ва ижтимоий тузумда юз бераётган ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистон ССРда ҳам «Мулкчилик тўғрисида» янги қонун қабул қилинди (31 октябрь 1990 йил). Бироқ бу қонунда эски анъана-дан дадил воз кечила олмасдан «фуқароларнинг шах-

сий мулки» деган модда ҳам сақланиб қолинди. «Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоги даркор. Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб етишдан ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатdir. Шу билан бирга ҳозирги босқичда иқтисодий муаммоларни ҳал этишини асосий сиёсий мақсадга — мустақил демократик давлатни қарор топтиришга бўйсундириш ҳаётий, муҳим ва объектив заруриятdir» (48-бет. Каримов И. А. Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 1992 й.).

Иқтисодиёт демократик давлатнинг табиатига мос равишда вужудга келиши учун мафкура таъсиридан бутунлай ҳоли этилди. Узбекистоннинг ишбилармонлари учун Ташки бозорда иштирок этиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар куриш, биргаликда фаолият кўрсатишлари учун эркин иқтисодий демократик муҳит яратилиб берилди. Республика иқтисодиётининг кейинги икки-уч йил ичидаги ривожи бозор муносабатларининг шаклланиши, юқоридаги конунга яна ўз тузатишларини киритишни тақозо этди. Бу орада Узбекистоннинг янги Конституцияси қабул қилинди, унда хилма-хил мулк шакллари тенглигини шунингдек, хусусий мулк даҳлсизлигини мустаҳкамлади. Ун иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг XII сессияси (7 май 1993 й.) «Мулкчилик тўғрисидаги» конунга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Жумладан конундан «Шахсий мулк» тушунчаси чиқарилиб, батафсил янги таҳрирдаги «Хусусий мулк» деган модда қонунлаштирилди. Шунингдек, хусусий мулкнинг кенгайтирилган таърифи берилган. У бошқа мулк сингари даҳлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланди.

Бу билан Узбекистонда бозор иқтисодий тамойилларига асосланган, эркин очиқ, демократик давлат қуришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Узбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ўзига хос мураккабликлардан иборат эди. Бу мураккабликнинг ҳал этиши алоҳида назарий концепцияни ишлаб чиқиши тақозо этди. Бу мураккабликлар нималардан иборат эди? Шулардан баъзи бирлари тўғрисида тўхтала-диган бўлсак, биринчидан: Узбекистон тўғридан-тўғри жаҳон бозор иқтисодиёти оқимиға қўшилиб кета олмаслигининг сабаби, омма психологик жиҳатдан тайёр эмас эди. Иккинчидан: Халқаро ҳуқуқий норматив актларига мос келадиган ҳуқуқлар мажмуаси ишлаб чиқа-

рилиши зарур эди. Учинчидан: Иқтисодиёт механизмлари қайта қурилиши керак эди. Тўртинчидан: Халқни тўғридан-тўғри бозор тўғонларига ташлаш мумкин эмас эди ва ҳоказо. Бунга ўхшаш сабабларни давом эттириш мумкин.

Шунинг учун бозор иқтисодиётининг умумжаҳон қонуниятларини тўла зътироф этган ҳолда Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий ва регионал хусусиятларини ҳисобга олган назарий концепция ишлаб чиқилиши зарур бўлди. Бу назария Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистонда — Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» ва бошقا қатор рисолаларида ишлаб чиқилди. И. А. Каримов бу асарларида бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит Ўзбекистоннинг ўзини андозасини ишлаб чиқиш ва ўз йўлимизни танлаб олишимизга катта зътибор берар экан. Бу йўлни уч таркибий қисмдан иборат қилиб қўйди.

— Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

— Катъий марказлашган маъмурий буйруқбоззлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

— Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тангликтан чиқиб олишининг барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига эркин очиқ демократик давлат назариясининг ишлаб чиқилиши, юқоридаги таъкидлаб ўтилган уч таркибий қисм атрофида ривожлантирилди. Бу ҳақда биз кейинги дарсларимизнинг бирида мукаммал тўхталиб, ўтиш даврининг муаммоларининг йигиндиси ва хусусиятларининг туғулларини ёчилиш назариялари ва амалиёти билан кенгроқ, батафсилоқ кўриб чиқамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин очиқ демократик давлат назариясининг мукаммал ишлаб чиқилиши ва бевосита ҳаётга босқичма-босқич тадбиқ этилиб борилишини жаҳон давлатлари зътироф этмоқдалар.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи Ўзбекистон-

нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига жорий этилар экан, бу таълимотни бошлангич манбаи қайси даврга бориб тақалади.

Давлат органлари фаолиятининг ваколатларини чегараланиши ғояси энг умумий кўринишда антик давр донишмандлари — Платон, Аристотель, Полибий, Ликург ва бошқалар томонидан ифода этилган эди.

Масалан, Аристотель эса, давлатни ўзаро фарқлашувчи, турли қисмларнинг мураккаб биримаси сифатида таърифлаб, учта идорани ажратиб кўрсатган; биринчиси — қонун яратиш соҳасида кенгашувчи орган (халқ мажлиси); иккинчиси — маъмурий ёки бошқарувчи орган (магистратурлар); учинчиси — судлов органлари. Ҳокимиятнинг таксимланиши концепциясининг асосчиларидан, етакчиларидан бири Шарль Луи Монтескьедир. Ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиншилигини у «Ҳокимиятни тақсимлаш» деб нем олган тугал — таълимотида илмий асослаб берди. Монтескьенинг холосасига кўра адолатли курилган давлатда ҳокимият ягона бўлмаслиги кепак. Инсон хукуқларини, эркини, демократияни тўда кафолатлигини таъминланиши учун, ҳокимият бир-бирiga тобе бўлмаган уч шахобчага бўлинши керак. Ҳокимиятни бир қўлда тўдаланиши ҳокимиятни сувистемол қилишга олиб келади.

Ҳокимиятни тақсимланиши

| | | |
|-----------|----------------------|------------------|
| Парламент | Ижро этувчи ҳокимият | Конституцион суд |
|-----------|----------------------|------------------|

Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя — бу ҲОКИМИЯТЛАРНИНГ МУВОЗАНАТИ, ТЕНГЛИГИ ВА ҚАРАМА-ҚАРШИ ТАЪСИР ЭТИШ ТИЗИМИ ҳақидаги ғоядир. Юқорида зикир этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўтash билан биргаликда, ўз ҳукуқий воситалари ёрдамида бир-бирларини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларининг биргина муассаси томонидан қонунсиз равишда тортиб олинишини бартараф этадилар. Масалан, қонун доирасида ишланиши лозим бўлган ижро этувчи ҳокимият айни пайтда, қонун чиқарувчи кенгашнинг фаолиятини чегаралаб туриши талаб этилади, акс ҳолда парламент ўзининг

мутлақ ҳокимлигини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонунларни имзолашда ҳуқуқидан фойдаланади, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлади.

Ўз навбатида қонун чиқарувчи орган ижро этувчи идора томонидан қонунлар қандай бажарилаётганлиги устидан назорат қилиш ваколатига эса, ҳукумат эса парламент ҳисоб беришга мажбур. Ҳокимиятни тақсимланиши демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусиятдир. Мазкур принципнинг қўлланиши ҳокимиятнинг сунистеъмол қилинишига тўсиқ қўяди. Фуқароларни мансабдор шахсларнинг тазиёқидан ҳимоя этади. Давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлиши учун шартшароитлар яратади.)

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги янги Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиши принципларига таянади. Давлат функциялари қонун чиқарувчи орган — Олий мажлис, давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият бошлиғи Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти (Конституциявий суддан, Олий суддан ҳамда Олий хўжалик судидан иборат) ўртасида тақсимланади (Конституциянинг V бўлими).

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб қонун чиқарувчи ҳокимияти амалга оширади. Олий мажлис 250 депутатдан ибраратдир.

Конституция парламент демократиясини шакллантиришнинг асосини ташкил этади. «Олий мажлис» (Халқаро миқёсида қонун чиқарувчи орган парламент деб аталади). «Парламент» ибораси французча «Parlement» — «гапирмоқ» сўзидан олинган бўлиб, фикр билдириш, муҳокама юритиш деган маънони англатади. Демак Парламент кенгашадиган маслаҳатлашадиган, масала-лар баҳс-мунозара ҳамда музокара йўли билан муҳокама этиладиган муассасадир. Парламент — «Олий Мажлис» одатда, сайлаб қуйиладиган халқ (турли сиёсий гуруҳлар, партиялар, ижтимоий кучлар) вакилларидан иборат тарэда таркиб топади. Бу ерда турли манбаатлар тўқнашади. Шу боис парламентда мунозара ва тортишув йўли билан фикрлар чархланади, ҳамда умумий келишув (консенсус) асосида қарорлар қабул қилинади. Парламент давлатининг умуммиллий па-

киллик муассасаси бўлиб, қонун чиқариш функциясини бажаради.

Ҳокимиятни тақсимлаш концепциясига тўлалигича амал қилинган, Ўзбекистон Олий мажлиси депутатлигига мансабдор шахслар сайлана олмайдилар. Жумладан: ҳукумат аъзолари, судьялар, прокуратура органларининг мансабдор шахслари вазирлик идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ижро этувчи ҳоқимият органларининг мансабдор шахслари (вилоят, туман, шаҳар ҳоқимлари бундан мустасно).

Олий Мажлис фаолиятини демократлашириш ба жаҳон стандартлари даражасига кўтариш йўлидаги ҳаракат биринчи чақириқ Олий Мажлисининг иш фаолиятиданоқ бошланди. Олий Мажлис фаолиятини демократлашириш масаласида катта тажриба ортирилди. Ана шу тажрибага асосланиб, иккинчи чақириқ Олий Мажлис, яъни Парламент ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан тўла шаклланди. Парламент демократияси қарор топди. Буни баъзи қиёсий таҳлил асосида кўрадиган бўлсак, биринчи чақириқ Олий Мажлисга бўлган сайловда иккита сиёсий партия ва ҳоқимият вакиллик органларидан 700 нафардан зиёд номзод иштирок этган бўлса, иккинчи чақириқ Олий Мажлис сайловида 7 та субъект — бешта сиёсий партия, ҳоқимият вакиллик органи ва сайловчиларнинг ташаббускор гурӯхларидан жами 1010 нафар номзод қатнашди. Биринчи чақириқ Олий Мажлис таркибида депутатлар, дастлаб битта блок, учта фракцияга бирлашган бўлсалар, янги парламентда эса 5 та фракция, 2 та блок рўйхатга олинди. Бу рақамлар 1999 йил 5 декабрда ва бўш ўринлар учун 1999 йил 19 декабрда такорорий овоз асосида ўтказилган Олий Мажлисга сайлов чинакамига муқобиллик асосида, демократик тамойилларга риоя қилинган ҳолда ўтганлигини билдиради. Олий Мажлис таркиби қўйидаги блоклар ва фракциялардан ташкил топган:

Ҳоқимият вакиллик органларидан депутатлар блоки — 110 киши;

Сайловчилар ташаббускор гурӯхларидан депутатлар блоки — 16 киши;

Халқ демократик партиясидан депутатлар фракцияси — 48 киши;

«Ватан тараққиёти» партиясидан депутатлар фракцияси — 20 киши;

«Миллий тикланиш» демократик партиясидан депутатлар фракцияси — 10 киши;

«Адолат» социал-демократик партиясидан депутатлар фракцияси — 11 киши;

Фидокорлар миллий демократик партиясидан депутатлар фракцияси — 34 киши.

(Изоҳ: депутатлар сони 250 кишидан иборат бўлиши керак, лекин Тошкент шаҳар 179-Чорсу сайлов округидан номзодлардан биронтаси ҳам сайловда етарли овозни ололмаганилиги учун З марта тақоририй сайлов ўтказилиши керак эди. Қўлланма сал олдинроқ чоп этилганлиги муносабати билан 179-сайлов округининг натижаси киритилмади).

Шу билан бирга Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссияларининг сони кўпайтирилди ва уларнинг масъулияти оширилиб, замон ва давр талабига мосланди. Олий Мажлис қўйидаги қўмиталар ва комиссиялардан ташкил топган.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси; Конунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси; Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси; Аграр, сув хўжалиги масалалари қўмитаси; Иктисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси; Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси; Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси; Матбуот ва ахборот қўмитаси; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси; Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси; Парламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси; Оила ва аёллар муаммолари комиссияси; Ёшлар ишлари комиссияси; Норматив-хуқуқий атамалар комиссияси.¹

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тузилиши:

Олий Мажлис сессияси.

Олий Мажлис Раиси.

Олий Мажлис раисининг
ўринбосарлари.

Олий Мажлис Кенгаши.

Олий
Мажлис
Котибиати

Олий Мажлис
комитетлари ва
комиссиялари.

Инсон
ҳуқуқлари бўйича
Олий Мажлис
вакиллари.

Демак, ҳамма демократик прогрессив мамлакатларда фаолият кўрсатаётган парламентлар каби Ўзбекистон Олий Мажлисининг функцияси тўғрисида тасаввурга эга бўлар эканмиз. Ўзбекистонда инсоният орзу қилиб келган Демократиянинг, яъни халқ ҳокимиятининг қарор топганлигини кўрамиз.

Ўзбекистон Президентлик бошқаруви ҳуқуқий институти сифатида Республика парламентининг 1990 йил март қарори билан жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясига мувофиқ Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади (89 модда). У фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафолатидир:

Ўзбекистон Республикасининг суверинитети хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилишига доир қарорларини амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

Ўзбекистон давлати номидан иш кўради, Ўзбекистонни мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда намоён этади, музокоралар олиб боради ва республиканинг шартнома ҳамда битимларини имзолайди;

Олий Ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиат ишлашини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг вазирлари, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади. Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимлавридан озод қиласи, кейинчалик бу фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

Вилоят, туман, шаҳар судларининг ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

Вилоят ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди, ҳамда лавозимидан озод этади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини имзолайди, «вето» ҳуқуқига эга, яъни имзолаш учун Президентга юборилган қонунларга ўз эътиrozларини илова этиб, уни тақороран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайташибга ҳақли.

Қонунларнинг Президент томонидан имзоланиши чуқур рамзий маънога эга бўлиб, бу билан у бутун халқ(миллат)нинг иродасини ва эзгу истагини мужас-

сам этади. Президент ўз ваколатларини ҳалқдан олади, шу боис ўз имзоси билан ҳалқ иродаси ва эзгу истаги-ни акс эттирувчи қонунни тасдиқлайди. Конституция Президент зиммасига бутун давлат тақдири учун жа-вобгарликка юклайди. Шу сабабли унга «вето» (лат. *veto* — тасдиқлайман) ҳуқуқини беради, қонунни ўз эътиrozлари билан Олий Мажлисга қайтаришда қандайдир ғайри-табиийликни кўриш керак эмас. Чунки қонун қабул қилингач, унинг ижросини таъминлаш Президент зиммасига тушади. Демак, Президент мам-лакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий, равнақига кўмаклашмайдиган қонунга, эътиroz билди-риши мумкин ва бу табиийдир. Агар Олий Мажлис ил-гари ўзи қабул қилган қонунни учдан икки қисмидан ибсрат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қо-нунни имзолайди. (Конституциянинг 93-моддаси 14 банди). Ушбу Конституциявий қоида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги бир-бирини ўзаро «тийиб» туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизимининг муҳим бир элементини мустаҳкамлайди. Ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини «тийиб» туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими»нинг муҳим бўгин-ларидан бири шундан иборатки, Олий Мажлис тарки-бидиа унинг нормал фаолиятига таҳдид соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз бергандан ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилинган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўз навбатида Конституцияда Олий Мажлис томо-нидан Президент бошчилигидағи ҳуқуматга ва олий суд ҳокимиятга тийиб турувчи таъсир ўтказиш ме-ханизмлари назарда тутилган. Масалан: Олий Мажлис қонунлари, шу жумладан конституция қабул қилиш йўли билан Президентнинг, Вазирлар махкамасининг ва судларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб қўяди. Ижро ва суд ҳокимияти органлари учун мажбурий меъёрий мўлжал бўлиб хизмат қилувчи ички ва ташқи суд, олий суд ва олий хўжалик судининг таркибини сақлайди. Вазирлар Махкамаси таркиби тайинланишини тас-диклайди. Президентнинг фармонларини тасдиқлайди. Президент ҳар йили республика Олий Мажлисига ич-ки ва ҳалқаро аҳвол хусусида маълумотлар тақдим этиб, унинг Узбекистон Республикасининг бутун ҳуду-дидага ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий

этиш тўгрисидаги қарори уч кундан кечикирилмасдан Олий Мажлиснинг тасдиғига киритилади. Суд ҳокимиятининг мақомини Конституциявий тартибга солиш қўйидагича масалаларни қамраб олади:

а) қонунийликни муҳофаза этиш соҳасида суд ҳокимиятининг устиворлиги ва олийлиги;

б) судьяларнинг тузилиши принциплари ва судьяларнинг статуси;

в) демократик одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари кафолатлари»¹³.

Хулоса қилиб айтганимизда Ўзбекистон Республикасининг сиёсий системаси, ҳокимиятни тақсимлаш концепциясининг классик формасига асосланганлигидан асосий мақсади; ҳалқ ва инсон манъфатларини ҳар нарсадан устун қўйишидир; ҳар қандай қонунни инсон манфаати учун хизмат қилдиришидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек:

«Ўзбекистон давлат ҳокимиятини бирдан бир манбай ҳалқ бўлиб, давлат ҳалқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қиласди»¹⁴.

Янги мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат тузилишида, юқоридан куйига қадар фақат ўз фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга, инсон-парвар ҳуқуқий жамият барпо этишга миллати, ирқи ва этиқодидан қатъий назар фуқароларнинг тинчлиги кафолатлаш каби олижаноб мақсадларга мослашган.

Ўзбекистон ҳуқуқий давлат ҳокимияти ташкил этиш йўлини олар экан, мустақилликни биринчи кунларида ноқ олий мақсадларни назарияга кўчиришга, назарияни эса амалиётга кўчириш учун барча шарт-шароитларни босқичма-босқич яратиб келмоқда. Ҳалқни демократияга, ҳуқуқий давлат принципларига содик бўлиш руҳида тарбиялаш масаласида катта ишларни амалга оширимоқда.

Юқорида айтилгандек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳуқуқий демократик одил фуқаролик жамияти тамойилларига тўлиқ жавоб бериш билан бирга жаҳон демократик ҳуқуқий давлат андозарига ҳам тўлиқ жавоб беради. Ҳаттоқи, ҳуқуқий давлат моҳияти билан ижтимоий давлат моҳияти ва мазмунини ўзида умумлаштира олганлиги билан ўзига хос бетакрор конституциядир. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча қирраларида конституцион ҳолатларни тўлиқ қарор топиши устида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ривожланган Мамлакатлар тажрибаларини умумлаш-

тириб, мустақиллик йилларида ҳуқуқий соҳада орттирган тажрибаларимизни қўшган ҳолда янги-янги қоидаларни, қонунларни ишлаб чиқмоқдамиз.

Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисining ўн тўртинчи сессиясида (1999 йил 14 апрель) Президент Ислом Каримов Олий Мажлис зими масига ўлкан маъсулиятли вазифани юқлади. Узбекистон Парламенти эркин бозер иқтисодиёти тамойилларига асосланган давлатимиз ҳуқуқий неғизини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича самарали фаолият олиб бориш учун, адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақаллигини таъминлашдаги муаммоларни ҳал қилиш учун суд ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш учун Олий Мажлис ҳузурида парламентда доимий ишлайдиган ваколатли комиссия тузишини зарур, деб биламан. Бу комиссияга тегишли ваколатларни бериш керакли¹⁵гина Президент алоҳида қайд этиб ўтди. Бу муаммолар яқин йилларда ечимини топиши демократик ҳуқуқий сидил фуқаролик жамиятни қарор топишида мұхим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий давлатда конун устиворлигини таъминланиши ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларда ўз-ўзидан амалга ошмайди. Қонунларни ишлаш механизmlарини вужудга келтириш керак. Бундай механизmlардан бири сифатида Ислом Каримов Оммавий ахборот воситалари сиёсий демократик институт сифатида ижтимоий майдонга чиқиши зарурлиги кўрсатди.

«Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор.

...Хозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун хужжаглари ижроси устидан жамоат назоратини давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур». Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадрияtlарини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий ҳуқуқий ва ижтимоий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориш лозим¹⁶.

Қонунларни инсон манфаатларига мосланганлиги, фуқаролар ҳуқуқларини ҳар томонлама қонун йўли билан мукаммал ҳимояланганлиги қонунларни ишлаш механизмларини ташкил топганлиги бу масалани бир томони, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бу фуқороларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари, ёки ҳуқуқий маданиятининг пастлиги бу масаланинг энг муҳим томони хисобланади. Шунинг учун ҳам мустакилликнинг биринчи йиллариданоқ Узбекистон ҳалқини ҳуқуқий маданияти юксакликдан анча йирокда. Президент Ислом Қаримов бечиз ўз рисоласида мазкур муоммога алоҳида эътибор қаратмади.

«Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир сақтда ҳар бир инсон тўраларча ўэбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоги кераклигини кўрсатиб Президент уч муҳим ва аниқ йўналишга эътибор берилишининг зарурлигини кўрсатди. —

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муасссаларнинг яхлит тизимини барпо этиш.】

Инсоний мезонлар, ҳуқуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва оммавий аҳборот воситаларини ривожлантириш, масалалари бўйича Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кўчайтириш. Республика миңтақасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш. Омбудсман институтининг ҳақиқий мустакиллигини таъминлаш зарурлиги.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳалқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.】

Яиги ҳалқаро шартномаларга қўшилибгина қолмай, шу декларациялар бўйича зиммамизга олган ҳалқаро мажбуриятларни бажаришнинг, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқоролар бу декларациялар табларига сўёзсиз риоя қилишнинг механизми қонун йўли билан ишлаб чиқиш зарур.

Тўсчинчидан, фуқароларнинг ижроия органларига муоржалтларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш,

фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур»¹⁷.¹⁸

Бу илгари сурйлган таклифлар Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини тақомиллаштириш билан бирга инсон ҳуқуқларини мақсадида халқаро стандарт даражасига кўтарилишдек сликаноб мақсадни илгари сурди. Қонуншуносликни тақомиллашиб боришидаги Ўзбекистон учун яна бир босқични кўрамиз.

«Ўзбекистонда демократияга боришинг бошқа йўли танлаб олинди. Биз мустакил ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилар эканмиз, Ўзбекистоннинг цивилизацияси ва тараққиётининг юксак, ёрқин чўққиларига эришишида маданий ва тарихий меросининг, халқнинг инсонпарварлик анъана-ларининг юксак мэрраларини эгаллаган, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга содиқ бўлган озод ва ҳар томонлама уйғун камол топган шахс асосий таянч бўлишини қайта-қайта таъкидлаганмиз»¹⁸.

Баркамол инсонни тарбиялаш жамиятимизнинг ута жаъсулиятли вазифасига айланди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг миллий модели ишлаб чиқилар экан, ушбу дастурда инсонни интелектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш масаласига катта эътибор берилган.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек инсониятни юксак, ёрқин чўққиларини эгалламасдан, инсонпарварлик гояларига, юксак миллий умуминсоний қадриятларга содиқ қолмасдан, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбияламасдан туриб, ҳуқуқий жамиятни қуриб бўлмайди. Чунки ҳуқуқий жамият инсоннинг маънавий маърифий баркамоллигининг маҳсулидир.

5-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУИХАТИ

¹ И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоийлари». «Халқ сўзи» газетаси. 24 февраль. 1995 йил.

² Коранг. Нерсеяис С. В. «Платон» М.: Наука: 1984 йил. 53-бет.

³ Темур тузуклари. Тошкент: 1991 йил, 57-бет.

- ⁴ Тихамиров Ю. А. «Теория закона» М.: 1992 йил, 88—90-бетлар.
- ⁵ Кудрявцев. «Какое государство мы строим» М.: 1991 йил, 7—11-бетлар,
- ⁶ Кудрявцев. «Какое государство мы строим» М.: 1991 йил, 12-бет.
- ⁷ И. А. Каримов. «Узбекистон келажаки буюк давлат» Т., 1992 йил, 38-бет.
- ⁸ И. А. Каримов. «Узбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Узбекистон». Т., 1997 йил, 181-бет.
- ⁹ И. А. Каримов. «Узбекистон келажаги буюк давлат». Т., 1992 йил, 38—39-бетлар.
- ¹⁰ И. А. Каримов. «Узбекистон келажаги буюк давлат». Т., 1992 йил, 38-бет.
- ¹¹ И. А. Каримов. «Узбекистоннинг бозор мунисабатларига ўтишининг ўзига хос йўли». Т., 1993 йил, 7—8-бетлар.
- ¹² И. А. Каримов. «Узбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли». Т., 1992 йил, 48-бет.
- ¹³ Аристотель. «Политика». Сочинение в 4-х томах, т. 4, 1993 йил, 514-бет.
- ¹⁴ И. А. Каримов. «Узбекистон XXI асрга интилмоқда» «Узбекистон». Т., 1999 йил, 30-бет.
- ¹⁵ Уша жойда. 31—32-бетлар.
- ¹⁶ Одилқариеv X. T. «Узбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни». Т., 1995 йил, 24-бет.
- ¹⁷ Каримов И. А. «Узбекистоннинг келажаги буюк давлат». Т., 1992 йил, 38-бет.
- ¹⁸ И. А. Каримов. «Узбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Узбекистон». Т., 1997 йил, 183-бет.

б-м а в з у

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ДЕМОКРАТИК ОДИЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙУЛИДА

РЕЖА:

1. Демократик жамият тушунчаси. Демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган принциплари. Жамиятни демократлаштиришнинг анъаналари, одамлар тафаккури ва ижтимоий савияси билан боғлиги.

2. Ўзбекистоннинг мақсади демократик одил жамият қуришдан иборат эканлиги.

3. Ўзбекистон фуқаролик жамиятини қуриш сари йўл тутилиши. Фуқаролик жамиятининг моҳияти.

Давлат мустақиллигига эришиш, Ўзбекистонга иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгланишининг улкан истиқболларини очиб берди. Озодликни қўлга киритган ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуришга, давлатнинг ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқишга интилади. Давлат уз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият қуришга, давлатнинг ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқишга интилади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик, одил, фуқаролик давлат қуришнинг асосий тамойиллари — Республиkanинг ўзига хос хусусиятларини, халқ анъаналари ва миллий урф — одатларини, кишиларнинг турмуш тарзини ҳисобга олувчи ўз йўлига қатъий ва изчил амал қилаётганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарларида республикамида янги ижтимоий тузумга ўтишининг пухта ўйлаб кўрилган қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, бу йил жамиятимизни эволюцион ривожланиб бориши асосида ҳуқуқий демократик одил, фуқаролик жамияти қуриш сари боришида асосий дастур— амал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Демократик адолатли ҳуқуқий давлат бўлган Ўзбекистоннинг давлат тўзилишида бешта ҳал қилувчи та-

мойил асос қилиб олинган. Бу ҳақда бир оз кейинроқ батафсил тұхталамиз.

Демократия сүзининг моҳияти ва мазмунини тұлиқ тушуниб олмасдан туриб демократик жамият ва уны халқаро миқёсда әътироф этилган тамойилларини биліб олиш қийин бўлади.

Шундай экан Демократия нима ўзи? Бу луғавий сўз качон пайдо бўлди? Бугунги кунда демократик жамиятнинг халқаро миқёсдаги әътироф этилган тамойиллари деганда нималарни тушунамиш?

ДЕМОКРАТИЯ — грекча сўз бўлиб, демос — халқ, кратия — куч ҳокимият, халқ ҳокимияти маъносини билдиради, яъни халқнинг ҳокимиятини назарда тутилади, ундан ташқари ижтимоий тараққиёт босқичлари, иқтисодий тараққиёт даражаси ҳам ҳисобга олиниши керак бўлади. Буни биз қуйидаги туркумларга бўлишимиз мумкин:

1. Демократик ҳуқуқий принципларга асосланган, ҳуқуқ ва қонунларни амалга оширишнинг мукаммал механизмига эга бўлган, юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга ҳамда юксак интеллектга эга бўлган демократик жамият бўлиб, буни кўпгина Европа ва Осиё мамлакатлари, АҚШ, Бразилия, Канада, Франция, Англия ва бошқа давлатларни мисолида кўришимиз мумкин. Бу давлатлар бизнинг давлатимиз ва фуқароларимиз учун бугунги кунда намунадалар.

2. Демократик ҳуқуқий принципларга асосланган иodemokratik ёки демократик элементлари унчалик қарор топмаган давлатлар. Бундай давлагларда демократик принциплар халқаро ҳуқуқлар нормативларига тўлиқ жавоб бера оладиган қонунлар ишлаб чиқилади, конституцион ҳолатлари жиҳатидан ҳам демократик жамиятларнинг принципларига назарий жиҳатдан тўлиқ жавоб бера олади, лекин амалий жиҳатдан, аниқроқ қилиб айтганда ҳақиқий демократия амалий ҳаёт бўлмайди, демократик принципларга риоя қилинмайди. Бундай жамиятда демократия декларатив характерда бўлиб колаверади. Демократиянинг декларатив характерда бўлиб қолиши, жуда ўзоқ йилларга чўзилиши мумкин. Демократиянинг фақат сўзда, ёки бошқаларга бўяб кўрсатишнинг сабаблари жуда кўп бўлиб, энг асоcий сабаблардан бири миллий характер ва хусусиятлар бўлиши мумкин, бунинг асосий сабаби ўша халқнинг эволюцион ривожланиши тарихий тенденцияларга боелик.

3. Демократик ҳуқуқий принципларга тўла риоя қилган. Демократиянинг ҳамма элементларига амал қилган ва ижтимоий ҳаётда тұла демократик принципларга риоя қилаётгандек күринаётган, ярим яширин Авторетар очиқ демократик давлатлар ёки жамиятлар. Буни Россия мисолида қўришимиз мумкин. Халқнинг назарида гўёки ҳамма нарса ошкора очиқ, халқ билан ҳамкорликда ишләётганга ўхшайдио, лекин Россиянинг ички сиёсатига чуқурроқ кириб бораётган ҳар қандай журналист, давлат арбоби ёки оддий фуқароми фарқи йўқ, оммага таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган сиёсатдан, ёмон аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бунга кўплаб журналистларни ёки сиёсатчиларни фожиали ҳаётлари ҳам мисол бўлиши мумкин.

4. Демократик ҳуқуқий принципларни, назарий асосларини халқаро стандарт нормалари даражасида тайёрлаб, уни ҳаётга тадбиқ эта олган, лекин демократик элементларни ҳаётга амалий жиҳатдан тўлиқ тадбиқ этишда эволюцион йўлни танлаган демократик жамиятларга бўлиш мумкин. Бунга Узбекистонни киритиш мумкин, чунки Узбекистон танлаган эволюцион йўл, бу ўзига хос йўл бўлиб, ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатлардан жамиятимизни порлоқ келажакка олиб бориша энг тўғри йўл хисобланмоқда. Шуниси характерлики, бизнинг президентимиз Узбекистонда демократиянинг тўла қарор топганлигини ҳеч қачон даво қилган эмас. Юртбошимиз ўз асарларида Узбекистон Республикасининг халқлари демократик жамият қуриш сари бораётганликларини таъкидлаб ўтади. Собиқ СССРдан ажralиб чиққан миллий Республикаларнинг ҳаммалари демократик жамиятда яшайданликлари тўғрисида тўлиб-тошиб гапирадилар. Ҳўш, назарий жиҳатдан Тоталитар тузумдан тўғридан-тўғри ва бирданига демократик тузумга ўтиш мумкинми? Тоталитар сиёсий системадан демократик жамиятга ўтишни кўзлаган халқлар албатта узоқ тарихий йўлни босиб ўтишлари керак бўлади. Бу йўлнинг энг асосий мақсади халқнинг демократияга тайёрлашдир. Шу ўринда Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг қўйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир.

«Демократия» атамасининг қандай шархланиши эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир. Ўбинобарин, биз ўз истагимизда демократияга қандай мазмун бахш этмайлик, агар у ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса,

турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар ё мазмунсиз бақир-чақир, ёки хеч нарсани англатмайдиган сўз ўйини бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, бизнингча, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жихатдан тайёр бўлмаган заминда демократиянинг барча тамойилларига — эркин сайловга сўз эркинлиги, уюшмалар, йиғилишлар эркинлиги ва шу кабиларга «Яшил йўл» очиб берсақ, ҳақиқий демократияни бўгиб қўйиш хавфи юзага келиши ҳам мумкин.

Жамиятда демократия кай даражада эканлигини белгиловчи камидা учта мезон бор. Булар ҳалқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари ҳалқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжитишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап сўзлар ё ҳалққа хушомад қилиш ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган иш эмас.

Хақиқатдан ҳам демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга ҳалқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия тушунчаларини баён қилиш мумкин сиёsatда демократияни юқоридан «тушириш» мумкин. Лекин бу билан демократия сизу-бизнинг амалий ҳаёттимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоги керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Ҳалқнинг жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик ўзлаштиришимиздан иборат анча ўзоқ муддатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар яшаб ўтган.

Демократик жараёнлар ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб этилади.

Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидойи ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди. Инсоният босиб ўтган тараққиёт йўли яна шундай далолат берадики, демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократия тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тортиб, кейин


айтиш мүмкінки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берібгина әришиш мүмкін.

Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тадбиқ қилишни ҳамда уларни ҳимоялаш зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англамоги даркор. Хўш, дунёда ҳақиқиё демократик принципларга ва унинг барча элементларига риоя қилган давлатлар борми? — деган савол қўйилиши табиий ҳолдир. Демократия соф ҳолатда ҳеч қачон бўлмаган, бўдиши ҳам мүмкін эмас. Буюк грек мутафаккири Аристотелнинг фикри билан айтганда соф демократия бу ахлократиядир, ахлократия эса жамиятни ўлимга олиб борувчи йўлдир. Шундай экан бебош демократия ҳеч қачон бўлмайди. Ҳар қандай демократия бу қонунларнинг энг мукаммал формасида амалга оширилади ва жамият, давлат манфаатларига хизмат қиласди. Жамият, миллат давлат манфаатларига зид бўлган ҳар қандай демократия бу ахлократия ёки анархиядир. Бу ерда шундай хулоса чиқариш мүмкінки, яъни демократия муаммоси инсоният бор экан, инсониятнинг асосий муаммоси бўлиб қолаверади. Ҳар бир тарихий шароитда вазиятга қараб ҳар бир авлод демократик жараёнларни ўзларига мос ва ўзларига маъқул формасини яратиб яшайдилар. Шу билан бирга демократиянинг такомиллашувига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб кейинги авлодга мерос сифатида қолдирадилар, чунки келаётган авлод ҳам демократик масалаларга танқидий ва ижодий ёндошиш асосида ва ўзларига мослаб олиш мақсадида қандайдир ўзгартиришларни киритадилар. Шундай қилиб, демократия ҳар бир авлод учун бундан кейин ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб қолаверади. Бу муаммони тўлиқ ечимини топиш учун инсоният кўп бош қотириши ва кўп меҳнат қилишлари, кўплаб ҳаётий тажрибаларни бошларидан ўтказишлари керак бўлади. Рекамиздаги масалани олдига қўйган яна бир муҳим муаммоси — бу демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари (принциплари) масаласидир. Демократиянинг халқаро миқёсдаги эътироф этилган тамойиллари тўғрисида гап кетганда, у ёки бу давлат конституциясининг тузилиши қайси сиёсий бошқариш формасига мансублигини аниқламашдан иборатdir.

Бизга маълумки, дунёдаги ривожланган ёки европаликлар тили билан айтганда цивилизациялашган давлатлар томонидан тан олинган тўрт демократик бошқариш

риш формаси мавжуд. Қайси давлат ёки янги ташкил топган давлатлар демократик тараққиёт йўлини танласалар, албатта, шу тўрт сиёсий бошқариш формасининг биттасига мос равишада ўзларининг сиёсий йўлини белгилаб олишлари шартdir.

Демократик сиёсий бошқариш формалари



Нима учун бу сиёсий бошқариш формалари демократик бошқариш формалари ҳисобланади? Олдинги дарсларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, уларда ҳокимият классик тақсимлаш концепциясига асосланган бўлиб, ҳокимиятни бир киши қўлида ёки бир неча кишилар қўлида тўпланиб қолишига ва жамиятга раҳбарлик қилинади, ҳокимиятни сунстеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Еу принцип энг муҳим ва энг асосий принциплардан биридир.

Ундан ташқари, Бинсоннинг ўз ҳоҳиш — иродасини эркин билдириши, ҳамда уни амалга ошириши, озилликнинг кўпчилликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида хисобот бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи олдидаги жавобгарликлари, барча фуқаролар, жинси, миллати, ирқидан қатъий назар, сиёсий иктисадий ва маданий ҳаётда тенг ҳуқуқликлари, меҳнат қилишлари ва дам олиш, медицина ишларидан тенг фойдаланиш, маориф, таълим системасидан фойдаланишларида барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқийлиги кафолатланганлиги ва бошқа ҳолатлар шулар жумласига киради.

Бу тамойиллар деярли барча ривожланган мамлакатларнинг, конституцияларида ўз аксини топган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг конституциясида ҳам жаҳон ҳалқлари эътироф этган демократик тамойиллар энг юксак даражада ўз изоҳини топган.

Демократия ҳеч қандай жамиятга ўз-ўэидан кириб келмайди, демократик жамият яратиш учун жуда катта тарихий босқичларни босиб ўтиш керак. Умуман демократияни қарор топишида ҳар бир халқнинг босиб ўтган эволюцион тарихий ривожланган йўли, катта роль ўйнайди. Бунинг учун шарқ ва ғарб ўртасидаги фарқга эътибор бериш ва уни анализ қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Бизга маълумки Ғарбда демократия ва унинг элементларини, ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш учун, гарб халқлари илгаридан ҳаракат қилиб келганилар. Шарқда эса демократия тушунчаси бирмунча кейинроқ шаклланган, Шарқ олимларию, алломаларининг асарларида демократия тушунчаси адолат, инсоф, ҳақиқатпарварлик тушунчалари билан қўшилиб кетган бўлиб, соф демократия масаласига чуқур кириб бормаганлар. Бунинг сабаби нимада? Юқорида айтганимиздек бунинг асосий сабаби Ғарб ва Шарқнинг эволюцион ривожланиши ва ҳар бир халқнинг тарихий анъаналарида, турмушида қарор топган муносабатларидадир.

Ғарбда социал сиёсий ҳаракатларнинг активлиги юқори бўлғанлигини, ижтимоий ҳаётга демократия тушунчаларини тезроқ кириб келиши ва уни шаклланиши учун шароит яратган. Ғарб давлатларининг ижтимоий ҳаётларида дин, сиёсат, иқтисод, адабиёт ва санъат бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда нисбатан мустақил ривожланган. Бу эса кишиларни ҳарактерини эркин ва мустақил шаклланишида асосий омил бўлган, ундан ташқари гарб мамлакатларида инсонлар иқтисодий ҳимояланмаган шахсий эркинлиги ҳукмрон бўлган. Шу иқтисодий ҳимояксизлик, шахсий эркинлик кишиларни социал сиёсий активлигини ўсишига таъсир кўрсатганим, бу табиий равишда демократик жараёнларни тақомиллашиб боришига хизмат қилган.

Шарқда жумладан Моваруннаҳрда, кишилар иқтисодий ҳимояланган бўлиб, уларда колективизм, яъни биргаликда жамоа бўлиб ҳаракат қилиш тартиби ҳукмрон бўлган. Айниқса Ислом дини кириб келиши ва ислом сиёсати ҳукмронлик қила бошлагандан кейин инсоннинг шахсий эркинлиги янада қаттиқроқ таъзиқланган, ундан ташқари давлат ва диний бошқариш структуралари бир-бирига қўшилиб уйғулашиб кетганлиги, ҳамда сиёсий маданият диний маданиятнинг ажралмас таркибий қисмига айлантирилганлиги оқибатида сиёсий маданиятни, яъни социал сиёсий ҳаракатларни се-

кинлик билан ўсib бориши демократик тушунчалар ва демократик жараёнларни ривожланишини чекланишига олиб келган. Оқибатда шарқ демократиясининг ўзига хос усули вужудга келиб, у гардан кескин фарқ қиласди.

Шарқ демократиясига баҳо бериб Президентимиз И. А. Каримов шундай деган эди: «Осиё минтақаси ва мусулмн Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос анъаналарига эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрини устуворлиги заминида шаклланади»².

Ўзбекистон шарқнинг ажралмас қисми сифатида бугунги кунда ҳақиқатдан ҳам Республикаизда демократиянинг ҳамжиҳатлик, жамоатчилик усулларига риоя қилинмоқда. Шу билан бирга халқимизда демократиянинг Фарбона усулларига ҳам интилиш анчагина кучлидир. Бунинг сабаби бироз ёқимсиз бўлсада, оддий ҳақиқат ва тарихий объективликка ҳурмат билан қараган ҳолда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон халқлари 140 йил давомида Россиянинг таркибида давлат бўлганлиги оқибатида Марказий Осиё халқларининг сиёсий маданиятида, социал-сиёсий қарашларида ва бу социал-сиёсий қарашларнинг тарқибий қисми бўлган демократик қарашларида анчагина ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларни айтиш мумкинки, яъни Фарб ва Шарқнинг қўшмаси биологик тил билан айтганда гибрит сиёсий маданият ёки Евро-Осиё сиёсий маданияти ва демократик қарашлар таркиб топди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда демократиянинг фаскат шарқона усулларига риоя қиласиз ёки Фарб усулларига риоя қиласиз деган қатъий холосани чиқариш қийин. Бугунги кундаги демократик жараёнларни Республикаизнинг ижтимоий ҳаётига тадбиқ этилиб боришини кузатар эканмиз, кўпроқ демократиянинг халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилган тамойилларига риоя қилаётганлигимизни аниқ кўрамиз. Юқорида айтганимиздек бизнинг социал-сиёсий қарашларимизда демократик тушунчаларимизда ўзига хос мураккаб бир схема пайдо бўлар экан, Фарб ва Шарқнинг демократик усулларини қўшишдек ва ундан ўзимизга хос бўлган демократик принципларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиласлар эканмиз, албатта бу осонликча келмайди. Миллий анъаналарни ҳаётимизга тадбиқ этиб бориш билан бирга, халқимизнинг тафаккурини ижтимоий савиясини,

юксалтириб боришимиз зарур. Ижтимоий онг ва юксак тафаккур деганда, биринчи навбатда халқимизни сиёсий маданиятини, сиёсий тафаккурини, ҳуқуқий савиясини, ҳуқуқий маданиятини ўстиришни назарда турамиз. Чунки ҳуқуқий маданиятсиз сиёсий маданиятсиз, сиёсий савиясиз ҳеч қайси давлатда ҳеч қачон демократия бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас, агар бўлганда ҳам у демократик жамият бўлмай балкик анархистик жамиятга айланиб кетади, бу ўз навбатида бебошликка, тартибсизликка олиб бориб, жамиятни ўлимга маҳкум этади.

Шунинг учун ҳам Узбекистон Президенти И. А. Каримов Узбекистонда демократик жараёнларни янада ривожлантириш юксак ҳуқуқий маданиятнинг асосига таяниши зарурлигини кўрсатиб аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доимо эътибор бериб бориш зарурлигини таъкидлайди.

«Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришлари Олий Мажлис фаолиятида муҳим ўрин тутиши лозим. Ва ҳаттоқи, маълум бир лойиҳа, конкрет конун муҳокама этилаётган пайтда сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳам мумкин. Бу қонунчилик фаолияти сифатини оширади, қонуннинг таъсирчанлигини таъминлади, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш имкониятини беради.

ҲУҚУҚИЙ маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир, у одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир.

ҲУҚУҚИЙ маданият деганда — турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланиши рад этиш демакдир»³, — деб таъкидлайди Президент.

Хулоса қилиб айтганда, Жамиятнинг демократлаштириш анъаналарининг асосий тамойилларидан бири, демократик жамиятнинг ҳуқуқий ва сиёсий асосларини яратиш ва унга халқнинг ривожланган даражаенига қараб амал қилиш асосида, аҳолининг тафаккурларини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларини ошириш ва демократик жараёнларга риоя қилиш усулларини ўргатиш асосида эришилар экан. Жамиятнинг демократлаштириш анъаналаридан бири бўлган ўз ўзини бошқаришга катта эътибор бериш ва уни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш асосида эришилар экан. Ундан ташқари ижти-

моий-сиёсий, иқтисодий-хуқуқий қонунлар амалий ҳаётда ўзининг мутаносиблигини топишидадир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси демократик одил фуқаролик жамиятини қуришнинг ўз олдига олий мақсад қилиб қўяр экан, бу тасодифий пайдо бўлган мақсад бўлмай балки ўтмиш авлодларимиздан мерос бўлиб келган соф инсонийлик ва инсонпарварлик тўйғуларининг маҳсули сифатида рўёбга чиқаётган ҳолатдир.

Ўтмиш авлодларимиздан маънавий мерос сифатида қолган одилликни, ҳақиқатга интилишни, инсонийликни, камтарлик ва юксак одамийлик фазилатларини, олий-жаноб қадриятларимизни, тўғриликни ҳуқуқий норматив категорияларидир. Чунки булар конкрет характерга эга бўлиб, муайян тарихий ва миллый социал-психологик ҳолатлар ва шароитлар билан муайян иқтисодий, сиёсий муносабатлар билан боғлиқдир.

Бу категорияларнинг моҳияти ва мазмани у ёки бу халқнинг, миллатнинг ижтимоий ҳаётида, турмуш тарзида, сиёсатида ҳам иқтисодий сиёсатида ўзини намоён этар экан, бу албатта шу халқнинг ёки миллатларнинг эволюцион ривожланиш тарихининг ўтмиши ва бугунги кунига боғлиқ бўллади. Ўтмиш бугунги ва келажак ўзийи боғлиқ бўлиб ҳеч қачон ўтмишни бугунги кун батамом инкор этмаганидек, келажак ҳам бугунги кунни инкор эта олмайди. Шунинг учун ҳам узоқни кўзлаб иш тутиш халқимизнинг донолигидандир.

Юқорида айтганимиздек адолат, тўғрилик ва юқорида зикир этилган бошقا категорияларга, бугунги кунда ҳам катта эътибор ва ҳурмат билан қарашимизнинг асосий бойиси шундаки ўтмишда ўзбек давлатчилигининг асосини айнан шу категориялар ташкил этган эди. Миллый давлатчилик анъаналарига риоя қилиш ва давом эттириш деганда, ана шу категорияларнинг моҳиятидан келиб чиқиб сиёсий, иқтисодий ва социал турмушимизнинг ташкил этишимизни ва режалаштиришимизни тушунамиз. Ота-боболаримизнинг давлатчилик анъаналарига ҳурмат билан караш, бизнинг келажагимизни порлоқ қилишга ишонамиз.

Ўзбек давлатчилигининг тарихига назар ташлар эканмиз ана шу юқорида таъкидлаб ўтилган категорияларга асосланганлиги миллый тарихимизда кўзгу бўлган, Амир Темурнинг қудратли империясида ҳам шу бизнинг халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятлар ёки категорияларга каттиқ риоя қилганлигини кўрамиз. Амир Темур халқ манфаатларига, миллат равнақига,

юқоридаги категорияларга қатъий, амал қилған ҳолда катта ҳисса құша олған эди.

Шарофуддин Али Яздийнинг қайд этишича деб,—ёзади академик Иброҳим Мўминов Амир Темурнинг характерли хусусиятларидан бири,— давлат, мамлакат, фуқароларига ғамхўрлиги эди. Унинг қоидаси — «Роста-руста», яъни ҳақиқат—сиҳат-саломатлик, ҳақиқат—тартиб, ҳақиқат—адолат демакдир, деб тушунтиради.

Юксак адолат ғоялари миллий давлатчилик, исломий қадриятлар ва шариат мезонлари билан чамбарчас боғланған ҳолда ижтимоий ҳаётга тадбиқ этилганлиги инсон қадр-қимматини аъзозлаш масаласида янада юқори чўққиларга кўтарилиган ва ижтимоий ҳаётни барча соҳаларини тўлалигича қамбар олған. Ўзбек давлатчилигини асосчиси Амир Темур ҳам ўз сиёсатини бежиз айнан ислом қадриятлари ва шариат мезонлари билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб бормаган. Чунки исломда ҳам умуминсоний қадриялар жуда кўп бўлиб, жамият аъзоларини, яъни фуқароларни замона эҳтиёжи ва инсониятнинг умумий манфаатларига хизмат қилишга унрайди.

Исломнинг муҳим талабларидан бири ҳар бир инсон имонли, эътиқодли бўлиши лозимлигидир. Имонли ва эътиқодли бўлишини дингина эмас даҳрийлик ҳам талаб этади. Факат у иймон ва эътиқод деганда илмий тарздаги, дуйёвий иймон ва эътиқодни назарда тутади. Юқоридагилар давлат диндорларга ҳам, динга ишонмайдиганларга ҳам маъқул, керакли ва фойдалидир.

Ислом ҳадислари кишиларни инсонпарварликка адолатга, ўзаро ҳамкорликка чақиради. Фуқароларнинг аҳил бўлишга унрайди, инсоннинг юксак фазилатли бўлишлиги руҳида тарбиялади.

Адолат ва ҳақиқатни ижтимоий ҳаётимизда қарор топишида диннинг айрим реал қадриятлари иштирок этиши жамият аъзоларида олийжаноб фазилатларни шаклланишишга катта таъсир кўрсатишига ҳеч шубҳа қилишга асос йўқдир.

Бу ҳақда президентимиз И. А. Каримовнинг жуда ўринли айтилган фикрини келтириб ўтишимиз кифоядир.

Шариат мезонлари сиёсатни ўзвий боғлиқ бўлишининг сабаблари, аҳамияти ҳақида жуда қўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Чунки шариатдаги панд-насиҳатларнинг ҳозирги замон билан ҳамоҳанг бўлгани айникса мамлакатимиздаги турли миллатлар орасида ноҳуш воқеалар юз берib турған давр тақозосига муво-

фиқ келадигани одамларни дўстлик, ҳамкорликка чақириклариридири. Ҳадисларнинг бирида: «Саломлашиб юринглар, одамларга таом едиринглар... ўзаро биродар бўлинглар», дейилган. Уларнинг яна бирида: «Мўминлар ўзаро дўстлашишда, раҳм-шавқатда ва меҳру-окибагда гўёки бир тананинг, аъзолариридири. Унинг бирор аъзоси оғриса, унга қўшилиб қолган аъзолари ҳам бедорлик ва ҳаракат билан алам чекади».

Ҳадисларда жаранглаб эшитилган ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур. Бугун жамиятда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат ғояси ихчам бир хulosса билан ифодалаш мумкин. Яъни давлат жамиятнинг кескин табақаланишига ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал—қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўйилмаслиги керак».

Адолатли, демократик ҳуқуқий давлат бўлган Ўзбекистоннинг давлат тузилишига бешта ҳал қилувчи тамоийил асос қилиниб олинган экан, ана шу беш арқон—тамоийилларнинг моҳияти ва мазмунига мос равишда тараққиётимизнинг сиёсий-иқтисодий режалари яратилмоқда. Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса ҳалқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир, ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин демократик давлат қура олмаймиз.

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош ўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уйжой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш, аҳолининг давлат ҳимоясига муҳтож бўлган қатламларини ҳимоя қилиши, давлатнинг инсонпарвар, демократик адолатли давлат эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Ўзбекистоннинг мақсади бўлмиш демократик одил фуқаролик жамиятини қуришдан иборат эканлиги ҳақида. Сўз юритар эканмиз адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчиликнинг заминига таяниши ва янги жамият қуришимизнинг бош ўналиши бўлиши кераклигини ҳам унутти

маслигимиз керак. Чунки Конституция ва қонунчиликка қатъий риоя қилиш, бу ҳуқуқий адолатли, демократик давлат тузилишининг зарурый шартидир.

Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон президенти Каримов И. А. томонидан эълон қилинган беш тамойилида қонунни ҳамда адолатни, ҳақиқатни жамиятимизда қарор тобшини таъминланишига алоҳида эътибор берилганигидир. Ижтимоий адолатни ҳаётга жорий этилишининг олий намунаси сифатида илгари сурилган беш тамойилдан тўртинчиси ҳақида қисқача тўхталиб ўтишимиз кифоядир.

Бозор муносабатларини жорий этиш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган таъсирчан тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Бу демократик ва иқтисодий ислоҳотлар йўлида эришилган ижодий силжишлар сўнгги йилларда республикада аҳолининг энг муҳтоҷ қатламларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёsat юритилаётганигидир. Қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши, қонунга итоаткорлик принципи алоҳида ўрин тутади. «Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади, Башка иложи иуқ».

Конунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина демократия қарор топади ва мустахкам бўлади. Барча демократик институтлар, ҳуқуқ ва эркинликлар қонун воситаси билан жорий этилади.

Демак чинакам демократик ҳуқуқий давлат бўлиши учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоги шарт. Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, уни юксак нуфузга эга бўлишнинг боиси шуки, унда халқнинг ҳукмрон иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг мужассам ифодасини топади. Такомиллашган, мукаммал ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини тўлалигича қамраб олувчи, замон руҳини ўзида сингдира олган халқ манфаатларини, инсон манфаатини адолат нуқтаи назаридан туриб ҳимоя қила оладиган қонунларни ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилишигина адолатли ҳаётимизни таъминлаб беришда гаров бўлиб хизмат қиласи.

«Ҳар қандай қонун, ҳаракат соҳасидан қатъий назар, ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу тамоийлларга оғишмай риоя этган ҳолдагина биз чин маъно-

даги ҳуқуқий адолатпарвар давлат қуришга эриша оламиз»⁷. Узбекистон Республикасининг олий мақсадларидан бири бу, фуқаролик жамиятининг қуришdir. Ана шу мақсад йўлида қабул қилинган Узбекистон Республикасининг Конституцияси, фуқаролик жамияти яратилиши учун тўла равишда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий асосларини вужудга келтиришда шарт-шароитлар яратилишига имкон берувчи қоидалар замираida тузилган.

Биз учун фуқаролик жамияти—ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниши бир вақтнинг ўзида амал қиласди, бир-бирини тўлдиради, ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя килишлари шарт⁸.

Фуқаролик жамиятини кўриш ўзига хос мураккаб тарихий жараён бўлиб, жамият катта бир тарихий йўлни босиб ўтиши ва фуқароларнинг ҳар томонлама тайёрлаб боришини тақозо этади. Фуқаролик жамияти бу (коллективизм) жамоатчилик системаси бўлиб, ўзини ўзи бешқаришга асосланган жамиятдир. Янада тушунарлироқ қилиб, Президентимиз ибораси билан айтганда: «Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқقا топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш орғанларини янада ривожлантириш демакдир»⁹.

Бу жараённи вужудга келтиришнинг энг асосий омили демократик жараёнларни фаоллаштириш кенг халқ оммасини бошқаришга жалб қилиш орқали эришилиши кўзда тутилади. Ана шу мақсадда ҳозирги кунда, ислоҳотлар стратегиясининг иккинчи босқичида, жамиятни давлат тассаруфидан чиқариш жараёни янада тезлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жамиятни давлат тассаруфидан чиқарилишининг мөхияти нимани англатади у. Энг биринчи навбатда давлат монополиясига барҳам бериш, бу деган сўз хусусийлаштиришни турли формаларда тезроқ амалга оширишdir. Сиёсий ва мафкуравий хилма-хилликда, ҳар бир жамият аъзосининг иж-

тимоий ва сиёсий ривожланишини таъминлаш, ҳамда фуқаролик ҳуқуқи ва эркинликларини тикланишидир.¹

«Бу ҳолатлар Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг асосий мақсадига тўла мос келади, чунки иқтисодий ислоҳотлар стратегиямизнинг асосий мақсадларидан бири, корхоналар ва фуқароларга кенг эркинлик бериш уларнинг фаолиятига давлатнинг аралашувига барҳам бериш, иқтисодий омилларни рағбатлантиришдир»¹⁰.

Бу ерда гап нафақат иқтисодий эркинлик ҳақида, бораётир балки, ижтимоий жабҳаларида эркинликка эришмай туриб, фуқаролик жамиятни вужудга келтириш мумкин эмаслиги ҳақида фикр юритилмоқда. Чунки Президентимиз илгари суроғтган ҳамма концепцияларнинг марказида инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий тенглик, эркинлик ва инсонпарварлик, миллӣ ва маънавий, аҳлоқий қадриятлар, ҳамда колективизм каби тоялар асосий ўрин эгаллайди. Бунинг сабаби шундаки фуқаролик жамиятини зикир этилган категорияларини амалий ҳаётда қарор топдирмасдан туриб яратиш мумкин эмас. Таъкидлаб ўтилган категориялар фуқароларни ҳар томонлама камол топишлари учун замин яратади. Буни айтишимиздан мақсад, фуқаролик жамиятининг ўзи, фуқароларнинг юксак интеллектининг маҳсули бўлиб индивид ҳар бир қилаётган ҳаракатида энг аввало шахсий манфаатларидан эмас, балки давлат манфаатларидан келиб чиқиб фикрлаши ва иш юритиши керак бўлади. Ҳар бир шахс жамият манфаати тўғрисида ўйлар экан, у онгли равишда, ўзининг манфаати, ҳам жамият манфаати билан ўзвий боғлиқлигини тушуниб етиши керак. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, фуқаролик жамиятини яратиш, фуқаролардан юксак сиёсий, ҳуқуқий, маънавий юксакликни талаб этади. Юксак маънавиятга эга бўлмай туриб, фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиш мумкин эмас.

Юксак маънавият ва интеллект фуқаролик жамиятини яратиша нима учун керак ёки зарур бўлади, деган савол туғилиши табиидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек фуқаролик жамияти ўзини-ўзи, ҳуқуқ ва маданият доирасидан чизмаган ҳолларда бошқариши учун албатта, билим, сиёсий онг, ҳуқуқий маданият юксак савия, олий даражадаги фуқаролик руҳият керак бўлади. Буларсиз фуқаролик жамиятини орзу қилиш баҳт кутган билан тенгдир. Фуқаролик жамиятига ижтимоий турмушни демократлаштириш орқали эришар эканмиз, энг

аввало ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш зарурдир. Ижтимоий адолатни юзага бизнинг халқимиз катта тархий тажрибага эгадирлар. Буни биз И. А. Каримовнинг қуидаги жумлалари билан холосалашимиз мумкин.

Жамоатчилик бошқарилиниң бирлиги, кўпчилик фикрининг устунлигига асосланиш жамиятимизнинг муҳим ҳусусиятидир. Шу боис жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини энг аввало ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳалланинг роли ғоят каттадир. Ҳозирги вақтда оиласларининг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишлари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ. У жамиятимизда ислоҳотларни амалга оширишининг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши даркор.

Шу боис ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ошириш, уларни зарур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим. «Давлат ушбу ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига бутун чоралар билан кўмаклашиши ва ёрдам кўрсатиши керак». Бу фикрга кўра жамиятнинг бошқарув системаси юқоридан пастга караб, яъни бошқарувни вазифаларни марказда, вилоятларда, шаҳар ва туманларга ҳамда жамоаларга берилиши асосида ўзини-ўзи бошқаришга ўтказилиши, бошқарувнинг энг оддий ва мукаммал формасини вужудга келтириш асосида фуқаролик жамиятига эришилиши кўзда тутилади.

Бундай мураккаб жараённи вужудга келтиришда кадрларнинг ниҳоятда пухталиги ва лаёқатлиги катта роль ўйнайди. Кадрлар жамиятимизни олдига қўйган мақсад ва вазифаларини яхши билишлари белгиланган вазифаларни амалга оширишда одамларни бирлаштириш, ижодий муҳитни яратса олишларидек муҳим қобилиятларини намоён қила олишлари зарур.

Ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи тартибга солиш ва ўзини-ўзи ташкил этиш принциплари бўлиб, бу принципларга ўтиш ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ижтимоий механизмларни ишлаб чиқишини талаб этади. Бу механизм бир вақтнинг ўзида меҳнаткашларнинг ўз ишлаб чиқаришларини бошқаришдаги етакчилик ролини манбаатларининг гуруҳий интилишларидан устунлигини таъминлаш керак. Шу тариқа ёсиёсий тизимни

ривожлантириш асосий қонунларнинг мазмунини икки тенденциянинг ўзаро ҳамжиҳатлилига боғлиқ бўлади.

Биринчи тенденция — бошқарувнинг илмий асосланганлигини, сиёсий турмуш маданияти даражасини оширишда, аппаратни такомиллаштиришда давлат ва ижтимоий турмушнинг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашда ўз ифодасини топади. Иккинчи тенденция—барча ҳокимият ваколат органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва реал ролини оширишда, жамоат ташкилотлари, ҳалқ назоратини кучайтиришда, ошкораликни, танқидни кенгайтиришда, барча ижтимоий сиёсий шакларини такомиллаштиришда акс этади.¹ Бутун Республика миқёсидағи ўзини-ўзи бошқариш тизими давлат ва жамоат ташкилотлари орқали амалга ошириладики, бу бошқарувда меҳнаткамлар оммасининг кенг иштирокини таъминлайди. Шу тариқа Ҳалқнинг ўзини-ўзи ижтимоий бошқаруви бу-ҳар бир шахснинг давлатчилик доирасидаги ижтимоий аҳамиятига молик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қарорлар, низомлар, ишлаб чиқиш ва қабул этиш, уларни бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш юзасидан коллектив эркин, ижодий фаoliyatdir².

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими—халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини, ҳудуднинг ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш идораларини, яъни мавзеларнинг (массивларнинг) кенгашлари ва қўмиталари, маҳалла, уй, комитетларини ва бошқа идораларни ўз ичига олади.³ Булар ўз-ўзини бошқарини асосларидан фойдаланаар эканлар, албатта демократиянинг турли шаклларига риоя қиласидар. Яъни маҳаллий ҳалқнинг овоз беришлари йўлидан, Фуқароларнинг йиғилишларидан ва бошқалардан фойдаланадилар.⁴ Жамиятнинг демократлаштиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган ўзини-ўзи бошқаришга асосланган маҳалла қўмиталарининг фаолияtlari, маҳалла ҳудудидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, зарурдавлат ва жамоат ишларини амалга оширишда ошкоралик ва мустақиллиги таъминлашга қаратилгандир. Шу ерда фикримизнинг исботи сифатида, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан, 1993 йил сентябрда «фуқароларнинг ўз-ўзини босиқариш идоралари тўғрисидаги қабул қилинган қонуннинг баъзи бир моддаларини мисол тариқасида келтириб ўтиш ўринлидир.

Ўзбекистон Конституциясининг 105-моддасида ва «фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида посёлкалар, қишлоқлар, овулларда фуқароларнинг йигини ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида бўлиб, улар раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини 2,5 йилга сайланади»¹³. Қонуннинг шу моддасини таҳлили шуни кўрсатадики, ўз-ўзини бошқариш органлари фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини амалга оширишга имкон беради. Улар фуқароларни ўз ҳудудида ижтимоий ва маданий масалаларни ҳал қилиш, у ерда маданий-оммавий тадбирларни ўтказиша мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўз-ўзини бошқариш фуқаролик жамиятининг ҳақиқий табиати мазмун, моҳияти эканлигини яққол исботловчи, мазкур қонуннинг 22-моддасига мурожаат қилсан, фуқаролик жамиятининг табиати янада ойдинлашади.

«Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасида жамоа номидан иш қилувчи маҳалла раисининг қўйидаги вазифалари белгиланиб берилган биринчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунларини, унинг Президенти фармонларини ҳукумат қарорларини, маҳаллий ҳокимиёт органлари қарорларини бажариш бўйича, фуқароларнинг моддий ва турар жой турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш ишларини ташкил этиш; иккинчидан, давлат ҳокимиёти ва бошқарув органларида, суд инстанцияларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан қонунда кўзда тутилган ҳолларда фуқароларнинг манфатларини ҳимоя қилиш; учинчидан, ҳудудий ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштиришда оммавий-сиёсий тадбирларда фуқароларнинг иштирок этишини ташкил қилиш, аҳолига савдо—коммунал майший хизматни яхшилашлада ёрдам бериш, бу мақсадда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар берадиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланиш; тўртинчидан, магазин, дўкон, ошхона, чойхона, бозорлар ишини, савдо қондаларига риоя қилинишини, фуқароларга хизмат қилиш маданиятини таъминлаш устидан жамоат назоратини ташкил этиш; бешинчидан, аҳоли пунктлари сув таъминоти манбалари, турар-жойлар, мактаб ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолатини назорат қилинишини амалга оширишга ёрдам бериш; олтинчидан, мозорларни, ўртоқлик қабирларини ва бошқа одамлар дағн этилган жойларни тегишли ҳолатда туғиши бўйича жа-

моатчилик ишларини ташкил этиш; еттинчидан, маҳаллий телефон ва почта-алоқасини радиолаштиришни ривожлантиришда, маҳаллий алоқа иншоотлари ҳимоя қилишда алоқа идораларига ёрдам кўрсатиш; саккизинчидан, эгасиз мулкни сақлаш ва фойдаланиш, шунингдек давлатга мерос тарзида ўтган мулкни сақлаш ва фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар кўриш; тўққизинчидан, деҳқон хонадонларининг оиласи үз ҳудуди чегараларида аҳолини ҳисобга олиши ташкил этиш; ўнинчидан, посёлка, қишлоқ ва овуллар ҳудудидаги ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат қилишини амалга ошириш, фуқароларнинг йиғини ер муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун киритиш; ўн биринчидан, қуриш қоидаларига риоя қилиш, ҳавфни олди ҳудудлари ҳолатини, ҳайвонларни сақлашнинг ветеринария қоидаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш; ўн иккинчидан, аҳолидан солиқ суғурта ўз вақтида тушишида ёрдам кўрсатиш, ўн учинчидан, аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирларни ўтказишини ташкил қилиш, зарур бўлганда фуқароларни табиий оғат ва унинг оқибатларини йўқотиш учун курашга жалб қилиш, ўн тўртинчидан, ҳукуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларига тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ёрдам кўрсатиш; ўн бешинчидан, ҳарбий хизматчилар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссарликларга чақирилишида ёрдам бериш, аҳолини фуқароларни ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ўтказишига жалб қилиш; ўн олтинчидан, давлат ва жамоат идораларига боқувчисини йўқотган оиласалар, кўп болали оиласалар, якқа қолган оналар, шунингдек, табиий оғатдан зарар кўрган фуқароларнинг моддий ва яшаш турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида таклифлар киритиш; ўн еттинчидан, балоатга етмаган болаларнинг қаровсиз қолишинг олдини олиш бўйича жамоат ишларини ташкил этиш, ота-онасининг назоратисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларга жойлаштириш, шунингдек, ёшларни ишга жойлашга ёрдам бериш; ўн саккизинчидан, аҳоли учун лекция, маърӯза ва сұхбатлар ташкил этиш ва ўтказиш, аҳолига доимий кино хизматини ташкил этишга, китоб савдосини ривожлантиришга ёрдам бериш; ўн тўққизинчидан, фуқаролар йиғини ёки мажлисларининг кўча майдон, аҳоли пунктлари турли таркибий қисмларининг номларини ўзгартириш, уй номерларини ўрнатиш масалалари бўйича давлат органларига

таклифлар киритиш; йигирманчидан, фуқароларни қабул қилиш, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш, улар бўйича зарур чора тадбирлар белгилаш; йигирма биринчидан, фуқароларга Ўзбекистон Республикаси қонунида кўзда тутилган шахсни тасдиқловчи, оилавий мулкий ҳолатни кўрсатувчи ҳужжатлар, турли маълумотномалар бериш. Бунда посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар йифини раиси (оқсоқол) фуқаролар ҳолатини актларини қайд этади, айрим нотариал ҳаракатларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасини фуқаролик жамиятини қуриш йўлида қилаётган амалий ишидан, фуқаролик жамиятини қуриш йўлида қабул қилинган қонунлардан бир моддасини мисол келтирдик холос. Фуқаролик жамияти қуриш йўлида Президентимиз фармонлари ва яна қатор қонунлар мавжудки, уларни фақат тадбиқ этиш керак, бунинг учун ҳалқимиз ҳар томонлама тайёр бўлишлари керак. Шу жойда И. Каримов қуйидаги жумлалари ўз вақтида ва ўринли айтилганлигини кўрамиз.

Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатидан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўzlари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлаган ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис қиласдилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишида, профессионал асосда мамлакатининг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишидек бу демократик жараён тобора кучайиб бормоқда.

Ўтиш даври шароитада, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни давом этаётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолисининг турли қатламларининг манфаатларини ифода этиш лозим бўлган кенг тармоқли, кўп партиялик тизимини қарор топиши ва бошқа демо-

кратик институтларни вужудга келиши, ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам ўтиш даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу демократик институтлар ва жамоат ташкилотлари халқни демократия ва фуқаролик жамияти; ўз-ўзини бошқаришга тайёрлайди. Бу демократик институтлар жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб маҳаллий миллий хусусиятлар билан умумлаштирган ҳолда қонунларни таомиллашиб боришига катта таъсир кўрсатадилар. | Бошқарув системаси ва ҳуқуқлар, маҳаллий ташкилотлар, кулига ўтар экан бунинг учун «Фуқаро—жамият—давлат» муносабатларининг ҳуқуқий асослари ҳам ўзига мос равишда шакланган бўлиши, улар ўртасидаги муносабатлар оқилона, адолатли, ҳуқуқий ечимини топиб бера оладиган қонунлар мажмуаси яратилиши керак бўлади.

Саккиз йил ичida Узбекистонда асрларга татигулик катта ютуқларни, ижтимоий иқтисодий сиёсий маданий маънавий соҳаларда қўлга киритди. Одамлар дунёқарашларида ва руҳиятида, тафаккурида шунчалик катта ўзгаришлар ясай олди. Мамлакатимизнинг эришган ютуқлари кўлами жуда кенг. Шу билан бирга ҳали ечилмаган муаммоларимиз ҳам кам эмас.

Узбекистоннинг ижтимоий сиёсий танлаган йўли ўзига хос улуғвор ва айни вақтда бетакрор йўл эканлигини ривожланган демократик мамлакатлар ҳам тан олганларни хаммага маълум. Ана шу бетакрор улуғвор йўлимизнинг бир қирраси ва айни вақтда энг муҳими ҳисобланган «Фуқаролик жамияти» бўлиб, ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий белгиловчи мезони ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримовнинг кўпчилик асарларида «Фуқаролик жамиятига» катта эътибор қаратиб, илмий назарий жиҳатдан доимий равишда ривожлантириб келинмоқда. | Шуни алоҳида эътироф этишимиз керакки, фуқаролик жамиятини яратиш назарияси ва концепцияси масаласида, энг ривожланган демократик давлатлар даражасидан анча илгарлаб кетдик десак муболага бўлмайди. Чунки демократик жамиятнинг асосий магзини ташкил этувчи фуқаролик жамияти масаласи ҳали амалий жиҳатдан энг ривожланган демократик мамлакатларда ҳам тўлиқ ўз аксини топган эмас. Инсоният бу муаммо устида ҳали кўп ишлаши керак. Узбекистоннинг назарий жиҳатдан анча илгарлаб кетди, деб айтишимизнинг бир объектив томо-

ни шундаки, Ўзбекистон ушбу муаммога ёндашишидан олдин жаҳон халқларининг эришган ютуқларини назарий бойитиб, умумлаштириб, уни аждодларимиз қолдирган маънавий мерос, миллий қадриятларимизга суянган ҳолда ривожлантироқдамиз.

Демократик фуқаролик жамиятини қуриш бу сиёсий мақсадимиз, ёки сиёсий жараёнларгина бўлиб қолмай, бу бевосита халқимизнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналар, маданияти, психологиясининг, хусусиятлари ҳамдир. Демак демократия ва фуқаролик жамиятининг моҳияти инсониятнинг эришган ижобий маънавий бойлигига, жамиятнинг олий даражадаги қадрияларига айланиб қоладиган чин мънодаги инсонпарвар жамият ҳамдир.

Фуқаролик жамияти масаласида Ўзбекистон халқи катта тарихий тажрибага эга эканлигини кўрамиз. Чунки ўзбекларнинг тарихий ривожланиб келиши колективизмга асосланган бўлиб, озчиликни кўпчиликка бўйсунганлиги, ҳар қандай вазиятда биргаликда, ҳамкорликда яшаганликлари, жамиятни бошқариш маҳалладан бошланганлиги, ҳамма ижтимоий иқтисодий масалалар ва муаммолар маҳалла коллективчилиги асосида ҳал этилганлиги, бизнинг жамият учун янгилик эмас.¹

Президентимиз маҳаллаларга катта эътибор қаратиб аждодларимизнинг маънавий меросларига катта ҳурмат эътиқод билан муносабатда бўлаётганликлари бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ўзини-ўзи бошқарим тизимини амалий ҳаётга тадбиқ этишда анчагина ютуқларни қўлга киритдик. Энг муҳими фуқаролик жамияти моҳиятини етакчимиз чуқур англаш уни ўз асарларида мукаммалаштириш учун қилинаётган ўринишлари катта аҳамият касб этмоқда.

Эришилган ютуқларимизга асосланиб Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» асарида фуқаролик жамиятини назарий жихатдан янги босқичга кўтарди такомиллаштириди ва янги ғоялар янги концепцияларни илгари сурди. «Фуқаролик жамияти» қуришда бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширир» зарурлигини кўрсатади.

~~«Давлат тасарруфида асосан конституцион тузумини, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳуқуқий аҳамиятлигини~~

ҳимоя қилиш, ҳуқук тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёsat ўтказиш каби вазифалар қолиш керак.

Стратегик аҳамиятга мөлчк масалаларга муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экологик масалалар, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим.

Колган барча вазифалар ва айниқса биринчи навбатда бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилманни ривожлантириш, одамларни моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш, масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак. Айни шу йўл билан биз фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этишимиз мумкин»¹⁶. [xxi асрда иккита]

И. Каримов томонидан илгари сурилган ушбу концепция мукаммал, такомиллашган концепция бўлиб, амалий ҳаётда тўлиқ ўз аксини топиши учун жамиятимиз катта тарихий йўлни босиб ўтиши керакдек кўринади. Лекин мамлакагимизда амалга оширилаётган ишларимизнинг кўлами кенглиги кенг қамровлиги, уларни мазмунни бир-бирини тўлдириб туришига йўналтирилганлиги жамиятимизни яхлит бир бутуни асосда ривожланишини таъминлаш бермоқда аниқроқ айтадиган бўлсак, маҳаллий органларнинг даромад манбаъларини мунтазам кенгайиб бориши учун шарт-шароитлар яратиб берилиши, халқимизни маънавий баркамоллигини таъминлаш мақсадида қатор дастурлар қабул қилиши, нодаслат ташкилотлари жамоат тузилмаларининг сонини 2300 тага етди.

Бундай ташкилотлар ва тузилмаларнинг кўпайиб бориши учун шарт-шароитларни яратилиши ва уларнинг ҳуқуқий мавқийларини ошиб мустахкамланиб бориши ва бошқа қатор эътиборга лойиқ ишларимиз фуқаролик жамиятни қарор топиши учун муҳим омил бўл-

моқда ва бўлмоги лозим. «Жамоат идоралари бўлими фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ресурсларини мустаҳкамлашда шу органлар орқали ахолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланётган катта миқдордаги бюджет маблагидан ташқари, тадбиркорликни фаол ривожланиши, кичик корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси иншоатларини барпо этиш ҳисобидан ҳамда нодавлат ташкилотлари томонидан моддий ёрдам кўрсатиш ҳисобига маблагни кўпайтириш эвазига фуқаролик жамиятининг моддий асосини вужудга келтиришни назарда тутмоқ лозимлигини Президент алоҳида таъкидлайди».

Шундай қилинган тақдирда «Қучли давлатдан кучли фуқароли жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлишилгини И. Каримов алоҳида тасдиқлайди. «Айнан шундай ёндошув фуқароларнинг ўзларига-ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади»¹⁷.

Хулоса қилиб айтганимизда Ўзбекистон Республикаси собиқ СССРда ажralиб чиққан мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб демократик ҳуқуқий, одил фуқаролик жамият қуриш йўлини танлар экан, ўзининг миллий хусусиятларини, тарихий анъаналарини, миллий қадриятларни, ўзига хос шарқона демократик тамойилларни, ҳамда жаҳон халқлари эътироф этган демократик тамойиллар билан умумлаштира олган ҳолда тарақкий этиб боради. Бунинг учун бизнинг мамлакатимизда ҳамма шарт-шароитлар етарли, давлатимиз етакчилигида олий мақсадларимиз сари боришимизда жамиятимизнинг ҳамма аъзолари фаоллик кўрсатишлари, ўз-ўзларига талабчанликни ошириб боришлари зарур.

6-МАВЗУ УЧУН

ФОНДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасидо: ҳавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон». Т., 1997 йил. 180—185-бет.

² И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари». «Ўзбекистон» 1992 йил. 12—14-бет.

³ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий—ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари». «Ўзбекистон». 1992 йил. 10-бет.

⁴ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари». «Ўзбекистон», 1992 йил, 29-бет.

⁵ Мўминов И. М. «Амур Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (қаранг: Арабшоҳ. Соч. Т., Стр. 798, «Жизнь Темура», с. 52—54)». Т., «Фан». 50-бет.

⁶ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари». «Ўзбекистон», 1992 йил, 13—14-бет.

⁷ И. А. Каримов. «Янги уй қўрмай туриб, эскисини бўзманг». «Ўзбекистон». 1992 йил. 38—39-бет.

⁸ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари». «Ўзбекистон», 1992 йил, 23-бет.

⁹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Ўзбекистон», Т., 1997 йил. 173-бет.

¹⁰ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари». «Ўзбекистон». 1992 йил, 14-бет.

¹¹ И. А. Каримов. «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., 1995 йил. 151—152-бетлар.

¹² И. А. Каримов. «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., 1995 йил. 251—252-бетлар.

¹³ Ваҳобов А. «Давлат ҳоқимиятининг маҳалий бошқарув ва ўзиши ўзи бошқариш органлари» (қаранг. «Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат». Т., 139—140-бетлар).

¹⁴ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Ўзбекистон», Т., 1997 йил. 171—174-бетлар.

¹⁵ «Халқ сўзи» газетаси. 1993 йил. 21 сентябрь.

¹⁶ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». «Ўзбекистон». Т., 1999 йил. 26—27-бетлар.

¹⁷ Уша жойда. 28—29-бетлар.

7-мавзу

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ВУЖУДГА ҚЕЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ. КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ

«Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим».

Ислом Каримов.

РЕЖА.

1. Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келишдаги шарт-шароитлар.

2. Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари тизимининг шаклланиши ва такомиллашиш жараёнида.

3. Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, халқ харакатларининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий хаётидаги ўрни.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, халқ харакатларининг вужудга келиши ижтимоий-сиёсий тарақиётнинг объектив қонунидир. Лекин бу билан Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар фақат объектив ривожланишнинг маҳсулидир деб холоса чиқариш объектив реалликка тугри келмайди. Чунки объектив шарт-шароитлар етилган тақдирда субъектнинг актив таъсири яъни аралашув бўлмаса, ижтимоий ҳаётда туб ўзгаришлар жараёни юз бермайди.

Ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларни етилиб боришни тахлил қилиш учун яқин ўтмишимиз тарихига назар ташлаймиз. 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб собиқ СССРнинг таркибида бўлган халқлар учун ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти пайдо бўлди. Аниқроғи 1985 йилнинг баҳорига келиб, мамлакатда демократия ва ошкораликка йўл очиб берилди. Зиёлилар, давлат

арбоблари, сабиқ Коммунистик партияning элитасини баъзи бир вакиллари ва оддий фуқаролар босиб ўтилган тарихий йўлни социал-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қила бошладилар. Танқидий таҳлил ва хуносалари шуни кўрсатадики, 70 йил эзгулик сари катта ишонч ва эътиқод билан босиб ўтган йўлимиз сароб эканлиги маълум бўлди.

Шундан кейин ана шу сароб сари раҳнамолик қилган сабиқ Коммунистик партияning етакчилари орасида бўлиниш ва парокандалик юз берди. Сабиқ Коммунистик партияning қуий қатламидан юқори қатламгача бўлган этапда сиёсий оқимлар юзага кела бошлади. Сабиқ империя ҳукмрон коммунистик партиясининг сиёсий йўли инқирозига юз тутди. Бу сиёсий ва иқтисодий инқироз мамлакат таркибига кирувчи республикаларга жуда тезлик билан тарқалди. Мамлакат миқёсида сиёсий ва иқтисодий инқироз янги-янги партияларни, сиёсий бўлмаган ҳалқ харакатларни ва ташкилотларни пайдо бўлишига олиб келди. Бундай тарихий жараён ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари бўлиб, империянинг ҳалокати билан узвий боғлиқ эди.

Бу тарихий инқирозли жараён Узбекистон ҳалқлари ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўсатмасдан иложи йўқ эди. Чунки мустақилликни қўлга киритиш бундай имкониятни тарихининг ўзи берган эди. Бундай имкониятдан фойдаланмаслик мумкин эмас эди. Бугунги маърузамиз Узбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ҳақида борар экан, биринчи навбатда партия нима ва у қандай сиёсий мақсадларни олдига қўйди, шу ҳақда қисқагина тўхталиб ўтамиз.

Партия сўзи лотинча «part»—«қисм» сўзидан келиб чиққан бўлиб, у ёки бу жамиятда бўлган ижтимоий синф, қатлам ёки гуруҳнинг бир қисмини, одатда илғор қисмини бирлаштирадиган сиёсий ташкилотни билдиради.

Сиёсий партиялар ижтимоий синф ёки гуруҳнинг ёки аҳолининг у ёки бу қатламини манфаатларини ифода этувчи ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, энг аввало, ўзининг гуруҳини ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилотdir.

Сиёсий партиялар ҳокимият учун кураш олиб бориб, ҳокимият ёрдамида гуруҳий, синфий манфаатларни, талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ҳамда сиёсий ҳокимијатга эришишлари учун курашларда маълум гуруҳга сиёсий раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилотdir.

Бу билан жамият ва ҳалқ, давлат-манфаатлари сиё-

сий партиялар учун эътибордан четда қолади деган ху-
лоса чиқмайди. Албатта, ҳамма масалаларда ҳар қандай
партия учун гуруҳий манфаатлар биринчи ўринга қўйи-
лади, у жамиятнинг бошқа қатламлари, гуруҳлари, яъни
умумхалқ ва давлат манфаатлари билан бир яхлитлик-
ни ташкил этиш шарт, бўлмасам ўзларининг сиёсий мақ-
садларимга эриша олмайдилар. Партияларнинг сиёсий
тараққиёти, қонуниятлари ҳамма партиялар учун яго-
наликка эга бўлсада, миллӣ географик омилларга кўра
алоҳидаликка ҳам эга бўлади. Албатта, ҳар қандай пар-
тиянинг сиёсий программасида миллӣ хусусиятлар,
қадриятлар, маънавиятлари, регионал хусусиятлари,
халқнинг интеллекгуал даражаси ва бошқа жиҳатлари
ўрин олмаса, ҳисобга олинмаса, у жамиятнинг қўллаб-
кувватлашга сазовор бўла олмайди.

Ўзбекистонда ташкил топган сиёсий партияларнинг
деярли ҳаммасининг программаларида ана шу юқорида
таъкидлаб ўтилган ҳолатлар ҳисобга олинган.

Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизими қачон, қандай
шароитда юзага келади?

Юқорида таъкидлаганимиздек, 80-йилларнинг ик-
кинчи ярмига келиб ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги
ва демократияга йўл очиб берилиши муносабати билан
собиқ совет жамиятида яшириниб ётган барча иллатлар
тезлик билан юзага чиқа бошлиши мамлакатнинг ҳар
томонлама инқирозини чуқурлаштирги. Собиқ Иттифоқ-
ни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи оғирлаша борди.
Собиқ Компартия ичидаги зиддият кучайди. Айни пайт-
да собиқ иттифоқ билан республикалар ўртасидаги му-
носабатлар ҳам кескинлашди. Бунинг оқибатида 1987—
1988 йиллар мамлакатни қамраб олган ялпи кризисдан
қутилиш йўлини изловчи норасмий ҳаракатлар, бирлаш-
малар ташкил топиб, уларнинг сони жуда тез кўпайиб
борди. 1988 йилнинг охирига келиб, собиқ иттифоқда
норасмий ҳаракатлар ва бирлашмаларнинг сони 30 минг-
дан ошиб кетди. Уларни кўпчилиги секин-аста расмий-
лашган мустақил сиёсий бўлмаган ташкилотларга, бир-
лашмалар ва ҳаракатларга айландилар. Улар мамла-
катни ижтимоий-иқтисодий, социал, сиёсий инқироздан
олиб чиқиш йўлларини излар экан, хилма-хил концеп-
цияларини, илмий назарияларни ўртага ташладилар.
Бундай ҳолат собиқ империя марказида кузатилған
бўлса, Республикаларда эса мустақилликни қўлга кири-
тиш ўз тақдирини ўзи белгилаш тенденциялар, кучайиб
бораётганилигини кузатиш мумкин эди.

1988—90 йилларда ижтимоий-сиёсий ташкилотларни интенсиз равища сон жиҳатдан кўпайиб бориш жараёни пайдо бўлди.

Собиқ Иттифоқ миқёсида бошланган бундай харатларга Урта Осиё республикалари ҳам қўшилдилар. Ўзбекистонда бир қатор ҳалқ ҳаракатлари, партиялар, жамоат ташкилотлари ташкил топди. Жумладан «Бирлиқ» ҳалқ ҳаракати ва «Эрк» партияси ўзларининг фоалиятида конструктив, сиёсий нуфуз ва ақл-идрок билан сиёсий маданият доирасида иш кўрмадилар. Улар демократияни даҳанаки жанглар эҳтиросли шиорбозликлар, ибтидоий ҳайқириқлардан иборат деб билдилар. Улар ана шу ҳайқириқ ва шиорбозлик, милингбозлик, ҳайқириқлар билан сиёсий ҳокимиютига эга бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Улар мамлакат ўз бошидан катта қийинчилкларни кечираётгандигини бундай шарситда сиёсий эҳтиросларга берилиш жамият учун заарарли эканлигини тушина олмадилар.

«Ана шундай таҳлиқали бир пайтда Ислом Каримов бошқарув жиловини озгина бўшаштирганда, иккиланиш ёки саросимага тушганида, Тсжикистондаги воқеалардан ҳам даҳшатлироғи юз бериши мумкин эди. Лекин ундай бўлмади. Ислом Каримов қанчалик таъна-дашномлар ёмғири тагида қолмасин, демократия тушунчаси, диктагура тарафдори деган маломатларни эшитмасин, ўз йўлида қатъий турди, иккиланмади». Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолишда, конструктив ҳаратдаги мамлакат, ҳалқ манфаати йўлида демократик жараёнларни, сақлаб сиёсий маданият доирасида ҳуқуқий меъёрлар асосида иш кўрадиган кўппартиявийлик тизимини шаклланишида қатъийлик кўрсатди ва жамиятни тўғри йўлга олиб чиқа олди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, юқорида номлари зинкр этилган партиялар ҳуқуқий асосга эга эмас әдилар. Чунки мустақил суворен Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилингандан кейин сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотлар, ҳалқ ҳаракатларини ҳуқуқий асоси яратилди ва қисқа давр мобайнида кўп партиявийлик тизими шаклланди ҳамда давлатни демократик барқарор ривожланиши учун улкан имконият яратилди. Тўла ҳуқуқий асосда ташкил топган партиялар ўзларининг демократик мазмун ва тамойилдаги дастурлари билан чиқиб, муҳолифатлар сифатида демократик жараёнларни

шаклланида, мамлакатни иқтисодий-сиёсий, маънавий тарақиётга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига биноан сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятининг тизимида иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ еттинчи сессиясида қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида» қонунда қабул қилингандек, ички ишлар органлари, прокурор ва прокуратура терговчилари, судьялар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар. Конституциянинг 77-моддасига биноан мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимият бўлган Олий Мажлисга сайловлар ҳам кўп партияйилик асосида амалга оширилади. Ушбу ҳолат жамият ва давлат бошқарувида ҳақиқий демократияни таъминлайди.

Ўзбекистонда ташкил топган партиялар сиёсий куч сифатида ўз олдиларига пиравард мақсад қилиб сиёсий ҳокимият учун кураш масаласини қўймайдилар. Чунки бу ҳолат вақт билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон ўтиш дазрини, демократик тамойилларини қарор топтириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш даврини кечирмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги партияларнинг сиёсий йўлига фуқаролар осойишталиги ва миллатлар тотувлиги, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобақада жамиятни ҳар томонлама тараққий этиб боришини таъминлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасида кенг ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган парламент туркумидаги бешта сиёсий партия ва битта ҳалқ ҳаракати мавжудdir.

Улар қўйидагилар:

ХРБ

Ўзбекистон Ҳалқ Демократик партияси
(ХДП); Ватан тараққиёти партияси;
«Аделат» социал-демократик партияси;
Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси;

**Ўзбекистон фидокорлар миллий демократик
партияси;
«Бирлик» ҳалқ ҳаракати.**

Ўзбекистонда ташкил топган ушбу сиёсий партиялар ва ҳаракат ижтимоий тараққиёт, воқеалар ривожланиши жараёнининг объектив маҳсулси сифатида вужудга келган ижтимсий-сиёсий ташкилотдирлар.

Шунинг учун ҳам уларни вужудга келтирган тарихий шароит ва вазият мазмуни бир-бири билан ҳамоҳанг бўлиб, яъни мамлакатимиз мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашда, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун кураш олиб боришда кўп миллатли ҳалқимизни ўюштириб, тартибга солиб борувчи ҳамда демократик тамойилларни қарор топишида, миллий маънавият ва қадриятларни тикланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи сиёсий кучдирлар. Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар ҳалқ билан ҳокимиёт ўртасида асосий боғловчи бўғун бўлган сиёсий демократик институтдир.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутар экан, ривожланган демократик мамлакатлар қаторига чиқиб олишни ўзининг олий мақсади қилиб қўйди. Табийки, бундай улуғвор мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда янги-янги демократик кучларнинг пайдо бўлиши талаб қилинарди. Шу боис Ҳаётнинг ўзи мақсад-муддаоси, фаолиятининг мазмуни ва иш услублари юзасидан батамом янги сиёсий ташкилотларни тузишни тақозо этди. Бундай янги ташкилотлардан биринчи — Таъсис Қурултойи 1991 йил 1 ноябр куни бўлиб ўтди. Бу Ўзбекистон Ҳалқ Демократик партияси эди.»

Ўзбекистон Ҳалқ Демократик партияси — ташкилий жиҳатдан тўла-тўқис шаклланган, гоявий-сиёсий томондан ўзининг аниқ йўли ва мафкурасига эга, амалий ишлар боис эл-юрт ишончини қозонган, хорижий турдош ҳамда маслакдош партиялар билан алоқалари кенгайиб бораётган, жамиятда муносиб ўрин эгаллаган нуфузли сиёсий куч — парламент типидаги партиядир. Ҳозир унинг таркибида 1 та республика (Қорақалпоғистон), 13 та вилоят, 31 шаҳар, 177 та туман кенгаши ҳамда 14 мингдан зиёд бошлангич ташкилотлар бор. Улар ўз сафларида 440 мингга яқин аъзони бирлаштирган. Булар аҳоли барча қатламлари вакиллари — зиёлилар, ишчилар, хизматчилар, дәҳқонлар, тадбиркорлар, ёш-

лар, фахрийлар, 80 га яқин миллат ва элатга мансуб кишилар бор.

2000 йил 9 январда ўтказилган Президентлик сайловида ХДПнинг етакчиси А. Жалолов номзоди ҳам қўйилди бу партия учун жиддий имтиҳон бўлди.

1999 йил 5 декабр ва 19 декабрда Олий Мажлисга ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларга сайловларда иштирок этиб, парламентдан 48 та ўринга эга бўлдилар ва ўз фракцияларини ташкил этдилар.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси юртимиз тақдири, ҳалқимиз манфаатлари билан bogлиқ муҳим масалалар ечими, партиянинг у ёки бу шаклдаги иштирокида ҳал этилаётганлиги унинг жамиятимиэдаги юксак мавқеи ва масъулиятидан дарак беради.

Партия ўз нашрларига ҳам эга. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журналлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ҳалқимиз меҳнат аҳли, ҳар бир оиласининг моддий ва маънавий, баркамол бўлишига кенг имкониятлар яратиш, уларнинг Конституциявий ҳуқуқлари, фуқаролар эркинликларни кафолатлаш, дини, мазҳаби, миллатидан қатъий назар, барча фуқаролар шаъни, қадр-қиймати, тинч ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш — мазкур партиянинг бош сиёсати, унинг кундалик фаoliyatining муҳим вазифаси, ҳамда олий дастурний мақсади, деб белгиланган.

Мамлакатдағоявий-сиёсий жиҳатдан анча юксакликка бўй чўзган ва мустаҳкамланган сиёсий етуклиқ, ғоявий пишиқлик сари бораётган «Ватан тараққиёти» партиясидир. [«Ватан тараққиёти» партиясининг таъсис съездзи 1992 йил 24 майда чақирилиб, «Ватан тараққиёти» партияси ташкил топганлигини зълон қилди ва Республика Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилди.]

«Ватан тараққиёти» партиясининг олий органи съезди бўлиб, у партиянинг Марказий Кенгаши томонидан З йилда камида бир марта ёки Президент ёхуд Олий Мажлисга сайловлар олдидан чақирилади. [Партия аъзоларининг сони 35 минг кишидан кўпроқ булиб, ижтимоий таркибини, асосан, илғор зиёлиларнинг бир қисми, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари, фермерлар, дехконлар ташкил қилади. Босма нашри «Ватан» газетасидир.

1999 йил 5—19 декабрда Олий Мажлис депутатлигига бўлиб, ўтган сайловларда «Ватан тараққиёти» партия-

сидан номзодлар Олий Мажлисда ўринлар учун кураш олиб бордилар. Улардан 20 нафар партия аъзоси депутат этиб сайландилар. Ана шу 20 депутат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида ўз фракцияларини ташкил этдилар.

Партия ҳузурида жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ишлайди. У тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини ўрганди ва таҳлил қиласи, жамоатчилик фикрини сўрашни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини ёритувчи ноширлик фаолияти билан шуғулланди.

«Ватан тараққиёти» партиясининг дастурининг мазмунни ва партиянинг олий мақсади, сиёсий йўли Ватан тараққиётига хизмат қилишдир. Хусусий, эркин бозор муносабатлари асосида мамлакатимизнинг иқтисодий ва маънавий мустақиллигини ривожлантириш, демократик жамият тараққиётини жадаллаштиришга қадам-бақадам таъсир кўрсатиш, зиёлилар, тадбиркорлар ва деҳқонлар манфаати номидан гапириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ривожлантириш, фаолияти ҳамиша амалий тажрибага ҳамда соғлом ақл-идрок таяниб, иш кўриш, мамлакат равнақига хизмат қилиш каби буюқ мақсадлардан иборатdir.»

«Ватан тараққиёти» партияси мамлакатимиз ҳар томонлама тараққий этиб ривожланишини халқнинг маънавий ва маърифий камол топиб боришда, деб билади. Шунинг учун ҳам ҳурфиксийлик, ошкорлик, муҳолифатлийлик ғояларини ёклайди.

Республикада ёш, навқирон, келажаги порлоқ, ғоявий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиб, ўсиб келаётган партиялардан бири, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун таъминлаш, ватанга садоқатли хизмат қилишдек улуғвор вазифаларни олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил 18 феврал куни Тошкент шаҳрида ўзларининг таъсис қурултойини чақириб, партия низоми ва дастурини қабул қилдилар ва шу куни Республика Адлия вазирлиги томонидан сиёсий партия сифатида рўйхатга олинди.»

1999 йил 5—19 декабрда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 11 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатига олинди. Ҳозирги кунда «Адолат» социал-демократик партиясининг

сафида 30 минг ортиқроқ аъзолари бор. Ижтимоий-таркийи кисми, асосан, зиёлилар, ёшлар, ишчилар ва аҳодининг бошқа қатламларидан иборат.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади — мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллат ва эзлатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган сиёсий, иқтисодий демократик тамойилларига асосланган янги ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуришdir.

«Адолат» социал-демократик партиясининг мамлакатда бошқа партиялардан хусусиятли томони шундаки, у мамлакатимизда мафкуравий бўшлиққа йўл қўймасликни ўзининг мухим вазифаларидан бири қилиб олган. Жумладан, мустақиллик моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, одамларнинг келажакка бўлган умид ва ишончларини мустаҳкамлаш, Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш, онг ва шуурни мўътепикдан батамом холис этиш, янгича фикрлай оладиган, тафаккур қила оладиган комил инсонларни тарбиялашдек катта маъсулиятни ўз зиммасига олган

Партия дастурида жамиятда адолат мезонининг бузилишига қарши кураш олиб бориш вазифаси қайд этилган бўлиб, жамиятда адолатни, ҳақиқатни қарор топдириш, қонун устуворлигини таъминлаш, демократик юксак онглилик, маънавий-ахлоқий қадриятларга амал қилувчи фуқароларни тарбиялашда ўз ҳиссаларини қўшишларини таъкидлайди.

Партия парламентар фаолиятини қўйидагиларда кўради: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз фракцияси орқали Олий Мажлис ишида фаол иштирок этади. Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уларнинг мухокамасида муносиб ҳисса қўшишлариға эришиш, шунингдек, Олий Мажлис, кучли ва адолатли ижро ҳамда суд ҳокимиятлари фаолиятларини тобора такомиллаштиришга муносиб ҳиссаларини қўшиши, давлатни стратегик ички ва ташки дастурларни кабул қилиш, давлат аппаратини шакллантириш ва такомиллаштиришда партия сиёсатини амалга оширадилар.

Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси ғоявий-сиёсий жиҳатдан ўзига хос чуқур фалсафийлиги ва маърифийлиги билан жамият тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган партиядир. У 1995 йилнинг 3 июнида ўзининг биринчи Таъсис Қурултойига йигилди ва пар-

тияning ташкил топғанлигини эълон қилди. Партияning ижтимоий таркиби, асосан, зиёлилардан иборат, лекин партия барча ҳам маслак кишилар учун очиқлигини эълон қилган.

Миллий тикланиш демократик партияси ўз сафида ўн мингга яқин аъзоларини бирлаштирган бўлиб, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисида 10 кишилик фракциясига эга. Партия вакиллари парламентда ўз фракцияларини ташкил этишга эриша олмаган бўлсалар-да, партия вакиллари Олий Мажлис қўмиталари ишида фаол иштирок этмоқдалар. Партия ўзининг матбуот органи бўлмиш «Миллий тикланиш» ҳафталик газетасига эгадирлар.

Партия миллий истиқлол ва миллий тикланиш ғояларини ўзининг асосий вориси деб ҳисоблайди. Миллий тикланиш ва истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида жамиятдаги бошқа партиялардан фарқли ўлароқ, МИЛЛАТ, ИНСОН ва ВАТАН манфаатларини муқаддас деб билади, Узбекистон фуқароларини бирлаштирган Миллий тикланиш демократик партияси ташкил топган. Узбекистон Республикаси Президентининг мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатни сиёсий-иқтисодий, маънавий ривожлантириш түғрисидаги ғояларини қўллаб-қувватлаш ва ижодий ривожлантириш партияning ўзининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Партия ўзининг дастурида яна қўйидаги ғояларни илгари сўради:

Партия умуминсоний қадриятларни миллий қадриятлар билан узвий боғланган ҳолда Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-хуқуқлар асосида, ўз сиёсатини юритади ва мамлакатда яшовчи халқлар ва элатларнинг конституцион хуқуқларини ва фуқаролик эркинликларини ҳурмат қилди. Партияни олий мақсади-миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатларини асосий йўналишлари деб қўйидагиларни белгилайди:

- Миллатларнинг маънавий бирлиги;
- Ватан (Туркистон) — ягона оила;
- Кучли демократик давлат;
- Миллий қадриятлар;
- Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция;
- Замон кишиси;
- Миллий истиқлол.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси қайд этиб ўтилган етти асосий йўналишларни миллий тикланишнинг асосий негизи деб ҳисоблайди. Ўзининг бутун амалий-ташкилий, сиёсий фаолиятини шу етти йўналишни рўёбга чиқариш учун йўналтирган. Бу билан партия ўз фаолиятини чеклаб қўйган, деган хуласа чиқмайди. Чунки партия вакиллари Олий Мажлис қўмиталарининг ишларида фаол иштирок этар экан, демак, ўз фракцияларига эга, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида ҳам фаоллик кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шахсий ташаббуси билан мамлакатда яна бир партия — Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси ташкил топди. Бу партияниң 1998 йил декабрда Тошкентда Таъсис Қурултойи чақирилиб, партия ташкил топганлиги эълон қилинди. Партия ўзининг дастурида мамлакатда долзарб муаммоларни ҳал этишда фидоийлик кўрсатиш вазифасини қўйган. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик одил фуқаролик жамиятини яратишдаги барча ижтимоий, социал-сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этилишида ва халқимизни маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялашда, ҳамда жамиятда ҳалоллик, поклик қадриятларини қарор топишда фидокорлик кўрсатишдек ўлкан вазифани ўз дастурларига киритганлар.

Ўзбекистон «фидокорлар» миллий демократик партиясини матбуот органи қилиб, «Фидокор» газетаси тасдиқланди. Парламентда 34 кишидан иборат фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ташкил топган ҳаракатлар орасида ўзининг олижаноб мақсади ва вазифалари билан «Халқ бирлиги» ҳаракати алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳаракат 1995 йил 9 июнда ташкил топди. Ҳаракатнинг ташаббускорлари ва иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш нуқтai назаридан келиб чиқиши билан бирга, республикамиз аҳолисини миллати, злати, диний эътиқодидан қатъий назар, умумхалқ, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ўзларининг дастурларини ишлаб чиқдилар. Ҳаракат дастури республикамизнинг янги босқичга ўтиш давридаги, яъни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий барқарорликни ривожлантириши ҳамда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларига бўлаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар мукаммал ўрганиш асосида тузиликим, бундан мақсад Мустақил Ҳамдўстлик Дав-

латларида юз берган ҳолатларнинг келиб чиқишининг сабабларини оқибатларни чуқур, таҳлил қилиб ўрганиши негизида Ўзбекистонда шундай салбий ҳолатлар тақрорланишига йўл қўймаслик мақсадини ўз олдига қўйди.

«Халқ бирлиги» ҳаракати Республика миздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ислоҳотларнинг қатъни ва изчил бўлишига кўмаклашиши, Ўзбекистон заминидаги яшаётган аҳолининг барча табақалари, барча миллатга элатларнинг дўстлигини, аҳиллигини ва фуқаролар тотувлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиш, халқни шунга даъват этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.]

Ватанпарварликни, она-юрга мұхаббатни, ўтиш даври қийинчиликларини енгишга кўмаклашиш ва халқимизнинг асрый эзгу орзу-умидларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун халқнинг бирлигини мустаҳкамлашни, яқинлигини таъминлашни ҳаракат ўзининг асосий бурчи ва онг мақсади қилиб белгилади. Чунки давлатимизнинг тараккёти эса халқимизнинг куч-қудратида, улуғвор келажагимизнинг манбаи эса халқимиз бирлигидадир, деб билди.

Шунинг учун ҳам «Халқ бирлиги» ҳаракатининг низомида устувор мақсади, кўп миллатли халқимизнинг бирлигини янада мустаҳкамлаш, барча фуқароларда Ўзбекистоннинг ҳозирги куни ва келажакда буюк давлат бўлиши, ҳар бир оила фаровонлиги, инсоннинг эркин камол топниши учун юксак масъулият ҳиссини шаклантириш, жамоатчиликни шу саъй-ҳаракатларида фарол иштирок этишга даъват қилишдан иборатdir, деб белгиланган².

Юқоридаги айтиб ўтилган фикрлардан ва мақсадлардан келиб чиқиб, «Халқ бирлиги» ҳаракати ўзларининг асосий вазифаси қилиб, қўйидагиларни белгилаб олдилар:

— зиёлилар, барча миллат ва элатлар вакилларининг ижтимоий фуқаролик салоҳиятини янада тўлароқ қулф урдириш;

— аҳолининг ижтимоий ва миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш.

Ҳаракат қатнашчиларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳуқуқий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш;

— мамлакат ёш авлодида ватанпарварлик, она-юргига чуқур хурмат-эҳтиром туйғуларини тарбиялаш;

— чет эл жамоатчилигини мустақил Ўзбекистонда замонавий маданий миллатлараро муносабатлар ва тутувликнинг камол топаётгани тўғрисида холисона хабардор қилиб бориш.

Шу билан бирга Ҳаракат фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат қилиб белгиланади:

— бирлиги ва тутувлик, ҳуқуқ ва демократия, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, фуқаролик маданияти ва ватанпарварлик, ижтимоий фалсафани ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, кишиларда қўшини мамлакатларда давлатчилигини ўзаро ҳурмат қилиш туйғусини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

— Марказий Осиё давлатларининг «Туркистон умумий уйимиз» халқаро жамоатчилик ҳаракатини ривожлантиришда ташаббус кўрсатиш ва унинг ишида фаол иштирок этиш ва бошқа қатор долзарб йўналишларни белгилаб олдиларким, бу белгилаб олинган вазифалар ва йўналишлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини тўлалигича қамраб олгандир^{3]}.

«Халқ бирлиги» ҳаракатининг дастуридаги барча қоидалар ижтимоий хаётда мавжуд бўлган долзарб муаммолар бўлиб, бу муаммоларнинг ечилиши, тинч ҳал этилиши мамлакатимизнинг мустақиллигини сақлаб қолиша иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, ривожланаб боришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳаракат томонидан илгари сурилган қоидаларни муҳим томони шундаки, яъни президентимиз томонидан илгари сурилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ғоялар билан жуда мос келиб, ана шу ғояларни ҳаётга тадбиқ этиб бориша катта роль ўйновчи ижтимоий куч сифатида иш олиб бормоқда.

«Халқ бирлиги» ҳаракатининг катта ижтимоий куч сифатида қарашимизнинг энг муҳим ва аҳамиятли томони шундаки, бу ҳаракат Ўзбекистон Республикаси ҳудулида яшаётган барча миллат ва элатларни ўз сифатида бирлаштирган бўлиб, қатор ўтказаётган тадбирларни халқлар ўртасидаги дўстликни, бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Жамиятни янгилашаётган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлашда ўзининг муҳим тарихий ролини ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам бу ҳаракатни сафи мустаҳкамланиб, унинг қатнашчиларининг сони ортиб бормоқда. Масалан, ҳозирги кунда «Бирлик» ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими аъзоларининг сони

107800 кишидан кўпроқ ташкил этади. «Бирлик» халқ ҳаракатининг мамлакат ҳаётидаги ўрни, сиёсий партияларга нисбатан анча юқори туради. Албатта, бунинг боиси ҳаракат раҳбарларининг яхши ташкилотчилигидар.

«Халқ бирлиги» ҳаракатининг Тошкент бўлимни миллий маданий марказлар билан яқиндан алоқада бўлган ҳолда ўзининг ташкилий ишларини олиб бормоқда. Халқлар ўртасидаги дўстлигини мустаҳкамлаш, жамиятни маънавий баркамоллик сари боришида катта самарали ва хайрли ишларни амалга ошироқда.

Хуроса килиб айтганда, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва халқ ҳаракатлари демократик жараёнларни ривожланиши ва қарор топишда, жамиятни ҳар томонлама ривожланиб боришида, катта роль ўйнамоқдалар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 2300 га яқин жамоатчилик бирлашмалари рўйхатдан ўтган. Булар давлат ва жамият бошқарув масалаларини ҳал этишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Қасаба, ёшлар, аёллар, фахрийлар, спорт, театр ва бошқаларнинг ижобий фаoliyatларини алоҳида таъкидласак арзиди.

Сиёсий партиялар мамлакатимизда ижтимоий сиёсий барқарорликни сақлашда, миллий маънавиятни тикланиши ва ривожланишида катта ишларни амалга ошироқмадар. Ўзларини матбуот органдари орқали омманинг онгини янгича фикрлаш тафаккур қилиш, бозор иқтисодиёти муносабатларни жараёнларни шаклланиб ривожланиб боришига катта ҳиссаларини қўшмоқдалар. Лекин Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар том маънодаги сиёсий партиялик вазифаларини баражарни даражасига гоявий-сиёсий жиҳатдан кўтарила олмадилар.

Бир жиҳатдан бу партияларни ёш энди ўсиб бораётган партиялар бўлганлиги учун нормал ҳолат деб қарасак, иккинчи томондан ва сиёсий ижтимоий-иқтисодий воқеалар жараёнининг шиддат билан ривожланниб бораётган бир шароитда партияларни ҳам гоявий-сиёсий ўсиши даэр талаби даражасида бўлиши ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишда ўз ўрни, овозига эга бўлиши керак эди. Лекин бундай бўлаётган эмас. Буни:иг сабаби партияларда давр талабига жавоб берувчи, оммани ўзига жалб этувчи пухта гояни стиш маслиги, куч ва иродани заифлигидир.

Ўзбекистон Олий мажлисининг XIV сессиясида Президент Ислом Каримов ҳақли равишда сиёсий партия-

лар фаолиятини фаоллаштириш зарурлигига даъват этиб, «Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларида, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларида ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин»⁴, деб таъкидлади. Олий мажлисга ҳалқ вакилларини сайлаш жараёни кетаётган бир даврда сиёсий партияларнинг «Электорат» сайловчилар овозларини кўпроқ ўзлари томонга тортиши учун кураш деярли бўлмади. Демак, сиёсий партиялар ўртасида сиёсий рақобат, сиёсий ҳокимият учун кураш ҳам йўқ. Аслида Узбекистондаги сиёсий партияларнинг дастурларида сиёсий ҳокимият учун кураш олиб бориш масаласи қўйилмаган. Юқорида айтилганидек, сиёсий партиялар парламент типидаги партиялар бўлиб қолиш ва сиёсий ҳокимиятни парламент усуллари орқали амалга оширишни кўзда тутадилар десак, бундай фикр партияларнинг дастурларида учрамайди. Хуллас мустақилликни биринчи йилларида ҳамма партияларни тутган тактик ва стратегик йўли, мамлакатдаги сиёсий иктисадий, ижтимоий вазиятга кўра маъқул йўл эди.

Эндиликда мамлакатни демократиялаш, Давлат ва жамият хаётини эркинлаштириш масаласи олдинги ўринга чиқар экан, сиёсий ва ижтимоий фаолликсиз илгари силжин юз бермайди.

Мамлакатда сиёсий ижтимоий фаолликни таъминлашда партияларнинг омма орасидаги таъсирчанлигини ошириб бориши шарт бўлиб қолади.

Модомики, шундай экан ҳамма сиёсий партиялар ўз ҳаракат дастурларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан давр талабларига мослашлари, ривожланган мамлакатлар сиёсий партиялари каби конституцион ҳуқуқий меъёрлари ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида юксак сиёсий маданиятга асосланиб, фаоллашувлари жамиятни ҳар томонлама ривожланиб боришига, жамиятни демократлашув жараёнларини тезлашувига таъсир кўрсатувчи сиёсий институт сифатида иш олиб боришлари, партиялар ижтимоий сиёсий, иктисадий маънавий муаммоларни ҳал этишда фаоллик кўрсатсаларгина ҳақиқий том маънодаги сиёсий партияга айланадилар. Жамият орасида обру-эътиборлари ошиб, жамият аъзоларининг диққат эътиборини жалб этадилар.

Ана шундагина партиялар сафи тўлиб мустаҳкамла-

ниб боради, молиявий маблағ ўз ечимини топади ва кучли ижтимоий таянчга эга бўладилар.

Сиёсий партиялар характер ва хусусиятлари жиҳатидан парламент туркумидаги партиялар булиб, уларнинг олий мақсади мамлакатни ижтимоий, социал-сиёсий, иқтисодий барқарорлигини сақлаган холда жамиятни ҳар томонлама янги олий босқичга кўтаришдан иборатдир.

7-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

¹ Нарзулло Жўраев. «Агар огоҳ сен...». «Шарқ» нашриёт-матбаа концернинг Бош муҳаририяти. Т., 1998. 67-бет.

² Узбекистон «Халқ Бирлиги» ҳаракатининг низоми ва дастури. Т., 1995 йил. 11-бет.

³ Узбекистон «Халқ Бирлиги» ҳаракатининг низоми ва дастури. Т., 1995 йил. 13-бет.

⁴ Каримов И. А. «Узбекистон XXI асрга интилоқда». Т., «Узбекистон». 1998 йил, 21-бет.

8-м а в з у

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК. МИЛЛИЙ ТОТУВЛИҚНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ЯНГИ ЖАМИЯТ КУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар ўртасида бирликнинг таъминланиши мустақил тараққиётининг асосий ютуғи эканлиги.

2. Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминлашда ижтимоий ҳаётнинг тузилмаларини мукаммал қарор топтириш асосий омил эканлиги.

3. Жамиятда сиёсий бўлиниш ва парокандалик юз бермаслиги учун илмий гояларни муҳимлиги ва амалий қўллапишининг аҳамияти.

Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни қарор топишида жамиятнинг етакчисига, унинг тутган йўлига, мақсадларига ва етакчилик таланти-ю, тажрибасига кўп нарса боғлиқ бўлишини ҳаёт тажрибаси яққол исботламоқда. Демак, жамият тарихий тараққиёти жараённда шахснинг роли ва ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахс жамиятнинг етакчиси сифатида жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Немис файласуфи Гегель «Инсон фақат буюк мақсадларни амалга ошириш орқалигина ўзини бошқалар учун йўлчи юлдузга айлантирадиган буюк характеристини намоён қила олади», деган эди.

«Умуман олганда, раҳбарнинг иш услуби, давлат арбобининг воқса ва ҳодисаларга муносабати, унинг ўзигагина хос бўлган бошқарувчилик йўли, гояси ва тутуми ҳақида бизда кам ёзилади, кам ўрганилади. Бироқ, айниқса, жамият бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтаётган бир пайтда раҳбарнинг жамиятда тутган ўрни, унинг ютуқ ва камчиликлари, давлатни қай йўсинда зиддиятлар қуршовидан олиб чиқилаётганлигини ўрганиш, иложи борича таҳлил этиш ўтиш даврида алоҳида сабабли айримлар уни шунчаки кераксиз ҳолат деб билса, бошқа бирорвлар раҳбарга хуш ёқининг йўлларидан бири деб қарашади»¹ яхши фикр.

Шунинг учун ҳам биз маъruzamizning шахснинг ролидан бошлаймиз.

Биз маъruzamizning айнан шахснинг тарихда ўйнаган ролидан бошлаганимизнинг сабаби шундаки, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролик ўртасида тинчликнинг таъминланиши масаласида гапирап эканмиз, шахснинг ролини четлаб ўтиш мумкин эмас, чунки Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуғи фақат Президент Ислом Каримовнинг ҳақиқий тажрибали давлат арбоби сифатида, назариётчи олим сифатида иш юритишининг мевасидир. Нима учун жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик муаммоси ўта дозларб муаммога айланди? Бу муаммо ҳал этилмаган МДҲ давлатларида нималарга олиб келди? Ўзбекистон бу муаммони қандай ҳал этди? Келинг, мана шу саволларга жавобни яқин тарихимиздан излаймиз.

Маълумки, XX асрнинг охирига келиб, коммунистик мафкура инқирозга юз тутиб, ўз қудратини кўрсатиб келган собиқ СССР империясининг чок-чокидан сўкилиш даври бошланди. Империя мафкурачиларининг оҳангода мустақиллик, демократия, ҳуқуқий, одил фуқаролик жамияти каби янги луғавий сўзлар тез-тез тақрорланадиган бўлиб қолди. Бу луғавий сўзлар собиқ Иттифоқ ҳалклари учун алас-галас таниш тувласда, лекин бу сўзларнинг ҳақиқий моҳияти нимада эканлигини яхши тушунмас эдилар. Чунки бу сўзларнинг маъноси, мазмuni совет луғавий терминология ва энциклопедия китобларида собиқ империя мафкурасига оҳангдош қилиб, моҳияти жиҳатидан ҳам собиқ ижтимоий тузумнинг мазмунига жуда мос келадиган қилиб изоҳланган эди. Албатта, гап бунда эмас. Гап шундаки, ана шу инқирозни озгина ҳис этган, гапга чечанроқ, сиёсатдан юқоридаги сўзларни ҳақиқий маъносидан тамомила бехабар, ижтимоий савияси паст бирон кимса кўпчилик йигилган жойда ёки бирон-бир йигилишда хотиқлик қилиб, юқоридаги терминларни қайтакайта тақрорлаб, йигилганларни демократияга ундан юборса борми — у одам дарров шуҳрат топиб, маълум бир гуруҳнинг етакчисига айланиб қолиши ҳеч гап бўлмай қолди.

Собиқ империя таркибидан ажралиб чиққан ҳалқлар қаторида Ўзбекистонда ҳам бундай етакчиликка даъвогарлар кўпайдики, улар аввалги йиллар ўзларининг қайнаб турган ғазабини-ю, кундан-кунга мавжла-

наётган талантини қандай бошқарганига, энг муҳими, қандай жиловдай олганига ўртача ижтимоий савияга эга бўлган ҳар қандай инсонни лол қолдириши мумкин эди, холос.

Бундай етакчиликка даъвогарлик учун жўшиб тошаётган, ўзларининг сиёсий эҳтиосларини бошқара олиш қурдатига эга бўлмаган даъвогарларни мақсадини аниқ англаш мумкин эди. Уларнинг мақсади нима бўлса ҳам, қандай йўл билан бўлса ҳам, ҳатто сиёсатдан узоқда бўлган ёшларни, фуқароларни қонини тўкилиши эвазига бўлса ҳам-ки мансабни, шон-шуҳратни орқасидан қувиш жараёнлари кучая борди.

1989 йилнинг бошларида турли ташкилотлар, норасмийлар ва расмий ҳаракатлар, кейинчалик эса ўзларини партия деб эълон қилган гуруҳларни пайдо бўлиши оммавий тус олди. Булар ҳали сиёсий тажрибага эга бўлмаган, айтиш мумкинки, сиёсатни тўғри таҳлил эта олиш даражасига кўтарила олмаган гуруҳлар эди. Шунинг учун ҳам митингбозлика, сафсатабозлика, гуруҳбозлика куч бериб, гўёки ўзларини ҳукмрон ҳокимиятга қарши турувчи мухолифатлар, деб эълон қилиш йўли билан ҳалқ қалбидан ўрин олишга, ўз тарафдорларини кўпроқ топишга интилар, митинглар, манифестациялар, намойишлар уюштиришга кўп уринишар эдилар.

«Фақат 1990 йилнинг 9 ойни ичиде Тошкентда 59 мэротаба митинглар, манифестациялар, намойишлар уюштирилдилар. Бу ҳаракатларда 15 минг одам иштирок этди. Шундан 21 та ҳаракатни маҳаллий ҳокимият рухсати билан уюштирилган бўлса, қолганлари норасмий равишда амалга оширилди»².

Ҳаракатларнинг ҳаммасини туб моҳиятини таҳлил қиласак, Ўзбекистон ҳукумати олдига асосий мақсад килиб қўйган мустақиллик масаласи эди. Ундан ташкири Ўзбекистонда экология муаммоси, пахта монокультурасига қарши кураш, демократияни қарор топтириш каби масалалар бўлиб, бу масалалар Ўзбекистон раҳбарияти учун ҳам муҳим, ҳам долзарб муаммолар эди. Лекин бу каби муаммоларни ҳал қилишда икки ҳил ёндошилди.

Биринчиси, оғир босиқлик билан воқеалар жараёни тўғри таҳлил қилиш ва тўғри йўл топиш орқали ҳеч қандай ўпирлишга йўл қўймаслилик, босқичма-босқич, қадам-бақадам ҳамма муаммоларни ҳал этиш (хукуматни тутган йўли).

Иккинчи йўл, ҳамма муаммоларни революцион тарзда, қисқа вақт ичидан ҳал қилиш, ҳар қандай ўпирлиш, фуқаролар уруши хавфини келиб чиқиши ёки бошланиб кетиши иккинчи масала дегувчилар (яъни турли ҳаракатларнинг йўли). Албатта, бу иккинчи йўл тарафдорлари ҳаракатларида сиёсий экстремизм кўринишлари бўлиб, жамиятни социал-сиёсий портлашга олиб келувчи, жамиятни бир-бирига қарши бўлган бир неча рангларга бўлиб юборувчи элементлар кучли эди.

Ана шундай тарихий вазиятда мамлакатни ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлаб қолиш ўта муҳим масала бўлиб қолди. Ана шу ички омиллар билан бирга ташқи омиллар ҳам жуда тезлик билан ривожланмоқда эдик, бу ўта хавфли омиллар эди.

Шунинг учун ҳам: «Огоҳ бўлинг, одамлар!»— деган даъват ҳамиша бонг ургандек, янграб туриши керак»³,— деган Президент Ислом Каримовнинг ибораси ўта чуқур бой мазмунга эгадир.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ижтимоий-сиёсий барқарорлик шартларини янада теранроқ баён этишга багишланди. (Ушбу маъruzamizning асосий илмий-назарий манбаи шу китоб ҳисобланади).

Шу нарсага алоҳида урғу бериб, айтишимиз керакки, Ислом Каримов Ўзбекистон халқинигина эмас, Марказий Осиё халқларини қолаверса, инсониятни «Огоҳ бўлишга» чақирди. Лекин Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлаб қолиш учун, аниқ амалий ишларни амалга ошириш, халқни ўзини тутаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий йўлини тўғри эканлигига ишонтира олди ва мамлакатда тинчликни, барқарорликни, миллатлар тотувлигини сақлаб қола олди. Собиқ Иттифоқ таркибига кирган ҳозирги мустақил давлатлар орасида ягона Ўзбекистонда ана шундай ҳолат мавжудлигини бутун дунё тан олмоқда.

Шу ўринда «Агар огоҳ сен...» китобининг муаллифи Нарзулло Жўраевнинг ажойиб фикрини келтириб ўтиш жуда ўринлидир.

«Ислом Каримов — тарихий ва ижтимоий ҳодиса. У мутлақо янги даврнинг, мутлақо янги услубдаги одам. У янги тарихий шароитларда вужудга келган, бутунлай янгича ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган, ана шу жараёнларни ўз сафдошлари ва замондошларидан мутлақо фарқли ҳолда фавқулотда

зукколик, зийраклик ва донишмандлик билан идрок эта оладиган сиёсатчи. У ҳар қандай ислоҳотларни бутун моҳияти ва ҳодисаларни бутунлай янги йўналишларига моҳирлик билан буришга қодир бўлган иқтидорли давлат раҳбари, йирик ва кенг қамровли сиёсатчи.

И. Каримов сиёсати—қаттиқ қўллик билан, меҳрибонлик билан, меҳр-мурувват, талабчанлик билан қатъий интизом уйғунлашиб кетган, ҳалқ дунёқараши ва табиатидан келиб чиққам жонли ва ҳаётий сиёсат. Айни пайтда у янгича қарашлар ва янгича тафаккур сиёсати. Акс ҳолда, мамлакатимизда ҳозирги жуда мураккаб ва ҳар томонлама зиддиятли бир пайтда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик вужудга келмаган бўлур эди. Конкрет ишлаб чиқариш мароми, аниқ мақсадни кўзлаган, барча ташвиш ва таҳлиқалардан устун келган, умид ва ишончга таянган турмуш тарзи йўлга қўйилмаган бўлур эди»⁴.

Республикани бугунги қиёфасига назар ташлаб, холис сиёсий фикр чиқарар экансан, бундан ортиқроқ таъриф бериш мумкин-у, лекин етакчига унинг ҳалқ олдидаги буюк хизматига кам баҳо бериш мумкин эмас. Чунки динни никоб қилиб кийиб олган, демократия, эркинлик сўзларидан бошидан-оёқ либос кийиб, ўз қиёфасини ўзгартириб хориждаги спонсорларнинг кўрсатмаси билан иш юритаётган, Араб мусулмонлари турмуш тарзини, жазаваси тутиб кетганда эса, Америкача турмуш тарзини яратиб беришни ваъда қилаётган калтафаҳм, шуҳратпарамаст етакчиликка, даъвогарлик қилиб, ҳалқни қандайдир қисмини орқасидан эргаштириб олган, демократчилар ёки исломчилар жазавасидан мамлакатни эсон-омон олиб чиқиб, кета олган раҳбарни хизматига ҳар қанча яхши гаплар, фикрлар айтсак арзиди.

Ҳали юқорида айтганимиздек, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий вазият ўта ҳавфли бўлиб келди. Президентни «Гугурт чақилса бас — ҳўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин» деб айтган сўзлари бежиз айтилган гаплар эмас эди. Демократия ишқибозлари ўз атрофларига ҳамма мансабпарамастларни, динпарамастларни тўплаб, курашни давом эттиришга қатъий бел боғлаган эдилар. Уларнинг ҳаракатларида фожеали томони шундаки, улар сиёсат майдонида наҳалланмаган от, сиёсий тафаккурда эса ақли заиф бола эдилар. Чунки улар тутаётган йўлни охири нима билан тугаши мумкин эканлигини билмас эдилар. Қўшни Тожикистон,

Чеченистон республикаларига ҳавас билан қараб, ўз тарафдорларини инсон қонининг ҳидидан лаззатланишга ундар эдилар.

Ўзбекистон халқи Ислом Каримов раҳбарлигига сөкин-аста, босқичма-босқич сиёсий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириб борар экан, ҳар бир қилинган аниқ амалий ишлари билан «демократчиликларни» жа-завасини боссалар, энг муҳими, кўп миллатли халқни ишончини қозониб бордилар. Энг муҳими, халқни ташқаридаи бўлаётган мағкуравий ҳаракатлар таъсирига берилиб кетишдан сақлай олдилар. Мамлакатимизга, халқимизга ўз таъсирини ўтказиш учун кириб келаётган турли мағкураларнинг сирлари ўз вақтида фош этиб борилди ва уларнинг илдизлари ўз вақтида қирқиб турилди.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашнинг асосий ва энг муҳим омили — бу кўп миллатли фуқаролар ўртасидаги бирликни, миллий тотувликни таъминлай олишда эди.

Ўзбекистон мустақиллигини биринчи кунлариданоқ бу масалани тамал тошини мустаҳкам қилиб қўйган эди. Яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг II-боб 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» дейилса, V-боб 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади, ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт»⁵.

Ўзбекистон Республикасининг бундай инсонпарвар, олижаноб моддаларини бошқа ҳақлар Конституцияларида топиш қийин, чунки бу ерда бирон миллатни динига, тилига қараб ажратиш ёки бирон-бир белгисига қараб ажратиш бўлмай, яхлит бир миллат, халқ сифатида қаралмоқда. Маҳаллий миллатга бирон-бир масалада имтиёз берилишига йўл қўйилмаган юксак интернационализм руҳида тузилган бундай конституцион қоидалар 100 дан ортиқ миллатга эга бўлган Ўзбекистон Республикасида миллий тотувликни фақат таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида миллий тотувлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги тўғрисида гапирганимизда ҳу-

қуқий асосларини мұкаммаллигига ишора қилишимиз, балким унинг ижтимоий, иктисадий, сиёсий, маънавий, маърифий томонлари түғрисида ҳам барада айтишимиз мүмкінки, миллатлар тенглиги тан олинган, эътироф этилган, ҳар бир миллат вакили буни яққол кўриб, сезиб турибди.

Узбекистонда миллий масалани ҳал қилинishi масаласида камчилик изламоқчи бўлган, ҳар қандай муҳолифатчими ёки бузғунчими, ким бўлмасин яратилган сиёсий, иктисадий тизимимизда миллий масалада камчилик топиш анчайин мураккаб масаладир.

Шунинг учун ҳам миллий масалани ҳал этилиши мұкаммалликка эга бўлиб, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақланишига катта асосий омил бўлиб хизмат килмоқда.

Узбекистонда миллий масалани ҳал этилиш масаласига чуқурроқ кириб борар эканмиз, жуда нозик, юқсак инсоний бир хис бу масалани марказидан ўрин олганини кўрамиз. Миллий тенглик учун барча шарт-шароитлар яратилибгина қолмасдан, энг кичик миллатни, элатни ҳар томонлама ривожланиши учун Фамхўрлик қилаётганигини кўрамиз. Ислом Қаримов томонидан илгари сурилаётган илмий концепциянинг марказида ана шу юқорида айтилган юқсак, нозик, ўта олийжаноб бир ғоя ётадиким, бу ғоя инсон тафаккуридан биринчи маротаба отилиб чиқаётган фикрлардир. «Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши, ер юзидағи маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш, унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак.

Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гурӯхларни ўз ичига оловчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир»⁶.

Ана шу қисқа, лекин ўта сермазмун жумлаларни руҳи тўлиқ акс этиб турган, республиканинг миллий сиёсати ижтимоий-сиёсий барқарорликни қарор топишида муҳим омил бўлишига, шубҳа бўлиши мүмкин эмас. Етакчи томонидан илгари сурилган ғоялар фақат таълимот сифатида қоғозда қолиб кетмасдан, амалий ҳаётда қизғин тадбиқ этилиб борилмоқда. Бугунги кунда Республикада 60 дан ортиқ миллат ва элатларни,


миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бу марказларни шаклланиши ва фаолият кўрсатишида давлат катта ғамхўрлик қилиб, шарт-шароитларни яратиб берди. Марказларни асосий вазифаси ўз миллатини маънавий-маданий ривожланишига кўмаклашиш, ўзларининг тилини, маданиятини, адабиёт, санъатни ривожланишига шароит яратишдан иборатdir. Шу билан халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарликни мустахкамлаш ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақланишига ёрдам беришdir.

Миллий маданий марказлар Ўзбекистонни бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида ўзларининг мунособ ҳиссаларини қўшмоқдалар, иқтисодий ривожланишига, маънавий ва маданий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатмоқдалар.

Ҳар қандай жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни қарор топишида ижтимоий ҳаёт тузилмаларининг базис ва устқуртмасидан ўрин олган асосий система-ларининг бир-бирига мутанособ келиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Аввалимбор жамиятнинг иқтисодий структурасини қандай тасаввур қиласиз.

Ижтимоий ҳаёт структурасининг базис ва устқуртмасининг ўзаро алоқадорлиги.



Ижтимоий ҳаёт қатъий қонуният асосида ривожлануб борувчи тарихий жараёнdir. Жамият тараққиёти қўйи, соддароқ шакллардан, юқорироқ, мураккаброқ такомиллашган босқичлар томон борадиган жараёнdir. Ижтимоий ҳаёт қонунлари кишилар онгига ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив ҳаракатга эгадир. Аммо бундай жамият тараққиётида кишиларнинг онгли фаолиятининг таъсири бўлмайди, деган холоса келиб чиқмайди.

Табиат томонидан инсонга берилган ноёб хислат — бу жамият ва табиатни ривожланиб бориш қонуниятларини ўрганиб олиш ва унга актив таъсир кўрсатиш

асосида қонунларнинг ривожланишига мослашиб, имкони бор ҳолатларда эса ўзларига мослаб олишдан иборат.

Энг муҳими, кишилар жамият, ҳаёт тараққиётининг объектив қонуниятларини билиб олиб, бу зарурий қонуниятларнинг амалга ошишига тўсқинлик қилмасдан, балким ўз фаолиятларини онгли равишда шу қонуниятлар ривожланиш жараёни билан мослай олсалар, жамият фаолияти самарали бўлади.

Демак, ижтимоий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар объектив қонуниятлар асосида ривожланиб бораётган экан, жамиядаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келишида, субъектни актив, онгли таъсир этишнинг маҳсули сифатида қарамоғимиз лозим. Бунинг учун ижтимоий ҳаёт структурасида ўрин олган системаларнинг жамиятда пайдо бўлган эҳтиёжга мос келадиган ҳолатда яратилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шундай экан, ижтимоий ҳаёт структурасидаги асосий системаларни қандай ҳолатда ташкил топиши учун ғоя, таълимот ва унинг асосчисига, етакчисига (лидерга) хам эҳтиёж туғилади. Машхур шахсга эҳтиёж пайдо бўлган чоғда, унинг пайдо бўлиши заруриятдир. Лекин ана шу буюк шахсни муайян мамлакатда пайдо бўлиши таҳлил қиласиз, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлигини вужудга келишини, ижтимоий ҳодисавий шахс сифатида Ислом Каримовнинг илмий-назарий қарашлари амалий ҳаётга нечоғлик мос келганлигини кўрамиз.

Ижтимоий ҳаёт базиси ва устқуртмасидаги системаларнинг бир-бирига мос келиши, уларнинг мантиқий ва узвий алоқадорлигида, ўта мукаммал мутаносиблик борлигининг исботи Республикадаги қарор топган ижтимоий-сиёсий барқарорликда ва иқтисодий ўсиш сари йўл тутганлигидадир.

Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келишида, кўпчилик ҳолатларда устқуртмада ўрин олган системаларга юқорироқ баҳо бериб юборилади. Аслида шундайми? Модомики базис ва устқуртмадаги системалар узвий алоқадорликка, бири иккинчиси билан яқиндан боғлиқ ҳолда ҳукм сурар экан, мустаҳкам қатъий базисни яратмасдан туриб устқуртмадаги структуралар ўз вазифаларини тўлиқ бажаришга кодир бўлмай колади. Шу нуткази назардан келиб чиқиб, базисдаги иқтисодий системанинг асосий элементларига бар назар ташласак, аҳолини муҳим иқтисодий-ижти-

моий ҳаёти билан боғлиқ бўлган элементларни ўз ичи-га олади. Жумладан, ишлаб чиқариш воситаларига муносабат; ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш соҳасидаги муносабатлар; айирбошлаш; олди-сөтли соҳасидаги муносабатлар; тақсимот соҳасидаги муносабатлар; истеъ-мол соҳасидаги муносабатлар; пул-кредит муносабатлари; ижтимоий таъминот муносабатлари; коммунал хизмат муносабатлари ва ҳоказо муносабатларни тўла-лигича қамраб олувчи энг мухим системадир. Албатта, бу муносабатларнинг ривожланиш жараёнининг объек-тив қонуннятларга бўйсунган ҳолда амалга ошади, деб қарасакда, лекин устқуртмадан жой олган сиёсий сис-тема ва мафкура, маданият системанинг бевосита иш-тирокида амалга ошади. Субъектнинг ролисиз бу эле-ментларни тарихий шароитга мос равишда қарор топа олмайди.

Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда барқарорликни вужудга келтиришда базис ёки устқуртманинг ролига ортиқча баҳо бериб юбориш бўлмайди.¹ Шу билан бир-га улар ўртасидаги узвий алоқадорлик мавжудлиги билан бирга нисбий мустақилликка эга эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Ижтимоий ҳаёт структурасидаги элементларнинг ўзаро мутаносиблиги, жамиятни қайта қуришга бўлган уринишларда ёки жамиятни янги босқичга ўтиш ша-роитда бузилади. Бундай шароитда эски базис ва уст-қуртма ўрнига янгисини вужудга келиши жараёни бош-ланади. Ана шундай шароитда эски ижтимоий струк-турани бутун элементлари билан йўқ қилиб ташлаб, янгисини вужудга келтириш учун уриниш табиий ра-вишда социал портлашга олиб келиши муқаррар бўлиб қолади, бундай шароитда субъектнинг роли сезиларли даражада ортади. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш реформаторларнинг иқтидорига, уларнинг ижтимоий онгига ва ижтимоий савиясига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мам-лакатларнинг деярли кўпчилиги жамиятни янгиланиш шароитига дуч келган пайтларида ижтимоий ҳаёт струк-тураларининг элементларини бирданiga бузиб таш-лаб, янгисини яратишга киришиб келиб, социал-иқ-тисодий ёмон аҳволга тушиб қолишдек, ҳолатларга дуч келиб қолган бўлсалар, Ўзбекистонда бу жараёнга жуда босиқлик, эҳтиёткорлик, етти ўлчаб бир кесиш прин-ципида ёндошилди. Бу ҳаракатнинг якуни ҳам маълум.

Гап базис ва устқуртмадаги системаларнинг мутаносиблиги ҳақида борар экан, ижтимоий структурани ҳамма системаларини умумий моҳияти бир нарсага қаратилғанлигини, янъи инсонга, унинг манфаатларига ва давлат мустақиллигини сақлашта, энг яхши ва эзгу ниятларимизнинг амалга ошишини таъминлаб беришда муҳим омил ҳисобланган ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлаш, мустаҳкамлаб боришга қаратилғанлигидир.

Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги давлатимиз жойлашган минтақадаги тинчлик, осойишталика ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини кўрсатиб, Ислом Каримов Марказий Осиё минтақасида барқарорликка таҳдид солувчи қандай хавф-хатарлар борлигини, бу хавф-хатарлар ўз вақтида олди олиниши зарурлигини ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида илмий ва амалий томонларини очиб берган. Шу билан бирга ушбу асарда минтақада ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш шартларини жуда асосли қилиб кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон ҳукуматининг олий мақсади мамлакат ичкарисидан ва ташқарисидан бўладиган хавфсизликка, барқарорликка таҳдид солувчи ҳар қандай омилларни бартараф этиб бориб, халқни ҳаёт даражасини доимий равишда кўтариб бориш, Ўзбекистон халқига муносиб ҳаёт турмушини яратиб беришdir. Ҳалққа муносиб ҳаёт яратиб бериш учун давлат ва халқимиз, Президентимиз кўрсатиб ўтганидек, тўртта шартни бажарилишини таъминлашга устуворлик берилиши ва элатлар ўртасидаги тотувликни кўз қорачиғидек асраш, яъни бундан ҳар бир инсон манфаатдор эканлигини доимо эсдан чиқармаслиги лозимлиги, бу биринчидан. Иккинчидан: мулкка янги муносабатда бўлиш, авайлаб-асраш, купайтириб бориш, талон-тарожликка йўл қўймаслик, мулкнинг ҳамма формаларини тинимсиз ривожлантириб бориш. Учинчидан: фуқаро, аввало, фаоллар тафаккурининг ўзгартириш зарурлиги. Тафаккурни ўзгартириш ўзига хос мураккаб жараён, лекин эскича фикрлаш, эскича тафаккур юритиш тараққиётимизда катта тўсиқдир. Шунинг учун ҳам ҳамма соҳада бўлаётган катта ўзгаришларни ҳис қилиш, замон ва давр ўзгариб бораётганлигини, инсонлар, давлатлар, миллатлар ўртасидаги муносабатларда объектив ўзгаришлар жараёни субъектнинг таъсирисиз ўз қонуниятлари асосида

давр, макон ва замон қонунинг бўйсундирилганлигини тан олиш ва тафаккуримизда кескин ўзгариш ясашимиз зарурдир. Тафаккурнинг ўзгариб боришига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда фикрласак, ўз-ўзидан қараашлар системасини ўзгариб бориши табиийдир. Тўртингчиси: бу жамиятимиз тафаккурида юрт озодлиги ғояларининг устуворлиги; миллатимизга, халқимизга берилган озодлик, мустақилликни Аллоҳ таолонинг инъоми деб таърифласак, муболаға бўлмайди. Чунки бу халқимиз учун берилган маънавий неъматдир. Инсон табиатан озод ва эркин яратилиб, халқ ва миллат сифатида қарор топган экан, миллатнинг мустақиллиги ва ҳар қандай зўравонликдан, давлатлар зулмидан озод яшаши унга берилган неъматдир. Озодлик, мустақиллик туйгуси ҳар бир Узбекистон фуқароси учун муқаддас туйғуга айланиши керак. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг тафаккурида мустақиллик ва озодлик тушунчалари қатъий ўрин олиши ва қарор топиши мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, мамлакатимизда соғлом муҳитни яратилишида катта хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам бугунги миллий мафкурамизнинг асосий ўзаги сифатида жамиятимиз аъзоларидаги озодлик тафаккурини шаклланиб боришига катта устуворлик берилмоқда. Маънавият ва маърифатни давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг ҳам боиси шундаки, маърифат бўлмаган жойда мустақилликнинг мазмун-моҳияти ҳам бўлмайди. Жамият тараққиётининг турли ҳолатини, ижтимоий-сиёсий жараёнларининг боришини, инсон ҳаётининг мазмунини англаш учун, энг аввало, маърифат зарур. Маърифатсизлик туфайли узоқ йиллар мустамлакачилик исканжасида яшшимизнинг ўзи катта сабоқ бўлмоғи керак.

«Маърифат — мангу ёниқ алангага» у қалбларга олов, кўзларга зиё бағишлади. Маърифат — сирли тилсимот! У кишини ёруғликка ёруғ хаёлларга, ойдин умидларга ошно этади. «Маърифат — тафаккур ва синг сарчашмаси» у кишига рағбат, ёмонликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйгусини баҳшида этади⁷. Бу жумлалар, фикрларни туб моҳияти билан бугунги кунимиз, давримизга тааллуклидир. Чунки Президентимиз Ислом Каримов бежиз маънавият масалаларига асосий эътиборини қаратадётган эмас. 130 йил давомида қалбларимиз кўзини кўр қилувчи мафкура, мустамлакачilik сиёсати вужудимизга сингиб кетган экан, бугунги

мустақиллик шароитида тафаккуримиз кўзини очилиши ва буюк келажагимизни кўра олишишимиз учун, ишонч ва эътиқодимизни кучайтиришимиз учун маънавиятлилек долзарб муаммо бўлмоғи ва у сиёсат ва мафкурамизнинг устувор йўналиши бўлиши керак ва зарурдир.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатга устуворлик беришимиздан мухим ва олий мақсадимиз халқимизнинг тафаккур кўзларини очиш, уни равшан қуришга, мустақиллигимизнинг нозик томонларини илғаб олишишимизга имкон яратишидир. Чунки ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатларда бўлаётган ҳолатлар: мансаб талашиш, биринчиликка интилиш, тарафкашлик, сиёсий бузғунчилик, низолар уруғини сочиш ҳолатларининг вужудга келиши оқибатида нафақат фуқаролар урушлари, нобарқарорлик, биродаркушлик каби аянчли воқеалар келиб чиқибгина қолмай, яна бошқатдан иқтисодий жиҳатдан кучлироқ бўлган давлатларнинг таъсирига тушиб қолиш хавфи ҳам юзага келмоқда. Бундай ҳолатларни жамият орасида пайдо бўлиши маънавиятсизликдан, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйишиликдан келиб чиқмоқда. Бундай ҳолатлар йўқ, деб қараш нотўғри бўлади. Гап бундай салбий заарарли ҳолатларни бор-йўқлигида эмас. Гап бундай ҳодисаларни жиддий ва чуқур таҳлил қилишда, ўрганишда ва олдини олишда бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» бобида ушбу биз қараб чиқаётган муаммолар атрофлича таҳлил қилиб, бундай хавф-хатарларни қандай қилиб олдини олиш мумкин ёки қандай қилиб бартараф этиш мумкинлиги тўғрисидаги илмий концепцияларини илгари сурған.

«Жамиятда барқарорликни сақлаш зарурлиги ҳақида гапирад эканмиз, сиёсий институт сифатидаги муҳолифат масаласини тилга олмаслик мумкин эмас. Бундай институтнинг мавжуд бўлиши демократик жамият учун шарт бўлган ва нормал ҳолатдир. Айни маҳалда шуниси ҳам муҳимки, у ташкилик жиҳатдан расмийлашган, тегишли юридик мақомга эга бўлиши, конституция ва қонун нормаларини ҳурмат қилиши, ўз ҳаракатлари билан мамлакатдаги давлат ва ижтимоий тизимнинг қатъий, барқарор ҳолати учун масъул бўлиши,

давлат қурилишининг муқобил лойиҳаларига эга бўлиши лозим.¹

Ўзларининг хафа қилинган, орзу қилинган амалларидан маҳрум этилган деб ҳисоблайдиган, шу сабабли мамлакатимизда рўй берадиган ҳамма ҳодисаларга нисбатан «мухолифатча» муносабатда бўлаётган, уруғаймоқчилик ва маҳаллийчилик манфаатларини кўзлайдиган изталаб одамларни конструктив мухолифат деб бўладими, ахир? Афсуски, бундай кимсалар давлат ва жамият олдида турган бирон-бир муаммони ҳал қилиш жараёнида ҳокимият тизимларига амалий ва маданий рақобатчи бўлиши ўрнига, фақат расмий ҳокимиятгагина эмас, балки давлатнинг амалдаги қонунларига ҳам, Конституцияга ҳам қарши чиқишга ҳаракат қила-дилар⁸.

Жамиятда нобарқарорликни келтириб чиқарадиган асосий манбалардан бири, Президентимиз таҳқидлаганидек, конструктив бўлмаган мухолифатни пайдо бўлишидир. Ана шундай мухолифатчиликни юзага келиши жамиятни ижтимоий-сиёсий барқарорлиги учун ўта хавфлидир. Унинг хавфлилиги шундаки, улар жамиятда бўлаётган туб ижобий ўзгаришларга холисона баҳо бера олмайдилар ва хоҳламайлар ҳам. Чунки улар учун ўзларининг шахсий манфаатлари ҳамма нарсадан устун бўлиб, шон-шуҳратлар, юқори мансаблар учун ҳеч қандай ҳаракатдан қайтмайдилар. Кўпгина ҳамдўстлик мустақил давлатлардаги нотинчлик, қон тўкишлар айнан ана шундай ҳаракатларнинг маҳсулидир.⁹

Бундай хавфни бартараф этишнинг асосий омили бу мамлакатда демократик институтларни ривожлантириш ва демократик тамойилларни жамият ҳаётида қарор топиб боришидадир, деб ҳисоблайди И. Каримов. Шу билан бирга муҳими аҳолининг ижтимоий-сиёсий савиясини юксалиши, маънавий баркамоллигини таъминданишидир.

«Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор,— деб ёзади Ислом Каримов.— Булар ҳалқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари ҳалқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё ҳалққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйни бў-

либ қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда буладиган иш эмас»⁹.

Хулоса қилиб айтганимизда, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақланишида ва жамиятнинг бир текисда йқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан ривожланиб боришида ҳакиқий демократик жараёнларни қарор топиши мухимdir. Бунинг учун, Президентимиз Ислом Каримов илгари сўраётганидек, халқимизни маънавий баркамоллиги, саводхонлиги, интеллектуал юксаклигига эришиш асосида халқнинг иймон ва эътиқодини бақувват қилиш орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш мумкин.

8-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

¹ Нарзулла Жўраев. «Агар огоҳ сен...». «Шарқ» нашриёти матбаа концернининг Бош таҳририяти. Т., 1998. 6—7-бетлар.

² Правда Востока. 1990 йил 18 июль.

³ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон». 1997 йил, 10-бет.

⁴ Нарзулла Жўраев. «Агар огоҳ сен...». «Шарқ» нашриёт матбаа концернининг Бош таҳририяти. Т., 1998. 12-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон». 1992 йил, 12-бет.

⁶ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., Ўзбекистон. 1997 йил, 73—74-бетлар.

⁷ Нарзулла Жўраев. «Агар огоҳ сен...». «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош муҳарририяти. Т., 1998 й., 114—115-бетлар.

⁸ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон». 1997 йил, 175—176-бетлар.

⁹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», Т., «Ўзбекистон». 1997 йил, 181-бет.

9-м а з у

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КАДРЛАР СИЁСАТИ. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

«Иқтисодий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар муваффақияти, аввало бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даржасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ».

Ислом Каримов.

РЕЖА:

1. Кадрлар сиёсати тараққиётнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистонда кадрлар сиёсатига муносабат масаласи.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг олдига қўйган асосий мақсадлари.

Жамият ижтимоий тараққиётининг янги босқичига кўтарилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг энг долзарби бу кадрлар масаласидир. Чунки жамиятни идора этишнинг янги муносабатлари механизми ва усуллари тамомила бошқача тус олиб, ўзига хос мураккаблашиб боради. Ана шундай шароитда кадрлар сиёсати яна ҳам муҳим аҳамият касб этиб, жамият олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланади. Шундай экан, давлатни бошқарув элитаси кадрлар сиёсати масаласини илмий-назарий ва услубий жиҳатдан тұғри хал этиши катта амалий аҳамиятга моликдир.

Бу долзарб муаммони ҳар жиҳатдан пухта ва мұкаммал ҳолда оқилона ҳал этиш ҳар қандай давлаттинг, у қайси ижтимоий-сиёсий тизимда бўлишидан қатъий назар, энг зарурий ва масъулиятли вазифалардан бирига айланishi обьектив қонуниятдир. Чунки ҳаёт оқимни, жамиятни иқтисодий-сиёсий ривожланишдаги йулини илғаб олиш ва амалий ҳаётда тўғри йўналтира олиш учун ҳар томонлама билимдонликни,

кatta ҳaётii тажрибани тaқoso этади. Шунинг учун ҳам юксак ақлий камолотга эришган, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, танлаб олиш ва улардан түғри ва ўз ўрнида билиб фойдаланиш ҳар қандай давлатнинг ютуғини таъминловчи, ривожига ривож қўшувчи бош омил ҳисобланади. Бунинг учун эса сиёсий ва ижти-мий бошқариш соҳаларида ишлайдиган турли йўна-лиш ва касб-кордаги лаёқатли, ишбилармон мутахас-сисларни тайёрлаш тарбиялаш ва улардан фойдала-нишнинг илмий-назарий ва услубий жиҳатлардан пух-та ва аниқ режаларини ишлаб чиқиш ва ундан адолат-лилик мезонига тўла амал қилган ҳолда ўта масъулият билан амалга ошириш масалани түғри ҳал этилишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Кадрлар сиёсати масаласида изчил ва аниқ режа асосида масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда иш юри-тилмаса, у давлат ижтиомий-иқтисодий тараққиётидан орқада қолади ва бошқариш механизmlарига путур этади, жамият таназзулга учрайди.] Бундай ҳолатни биз собиқ Иттифоқнинг инқирози билан боғлиқ бўлган жараёнларида ҳам кўришимиз мумкин. Олдинги маъ-рузаларимизнинг бирида собиқ Иттифоқнинг элитасини 70-йиллардан кейин аристократлашиб борганлиги ва оқибатда жамиятни идора қилувчи гуруҳнинг сафи за-ифлашиб, ноқобил, иқтидорсиз кадрлар билан тўлди-рилиши собиқ иттифоқ инқирозининг асосий сабабла-ридан бири бўлганлигига эътиборимизни қаратган эдик.

Бунга яна шуни қўшимча қилишимиз мумкини, яъни маъмурий-буйруқбозлиқ иш услуби ҳукмронлик қилган даврларда кадрлар сиёсати оёқ-ости қилинди, улардаги мустақиллик, ташаббускорлик чеклаб қўйилди. Булар ҳақида фикр юритар эканмиз, турғунлик йилларида кадрлар сиёсатида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг аоссий сабаблари миллий ва маҳал-лий кадрларга ишончсизлик билан қараш, улар усти-дан қаттиқ назоратни ўрнатилиши бўлди. Марказ аристократлари мутахассис кадрларнинг ишларига юқори-дан аралашавериши, уларга нисбатан ишонмаслик, менсимаслик ҳолатлари авж олган эди. Бу эса улар-нинг эркин фикр юритишларига, ташаббус кўрсатиб ишлашларига, тафаккур қилишларига йўл бермай келди. Айниқса, кадрларнинг юқори мансаб поғоналарига кўтарилишида бўлар-бўлмас турли тўсиқлар, ҳар хил ғовлар қўйилганлиги кўплаб ишбилармон соғдил кадрлар эътибор доирасидан четда қолиб кетишига сабаб

бўлди. Аксинча, сиёсий бошқарув муассасаларига масъул лавозимларга халқ, ватан манфаатларидан мутлақо йироқ бўлган. Кўпроқ ўз ҳузур-халоватларини ўйладиган сохта фидойилар канадек ўрнашиб олдилар. Кадрлар масаласига бу тариқа ёндошиш ҳеч шубҳасиз жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий-аҳлоқий ривожига салбий таъсир кўрсатиб, кўнгилсиз воқеаларни келиб чиқишига сабаб бўлди¹. Кадрларни танлашда ва жой-жойига қўйишда танишибилишлик, ошна-оғайнингарчилик, қариндош-уруғчиликнинг авж олиши кадрлар сафининг ғоявий, сиёсий, маънавий жиҳатдан бўшаштириб юборди ва сифати бузилди. Кадрларнинг сафи иқтидорсиз, ноқобил, ноҳок кишилар билан тўлдирилиб борилди. Кадрларнинг сафи сунъян равишда берк занжирдан, халқадан иборат бўлиб қолди. Бу давлат ва жамият учун ўта хавфли ҳолат эди. Итальян политологи Гаэтано Моска жамиятни идора этувчи кадрлар масаласи устида иш олиб бориб, ўзининг илмий назариясининг яратар экан, жамиятни бошқарувчи элита аристократлашиб борар экан, жамият инқирозига юз тутади ва охир-оқибатда ҳалокатга учрайди, деган холосага келган эди. Бу тълимот айнан собиқ Иттироқ кадрлар сиёсати моҳиятига жуда мос келади. Кадрларни тарбиялаш ва танлаш, жой-жойига қўйиш масаласида адолат ўлчовининг қанчалик қўпол равишда бузилиши, меъёр ва мезонга мутлако амал қилинмаганлиги, демократик меъёрларни бузилиши ноҳум оқибатларга олиб келишини била туриб билмасликка олиниши оқибати ҳар қандай жамиятни эртами, кечми, албатта, ҳалокатга олиб бориши ижтимоий ҳаёт конуниятидир.

Мустақиллик бахтига мұяссар бўлган юртимизда кадрлар сиёсати ярамас, иллатлардан ҳоли бўлган, мустақиллик йўлида, жамиятимиз равнақи, тараққиёти йўлида фидоийлик кўрсатаётган, қалби, виждони тоза бўлган, ташаббускор кадрларни, ҳақиқий фидоийларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз аждодларимизда маънавий мерос бўлиб қолган юксак тажрибаларни, панду-насиҳатларни мазмунини кадрлар сиёсатимизда дастури амал қилиб олган ҳолда янги замон кишисини тарбиялашга, кадрларни танлашда, уларнинг юксак маънавияти, одил ва оқиллигига, уддабуронлиги-ю ишбилармонлигига, ташаббускорлигига ва бошқа қатор яхши хусусиятларига

эътибор бериш масаласи кадрлар сиёсатининг кун тартибиға қўйғанмиз.

- Кадрлар масаласи ҳақида гапирав эканмиз, буюк бобокалонимиз буюк саркарда, Амир Темурнинг ажойиб бир сўзини эсга олишимиз ва унга риоя қилишимиз керак бўлади. «Мен,— деб ёзди Амир Темур,— одил, оқил ва уддабурон кишиларни ҳоким этиб тайинладим»².

Кўриниб турибдики, буғунги мустақил мамлакатимизнинг кадрлар сиёсатида аждодларимиз ўғити, маънавий қадриятлари асосида яратилмоқда. Одиллик, ҳалоллик, оқил, фаросат, илғор тафаккур, уддабуронлик, яъни тадбиркорлик, ташаббускорлик буғунги кадрларнинг асосий белгиловчи кўрсаткичлари бўлиши керак экан.»

Мустақилликнинг масъулияти жуда оғир. Бу масъулиятни матонатли, чидамли, ўтмиши бақувват бўлган халқ, миллатгина эплайди. Ўзбек халқи ва миллатини илдизи ҳар жиҳатдан бақувват бўлган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда баркарорлик, тинчлик, осоиишталик ва ривожланиш бор. Хўш, мана шу ҳолатлар янада мустаҳкам бўлиши учун чукур билимли, кенг мушоҳадали, қалби ва виждони тоза бўлган кадрларга бўлган талаб тобора ортиб бораётган ҳозирги даврда улар олдига қандай юксак вазифалар қўйилган?

Энг аввало, улар ўз иш услубларини буғунги кун талаблари, истиқлол талаблари асосида ҳар жиҳатдан такомиллаштириб боришлари, ғоявий-назарий савияларини тинмай оширишлари, илғор фан ва амалиёт ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишлари, ўз ватани ва халқининг тараққиёт истиқболларини кўра билишлари, юзага келган ҳар қандай муаммо ва қийинчиликларни бартараф этишининг самарали йўлларини излаб топишга ҳаракат этишлари керак. Президентимиз ўз асарларида янгича мазмун асосида кўрилган кадрлар сиёсати ҳақида гапирав экан, уларни ватан, миллат манфаати йўлида толмас курашчилар бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Лекин ўтиш даври учун характерли бўлган камчиликлар, хатолар, лоқайдлик, бепарволик, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйиш ҳолатлари, жамият тараққиётини йўналишини ҳали яхши тушуниб олмаслик, қонунларни яхши билмаслик ёки қонунларга риоя килмаслик, бозор муносабатлари хусусиятларини яхши тушуниб олмаслик, ташаббускорлик кўрсатишдан

қўрқиши ҳолатларидан батамом холи бўлдик, деб айтишга вақт эрта.

Бу ҳолатлар жамиятимизда анча мустаҳкам ўрнашиб олган, чунки унинг илдизи собиқ Иттифоққа бориб тақалади. Демакки, бизнинг руҳиятимизда туб ўзгаришлар тўлиқ қарор топгани йўқ, биз янги босқичга ўтиш жараёнини кечирмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг кадрлар масаласида билдирилган фикрлари ва бугунги кундаги кадрлар сиёсатидаги ҳолатни тўлалигича акс эттиради: «Агар бугунги ҳаётимизда аниқ сиёсатимизни ўтказишда энг оғир муаммо нима, деб сўралса, мен, аввало, шу сиёсат учун керак бўлса, жонини фидо этадиган раҳбарларни, жонкуяр ижрочиларни топиш, деб жавоб берган бўлардим»³. Президентимиз томонидан билдирилган, бу фикрлар долзарбилигини йўқотмайдиган ғоялардир.

Жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар қўламини ва йўналишини яхлит тарзда олиб кўрадиган бўлсак, Президентимиз юксак маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш сиёсатини юргизмоқда. Бу эзгу ниятга етиш учун, энг аввало, мамлакат аҳолисини маърифий-маданий савиасини ошириш, турмуш даражасини кўтариш, онгли ҳаётни қарор топтириш ислоҳотлар даврининг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб қўймоқда. Зоро, кадрлар қанчалик юксак маънавиятга, маърифатга, маданиятга эга бўлсалар, шунчалик жамиятда мавжуд иллатларни илдизи қирқилади. Маънавийлик, маърифийликни жамият тараққиётидаги куч-қудратига ишонч билан қарашимизнинг боиси шундаки, инсоният тарихи ўзининг амалий ҳаётида синовдан ўтказганлар, ижобий натижаларга эришганлар.

Чунончи, ўзининг айтарли хом-ашё манбаига, ортиқча ер майдони ва қўшимча заҳирасига эга бўлмаган, иккинчи жаҳон урушида жуда катта моддий талофат қурган, қирғин қуролларини синаш майдонига айланган Япониядек мамлакат қандай қилиб кисқа муддат ичida тараққиётнинг энг юксак чўққисига эришди ёки Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларчи? Буларни ҳаммаси ақлий камолотнинг, юксак маънавиятнинг амалий натижаси эмасми? Булар ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, беихтиёр Японларнинг шундай бир мақоли эсимизга тушади. Биз, энг аввало, мияни тўлдирайлик, мия эса қоринни тўйғазади, дейди улар. Демак, Япониянинг бой энг қудратли мамлакат-

га айланганигининг асосий сабабларидан бири, бош манбаи ҳам маънавиятга бўлган муносабатининг кучлилигиdir⁴. Зоро, Президентимиз маънавий-маърифийлик орқали ҳалол, пок, ишчан, билимдон кадрларни тарбиялаш ғоясини илгари сурар экан, бу ўта оқилона ва тўғри йўлдир.

Кадрлар тайёрлаш концепцияси назарияда эмас, амалиётда ўз ечимини топмоқда. Узбекистон мустақиллигини қўлга олганидан кейин, қайси соҳалар ва йўналишлар бўйича юқори малакали кадрларга муҳтожлик сезса, ўша соҳаларни кадрлар билан таъминлашда маблағни аямай келмоқда. Биринчи навбатда катта илмий салоҳиятга эга эканлигимизни ҳисобга олиб, янги-янги институтлар, университетлар, академиялар ташкил топди. Янги кадрларга бўлган эҳтиёжимизни қондиришда ривожланган мамлакатлар тажрибаларига суюндиқ. Керак бўлган жойда ёрдамларидан фойдаланишдан орланмадик. Бугунги кунда республикада ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келган. Жумладан, 59 та олий, 258 та ўрта маҳсус ўқув юрти ишлаб турибди. Шулардан 75 таси колледжлардир.)

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Давлат ва жамият қурилиш академияси, Банк-молия академияси ҳокимиют ва бошқарув органлари раҳбар ходимларини, иқтисодий тузилмалар мутахассисларини тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган бош муассасалардир.)

Бозор муносабатларини ривожлантириш, хўжалик юритишнинг илғор усуллари ва ишлаб чиқаришни илмий-техникавий ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ билим соҳалари бўйича мутахassislar тайёрлаш кенгаймоқда. Хозир ихтисослаштирилган олий ва ўрта ўқув юртларида 360 мингдан ортиқ талаба илм-фан сирларини ўрганмоқда.

Ёшлиарни жаҳон фани ва билимлари хазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда. Республика ўқув юртларининг чет эллардаги ўқув марказлари билан алоқалари анча мустаҳкамланди. Чет эллик ўқитувчилар ва мутахassisларни хорижий тилда машғулот олиб бориш учун таклиф қилиш, шунингдек, чет эл ўқув ва илмий марказларида ўқиши кенгайиб бормоқда. Айни вақтда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан келган, 1250 дан зиёд хорижий фуқаро Узбекистонда таълим олмоқда.

Таълим соҳасида Ўзбекистон АҚСЕЛС, АЙ РЕКС, Америка Коллежлари Консорциуми, САРЕ, Тинчлик корпуси (АҚШ), ДААД, Конрад Аденауэр фонди (Германия), Британия кенгаши (Буюк Британия), Сауд Ал-Баптин Фонди (Миср) каби халқаро ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирунган.

Ўзбекистон—Америка ва Ўзбекистон—Корея Университетларини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Канада томони билан биргаликда халқаро менеджмент ва бизнес олий магистрлик мактабини ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташобуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда ўқитишни қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма ажратилган грант ҳисобига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг нуфузли университетларида кўплаб мутахассисликлар бўйича ёшларимиз бакалавр ва магистр даражаларини оладилар.]

Буларни барчаси республикада амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларни, кадрлар билан мустаҳкам таъминлашга, меҳнат ва ақл-заковат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва оширишга қаратилдирандир.

Ўзбекистон кадрларни маънавияти ва маърифатини ошириш замон ва давр талабларига жавоб берса оладиган юксак савияли мутахассислар қилиб тайёрлашида имкониятлар доирасини кенгайтириб бормоқда.

Мамлакатимиз ичкарисида ва чет элларда таълим олишлари учун яна бир қатор жамғармалар кейинги йилларда ташкил топди. Булардан «Устоз» жамғармаси «Улугбек» фонди ва бошқаларнинг фаолияти фикримизнинг ёрқин мисөлидир.

Ўзбекистон кадрлар сиёсати тўғрисида амалга ошираётган ишларини якуний холосаси ва катта қадами — бу 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрида «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш» тўғрисидаги фармони кадрлар сиёсатида туб бурилиш ясади.]

Президент Ислом Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойdevори» мавзусида Республика Олий Мажлиси IX сессиясида тузлаган нутқи-

да кадрлар сиёсатининг моҳиятини ва пировард мақсадини изоҳлаб бериб, шундай дейди:

«Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйилган буюк мақсадимизга, эзгу-ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юкори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»⁵⁾

Дарҳақиқат, ҳар қандай моддий манфаатдорлик, ҳар қандай иқтисодий равнақ маънавий етуклик, маънавий баркамоллик маҳсулидир. Шундай экан, кадрлар тайёрлашнинг миллый дастури «Таълим түғрисида»ги концепцияга асос сифатида олинган Ислом Каримовнинг илгари сурган концепцияси тўлиқ мукаммал, порлоқ келажакка олиб борувчи йўлдир.

Ушбу дастурнинг марказидан халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятларга асосланган замонавий маданият, фан-техника ва технологиянинг илғор ютуқларини мукаммал ўзлаштириб олган кадрларга эга бўлиш вазифаси ўрин олган. Кадрларнинг маънавий баркамоллиги, юксак инсонийлик, инсонпарварлик руҳиятини шакллантириш масалаларига устуворлик берилган. Ушбу дастурнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, назорат ва талаб фақат тарбияланувчининг устидан бўлибгина қолмай, тарбиячнинг ҳам ўз устида тинимсиз ишлашини тақозо қилувчи, аттестациядан ўтказилиб турилиши, яъни ўзини эгаллаб турган мавқеига лойиқ ёки нолойиқ эканлигини назорат қилиш ёким таълим масканларини моддий базасини мукаммаллигини, илмий-услубий ишлардаги фаолиятини ҳам тегишли идоралар томондан назорат қилиб борилиши кўзда тутилган.

Ушбу дастурни қабул қилишдан олдимизга қўйган асосий мақсадимиз, энг аввало, таълим соҳасини ислоҳ қилиш асосида, фуқаролар онгида сақланиб қолган, эски собиқ империк мафкуравий қарашлар сарқитларидан батамом ҳоли бўлиш, таълим тизимини энг ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш асосида кадрларни маънавий баркамол инсон, теран фикрловчи, кенг тафаккур қилувчи шахслар қилиб тарбиялашдан иборат бўлган миллый тизимни яратишdir.

Гана шу мақсаддан келиб чиқиб, жуда улкан вазифалар ҳал этилиши күзда тутилган бўлиб, мақсад ва вазифаларимизни босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши белгиланди.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ 1997—2000 йилларга мўлжалланган бўлиб, бу босқичда, асосан, ташкилий тайёргарлик ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Таълим тизимини қонун асосида қайта қуриш, педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, давлат таълим стандартларини яратиш, молиявий механизмларини такомиллаштириш, таълим масканларини моддий-техника базасини замонавий талаблар даражасига кўтариш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва бошқа қатор норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ 2001—2005 йиллар, миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорини ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш, мажбурий умумий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига ўтиш ва ўқувчиларни қобилиятига қараб табақалаштирилган таълим тизимига ўтиш. Таълим муассасаларида махсус тайёргарликдан ўтган кадрлар билан таъминлашда рақобатга асосланган мұхитни яратиш, ҳамда таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ 2005 ва ундан кейинги йиллар тўпланган тажрибани үмумлаштириш ва янада такомиллаштириш, ривожлантиришни деярли таълим тизимига тааллуқли бўлган ҳамма соҳаларида амалга ошириш. Миллий таълим муассасаларини қарор топтириш, ўқув-услубий мажмуаларини илғор даражага кўтариш, касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фоалият юритиши ва ўзини-ўзи бошқариш шаклларини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.]

Таълим жараёнларини ахборотлаштириш, жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олиниш мўлжалланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида миллий модели беш таркибий қисмдан: шахс, давлат ва жамият узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришдан иборат бўлди. Ана шу беш таркибий қисмларни аниқ йўналишлари, мақсадлари, вазифалари белгилаб берилган бўлиб, жамият тараққиётининг бугунги, эртанги куни тўлиқ ҳисобга олинган. Масалан, шахс-кадрлар тайёрлаш со-

ҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади»⁶.

Шахснинг «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида сифатли таълим олиши ва касб-хунар жиҳатдан шакллари ва турлари танлаш, узлуксиз ўз малакасини ошириб бориш кайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва ИМКОНИЯТЛАРИНИ назарда тутади.

Шахси таълим олишини кенг имкониятлари ва ҳуқуқий асосларини яратилиши билан бирга таълим олувчининг ҳам, масъулияти оширилиши яъни ДАВЛАТ таълим стандартларида айтилган талабларни бажарилиши шарт қилиб қўйган. Бу демак кадрларнинг илмий-амалий жиҳатдан пишиқ ва пухта бўлиши таъминлашга хизмат қиласди.

Миллий моделнинг давлат ва жамият деб номланувчи қисмида асосан шахс ва жамият ўртасидаги конституцион ҳуқуқий нормаларига қатъий риоя қилиш масалалари кўзда тутилган, яъни фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳар бир шахснинг демократик ҳуқуқи СИФАТИДА белгиланиши билан бирга мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиш холатлари кўзда тутилган.

Ушбу дастурнинг характерли томони шундаки, у бозор муносабатларига мосланган. Бу дегани, таълим олувчи ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб, давлат гранти ёки пуллик-шартномавий асосида олий таълим ва олий ўқув юртида иккинчи мутахассислик олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Миллий дастур миллий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши, дам олишида жамоатчилик асосида шарт-шароитлар яратиб берилиши, ҳамда ижтимоий ҳимояланиши, қўллаб-қувватланиши масалаларининг механизмлари яратилиши кўзда тутилган. Ушбу дастурда инсоннинг шахс сифатида ривожланишига алоҳида эътибор берилади.

лар экан, соғлиғи ва ривожланишида нұқсон бўлган шахсларни ҳам таълим олишлариға кафолат берилган.

Ўзлуксиз таълим ижодкорлар, ижтимоий фаол, маънавий бой шахсни шаклланиши ва юқори малакали рақобат бардош кадрларни тайёрланиши учун шарт-шароитлар яратади.

Ушбу соҳа ўзини олдига олийжаноб мақсадларни қўяди, яъни шахсни юқори интеллектуал, нуфузли, юқсак маънодаги инсонпарвар, маданиятли, ҳар томонла-ма баркамол инсонларни тарбиялаб етиштириш, ҷуқур тафаккур эгаларини юқсак маънавият, маданият ва ижодий фикрловчи инсонларни шаклланишига ўз фаолиятини йўналтиради.

Ўзлуксиз таълим тизими қўйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртларидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.]

Ушбу таълим турларининг бажарилиш механизмларини мукаммал формада ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бўлажак кадрлар ҳамма жиҳатлар бўйича илғор мамлакатларда тайёрланаётган кадрлар билан бемалол рақобатлаша оладиган, даражада пухта ва етук бўлишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилиши мўлжалланади.

Янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти қийинчиликларни ҳар қадамда ўз таъсирини кўрсатиб турган, мустақил давлатларнинг кўлчилигида таълим тизимини ислоҳ қилиш у ёқда турсин, балки, таълим-тарбияда узилиши, бекарорлик ва қийинчиликлар сезилиб турган бир даврда Ўзбекистонда ўз кўлами ва аҳамияти, мазмун ва моҳияти жиҳатидан бекиёс ва ечими жуда катта моддий сарфи харажатлар билан боғлиқ бўлган ғоят улкан муаммони кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қарор қилинди. Хўш, унинг бош мақсади, сабаб ва вазифаларни, зарурият ва моҳияти нималарда эди?

Президентимиз «Тафаккур» журнали бош мұҳаррири саволларига берган жавобларида айтганидек: «Умумий ва маҳсус билимларига зга, онгли тафаккури ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дүнёқараш миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонлар гина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни яна да такомиллаштиришга қодир бўлади»⁷. Демак, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб эса, озод ва обод Ватанини, ҳуқуқий демократик давлатни, фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди. Чунки ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдек буюк мақсад ва эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз самараси, тақдири авваламбор, замон талабларига тўла жавоб берадиган юқори малакали, ҳар томонлама пухта, маънавий баркамол кадрлар тайёрлаш билан бевосита боғлиқ эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг мустақиллик йўлидаги биринчи қадамлариданоқ бой-маънавиятимизни тиклаш, уни яна да ривожлантириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш муаммоси қўйилганинг мақсади ва сабаби ҳам ана шундадир.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти ишлаб чиқиб, амалга ошираётган кадрлар сиёсатида эркинлик, ижодкорлик, ташаббускорлик, яратувчалик мұхитини вужудга келтириш кўзда тутилган бўлиб, унда барча мутахассис кадрларни иқтисодий ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг самарадор ечимини излаб топишга, рўйи-рост фикрлашувга ундейдиган демократик шарт-шароитлар яратиб бериш мўлжалланганлиги мухим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида кадрлар сиёсати хусусида фикр юритиб, қуйидагиларни ёзган эди. «...бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишига лаёқатли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин». |

Президентимизнинг кўрсатмалари асосида кадрлар сиёсати босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Гап шундаки, узоқ вакт давомида биз кадрларнинг мустақил ва эркин фикрлашларига йўл қўймадик, улар-

нинг лаёқатига, ташкилотчилигига, иш билишига қараб эмас, энг аввало ўзи яшаган тузумга ва унинг сохтағояларига, коммунистик мағкурага бўлган садоқатини ҳисобга олган ҳолда баҳолаб келдик.

Жамиятимизнинг янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга тадбик этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, элжурт манфаати учун кўйиб ёнмайдиган кадрлар муттасилик равишда ишимизга халақит бериб келяпти.

Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси энг аввало кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Бусиз жамиятнинг бирон-бир соҳасини ўзгартиришга, ривожлантиришга эришиб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун ҳам юртбошимиз мустақилликка эришишимиздан анча аввал кадрларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида гапириб, шундай деган эди: «Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки, бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди⁸.

Кадрларни тайёрлаш бўйича қабул қилинган миллий дастурни бажарилишини таъминлаш Президент Ислом Каримовни доимий диққат эътиборида бўлиб, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида (1999 йил 14 апрель), бу дастурни бажарилиши учун жавобгар кишилар олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйди.

БИРИНЧИ, таълим тизимида мазкур тажриба қандай ўтаётганлиги ва унинг дастлабки натижаларини чуқур тахлил этиб, таълим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, яъни янги авлодни камол тоғтиришга қаратилган зарур тузатишлар киритиш зарурлиги.

ИККИНЧИ, янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқариш ва жорий этишни таъминлашнинг алоҳида назорат остига олиш зарурлиги.

УЧИНЧИДАН, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш.

Умуман, ислоҳот йилларида биргина ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими учун 86 та янги муҳандислик — педагогик йўналишлар бўйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар тайёрлаш лозим бўлади.

ТУРТИНЧИ, Жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонавий ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицейни қуриб фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга қадар биз республикамиизда 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 181 та академик лицейидан иборат бўлган ўрта маҳсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу ўрта маҳсус ва касб-ҳунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлатди»⁹.

Халқимизнинг миллий маънавий камолоти ана шудастурнинг бажарилишига боғлиқдир. Президент Ислом Каримовни «Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб биладиган ҳар бир киши бу дастурни амалга оширишга ўз ўлишини қўшади, деб ишонаман»,¹ деган чақириғи бежиз эмас, чунки таълим тизими тайёрлаб берадиган кадрлар ижтимоий ҳастимизни ҳамма жабҳаларида фаолият кўрсатадилар. Уларнинг пухта билимга эга бўлиши, жамият тараққиётини кафолати бўлади.

9-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

¹ Сиддиқов Б. С. Мустақиллик ва кадрлар муаммоси мавзусини ўрганиш юзасидан баъзи-бир услубий маслаҳатлар. Т., ТошДТУ, 1995 йил, 8-бет.

² Амир Темур. «Тузуклари».

³ Каримов И. А. «Илму-фан мамлакат тараққиётiga хизмат қилсин». «Ватан саждагоҳ каби мукаддасdir». Т., «Ўзбекистон». 1995 йил, 4-бет.

⁴ Сиддиқов Б. С. «Мустақиллик ва кадрлар муаммоси мавзусини ўрганиш юзасидан баъзи-бир услубий маслаҳатлар». Т., ТошДТУ, 1995 йил, 5-бет.

⁵ Каримов И. А. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» (Республика Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил, 23 август). Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти 1997 йил, 5-бет.

⁶ Каримов И. А. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997 йил, 42-бет.

⁷ Каримов И. А. «Тафаккур» журнали, 1998 йил, 13-бет.

⁸ Ислом Каримов. «Баркамол авлод орзуси». Т., 1999 йил, 90-бет.

⁹ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т., «Ўзбекистон» 1999 йил, 37—38-бетлар.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ МОДДИЙ НЕГИЗИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ ШАҚЛАНТИРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

10-м аз у

ИЖТИМОИЙ ЙУНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ, КОНУНИЯТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг объектив зарурити ва иқтисодиётни маъмурӣ буйруқбозлик тизимидан холи этилиши. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари.

2. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги асосий тамоилилари.

3. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш мустақил Ўзбекистоннинг ички сиёсатининг негизидир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эга бўлганидан кейин, Республика ва унинг халқлари манфаатига мос келадиган ижтимоий, иқтисодий сиёсатини ўтказиш имкониятлари пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг собиқ иттифоқдан мерос бўлиб қолган, иқтисодий маъмурӣ буйруқбозлик муносабатлар механизмидан, янги иқтисодий муносабатларга ўтиши объектив заруриятга айланди.

Бу объектив зарурият Ўзбекистон Республикаси ҳумумати зиммасига жуда масъулияти, ўта мураккаб вазифани юклади, яъни Ўзбекистон иқтисоди қандай йўлдан бориши керак, деган масала ҳал этилиши республиканинг шу кундаги тақдирини эмас, балки келажагини хам белгилаб берар эди. Шунинг учун иқтисодий тараққиёт йўлини белгилаш масаласи ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинди. Масалага жиддий ва объектив ёндашилди. Собиқ Иттифоқ давридаги иқтисодий иш юритими усуллари эндиликда яроқсиз бўлиб қолганлиги ва социалистик иқтисодий назария ўзини оқламайдиган назария, деб топилди. Ҳақиқатдан ҳам, социалистик иқтисодий назария деб ном олган иқтисодий муносабатларга ва собиқ иттифоқ таркибига кирувчи Республикаси ҳамини таҳлил этилди.

ликалар ўртасидаги иқтисодий механизмларга назар ташласак, қуйидаги яроқсиз ҳолатни кўрамиз:

— Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларида, умуман, иқтисодиёт устидан сиёсатни ҳукмронлик қилиши ва сиёсат эса ҳаддан ташқари марказлаштирилиб, иқтисодий эркинликни ва ташаббускорликни батамом бўғиб қўйилганлиги;

— Собиқ маъмурӣ буйруқбозлик тизими шароитида меҳнаткашларни мулкдан, ишлаб чиқариш восита-лари ва ўз меҳнатининг маҳсулидан маҳрум бўлиб, гайрат-шижоати ва ижодий имкониятларини тўла-тўқис рўёбга чиқариш учун, ҳеч қандай омилни яратилмаганлиги, самарали меҳнат қилишдан манфаатдор бўладиган ва унумли, сифатли ишлашга қизиқтирадиган бирон-бир тизимни яратилмаганлиги;

— Социалистик хўжалик тизимининг энг ёмон иллатларидан бири — бу ишлаб чиқаришда рақобат, та-лаб ва таклифни бозор асосида мутаносиблаштириш тушунчасининг мутлақо бўлмаганлиги;

— Социалистик хўжалик тизимини табиатига кўра, «бир корхонани иккинчи корхонага маҳсулот етказиб бериши, уларнинг қайси ҳудудда жойлашганлигидан қатъий назар, марказлаштирилган тарзда амалга оширилар ва бунинг учун маблағлар ва фондлар ажратилар эди... Марказдан туриб, масалан, Узоқ Шарқдаги қайси корхоналар Москвадаги қайси истеъмолчиларга ўз маҳсулотларини етказиб беришини белгилаб қўяр эди ва, аксинча, бундай маҳсулотнинг сифати ва техникикавий даражаси ҳеч қандай рақобатга дош бермаслигининг мутлақо аҳамияти бўлмас эди.»

...Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот керакми ёки керак эмасми, унга талаб борми ёки йўқми, бундан қатъий назар, у бутун Иттифоқ бўйича мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга тақсимланиб чиқилар эди. Биритирилган истеъмолчи эса, бу маҳсулотни олиши ва ўз навбатида, ўз маҳсулотини бошқа корхоналарга етказиб бериши шарт эди.

Ўзаро маҳсулот етказиб берганлик учун ҳақ мазкур марказлаштирилган тизим кучлари билан амалга оширилар эди.

Ягона ҳалқ хўжалик комплекси деб аталган мажмуанинг ташки алоқалари Иттифоқ доирасида, аввало, марказлаштирилган валюта жамғармаси ва нефть-газ, ёғоч-тахта, олтин, минерал ҳом ашё ресурслари, пахта, шунингдек қурол-яроғ сотишдан олинадиган нақд пул

ҳисобидан ҳал этилар эди. Буларнинг бари марказдан бошқариларди. Оқибатда юқори даражада марказлашган тизим вужудга келиб, у ҳамма нарсани — Иттифоқнинг чегараланган тизими доирасида, ҳақиқий талабни ҳисобга олмаган ҳолда, нимани ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш кераклигини белгилаб берар эди.

Бу нарса иқтисодий ҳаётда турғунликкагина эмас, балки техника тараққиётини айнишига, ҳамда фан ва техника ютуқларини, илғор технологияни қабул қила олмаслика, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган жараёнлардан орқада колишига ҳам олиб келди.

{Бу тизимда ҳамма нарса — қайси минтақа хом ашё етказиб бериши, қайси минтақада бу хом ашё қайта ишланиши ва қаерга етказиб берилиши белгилаб қўйилган эди.} Узбекистонга пахта, газ, олтин, рангли ва нодир металлар, сабзавот ва мева етказиб беришда асосий роль ажратилган эди.{ Буларни ҳаммаси меҳнат сарфи, ҳамда ана шу хом ашё ва материалларга жаҳонда ўрнатилган нарх ҳисобга олинмаган ҳолда, сунъий равишда пасайтириб белгиланган нархларда етказиб берилар эди.}

Бундан кўриниб турибдики, марказ томонидан иқтисодий планлаштириш республикаларда мавжуд иқтисодий имкониятларни ва ички ресурсларни ишга солиш имкониятларини ва ташаббускорликни батамом бўғиб қўйган эди. Марказ республикаларни табиий иқлимини, шарт-шароитларини, миллий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, ҳар бир регионни маълум йўналишлар бўйича ихтисослаштириди. Ана шу ихтисослаштирилган районлар ўртасидаги товар айирбошлиш ҳам қатъий план асосида марказнинг кучли назорати остида амалга оширилар эди.

Ишлаб чиқаришни кўпгина турлари бир республикани үзида тугалланган ишлаб чиқариш комплексига эга бўлмай, ярим фабрикат маҳсулотларини чиқариб, бошқа республикага юборилар ва тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилиб, яна ташиб келтирилар эди. «Масалан, экологик жихатдан зарарли ҳамда гоят хавфли ишлаб чиқаришга эга бўлган Чирчиқ ва Навоий химия комбинатларида Узбекистон газидан олинадиган капролактам ва нитрон маҳсулотларини чуқур қайта ишлашнинг ва улардан тайёр маҳсулот олишнинг иложи йўқ эди, чунки бундай ишни бажарадиган корхоналар, умумигтифоқ тақсимотига кўра, - Белоруссия, Россия,

Украина ва бошқа минтақаларда қурилган бўлиб, биз умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра, уларни хом ашё билан таъминлашимиз керак эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин»².

Марказ қабул қилган иқтисодий қарорлар Узбекистон манфаатидан йироқ эди. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика арzon хом ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулотлар сотиладиган қулай бозорга айланиб колаверди, яъни республика хом ашё базаси бўлиб келди.

Республика ҳудудида жойлашган кўплаб корхоналар бевосита Марказ бўйсинувида бўлиб, амалда республика уларни бошқармасди, балки кўпроқ хом ашё қазиб олиш ва дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр буюмлар, мудофаа маҳсулотларини чиқариш билан шуғулланарди ва бу маҳсулотларнинг хаммаси Узбекистондан ташқарига ташиб кетиларди. Корхоналарнинг кўпчилиги товарни республика ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун такрор ишлаб чиқиларди. Бизга эса кўпинча республика ҳудудида нима қанча ҳажмда ишлаб чиқилаётганини, қанчаси ташиб кетиллаётганини, кимларга ва қандай нархда сотилаётганини билиш, хатто ман этилган эди. Аксарият тармоқларда тугалланмаган технологик циклга эга бўлган ишлаб чиқаришлар кўп эди. Улар хом ашёни дастлабки кайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотларни чиқариш босқичида тўхтаб колар эди. Хатто етакчи тармоқларда ҳам технологик асбоб-ускуналар аллақачонлар эскирган, ишдан чиқсан ва янгилашга муҳтож эди. Республиканинг табиий ресурсларига ва экологик муҳитига жуда катта кўп ҳолларда эса тузатиб бўлмайдиган даражада зарар етказилган эди»³.

Эски ишлаб чиқариш муносабатларининг қаттиқ тартибда планлаш-тирилиш ва ана шу марказ томонидан белгиланган план қонун даражасига кўтарилиши, яъни уни шароит ва вазиятга қараб ўзгартириш мумкин бўлмагани каби, уни бажармаслик ҳам жиноят ҳисобланиш даражасига олиб келинган эди. Планни бажарилмай қолишидан қўрқсан давлат ходимлари турли усуllар, ҳийла-найранглар ишлатиб бўлса-да, план бажарилди, қилиб кўрсатиш аста-секин оддий ҳолатга айланиб қола бошлади ва бора-бора Иттифоқ миқёсидаги зарарли иқтисодий эпидемияга айланди. Бундай ҳолат давлатни ичидан иқтисодий емирилишга олиб келди.

Тоталитар ишлаб чиқариш муносабатларининг яна бир қусури шунда бўлдики, у маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат ва самарани орқасидан қувмади, сифат ва самара ишлаб чиқаришнинг ажралмас йўлдоши бўлиши кераклигини эътироф этмади ва фақат сон миқдор орқасидан қувиш жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича илғор мамлакатларни қувиб ўтиш вазифасини қўйди. Бунинг оқибатида маҳсулотларнинг сифати таърифга сифтаси даражада ёмонлашди ва истеъмолчилар талабига умуман жавоб бермай қўйди.) Сифат ва самарага салбий таъсир кўрсатган яна бир омил — бу мулкчилик масалаларини қатъий чекланганини эди.

Тоталитар тартиб табиятига кўра, мулкчиликнинг икки шаклига колхоз-кооператив ва давлат мулки жамиятда қатъий қарор топган бўлиб, мулкчиликни бошка формаларини мавжуд бўлиши қонун йўли билан қатъий таъкиқланган эди.

Ҳатто ўз меҳнати эвазига мулкдор бўлиш ўта жиноят ҳисобланар эди. Ҳусусий мулк орттириш буржуа психологиясини қолдиги ҳисобланиб, сиёсий озодликдан маҳрум этилиши хам мумкин эди. Тоталитар мафкуранинг иллатлари хақида гапирар эканмиз, инсоннинг шахсий моддий манфаатдорлик психологиясини йўқ қилиш умумжамият моддий манфаатдорлик психологиясини сужудга келтириш ёки тарбиялаш учун олиб борган кураши фанатизм ёки хаёлий фантастика эди. Шунинг учун хам у хаёлий фантастикалигачилик йўқ бўлиб кетди. Моддий иқтисодий манфаатдорликни қатъий чекланиш собиқ совет халқларида турли жамият учун ўта зарарли бўлган қатор иллатларни вужудга келтирди. И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида совет давридаги мафкура ва иқтисодий сиёсатнинг ўта хавфли иллатлари бизга мерос бўлиб қолганлиги назарий жиҳатдан жуда чуқур, мазмуни билан очиб берилган. Моддий манфаатдорлик ва ҳусусий мулк орттиришга қарши кураш оқибатида, жамиятда жиноятчилик ва коррупцияни келтириб чиқариб, жамият тараққиётига тўсқинлик қилибгина қолмай, балки уни ўлимга олиб борди.

«Жиноий» ёки кўп холларда «ҳуфиёна» деб аталадиган иқтисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсида ва ривожланди: у ишлаб чиқариши соҳаси-

даги қонунларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон, ўзига бек бўлиб олган эди. Чунки унга энг яқин рақобатчи бўлган давлатнинг иқтисодий тузилмалари қотиб қолган кўрсатмалар ва таъқиқлар билан чекланиб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари куҷайди, хунук ҳолатга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди.

Жамиятда жиноий, «ҳуфиёна» иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тизимларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга маддакор бўлиши ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир»⁴.

Мана шу келтирилган жумлалар собиқ иттифоқнинг юритган иқтисодий сиёсатини якуний оқибатларига аниқ мисол бўлади.

Собиқ Иттифоқ иқтисодий сиёсатида иқтисодий ривожланиш узоқ йиллар давомида фақат энигагина ўстирилди. Бу ортиқча сарф-харажат ҳаддан ташқари катта маблагни талаб этиб келди. Транспорт харажатларини ҳисобга олмай, на бошқа сарф-харажатларни ҳисобга олмай бир республиканинг, ҳудуднинг комплекс ривожланишига зиён келтирган ҳолда, уларни бир-бирларига иқтисодий жиҳатдан маҳкам бояглаб қўйилиши империяча сиёсат бўлиб, республикаларни иқтисодий жиҳатдан мустақилликни ўйламасликлари учун қилинган иш эди. Лекин бу иқтисодий сиёсат ҳам ўз ибтиносини топди.

Зўрликка, чиранишга асосланиб яратилган иқтисодий сиёсат инқизозга юз тутар экан, орқасидан ижтимоий системанинг барча тузилмаларини ҳам судраб, охир-оқибатда ҳалокатга юз тутди.

Иқтисодий-сиёсий ҳалокатга юз тутган собиқ иттифоқ таркибидан ўз мустақиллигини эълон қилиб, миллий республикалар чиқиб кета бошладилар. Жумладан, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилас экан, қайси йўлдан бориши, қандай жамият яратиши керак деган муаммоларга жавоб топиши керак эди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов етук иқтисодчи ва сиёсатчи, тажрибали давлат

арбоби сифатида масалага жиддий ёндошиб, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш йўлларини ўрганиб, таҳлил этар экан, ўзининг бир қатор рисолаларида Узбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини илмий-назарий жиҳатдан белгилаб берди. Жумладан: «Истиқлол йўли; муаммолар ва режалар», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат, Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» ва бошқа асарларида ислоҳотларнинг илмий-назарий асосларини, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аниқ йўналишларини очиб берди. Бу ўринда И. А. Қаримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» рисоласи фаровонлик қалити ролини ўйнади. Юртбошимизнинг бу китобда иқтисодий мустақилликнинг қарор топтиришга оид беш қоида ва ғоялар баён этилган. Унда бозор муносабатларига ўтишида жаҳонда ўхшаши бўлмаган ўз ийлимизнинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозасининг мөҳиятининг тавсифи, қаттиқ марказлашган маъмурӣ-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлга ўтишининг энг муҳим тамоилиллари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, танглиқдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг йўналишлари аниқ ва равшан белгилаб берилди»⁵.

Ёқорида таъкидлаб ўтганимиздек, республика иқтисодий ислоҳотларни мустақил бошлаганинга қадар бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳолати жуда оғир вазиятда эди. Бундай оғир меросдан енгил-елпи иқтисодий косметик ёки кўркўона у ёки бу давлатни иқтисодий моделига асосланган ҳолда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билангина оғир ҳолатдан чиқиб кетиш мумкин эмаслигини, иқтисодий кризисдан, ҳар томонlama пухта ўйланган бир неча давлатларнинг ижобий тажрибаларига суюнган ҳолда, миллий хусусиятларни ва республикадаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ҳисобга олиб, кенг миқёсдаги туб иқтисодий ислоҳотлар программасини назарий асосларини яратиб, уни амалга ошириш усууллари тўғрисидаги программасини яратишдан бошланиши керак деган холосага асосланиб иш олиб борилди.

Утиш даврининг ўта мураккаблигини, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ечимини топиш иқ-

тисодий инқироз шароитида қанчалик оғир бўлишига қарамай, муаммолар ўз ечимини Президент асарларида ўз аксини топди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг модели, иқтисодий кризислардан чиқиб кетишнинг турли бўлса-да, уларнинг биронтасини тўғридан-тўғри асосий йўл қилиб олишнинг ўзи муаммога юзаки қарашиб бўлар эди.

Бу масалада И. Каримовнинг қўйидаги сўзлари яхши ойдинлик киритди: «Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўплаган ва республика шароитига тадбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қўймаймиз,— деб ёзади И. Каримов.— Айни чоғда бирон-бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатларда ижобий натижаларга олиб келган бўлсан ҳам, кўр-кўронга нусха кўчириш мутлақо номаъқулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакатлар учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатларга хос бўлган алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин. Аксинча, жозибадор бўлишига қарамай, аслида бегона, ёт андозалар сунъий равишида тиқиширилган жойларда иқтисодий ислоҳотлар муқаррар равишида барбод бўлаверади»⁶.

Президентнинг иқтисодий тараққиётда умумийлик, алоҳидалик ва маҳсуслик диалектикаси ифодаланган бу фикрлари мустақил Ўзбекистон иқтисодий назариясинин базисини ташкил этди. Реформатор ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар борасида изланиш олиб бораар экан, жаҳон цивилизацияси ривожланиш йўлидаги муқаррар босқич — бозор иқтисодиётидир, деган холосага келди ва мана шу умумий қонуниятдан келиб чиқиб, фақат бозор муносабатларишина республикани инқироздан олиб чиқибгина қолмай, балки ривожланиши учун кучли иқтисодий ва сиёсий омил яратиши мумкин, деган холосага келинади ва бу методологик илмий холосани амалга ошириш учун киришилди.

Бозор иқтисодиётининг моҳияти нимадан иборат, нима учун иқтисодий тараққиёт учун кафолат бўлиш мумкин?

Бозор муносабати ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг энг мураккаби ва жамиятнинг иқтисодий тараққиёти учун ўта аҳамиятли формасидир. Бозор тоғар ғайрбошлиш соҳаси миқёси жиҳатидан ички (маҳаллий, миллий) бозорга ва ташкин жаҳон бозорларига бўлинади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чи-

қарувчиларнинг мулк эгаларига айланиши бозорни вужудга келишига асос бўлади. Бозор муносабати шароитининг табиатига кўра мамлакат ичкарисида ҳамда ташки дунё билан бўлаётган турли муносабатларда активлик жараёни юзага келади. Энг биринчи навбатда товар айирбошлашда тезкорлик юзага келади. Товар айирбошлашнинг турли формаларидан фойдаланиш асосида қўшимча қиймат олиш муҳим омил бўлиб колади. Бу ўз навбатида ички бозор шароитида регионлар (вилоятлар) ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кучайтиrsa, мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни кучайшига олиб келади.

Бозор шароитида ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўз қобиғига ўралиб олиш, ҳар қандай давлатни иқтисодий ҳалокатга олиб келади. Демак, бозор иқтисодиёти йўлини танлаган давлат хоҳлайдими, хоҳламайдими бевосита дунё мамлакатлари билан турли иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ривожлантиришига мажбур бўлиб қолади. Айни пайтда умумжаҳон ривожланиш скимига қўшилиб кетади. Бозор иқтисодиётини ривожланиб бориши меҳнат тақсимотига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Демак, бозор тушунчасини ҳар қандай товар ишлаб чиқаришнинг умумий негизи бўлган ижтимоий меҳнат тақсимоти тушунчасидан ажратиб бўлмайди. Бозор шароитида товар капитали ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари, ссуда капитали ва иш кучи сотилади. Ишчи кучини сотилиши бозор табиатининг асосий хусусиятидир. Шу хусусиятдан кебиб чиқиб, ҳар қандай давлат меҳнат тақсимоти масаласида ташки дунё билан чуқур алоқада бўлиши шарт килиб қўйилади. Меҳнат тақсимотини тартибга солиб бориша меҳнат биржалари муҳим роль ўйнайди.]

[Бозор муносабатлари ўз моҳиятига кўра кўп қиралли система бўлиб, ижтимоий ҳаётни ҳамма жабҳаларини тўлалигича қамраб олади ва ўз таъсирини ўтказади, бозор иқтисодиёти муносабатларининг қонуниятларига бўйсунишга жамиятни мажбур қиласи. Бозор иқтисодиёти муносабатларини моҳиятини иқтисодий масалада олиб кўрадиган бўлсак, «бозор харидорлар (талаб қўювчи) ва сотувчиларни (товарларни етказиб берувчиларни) бирга қўшувчи механизmdir. Бозорда ҳар хил товарлар айирбошлаш обьекти (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари ва ҳоказолар) ва унда ҳаракат қилувчи субъектлар (сотувчилар ва харидорлар) ҳаракат қиласи. Товар эгаси ёки унинг ва-

колатларини олган шахс, корхона, ташкилот сотувчи бўлиб, бозорда намоён бўлса, харидорлар эса истеъмолчи ёки ишлаб чиқариш учун зарур товарларни сотиб олувчилар бўлади. Сотувчи ва харидор ўртасидаги иқтисодий алоқалар бозор муносабатларини ташкил этади.

Демак, инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида буюм (товар) орқали ўзаро иқтисодий муносабатларга кирмоклари зарур бўлади, шундагина бозор мавжуд бўлиши ва харакат қилиши мумкин бўлади. Бозор муносабатларининг ҳар бир субъекти мустақил иш тутиб, ўз манфаатларини рӯёбга чиқара бориб, пиронард натижада кўзга кўринмас бир қўл воситасида, ўзи кўзламаган ҳолда мақсад сари йўналтирилади. У ўз манфаатларини кўзлаб, кўпинча жамият манфаатларига ўзи онгли тарзда интилганича анча кўпроқ самарали тарзда хизмат қиласди⁷.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Гишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида ўзаро муносабат масаласи бозор иқтисодиёти қонуниларини яратмоқда. Бу иқтисодий қонунлар ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар масаласининг ривожланиш жараёни бўлиб, бу жараён ҳеч қандай инсон иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив равишда ижтимоий характерга эта бўлади ва ўз навбатида шу муносабатлар жараёни янада чуқурлашиб, унинг доираси кенгайиб, такомиллашиб боради ва янги-янги қонуниятларни пайдо қиласди. Бу муносабатларнинг ва қонуниятларнинг марказида инсонлар манфаатлари, умуман, жамият манфаати ётади. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг моҳиятини қанчалик чуқурроқ таҳлил қилсак, инсонлар манфаатига уларнинг иқтисодий, спёсий, маънавий, маданий, маърифий тараққиёти ва уларнинг баркамоллигига, ҳар томондама мукаммаллигига хизмат қилажагини кўрамиз⁸.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишга қатъий амри — қарор қиласр экан, ўзига хос ва миллий хусусиятларимизга, тарихан таркиб топган турмуш тарзимизга мос келадиган, шу билан бирга жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётининг сифат жиҳатдан ишлаб чиқилган янги йўли бўлмиш, тартибга солинган бозор иқтисодиётига мосланишга интилиб, «муқобил ривожланиш» назариясининг турли концепцияларини ҳар томондама ўрганилиб чиқилди⁹.

«Етилган ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг жиддийлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти шу муаммолар-

ни ҳал этишга алоҳида-алоҳида ёндашувларни белгилаб олиш заруриятини тақозо қиласди. Ҳаёт шароити ва мусулмонча турмуш тарзининг миллий хусусиятлари, Шарқ маданий оламига мансублик ҳам шуни талаб қиласди.

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш мураккаб, тарихий аҳамиятга молик ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаётган ўзбекистонликларнингина эмас, балки уларнинг бир канча келажак авлодларининг ҳам тақдидири ана шу йўл нечоғлик тўғри танлаб олинишига боғлиқдир»⁹.

Республикани ана шу даврдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий тангликтан чиқиб олиши ва бозор иқтисодиётига ўтиши жараёнида юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатларга эътибор берилиши, яъни республиканинг, ҳалқнинг бугунги ва келажагини кўзлаб ривожланиш йўлини таилаши бетакрор катта аҳамиятга эга бўлди. Президентимиз ибораси билан айтганимизда, Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шартшароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилганлиги эди.

«Айни мана шундай йўл Ўзбекистон ҳалқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналарига ва маданиятининг тикланишини, инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»лиги¹⁰ аниқ илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Президент Республикаимизда таркиб топган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг, республикани ривожлантиришининг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини қулай жуғрофий-сиёсий мавқенини, табиий иқлим шароитларининг ўзига хослигини, тарихан таркиб топган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг мазмунига кўра Осиёда шаклланган анъанавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш шаклларини, Ўзбекистонга хос эканлиги иқтисодий ислоҳотларнинг йўллари ва андозаларини танлаб олишга таъсир қилиши мумкин бўлган жиддий омил бўлишларини, республикадаги алоҳида демографик вазиятни, аҳолининг тафаккури, миллий-тарихий турмуш тарзини, ҳалқнинг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятларига алоҳида эътибор берилиши зарурлигини ва бошқа қатор хусусиятлар ҳисобга олин-

ган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос бетакрор йўлни танлаб олиши учун ушбу минтақага хос бўлган хусусиятлар ва шарт-шароитлар чукур тахлил этилиши асосида Ўзбекистон бозор иқтисодиётiga ўтишда ўзига хос йўлини белгилади. Республикада сифат жиҳаздан янги мавқега ўтишининг пухта ўйланган дастури ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурнинг марказида уч асосий нарса ўрин олди: биринчиси иқтисодиётни тўлиқ инсон манфаатларига хизмат қилишига мослаб, яъни инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш.

Бозор иқтисодиёти муносабатларидан тажрибага эга бўлмаган ҳалқни бозор тўфонига ташлашдан сақлаш. Иккинчиси, эски иқтисодиёт юритиш механизmlарини бирданига бузуб ташламасдан, секин-аста янгисини яратиш асосида эскисидан воз кечиш. Бу дегани, эволюцион тарзда бозор иқтисодиётiga ўтиш. Учинчиси, пировард мақсад Узбекистонни импорт мамлакатидан экспорт мамлакатига айлантириб бориш масаласи кўйилди.]

Пухта ўйланган ислоҳотлар дастури, танланган ислоҳотлар иўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бир вақтнинг ўзида ҳам бозор, ҳам ижтимоий муносабатлар масаласини тўлиқ ўз ичига олиши назарда тутилди. У иқтисодий ривожланишда бозор механизмининг самарали бўлишини, кучли ижтимоий кафолатни назарда тутиши ва аҳоли турмушининг юқори даражада бўлишини таъминлайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такозо этиши кераклиги ҳисобга олинди.

Давлат қурилиш дастурининг ва Узбекистонни иқтисодий ислоҳ этишининг бутун ўзаги мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойиллар. Бу тамойиллар мукаммал, ҳар томонлама пухта ишланганилиги учун ҳам нафақат Ўзбекистон ҳалқлари томонидан, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам изчил маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.]

Бу тамойилларни турмушга тадбиқ этилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлади, иқтисодий ўсишни бозор муносабатларига ўтишда изчилликни вужудга келишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодий ислоҳотлар тамойилларининг моҳияти қўйидагилардан иборат бўлди:

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан батамом ҳоли бўлишлиги. Иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил этмоғи лозим. Иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш муаммолари давлат сиёсатининг асосий мазмуни бўлиши лозимлиги.

Иккинчидан, ўтиш даврини мураккаблигини ҳисобга олиб, давлат бош ислоҳотчи бўлиши зарур. Давлат бутун ҳалқнинг манфаатларини кўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаб бериши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқариш ва изчил рӯёбга чиқариш кераклиги белгиланди.

Учинчидан, жамиятни бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиш, қонунни ҳамма нарсадан устуворлигини таъминланиши, демократик асосда қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этилиши лозимлигини қатъий қилиб қўйилиши.

Тўртинчидан, демография соҳасидаги реал аҳволни аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чоратадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлашларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришини таъминлаш мумкин.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этди. Бу қоидаларнинг амалга оширилиб бориши, республикада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликни, фуқаролар тотувлигини, миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлашда, энг муҳими, бозор муносабатларининг қарор топиб боришидаги изчил ҳаракатларимизни таъминлаш

билин бирга иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида айтиб утганимиздек, мамлакатимизни бош реформатори И. А. Каримов иқтисодий ислоҳотларнинг илмий концепцияси ва амалий режасини ишлаб чиқар экан, ҳақиқий инсонпарварлик позициясидан туриб иш юритди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий реформаларни марказида инсон манфаатлари ётиши зарурлигини асосий мақсад қилиб олган ҳолда ёндошилди.

«Ички сиёсатнинг негизи — инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни ривожлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий начор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатdir¹¹, деб ёзди И. А. Каримов. Ана шу қоидага асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти номини олди, ўтиш даврининг барча босқичларида олдинда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш асосида олиб борилиши кўзда тутилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳамма таъмойиллари ва барча қоидалари ижтимоий пазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги қатъий кафолатларни вужудга келтиришга бўйсундирилди. «Бозор иқтисодиётини барпо этиш бирдан-бир мақсад эмас, деб ёзди И. Каримов. Барча ислоҳотлар — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рӯёбга чиқариши таъминлайдиган муносаб турмуш шароитини яратишдан иборат»¹². Демакки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди бир вақтнинг ўзида ҳам бозор, ҳам ижтимоий муносабатлардир.

У иқтисодий ривожланишда бозор механизмининг самарали бўлишини назарда тутса, ижтимоий соҳада аҳолини турмушини юқори даражада таъминлайдиган бўлишига йўналтирилишини кўзда тутади. Ижтимоийлик фақат шу билан чекланмайди, бу ерда инсон фаoliyati, унинг омилкорлиги, ташаббускорлиги ва ақлий ижодни, умуман, маънавий имкониятларини рӯёбга чиқариш омилларини яратиш асосида табиат томонидан инсонга берилган барча имкониятни, қобилиятни тўлиқ намоён этилиши ҳам, асосий масала эканлиги ҳисобга олинниши зарур. Бунинг учун мамлакатда соғлом муҳитни яратиш ва фуқароларга ҳар томонлама шартшароитларни яратиш, сиёсий эркинлик бериш орқали

мақсадга эришилиши ҳисобга олиниши кераклигини на-
зарда тутиш лозим эди. Шунинг учун ҳам беш тамо-
йилнинг биринчиси иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши
ва ҳар қандай мафкурадан ҳоли бўлиши масаласини
қўйилиши тоталитар жамиятда узок йиллар яшаган
халқ учун ўта муҳим долзарб масала эди.

Чунки фуқаролар вужудига сингиб кетган мафкура-
вий чеклашлар, тўсиқлар руҳий ҳолатидан чиқиш за-
рур эди. Уларга иқтисодий, сиёсий эркинлик берилган-
лигига ишонтириш ва ўз манфаатини ўйлаган ҳолда
жамият мағфаати учун хизмат қилиш зарур эканлиги-
ни тушуниб олишлари муҳим ҳолатдир. Фақат ана
шундай сиёсат юритиш орқали халқни тоталитар ту-
зумнинг мафкуравий ботқогидан сувуриб олиши ва иқ-
тисодий эркинлик кўникмасини пайдо қилиш мумкин-
лиги эътиборга олинди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ин-
фраструктурасини яратишнинг комплекс режаси беш
тамойилда ўз аксини топар экан, ижтимоий ҳаётни энг
майда элементлари ҳам ҳисобга олинди. Шунинг учун
ҳам беш тамойилда илгари сурилган қоидаларни таҳ-
лил этар эканмиз, бу тамойиллардан бирини олдинга,
иккинчисини кейинги ўринга қўя олмаймиз. Чунки куч-
ли ижтимоий сиёсат ўтказиш тамойилга бошқа барча
қоидалар бўйсундирилган ҳолда барча ижтимоий ва-
зиfalар ҳал этилиши, ижтимоий ҳимоялаш соҳасида
қатъий кафолатларни вужудга келтириш кўзда ту-
тиди.

Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисо-
диётини йўлини танлашдан кўзланган мақсад аҳолини
энг камбағал, муҳтоҷ табақаларига иқтисодий мадад
бериш орқали фуқаролар осойишталиги ва миллатлар-
аро тотувликни таъминлаш, ислоҳотларни муваффақи-
ятили амалга оширишнинг кафолати бўлиб қолиши ҳи-
собга олинди.

Ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш — бу Узбекис-
тонни бозор иқтисодиётига ўтиб боришидаги вақтинча-
лик чора, деб қаралмасдан, доимий узлуксиз бўлиш-
лигини таъминлаш кўзда тутилган. «Бозор томон ҳа-
ракат қилинган сари, ижтимоий сиёсатнинг устувор
жиҳатлари, аҳолига ижтимоий мадад бериш ва уни ҳи-
моя қилиш чоралари ҳам ўзгариб боради. Ислоҳотлар-
нинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига
хос қоидалари мос келади».

Бозор муносабатларининг вужудга келтиришнинг дастлабки босқичларида «нархларни эркинлаштирилиши ва пулнинг қарзизланиш даражасининг ортиб бориши муносабати билан даромадларининг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидағи энг устун йўналишларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу йўналиш аҳолининг истисносиз барча табақаларини қамраб олади ва ислоҳотларининг биринчи босқичи давомида кенг миқёсда қўлланилади»¹³.

Аҳолининг энг кам даромадли табақаларига — ногиронларга, нафақадорларга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ўқувчи-ёшларга, яъни энг қийян аҳволга тушиб колган одамларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ одамлар давлат назаридан четда колмаслик учун, одамларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун бир қатор жамоат ташкилотлари ва хайрия ташкилотлари ташкил этиш кўзда тутилган. Нодавлат ташкилотлари ва хайрия ташкилотларини тузилиши ўзига хес бир миллий анъаналардан, яъни ўзбек халқи қадимдан меҳр-шавкатли бўлганлигини, доимо муҳтоҷ инсонга ёрдам кўрсатиб келганлигини бир намунаси сифатида ҳам қараш мумкин.

«Наврўз», «Маҳалла», «Софлом авлод» ва бошқа қатор жамғармалар ташкил тоғиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлат томонидан берилётган моддий ёрдамга қўшимча равишда аҳолининг муҳтоҷ қатламларини ҳимоялашда намунали ишларни амалга ошириб келмоқда.

1992—1999 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларининг энг кам миқдори бир неча бор оширилди, уларнинг энг кам миқдори бу даврда 428 баробардан 1230 баробар кўпайтирилди. Пенсионерларнинг ижтимоий аҳволини ҳисобга олиб, энг кам пенсиянинг мутлақ миқдори иш ҳақининг энг кам миқдоридан ошиқроқ бўлиши йўли муттасил ўtkазилиб келинмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда иш ҳақининг энг кам миқдори 1999 йил 1 январдан бошлаб, 1320 сўм бўлгани ҳолда, қарилик пенсиясининг энг кам миқдори 2520 сўмни ташкил этмоқда, ногиронларнинг пенсиясининг энг кам миқдори 1530 сўмни ташкил этади.

Мамлакатимизда иш ҳақи масаласида ҳам ижтимоий ҳимоя воситаларининг бири сифатида иш ҳақи

ҳам интенсив ошириб борилмоқда. «Иш ҳақини ошириш билан бирга, барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг профессор-муаллимлари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтиёмий ҳимоялаш ва уларга қўшимча моддий неъматлар — квартира ҳаки ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди, якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун ер участкалари биринчи нафбатда ажратиладиган бўлди ва ҳоказо»¹⁴.

Талаба ва ўқувчи-ёшларни ижтиёмий ҳимоясига алоҳида зътибор берилиши ёш давлатимизнинг бозор иқтисодистига ўтиш шароитида дикқатга, алоҳида зътиборга лойиқ ишдир. Мамлакатимиз ёшларни ишдан ажralтан ҳолда ўқиб, билим олишлари учун зарур моддий шарт-шароит яратишга алоҳида дикқат ажратмосқда. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг, аспирантларнинг стипендиялари бир неча маротаба оширилиши билан бирга, жамият транспортларидан фойдаланишлари учун алоҳида имтиёзлар берилиши, узекдан марказий шаҳарларга келиб таълим олаётган талабаларнинг йилига икки маротаба имтиёзли йўл ҳаки тўловларини жорий этилиши, ётоқхоналар билан таъминлашда ётоқхона ҳақини рамзий маънода жуда оз миқдорда тўлаш имтиёзини берилиши, буларни ҳаммаси ёнг ривожланган мамлакатларда ҳам йўқлигини ҳисобга олсак, давлат томонидан ижтиёмий ҳимояни қанчалик юксак ва кучли даражада қўйилганлигига таҳсинлар ўқисак арзиди.

Бозор иқтисодисти муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий ислоҳотлари мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий-таркибий ўзгаришлар билан ҳамоҳант монан келишлигини миллий давлатчилик ҳусусиятларимизга мосланиб бораётганлиги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг муваффақиятининг бир омили сифатида намоён бўлмоқда. Биз орзу қилаётган одил фуқаролик жамиятининг табиатига мос келишлигини таъминлаш мақсадида ижтиёмий ҳимоянинг янги тизимларини шакллантиришга ҳаракат қилинмоқдаким, бу шарқ ҳалқларига, ҳусусан, Ўзбекистон ҳалқининг тарихий тараққиёти жараёнида орттирган ҳаётий тажрибала-рига мөланд келмоқда.

«Биз,— деб ёзди юргашимиз,— ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглештириш тизимидан қатъиян возкечиб, Шарқда минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик.

Шунга биноан 1994 йилда Узбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илғор тизими шакллантирилди. Бу эса ижтимоий ислоҳотлар соҳасидаги иқтисодий ўзгаришлар биринчи босқичининг энг муҳим якуни бўлди.

Ҳозирги тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва камдаромадли оиласлар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолади. Энди ҳамма нафақалар ва мuddий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилмоқда. Шу тариқа ижтимоий кўмак беришнинг ҳозирги тизимида оила асосий мавқега эга бўлиб қолади. Бундай ёндашув умуминсоний қоидаларга, миллий анъаналарга ва руҳиётга мос келади, фуқаролар жамиятининг ижтимоий ташкилоти тизимида оила эгаллайдиган ўринга мувофиқ келади»¹⁵.

Ижтимоий ҳимояни янги тартибига кўра Фарзанд туғилганда, бир йўла бериладиган тўловлар сақланиб қолиш билан бирга, бу нафақани миқдори кўпайтирилди. Оналарнинг болага қарашлари учун белгиланган декрет муддати узайтирилди. Энг муҳими, бу нафақадан ишловчи оналар ҳам, ишламайдиган оналар ҳам баҳраманд бўладиган бўлди. Болаларга бериладиган тўловлар тизими такомиллаштирилди. Болаларга бериладиган йигирмадан зиёд турли нафақалар ўрнига 1994 йилнинг сентябридан бошлаб, барча болали оиласлар учун ягона нафақа жорий этилди.

«Шуни таъкидлаш зарурки,— деди Ислом Каримов.— 16 ёшгача болалари бўлган оиласлар учун нафақалар ота-онасининг ва, умуман, оиласининг даромадлари миқдоридан катъий назар, барча оиласларга тўлаша бошланади. Бешқача айтганда, 16 ёштacha бўлган болалар турли дастлабки омиллар ва сабаблардан катъий назар, тўғридал-тўғри давлат ёрдами бериладиган объектга айланиб бормоқда»¹⁶.

Узбекистонда ижтимоий ҳимояни янада самаралироқ бўлиши учун янги-янги тизимлари жорий этилмоқда. Сўнгги пайтларда аҳолининг ижтимоий начор қат-190

ламларига оила орқали бериладиган нафақаларнинг янги тизими жорий этилди.

Фуқаролик жамиятининг моҳиятидан келиб чиқиб, ҳамда миллий руҳият ва тарихий анъаналаримизга содик қолган ҳолда ижтимоий жиҳатдан энг ночор оила-ларни маҳалла қўмиталари орқали аниқлаш ва уларга муайян моддий ёрдам бериш шакли жорий этилди. Чунки маҳаллани ҳар бир аъзосини ижтимоий аҳволи маҳалла аъзоларига маълум. Ижтимоий ҳимоя ўз эгасини тӯғри топишнинг энг муҳим тизими маҳалла бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтилганда, Ўзбекистон Республикасининг ички сиёсатидаги ижтимоий ҳимоянинг устуворликка эга бўлиши Президент Ислом Каримовнинг илгари сурган қўйидаги сермазмун илмий концепциясига асосланганлигидир:

«Ижтимоий» бирдамликни таъминлаш-ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг ўзларини адолатсиз ра-вишда ҳамма нарсадан бебаҳра бўлиб қолган ёки ҳақ-хуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи бутун-бутун аҳоли гуруҳлари ва табақалари вужудга келадиган да-ражага бориб етмаслигига эришиш демакдир.

Гап ижтимоий ҳимоя тизимининг устуворлиги хаки-да борар экан, бунда энг аввало бозор иқтисодиётини барпо этиш биз учун бирдан-бир мақсад эмаслиги на-зарда тутилади. Ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслагидан қатъий назар, шахс сифатида намоён бўли-ши, ўз қобилиятини, истеъдодини намойиш этиш, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий байроқ қилиш имкониятига эга бўладиган зарур шартларни яра-тишдан иборатdir.]

Иқтисодий сиёсатнинг марказига ҳалқ манфаатини яхлит тарзда тўйилиши ва инсонни иқтисодий камси-тилишга йўл бермаслик сиёсатига устуворлик берилиши, инсонни ҳар томонлама, яъни маънавий, моддий баркамол бўлиши учун, ҳамма учун тенг бўлган шарт-шароитни яратиб берилиши Ўзбекистон давлатининг буюклигидан даракдир.

Чунки инсонни эъзозлаган ҳар қандай давлат ўз ҳалқини эъзозига сазовор бўлсагина, унинг келажаги буюк бўлиши табиийдир.

10-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

- ¹ И. А. Каримов. «Узбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 210—212-бетлар.
- ² И. А. Каримов. «Узбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 212-бет.
- ³ И. А. Каримов «Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли». Т., «Узбекистон». 1993 йил. 16-бет.
- ⁴ И. А. Каримов. «Узбекистон XXI аср бусагасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Узбекистон», 1997 йил. 87-бет.
- ⁵ Ш. Шарифходжасе. «Истиқлол истак болалари». Т., «Узбекистон», 1994 йил. 20-бет.
- ⁶ И. А. Каримов «Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли». Т., «Узбекистон», 1993 йил. 25-бет.
- ⁷ А. Қодиров, А. Турсунов, У. Турғунов. «Иқтисодиёт назарияси». Т., Тошкент Давлат Техника Университети, 1997 йил. 63-бет.
- ⁸ А. Қодиров, А. Турғунов, У. Турғунов. «Иқтисодиёт назарияси». Т., Тошкент Давлат Техника Университети, 1997 йил. 63-бет.
- ⁹ И. А. Каримов. «Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли». Т., «Узбекистон», 1993 йил. 21-бет.
- ¹⁰ Уша жойда, 26-бет.
- ¹¹ И. А. Каримов. «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли». Т., «Узбекистон», 1992 йил. 43-бет.
- ¹² И. А. Каримов. «Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли». Т., «Узбекистон», 1993 йил. 73-бет.
- ¹³ И. А. Каримов. «Узбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли». Т., «Узбекистон», 1993 йил. 77-бет.
- ¹⁴ И. А. Каримов. «Узбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 126—127-бетлар.
- ¹⁵ И. А. Каримов. «Узбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 131—132-бетлар.
- ¹⁶ И. А. Каримов. «Узбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». «Узбекистон», 1995 йил. 133-бет.

11-мазу

ҚҮП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ, МУЛҚДОРЛАР СИНФИНИНГ ШАКЛЛANIШI: ЯҚУНЛАР, МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР

РЕЖА:

1. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратилиши ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштирилиши.

2. Қўп укладли иқтисодиётнинг барпо этилиши, мулқдорлар синфининг шаклланиши.

3. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устувор йўналишлари:

а) Макроиқтисодий барқарорликка эришиш — иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифаси эканлиги;

б) Агарар ислоҳотларни чуқурлаштириш. Ахолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга асосий эътиборни қаратиш.

Бозор муносабатларига ўтиш маъмурий-буйруқбозлиқ тизимининг бутун ҳуқуқий асосларини ўзгаришиш, бозор иқтисодиёти муносабатларининг ишлар механизmlарини таъминлаб берувчи қонунчилик базасини яратиш объектив ва зарурий тақозога айланади. Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш сари йўл тутар экан, энг аввало, янги қонунчилик муаммосини ҳал этишдан, зарур ҳуқуқий омилларни шакллантиришдан бошлади.

«Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминламасдан туриб бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида аҳолининг кундалик турмушига сингиб кетган ҳалқ анъаналари, урғодатлари, шахслараро ва миллатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг асирий тарихидан мерос қилиниб олинган, умуминсоний қадриятларга, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинилларига зид бўлмаган аҳлоқий нормалр албатта акс эттирилиши керак¹, деган гояни Президент ўртага ташлади.

Узбекистонда ислоҳотларнинг бошиданоқ зарур ҳуқуқий асосларни шакллантиришга, тегишли бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан амалда илоҳотларни ўтказиш учун ишончли кафолат яратмай туриб фуқароларни бозор инфраструктураси сари етаклаб бориш мушкул бўлиб, фуқароларда ишончизлик туғдирав эди.

Тубдан янги, замонавий сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ифодаловчи янги қонунлар мажмуи ҳуқуқий демократик давлатга асос бўла оладиган ҳуқуқий асосни қабул қилишга киришилар экан, Узбекистонда қарор топган энг муҳим ва асосий ҳуқуқий қоидаларидан бири мулкчилик ҳуқуқининг тикланиши ва унинг турли-туман шаклларда намоён бўлишини Узбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топганлигидир.

«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Узбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларида мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш әркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда на зарда тутилган ҳолатларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин»³ дейилади. □

Республика иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи, бу конституциявий тамойил Президентнинг қатор фармонларида, қонунларида, ҳукумат фармойишларида ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатларида янада такомиллаштирилган ва ривожлантирилиши асосида янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос яратадиган қонунлар мажмуини шакллантиришга йўналтирилганлигидир. Бундай қонунлар жумласига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлат ўй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Узбекистон Олий Мажлиси иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини ташкил этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатларини қабул қиласди. Бу

қонунлар бир неча йўналишлар бўйича иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари вужудга келди.

Биринчи йўналиш — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва иқтисодий эркинлигининг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлат бошқарувини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди. Бу йўналиш доирасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Маҳкамаси тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ва бошқа Қонунлар қабул қилинди.

Бу қонунларда республика ва маҳаллий бошқарув тизимларининг вазифалари аниқ белгиланди. Демократик фуқаролик жамиятининг моҳиятини тўлдирувчи Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш усули бўлган маҳаллалар қайта тикланди.

Иккинчи йўналиш — мулкчилик муносабатлар масаласига туб ва изчил ўзгаришлар киритди. Бундай қонунлар сирасига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасаруфидан чиқарии ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлат уй-жой фонди ни хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Бозор муносабатларишинг асослари ва зарур шартшароитлари бўлган кўпукладли иқтисодиётнинг шакллантиришга кафолат берувчи барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар вужудга келтирилди. Собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчиликдан бўлиб, Ўзбекистон хусусий мулкчилик ҳуқуқини эътироф этди ва мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шартшароитлар яратиб берди.

Тўчинчи йўналиш — хўжалик юритишнинг янги механизмлари ва ижтимоий қурилиш шаклларишдаги ўзгаришлар учун тегишли бўлган шарт-шароитлар яратиш. Бу йўналиш корхоналар ва ташкилотлар, янги бозор инфраструктурасини вужудга келишини таъминлайдиган хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг улкан мажмуудан иборат бўлди.

Энг муҳими, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий эркинлик борасидаги макомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Жумладан, корхоналар ҳақидаги, тадбиркорлик тўғрисида, кооперация ҳақидаги, деҳкон хўжалиги ҳақидаги, хўжалик уюшмалари ва шир-

катлар ҳақидаги Қонунлар шулар жумласига киради. Бу қонунларда республикада янги хўжалик механизмларни тамоиллари биринчи марта акс этган бўлиб, улар иқтисодий манбаатга, фаолиятдан келадиган фойдага ва унинг натижалари учун масъулиятга асосланган.

Бу қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши билан корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари ҳам ўзгарди, ўз тури ва фаолиятига, бошқарувни ташкил этиш тизимиға анча мос келадиган бўлди.

Бозор инфраструктурасининг вужудга келиши ва фаолият кўрсатиш жараёнларини тартибга солишини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари фаол шаклланди. Уларнинг асосий қоидалари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги ва бошقا қонунларда ўз аксини топди. Ушбу қонунлар қабул қилиниши билан республикада бозор механизмини вужудга келтириш ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Халқ хўжалигида якка ҳокимликга (монополияга) асосланган фаолиятни чегараловчи, корхоналарни синиш (банкрот)ини тан олиш тартибларини қоидалаштирувчи қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши бозор муносабатларининг қарор топишида катта ахамият касб этади. Барча муносарали, жанжалли масалалар суд орқали ҳал этилиши учун тўлиқ ҳуқуқий асос вужудга келди. Иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган барча жанжалли масалаларни ҳал қилувчи Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди ва Хўжалик суди таникли топди.

Тўртинчи йўналиш — Ўзбекистон халқаро муносабатларда тенг — ҳуқуқий субъект эканлигини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрларни яратилишидир, яъни ташкии иқтисодий фаолиятга тегишли бўлган қонунлар.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этишини таъминлайдиган, хорижий инвесторларнинг манбаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ишончли кафолат яратадиган қонунларининг қабул қилиниши, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида алоҳида ўринга эгадир.]

Бешинчи йўналиш — инсонларнинг ишончли конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатлари-

ни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқиши бўлди.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги, давлат ёшлар сиёсати асослари ҳакидаги, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қабул қилинган қонунлардир.¹

Жамиятни янги босқичга ва янги муносабатларга ўтиш жараённада қабул қилинган ушбу қонунлар бозор инфраструктурасини вужудга келишига катта имкониятлар, шарт-шароитлар яратиш билан бирга сиёсий тузумнинг ҳақиқий демократик қоидалар ва ижтимоий кафолатлар билан ҳуқуқий алмашувини ҳуқуқий алмашув жараённинг мустаҳкам қонуний асосларини яратади, одамларда руҳий ишонч кайфиятини туғдириб, бозор инфраструктураси томон ишонч билан бориш кераклигини кўрсатади.

Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтириш қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қиласди. Бу масала социалистик тузумдан кейин бозор муносабатлари йўлини танлаган, мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган дол зарб масаладир. Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи гишт қўйилади⁴, Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётни асосини турли шакллардаги мулкчилик ташкил этиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган, халқни моддий манфаатларига хизмат қиласдиган ҳар қандай мулкчиликнинг мавжуд бўлиши учун шароит яратилди. Лекин мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келишини таъминлаб берувчи омиллар, тажрибалар ўрганилди, таҳлил қилинди ва Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзи ишлаб чиқсан модели хусусиятларини ҳисобга олиб, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришга принципial ёндашувларни ишлаб чиқди. Гап шундаки, «энг аввало, чет эллик эксперталар зўр бериб қабул қилдиришга урингандек чек воситасида хусусийлаштириш ғоясидан воз кечдик. Ижтимоий адолат принципи таъминланишига ургу бериб, ғояни жозибадор қилиб кўрсатиш йўлидаги барча интилишларга қарамай, у биз учун бир

қанча сабабларга кўра мақбул бўлмади»⁵. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон турли шаклларини вужудга келтиришда Ўзбекистон ўз йўлини ишлаб чиқди. Бу йўлга кўра, давлат мол-мулки фақат янги мулкдорга сотиш йўли билан мулкчиликнинг бошқа шаклларини вужудга келиши таъминланади. Бундан ижтимоий инфраструктура ва экологик воситалари мустасно бўлди.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг муҳим хусусияти шунда бўлдики, у аниқ дастурга асосланган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилди. Давлат ҳар бир босқич учун хусусийлаштириш соҳасидаги асосий устуворликларни аниқлаб бердик. «Дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уйжой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини, ҳамда қишлоқ-хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, хуллас, «кичик хусусийлаштириш»ни қамраб олди. Енгил маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айrim ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналарига, жамoa корхоналарига, ёпиқ типдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Пайлар (акциялар)нинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақланиб қолинди. Мазкур босқичда хусусийлаштириш жараёнининг ўзидаёқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш механизми ишлаб чиқилди ва созланди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга муносабат ва психология ўзгариб борди»⁶.]

Хусусийлаштиришнинг яна бир хусусияти мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чогида аҳоли учун социал кафолат яратилди. Фуқароларни мулкдан ўз улушларини олишда тенг ҳуқуқлиги таъминланди, бир қатор имтиёзлар яратилди. Масалан, хусусийлаштирилаётган корхона ўз ходимларига акцияларни имтиёзли шартлар билан сотди. Янги мулк эгасига эскирган асосий фондлар, ҳамда инфраструктура обьектлари бепул берилди. Қишлоқ хўжалигига ҳам давлат хўжаликларининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштирилмоқда. Хусусийлаштирилган обьектларни иқтисодий ривожланишини ҳисобга олиб, соғлиқ тўлашда ҳам айrim имтиёзлар белгиланди.

Ўзбекистонда хусусий мулкчиликни қарор топиши учун, яъни хусусий секторни ривожланиши, давлат ишлаб чиқариши билан рақобат қила олиш даражасига

етиши учун барча шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратилди.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилиши натижасида ислоҳотларни биринчи босқичда мўлжалланган хусусийлаштириш, 1994 йилда ёк муваффақиятли тугалланди. Ишлаб чиқаришини баъзи тармоқларида асосан савдо-сотиқ ҳажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 фоиздан ортиқроғи давлатга қарашли бўлмаган секторга тўғри келмоқда. Тармоқлар бўйича қабул қилинган хусусийлаштириш дастурига мувофиқ, «Махаллий саноат» корпорацияси тизимидағи корхоналарнинг кўпчилиги, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» ва «Ўзмаишийуюшма» ассоциациялари қайта ташкил қилинди. Хусусийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг иш тажрибаси бу объектлар ҳақиқий хўжайинга эгри бўгланидан кейин хизмат кўрсатиш маданияти кескин ошганлигидан, товарлар ва хизматлар тури кенгайганидан, хизмат жойда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигидан далолат бермоқда»⁷.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан олинган маблаг ҳисобидан хусусий сектордаги ишлаб чиқариш корхоналарини янги техника ва технология билан жиҳозлашлари учун аниқ лойиҳаларни амалга оширишлари учун давлат хусусий корхоналарга кредитлар беришни йўлга қўйдиким, бу хусусий секторни йиллик ишлаб чиқаришдаги улушкини янада оширишга олиб келмоқда.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бошланган даврдан бери 1994 йил охиригача 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулкка ўтди, 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айланди. Хусусийлаштирилган корхоналар негизида чет эл капиталини жалб қилиш йўли билан қўшма корхоналар тузилмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар уч корхонанинг иккитаси мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шаклига эга. 1994 йилда ялпи ижтимоий маҳсулотининг деярли ярми иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторидан ишлаб чиқарилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликни турли формаларини вужудга келишини қўллаб-қувватланиши ва шарт-шароитлар яратилиши, ҳамда дав-

лат томонидан маънавий-моддий кўмак берилиши асосида мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари қарор топиб, ривожланиб бормоқда.

Мулкчиликнинг шакллари:

1-чизма⁸.



Мулкчиликнинг турли шаклларини қарор топиши ва мулкдорлар қатламини шаклланишида кичик бизнесни ривожланиши учун катта омил бўлди. Ўзбекистон собиқ Иттилоқ республикалари орасида биринчи бўлиб кичик бизнесни рагбатлантириди. 1990 йилдаёқ Президент И. Каримов фармони билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кичик хусусий корхоналар рўйхатдан ўтказила бошлаган эди.

Бундан илҳомланган Ўзбекистон аҳолисининг кўпгина қисми тадбиркорлик билан шуғуллана бошладилар. 1994 йил 200 минг тадбиркорлар шахсий (индивидуал) меҳнат фаолиятини кўрсатиш тўғрисидаги гувоҳнома (патент)ларига эга бўлдилар. 20 мингга яқин фермерлар қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсата бошладилар. 1994 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда 2,5 мил-200

лион мәҳнатга яроқли кишилар нодавлат секторида фаолият кўрсата бошлаган бўлсалар, 1995 йили 4 миллионга етди.

1991 йил 6 июнда Узбекистон тадбиркорлар иттифоқи ташкил топди. Тадбиркорлар иттифоқи чет эл иқтисодий жамиятлар ва турли фондлар билан алоқаларини ўрнатдилар. Жумладан, Карла Дүйерберга жамияти билан, Конрад Аденеуэр ва бошқалар билан.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкдорлар синфини вужудга келишида кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНИДО фаол қатнашмоқда. Унинг ёрдамида учта инкубатор ташкил этилди. Европа Ҳамжамияти Комиссияси Амалий алоқалар марказини ташкил этди. Немис техникавий кўмаклашув жамияти (ГГЦ) томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази очилди. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Марказий Осиё инвестиция фонди (Буюк Британия) фаол иш олиб бормоқда. Улар кенг кўлламда маслаҳат хизматини кўрсатмоқда ва кадрлар тайёрлашни ташкил этмоқда»⁹.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, чет эл ишбилармонлари билан ҳамкорлик, яқиндан алоқалар ўрнатилиши муносабати билан Узбекистонда мулкчиликнинг нодавлат шакли анча тараққий этди ва уни аҳамияти ошди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкдорлар синфини шакллантириш борасида Узбекистон кисқа давр ичидаги салмоқли натижаларга эришди. Бу жараён ислоҳотларни кейинги босқичларида ҳам давом этиб, тақомиллашиб борини кўзда тутилди.

Иқтисодий ислоҳотларни биринчи босқичида мамлакат қандай ютуқларни қўлга киритди?

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи манфаатлари, миллий анъаналар ва маънавиятга мос келадиган сиёсий ва давлат тизимларини вужудга келтириш бобида дастлабки салмоқли қадамлар қўйилди.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик яратилиши асосида, бозор иқтисодиёти талабаларига жавоб берадиган мулкчилик муносабатларига асос солинди, бошқарув таркибида ва хўжалик юритиш усуllibарига туб ўзгаришлар юз берди. Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигига эркинлик берилди, ташаббускорлик ва омилкорлик ривожлантирилди.

Мамлакатда иқтисодий танглийка, ишлаб чиқариши ни орқага кетишига барҳам берилди. Иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар вужудга келтирилди, миллий валюта — «сўм» — муомалага чиқарилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ижобий ўзгаришлар киритилди. Иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар, унинг ўз тараққиётидан кейинги, сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш учун мустаҳкам шарт-шароитлар яратди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-руҳий, мафкуравий, ғоявий ва ижтимоий ҳаётни бошқа жабҳаларида катта ўзгаришлар ва ютуқлар қўлга киритилди.⁹ Жамиятни ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичига изчил суратда қадам қўйди.

Ислоҳотларнинг ҳар бир босқичининг муддати муайян чегара билан ва қатъий режа билан белгиландими? Деган савол туғилди. Албатта, ҳар бир босқичнинг стратегик режаси қатъий бўлади. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиб боришимиздаги йўлимизнинг фарқли хусусияти мавжуддир. Шу маънода юртбошимиз шундай дейди: «Биз ишлаб чиққан ислоҳотлар стратегияси — иқтисодиётни бошқа ҳолатига ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтишнинг умумий мафкурасидир. Иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг тегишли шакл ва усулларини, уни амалга оширишнинг аниқ омиллари ва воситалярини ишлаб чиқиши талаб этувчи ўзига хос аниқ йўл-йўриқлари шакллантирилади.

Бизнинг бозорга ўтиш йўлимизнинг фарқ қилувчи хусусияти ҳам худди ана шунда бўлиб, бунда ҳар бир босқич охирига етгач, зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилиши билан тараққиётнинг янги босқичига, янги поғонасига изчиллик билан ўтилади. Ҳар бир босқичнинг муддати муайян чегара билан белгиланмайди, улар мутлақо турлича бўлиши мумкин, аммо ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўламига боғлиқ бўлади¹⁰.

Иқтисодий ислоҳотларни иккинчи босқичида мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтиш тизимининг шакллантиришни тугаллаш, яъни бозор инфраструктурасини тўлиқ қарор топишими охирига етказиш стратегияси белгиланади. Ижтимоий ҳаётни ҳамма структураларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, ҳамда жаҳон иқтисодий

тизимига кенг миқёсида қўшилиш ва унда ўз мавқела-
рини мустаҳкамлаш босқичи тутилди.

Эндиликда бозор инфраструктурасини ривожланти-
риш, молия ва банк тизими фаолиятининг такомиллаш-
тириш мұхым вазифа қилиб қўйилмоқда. Иқтисодиётни
чин маъно эркинлаштириш учун кенг тармоқли бозор
инфраструктурасини — тузилмаси — фондда ва улгур-
чи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари
тадбиркорликка хизмат қилувчи бошқа тузилмалар тў-
ла куч билан ишлашни талаб этади.¹

Бугунги кунда республикамизда тадбиркорликка
хизмат кўрсатувчи 30 дан ортиқ тижорат банклари,
кўчмас мулк сотиш бўйича 220 дан ортиқ брокерлик
идоралари, республика товар-хомашё биржасида иш-
лаётган 200 дан ортиқ брокерлик, қимматли қоғозлар
бозорида даллолик қилаётган 300 яқин инвестиция
даллолари, тадбиркорларнинг 1770 дан ортиқ кичик
улгуржи савдо тармоқлари, аудиторлик фирмалари
фаолият кўрсатмоқда.

Республикамиз банкларининг халқаро молия таш-
килотлари билан алоқаларини кучайтириш жаҳон молия
тизимини тажрибаларини олиб кириш ва банклар
фаолиятида рақобатни кучайтириш мақсадида дунёning
нуфузли банклари иштироқида қўшма корхоналар ту-
зилмоқда.

Ҳозир Узбекистонда фаолият кўрсатаётган «ЎзДЭУ
банк», «Узбекистон — Туркия банки», «Узбекистон ху-
сусийлаштириш банки» бўлса, хорижий банклардан
14 таси жумладан, «Дойчебанк», «Чейз — Махэтен»,
«Кредит Сьюсис», «Сосьете женерал», «Сакра банк»,
«Берлин банк» ва «Коммерсант банк»ларнинг ваколат-
хоналари очилди.

Яқинда вазирлар маҳкамасининг тасдиқлаган дас-
турлар рўйхатида банк тизимининг ислоҳ қилиш тад-
бирлари белгиланиб олindi. Унда банк соҳасининг ху-
сусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришни
қирлаштириш тижорат банкларини акциялаштиришни
давом эттириш ва банкларнинг хусусийлаштиришни чу-
курлаштириш вазифалари белгиланиб одинди.

Эркинлаштиришга кенг йўл очган Ўзбекистондаги
молиявий муассасаларни ривожлантириш лойиҳасини
рўёбга чиқариш учун Жаҳон банки 20 йиллик муддат
билин 25 миллион доллар миқдорда қарз беришга қа-
рор қилди. Бу маблағ билан банк ходимларини тайёр-
лаш; Марказий банк томонидан меъёрий-ҳуқуқий база-

ни назорат қилиш ва банк секторининг ахборот тизимиши қўллаб-қувватлаш учун сарфланади. | Худди, шунингдек, Европа тараққиёт ва тикланиш банки ҳам Узбекистондаги тўртта банк билан 67 миллион доллар ҳажмидаги савдони молиялаштиришга кўмаклашиш бўйича шартнома имзолади.

Ана шу хulosалардан келиб, ғиқтисодий ислоҳотларни иккинчи босқичини устувор йўналишлари белгиланиб олинди. Бу белгиланган устувор вазифалар қўйидагилардир: давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш; мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш ва кўп укладли иқтисодиётни рағбатлантиришни чуқурлаштириш; хусусийлаштириш механизмини, янада такомиллаштириш муаммолари ечимларини топиш — бу биринчи устувор вазифа ҳисобланади. |

Хусусийлаштиришни жадаллаштиришдан асосий мақсад мулкни чинакам мулкдорлар қўлига топшириш ва уларнинг мулкка эгалик тўйғусини шакллантиришdir.

Хусусийлаштириш жараёнида тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, хусусий кичик корхоналарни рағбатлантириш эвазига ишлаб чиқаришни пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга эришишdir.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш асосида корхоналарни акциядорлик жамиятларига айлантириш масаласида 1999 йил ҳал қилувчи босқич ҳисобланади.

1999 йилда жами 565 та объектни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўзда тутилган. Жорий йилда хусусийлаштириш эвазига 26,4 миллиард сўм, жумладан фоиз бозорида сотиладиган акциялардан 18,7 миллиард сўм маблағ олишни мўлжалланди.

Хусусийлаштиришнинг умумий дастурида чет эл инвесторлари ҳам иштирок этишлари кўзда тутилди. Айни пайтда чет эллик ҳамкорларга 15 та корхонанинг акция пакентларини сотиш назарда тутилди. Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси, «Навоий азот», «Аммофос» ишлаб-чиқариш бирлашмалари, Андижон биокимё заводи, Самарқанд кимё заводи, Тошкент аэропорти, Қизилқум фосфорит комбинати шулар жумласидандир. Бундан ташқари чет эл инвесторлари учун биржа ва нобиржа савдосига 23 та корхонанинг акцияларини қўймоқдамиз. 39 та корхона ва объектларни

Эса умуман хорижий инвесторларга сотиш мүлжалланмоқда.

Хуллас хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш орқали мулкнинг шаклини ўзгартириш, бозор инфраструктурасини мамлакатимизда қарор топишини тезлаштиришни кўзда тутмоқдамиш.

Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш — иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги даврдаги стратегияси ва энг муҳим устувор вазифаси деб ҳисобланади.

Барқарорлаштириш сиёсати — энг аввало, бу макроиқтисодиётга мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир¹¹.

Макроиқтисодиётдаги мувозанатни сақлаш учун истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлабчиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириш, энг муҳим бўғинларни аниқлаш ва изчил сиёсат ўтказиш белгиланди. Жумладан, нефть — нефть мустақиллиги, энергетика — энергетика мустақиллиги, дон — галла мустақиллиги, паҳтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказолар. Ишлаб чиқаришни бундай тармоқларини таркибан қайт қуришга катта эътибор қаратилмоқда.

Президент иқтисодиёт қонуниятларини чуқур таҳлил қилиб, макроиқтисодиётда барқарорлаштириш жараёнида монетар сиёсатни асосий тармоқларини ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини кўрсатди. Президент таъкидлашича, монетаризм ҳеч қачон ишлаб чиқаришни тангликтан олиб чиқаришга қодир бўлмаган сиёсатдир.

Шунинг учун ҳам энг асосий аниқлаб олинган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бош стратегик йўлни белгилаб олиш асосида макроиқтисодий сиёсатни йўлга кўйиш зарурлиги кўрсатилди.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонларини Президент Ислом Каримов қўйидагилардан иборат бўлишинни кўрсатди:

— «агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига күмаклашиш. Ишлаб чиқаришни құллаб-құвватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш әвазига иқтисодиёті ичдан ривожлантимасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боялаш мүмкін әмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий ақволининг барқарорлигини мүмкін бўлган доирада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиш жараёнларини тұхтатиб қолиш, пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўриш йўли билангина миллий валютани мустаҳкамлашга эришиш, узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ички бозорини жонлантириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини сақлаш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Узбекистоннинг ташки иқтисодий муносабатларида тутган ўрнини мустаҳкамлаш. Шунингдек, чет эл қаттиқ валютасига нисбатан «сўм»ни айирбошлиш курсининг барқарорлигини сақлаш;

— ижтимоий ақволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёsat мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мүмкін қадар тутиб туриш ва яхшилаш»^{12]}.

Албатта, бу мезонларни ижобий натижалар бериши учун молия сиёsatини қатъий тартибга солиш ва бюджет интизомига риоя қилиш — барқарорлаштиришнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланиб, бюджет камомадининг ортиб кетишига йўл қўймаслик, чора-тадбирларини кўрилиши иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва макроиқтисодий ривожланиши учун муҳим тадбирлар бўлиши мүмкін, деб ҳисобланди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ва ундан кейинги даврларда ҳам солиқ сиёsatини тўғри амалга оширилиши энг муҳим бошқарувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг муҳим таянч нукталаридан бири сифатида мамлакатда солиқ тизимини ўзига хос вазифаси (хазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантирувчи базифасини тўлиқ даражада боришини таъминловчи тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш вазифаси белгиланди.

«Солиқ тизими аниқ мақсадға қаратылған молиявий сиёсат билан биргаликда, ялпи миллий маҳсулотларнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиёт тузилишини ўзгартиришда, ахолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади.

Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, түпланган молмұлдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишидир»¹³.

Ислоҳотларни иккинчи босқичи давомида солиқ тизимини тамомила қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш вазифаси кўйилди. 1999 йилга қадар солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш ва уни ҳуқуқий асосларини яратишда катта амалий ишлар бажарилди.

Солиқлар тизими қонуни қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этилди. Бу ўз навбатида қисқа вақт ичиде макроиқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожланиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шундай бир устувор йўналиш миллий валютанинг қадрини оширишдир. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш макроиқтисодиётни ривожланишига кенг йўл очилиши бевосита кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларни тартибга солишни ҳам тақозо этади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг иккипчи босқичида миллий валютамизни қадрини оширишга алоҳида эътибор берилди.

«Пул-кредит сиёсати соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад пулнинг қадрсизланишини изчиллик билан камайтириш, ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги учун шарт-шароит яратиш йўли билан кризисни бартараф этиш ва миллий иқтисодиётни соғломлаштириш учун зарур замони яратишдан иборатdir»¹⁴.

Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун уни қадрини оширишнинг энг муҳим омиллари ва воситаларини Президент Ислом Каримов кўрсатиб берар экан, энг биринчи навбатда валютамизни товар билан барқарор таъминланиши, мамлакат бозорларини мумкин қадар истеъмол моллари билан тўлдирилиши зарурлигини ҳамда юқори даражадаги сифатли ҳалқ молларини ишлаб чиқаришга, замонавий истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни дадилроқ ташкил қилиш, ахоли талабларининг, бозордаги талаб ва таклифининг ўзгаришини тез пайқаб олади-

тган кичик корхоналар фаолияти учун кенг имкониятлар очиб берилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги.

Иккинчидан, мамлакатни экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустаҳкам мавқеимизга эга бўлиш, экспорт учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтириш зарурлиги кўрсатилди.

«Биз,— деди Президент,— корхоналар жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришини кенг кўламда авж олдирилишлари учун рақобатлантирувчи омилларни вужудга келтиришимиз зарур. Улар жаҳон бозорларига ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот билан тезроқ чиқишлари, барқарор валюта ишлаб топишни ўрганишлари, республика хазинасини тўлдиришлари керак. Бу эса уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоаси ва бутун халқ олдидаги муқаддас буричидир»¹⁵.

Учинчидан, ҳар бир корхона, ҳар бир фуқаро ишлаб топган сўмини қадрлаши, миллий валютани ҳурмат қилиши ва фахрланиши, уни эҳтиёт қила билиши керак. Ҳамма жойда, ҳамма соҳада сўмни тежаб-тергаб сарфлашга одатланишимиз миллий сўмни қадрини оширишга хизмат қилишга керак.

Туртинчидан, миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти — инфляцияга қарши бақувват, пухта сиёsat ўтказиш, товар ва пул миқдорини тегишли даражада олиб борилишини таъминлаш, аҳолини пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш.

Ана шу белгиланган тўртта дастурнинг амалга оширилиши миллий валютамизни мустаҳкамланишига хизмат қилиши керак, деб ҳисобланди.

Кейинги йилларда юкорида таъкидланган чора-тадбирларни ҳаётга тадбиқ этилиши асосида сезиларли даражада иқтисодий силжишлар рўй бермоқда. Четга чиқарилаётган маҳсулотлар сони кўпайиб бормоқда. Масалан, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқилаётган маҳсулотларни сотиш ҳажмларини кўпайтиришга берадиган аниқ маркетинг дастури ишлаб чиқилган. Агар 1996 йилда атита 90 тонна нитрон толаси сотилган бўлса, 1997 йилга келиб, бу кўрсаткич 3,4 минг тоннага, 1998 йили 5,7 тоннага етган. Натижада нитронни сотишдан тушадиган маблағ 1996 йилда

108 минг АҚШ долларини ташкил бўлса, 1998 йилга келиб, бу кўрсаткич 6,1 миллион АҚШ долларига етди. Ёки «Шахрисабз консерва» ҳиссадорлик жамиятида хорижга сотиладиган помидор пасталарини чиройли идиша қадоклаб берадиган линия ўрнатилдики, бу мазкур маҳсулотга талаб ошиб, импорт ҳажмининг кўпайишига олиб келди. 1997 йилда корхона экспортга 463 минг долларлик маҳсулот чиқарган бўлса, 1998 йилда экспорт ҳажми 2,4 миллион долларга етди ёки 5 баробар кўпайди¹⁶.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўриниб турибдики, Узбекистон мустақил суверен давлат сифатида ўз макроқтисодиётини ривожлантириши асосида жаҳон бозорларида рақобат-бардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти кенг мамлакатдир.

Яна бир устувор йўналиш иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан ўзгариш дастурининг бажарилишини таъминлаш, корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, рақобат-бардош ишлаб чиқарим тизимларини бунёд этиш ўта муҳим масала сифатида қараш зарурлиги давр тақозосидир.

Иқтисодий ислохотларнинг тақдирни мамлакатимиз келажаги жаҳон хўжалик алоқалари тизимидан, Узбекистонни ўз ўрнига эга бўлиши айнан мана шу масала билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу йўналишга катта эътибор билан қараш ва уни ривожлантиришдан давлат ҳам, жамият ҳам манфаатдордирлар. >

«Чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ва энг аввало, Жаҳон банки Халқаро молия корпорацияси, Европа тараққиёти ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёти банкига ўхшаган халқаро молия тизимлари лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Шу кунга қадар ҳажми 10 миллиард доллар бўлган чет эл сармоялари иштирокидаги 200 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Биргина 1999 йилнинг ўзитда 2 миллиард доллар ҳажмида чет эл сармояларини ўзлаштиришимиз керак. Бу ўтган йилга нисбатан 1,5 баробар кўпидир»¹⁷.

Чет эл инвестициясини ўзлаштириш ва ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш асосида макроқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожланишини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатидаги муҳим стакчи йўналиш ҳисобланади.

Мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз аксини топаётган иқтисодий сиёсатнинг пировард натижасиз демократик ўзгаришлар қилиш, кучли суверен хуқуқий давлатни барпо этишдан иборатdir. Шунинг учун ҳам ислоҳотларни иккинчи босқичида кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш асосий мақсад ва вазифа сифатида устуворликка эга бўлмоқда.

Ислоҳотларни марказида инсон шахси ва унинг манфаатлари туради. Ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъодини намоён этишга, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар айни мана шу олий мақсадга эришишга — ҳар бир кишини ҳаётини яхшироқ, муносаброқ, маънавий бой қилишга қаратилган.

«Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак. Биз ўз сиёсатимизни шунга мослаб кўрамиз ва уни изчиллик билан рўёбга чиқарамиз»¹⁸.

Биз яратайтган давлат демократик тамоиллар билан чегараланмай, балки адолатпарвар демократик давлатдир. Адолатпарварлик гояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак.

«Жамиятни ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Шу боис ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ижтимоий кўмаклашув тизими такомиллаштирилиши, ахолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантириш йўли давом этади»¹⁹.

«Ислоҳотимизнинг муҳим жиҳатларидан бири — ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун деган тамоилини — принципини рўёбга чиқаришдир»²⁰.]

Шунинг учун ҳам ахолини ижтимоий ҳимоясиний 1999 йилнинг биринчи энг муҳим устувор вазифаси деб белгиланади. Бу бежиз эмас. Чунки биз яшаётган, тақомиллашиб бораётган жамиятимизни моҳияти ва табиати бу инсон манфаатларига ҳар жиҳатдан хизмат қилишига қаратилган. Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб борган сари халқнинг социал тур-

мушини яхшилашга иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ҳам кўпайиб бораверади.

«Ижтимоий ҳимоя ҳақида гапирап эканмиз, биз, аввало иқтисодиётимиз барча бўғинларининг изчил ва барқарор ривожини таъминланишини, аҳолининг даромади кам табақаларини, мұхтож оиласларни қўллаб-қувватлашга, жойларда, биринчи навбатда, қишлоқларда янги иш ўринлари яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмунини назарда тутамиз. Одамларимиз ҳаётининг моддий базасини мустаҳкамлашни назарда тутамиз»²¹.

Ижтимоий ҳимоялаш деганда, аҳолини ишга яроқли қатламини хусусий тадбиркорликка тортиш, иш билар-монлигни ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама, шарт-шароитларни яратиб бериш орқали оиласлар фаровонлигини, турмуш даражасини опириш кўзда тутилади. ¶

Аҳолини ижтимоий ҳимояси учун умуман ижтимоий соҳага ажратилаётган молиявий маблағ йилдан-йилга ортиб бормоқда. «1999 йилнинг ўзида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасини молиялашга 283 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилмоқда. Бу умумий харажатларимизнинг 47 фоизини ташкил этиб, 1998 йилга қараганди 37 фоиз кўпdir.

Табиийки, аҳоли фаровонлигини ва барқарорлигини мустаҳкамлаш деганда, мақсадларга етишмоғимиз учун, нафақат иқтисодий соҳани ривожлантириш, аввалимбор, инсоннинг сиёсий ва маънавий ҳаётини ислоҳ этишини янада чуқурлаштириш, унинг эркинлиги ва танлаш ҳуқуқини таъминлаш ва мавжуд имкониятларни рӯёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқалигина эришмоғимиз мумкин»²². ¶

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида, айниқса 1999 йилнинг мұхим вазифаси сифатида қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг моҳияти ва учта мазмуннода ягона вазифа мужас-самланганлиги кўрсатиб берди:

— деҳқон ер ва мулкка, жамоа даромадининг мұайян қисмига әталик ҳуқуқини берувчи мулкий пайни жорий этиш;

— жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)га айлантириш;

— оиласиб пудратни жорий этиш»²³.

Бундан келиб чиқадиган мақсад, қишлоқ аҳолисининг ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлигини ошириш, дехқон оиласини фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бўлиб, айни пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларни самарадорлигини ва сифатини оширишга таъсир кўрсатиш назарда тутилади.]

Иқтисодий ислоҳотларни иккинчи ва ундан кейинги босқичларда меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолини иш билан оқилона бандорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни, асосий ва муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси ва барча даражадаги ҳокимлар олдига ушбу масалани ҳал этиб борилиш кераклигини вазифа қилиб қўяр экан, қишлоқка эътиборни алоҳида берини зарурлигини кўрсатиб шундай деди.

Вазирлар Маҳкамаси барча даражадаги ҳокимлар билан биргаликда 2000—2005 йилларда аевало қишлоқ жойларда, ислоҳотлар давомида қишлоқ хўжалигида бушаб қолаётган, ортиқча ишчи кучларини жалб этишини хисобга олган ҳолда молиявий манбалар билан мустаҳкамланган янги иш жойларини барпо этиш дастурини ишлаб чиқиши лозим.

Ижтимоий инфратузилмани, аввало, қишлоқ жойларида янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан кабул қилинган Давлат дастуруни бажариш лозим. Яқин бешетти йил ичидаги мамлакатнинг барча аҳоли пунктлари сифатли ичимлик суви билан таъминланиши зарур. 2005 йилига қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизга етказилиши керак. Бунинг учун 1999—2005 йилларида қишлоқ жойларида 30 минг километрга яқин газ тармоқларини, 18 минг километр сув қувури тармоқларини ишга тушириш лозим.

«Халқ фаровонлиги барқарор, муттасил оширишни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни устувор йўналиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислоҳотлар факат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг фаровонлиги учун амалга оширилади, деган асосий коидаларимизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз»²⁴.

Ўзбекистон Республикаси мустақия давлат сифатида ўз иқтисодиётини юритганлигига салкам тўқиз йил 212

бўлган бўлса, шу давр ичидагатта ва улкан ўзгаришларни амалга ошириди. Ютуқлар ва камчиликларни сарҳисоб қилиб белгиланган йўлдан чиқмаган ҳолда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ўтказиш ўта мухим аҳамиятга эга эканлигини ёътироф этди.

Реформатор Президент Ислом Каримов 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган Биринчи чақириқ Узбекистон Республикасининг Олий мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъruzасида ана шу таркибий ўзгаришларни олтида мухим йўналишларни кўрсатиб берди. Бу йўналишлар:

БИРИНЧИСИ, таркибий ўзгаришларни барпо этиш сиёсатида аввалгилик қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади. Бу соҳа улкан имкониятларга эга бўлиб, аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигига меҳнат қиласди. Шу жиҳатдан қараганда, қишлоқ хўжалик тармоғини янги техника билан жиҳозлаш, дехқон меҳнати ва умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, ҳамда у билан боғлиқ бошқа соҳаларни такомиллаштириш ва бевосита иқтисодий самарани ошириш масалалари фоят мухим ижтимоий аҳамиятга ҳам моликдир.

ИККИНЧИДАН, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари — нефть, газ, энергетика, олтин қазиб олиш ва кимё саноатини, қора ва рангли металлургия қурилиш материаллари саноатини қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш, ҳамда ана шу асосда мамлакатнинг бой табиий-ва минерал — хом ашё ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш.

УЧИНЧИДАН, енгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, ипак йигириш соҳаларини ва бопқа тармоқларини замонавийлаштириш, тугалланган технологик жараённи таъминловчи ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

ТЎРТИНЧИДАН, замонавий, юксак самарали қишлоқ хўжалиги техникиси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар чиқариш бўйича мавжуд корхоналарни техник қайта жиҳозланш ва хорижий сармоялар иштирокида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш.

БЕШИНЧИДАН, мамлакатимизнинг бой илмий-техникавий салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, юксак технология ва фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқариш соҳалари — автомобилсозлик, самолётсозлик, микробиология электротехника ва электроника саноат-

ларини, телекоммуникация ва замонавий ахборот технология воситаларини тез суратларда ривожлантириш.

ОЛТИНЧИ, тўлақонли ва уйғунлашган саноат сиёсатини юритиш, экспортга йўналтирилган, ҳамда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини кенг ривожлантириши таъминлаш²⁵.

Иқтисодидта таркибий ўзгаришларнинг мана шу олти йўналишида ўтган йиллар давомида анча ишлар амалга оширилиб, яхши натижаларга эришилган эди. Лекин у натижалар Республика миқёсида у қадар оммалаштирилган эмас эди. Баъзи йўналишларда эса, ўтган йиллар давомида моддий замин ҳозирланди. Масалан: қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлаш мақсадида эски машинасозлик заводларини янги — технология билан таъмирлаш ишларини, амалга ошириб қишлоқ хўжалик машиналарини янги туркумларини ишлаб чиқариш арафасидадир. Албатта янги қишлоқ хўжалик техникалари ўзининг арzonлиги сифат ва самарадорлиги билан ва бошқа қатор технологик жараёнлари билан афзалликга эгадир.

Самолётсозлик, автомобилсозлик, электроника, телекоммуникация ва замонавий ахборот технологияси воситалари соҳасида ҳам яхшигина ижобий ишлар амалга оширилиб, Республикамиз бу соҳаларда ҳам минтақада етакчилик қўймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида мамлакатимиз ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал этиш борасида, барча ички ва ташқи имкониятларни ишга солмоқда. Бозор инфраструктурасини қарор топтиришда ташаббускорлик кўрсатаётган корхоналар, ташкилотлар ва жамоалар, алоҳида шахсларнинг фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда, давлат томонидан қўллаб-кувватланмоқда.

11-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ

¹ Каримов И. А. «Узбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т., «Узбекистон», 1993 йил. 67—68-бетлар.

² Узбекистон Республикасининг Конституцияси. 53 — модда. Т., «Узбекистон», 1992 йил. 18—19-бетлар.

- ³ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 43-бет.
- ⁴ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 47-бет.
- ⁵ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Т., «Узбекистон», 1995 йил. 49—50-бетлар.
- ⁶ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 52—53-бетлар.
- ⁷ Салимов О. У. (таҳрири остида). «Узбекистон: 5 йил демократия ва бозор ислоҳотлари йўлида». Университет, 1996 йил. 113-бет.
- ⁸ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 57—58-бетлар.
- ⁹ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 173—174-бетлар.
- ¹⁰ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 197-бетлар.
- ¹¹ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 202—203-бетлар.
- ¹² Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 205-бет.
- ¹³ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 215-бет.
- ¹⁴ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 222-бет.
- ¹⁵ Каримов И. А. «Келажакни жасоратли одамлар кўради». «Халқ сўзи», 1999 йил, 17 февраль.
- ¹⁶ Каримов И. А. «Келажакни жасоратли одамлар кўради». «Халқ сўзи», 1999 йил, 17 февраль.
- ¹⁷ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 250-бет.
- ¹⁸ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 250—251-бетлар.
- ¹⁹ Каримов И. А. «Келажакни жасоратли одамлар кўради». «Халқ сўзи», 1999 йил, 17 февраль.
- ²⁰ Каримов И. А. «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Узбекистон», 1995 йил. 250-бет.
- ²¹ Каримов И. А. «Келажакни жасоратли одамлар кўради». «Халқ сўзи», 1999 йил, 17 февраль.
- ²² Каримов И. А. «Келажакни жасоратли одамлар кўради». «Халқ сўзи», 1999 йил, 17 февраль.

12-мазу

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУХИМ ОМИЛИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА УНИНГ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДАГИ ЎРНИ

РЕЖА:

1. Мафкура — жамият маънавий ҳаётининг бош мезони. Мафкура — муайян фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлар, ғоялар тизимири.

2. Миллий истиқлол мафкурасининг яратилишида маънавий мероснинг аҳамияти. Маънавият, маърифат, миллий ғоя ва мафкуранинг ўзаро боғлиқлиги.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида миллий истиқлол мафкураси ва жамият маънавий юксалишининг зарурнияти.

Мафкура — муайян қарашлар, яъни фалсафий, сиёсий, социал иқтисодий, ҳуқуқий ахлоқий, эстетик, диний қарашлар ва ғоялар тизимири. Мафкура ижтимоий ҳаёт структурасидан жой олган устқуртманинг бир қисми бўлиб, базис ва устқуртманинг мутаносиблигини таъминлаб турувчи механизмдир. Мафкура ҳар қандай ижтимоий борлиқ, ижтимоий жамиятнинг инъиқосидир.

Мафкура ижтимоий борлиқ заминида вужудга келиб, нисбатан мустақилликка эга бўлади, ижтимоий борлиқ тараққиёти даражасидан өрқада қолиши ёки ундан ўзиб кетиши мумкин. Ҳар қандай миллий мафкура ўзидан олдинги илғор қарашлар системасига асосланади ва энг оҳирги илғор ғоялар билан органик қўшилган ҳолда вужудга келади.

Мафкура ижтимоий борлиқ ва тараққиёт даражасидан олдинда юрсагина, у илғор мафкурага айланади ва аниқ мақсадлар, орзу-умидлар сари ижтимоий кучларни сафарбар қиласди, уюштиради, жамият тараққиётини тезлаштиради. Мафкуранинг таъсир даражаси ижтимоий жамиятнинг характеристи хусусиятлари ва қонуниятларига олдига қўйган мақсадига, ҳаракатга келтирувчи кучларига, мазкур мафкуранинг амалга оширувчи тизимларнинг, ташкилотларнинг, гуруҳларнинг хоҳиш-

истакларига боғлиқ бўлиб, айни пайтда мафкуранинг объекти бўлмиш фуқароларга ҳам боғлиқ бўлади. Ҳар кандай илғор мафкура жамият тараққиётидан қанчалик илгарилаб кетмасин, у ишончли ва таъсирчан бўлиши учун, қайсиdir даражада амалиётда ҳам ўз исботини топмоғи зарур. Ушандагина илғор ғоя ва мафкура амалий хаётда яхлит умумийликни вужудга келтириб, мафкура фуқароларнинг ишончига, эътиқодига айланаборади.

Бундай мафкура ижтимоий характердаги тараққиётни амалга оширадиган кишилар томонидан ўзлаштирилгандагина тарих ривожига таъсир кўрсата олувчи кучга айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам философия илғор-прогрессив мафкуруни омма томонидан ўзлаштириб олингандан кейин, омманинг онгига сингиб борганидан кейингина зўр моддий кучга айланади, деб таълим беради. Мафкуранинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири шундаки, у иқтисодий тузумни базисни тўғридан-тўғри акс эттириши билан чегараланиб қолмасдан, сиёсий бошқариш системасининг фаолиятини ҳам акс эттиради. Мафкуранинг бошқа бир хусусияти, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Ана шуларни ҳаммаси ўртасида узвий мантиқий боғлиқлик ва алоқадорлик мавжуд бўлиб, мутаносиблиги таъминлансангина жамиятни улкан маъсуллиятли вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этувчи мафкурага айланади.

Биз буюк келажакка, олий мақсадларимизга фақат маънавият ва маърифат орқали боришимиз тобора равшан бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам маънавият ва маърифат масаласи қураётган янги демократик одил фуқаролик дунёвий жамиятнинг энг асосий долзарб вазифаларидан бири сифатида қўйилмоқда. Чунки маънавият ва маърифатнинг жамият тараққиёти ва ылаҳс камолотидаги роли аҳамияти иқтисодий ва сиёсий омиллардан ҳеч ҳам кам эмас. Буни реал воқеликларнинг ўзи, мустақиллигимизнинг тарихий тажрибаси аниқ кўрсатиб, амалда исботлаб турибди.

Президентимиз Ислом Каримов барча асарларида, Республика Олий Кенгашининг сессияларида сўзлаган нутқларида, ёзувчилар, журналистлар, тарихчилар билан учрашувларида, вилоят ҳалқ депутатлари сессияларида сўзлаган нутқларида маънавият ва маърифатнинг жамиятимиз тараққиётидаги буюк аҳамиятини такрор ва такрор қайд қилиб ўтмоқда.

Президентимиз асарларида ва рисолаларида маънавият ва маърифатнинг назарий ва амалий муаммолари, тўла таҳлил қилиниб, уларнинг ечимлари юзасидан илмий асосга эга бўлган янги фалсафий ғоялар, хулоса ва қоидалар шу қадар кўпки, улар моҳиятини тўла ёритиш чуқур илмий таҳлил қилиб, фуқаролар онгига сингдириб бориш орқали келажакда буюк давлат эгаси бўладиган баркамол инсонларни тарбиялашимиз мумкинлигига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Олдимиизга олий мақсад қилиб қўйилган ҳуқуқий демократик одил фуқаролик жамиятни қуришдек улкан вазифани уddyalай олишимиз халқимизнинг маънавият ва маърифий баркамоллигига боғлиқдир. «Дунёнинг демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда, ахолининг билимдонлиги мухим аҳамият касб этмоқда.Faқат билимли, маърифатли жамиятдагина тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришни ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда.

...Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгйнинг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо, унинг энг кучли, ўзига хос хусусияти бўлиб келди.

«Бизнинг анъанавий қадриятларимиз ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда, янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон халқлари ҳамжамиятига қўшилишнинг гаровидир!», — деди Ислом Каримов.

Ҳуқуқий демократик одил фуқаролик жамияти — бу инсоният цивилизациясининг маҳсулидир. Шундай экан ҳақиқий маънодаги демократик жамиятни яратиш юксак даражадаги интеллектни талаб этади. Бу интеллект ўз-ўзидан пайдо бўлиб колмайди. Бунинг учун инсон камолотини белгилаб берувчи омилларни юзага келтириш, фуқароларнинг ижтимоий савиясига ижобий таъсир кўрсатувчи механизмларни, ричакларни яратиш керак. Чунки тоталитар системанинг мағкурасидан ха-лос бўлиш ва демократик жамият турмуш тарзи ва ҳаётий нормаларини ўзлаштириб олиш фуқаролик жамиятининг табиатига мослашиш, ўзига хос мураккаб жа-раён бўлиб, фуқароларнинг янги жамият қоидаларини

ўзлаштириб олишлари ва психологияк жиҳатдан мослашиб кета олишлари учун маълум тарихий даврни босиб ўтишга тӯғри келади. Бу жамият тараққиётининг қонуниятидир. Ижтимоий тараққиёт қонунларини бузиб ҳам, четлаб ўтиб ҳам бўлмайди, фақат қонуний жараёнларни тезроқ ривожланиш субъектига таъсир кўрсатиш мумкин холос.

Шунинг учун ҳам жамиятни янгилаш шароитининг ўтиш даври учун, маънавият ва маърифатларини долзарб мухим масала сифатида Президент томонидан илгари сурилиши ўзининг фалсафий, илмий моҳияти ва асосига эгадир.

Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг афзалликларини қадрлай олади,— деб айтилган жумлани тагида жуда катта мазмун ётади. Демократик жамиятнинг моҳиятига етмасдан туриб, жамият аъзоларининг ҳақиқий маданиятини, сиёсий билимини, ижтимоий савиясини юксалтиrmай туриб, демократик давлат қуриб бўлмайди. Демак, демократияга жамият аъзоларини тайёрлаш зарур. Ўтиш даврининг энг мухим вазифаларидан бири ҳам ана шундадир. Жамият аъзолари демократияга тайёр бўлмасалар, юксак ижтимоий савияга эга бўлмасалар, ҳар қандай энг прогрессив, демократик қонун ҳам ўз функциясини бажармай қўйиши мумкин.

Жамиятнинг бир босқичдан янги тараққиёт босқичига ўтиш даври учун хусусиятли бўлган, фуқароларнинг мөқайдлиги, янги жамиятга бўлган ишончсизлик, ҳаттоқи, ҳаётдан зерикиш ҳолатлари юзага келиши табиий ҳолатдир.

Чунки инсоннинг социал психологияси ўзига хос мураккаб ҳодиса бўлиб, бир социал психологик ҳолатдан, иккинчисига ўтиши учун, вақт таъсир этувчи восита-лар, ишонч, янгича қарашлар кўникмасини ҳосил қилиш зарур бўлади. Бунинг учун жамиятнинг илғор қатлами астойдил фаолият кўрсатиш зарур.

«Ўтиш даври учун табиий хусусиятлар ҳисобланмиш юқорида қайд этилган ҳолатларни биз четлаб ўтамиш деб бўлмайди. Чунки ҳаётни ўзи буни исботлади. Бугун биз бошимиздан мураккаб бир даврни — яъни ўтиш даврини кечираётган эканмиз, эски маъмурий буйруқбозлик, мансабдорларнинг чексиз ҳукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда бундай қусурларнинг юзага қалқиб чиқиши ҳам, табиий

бир ҳол, янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучими йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмаган, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва қабул қилаётгани ҳам салбий ҳолатларни кучайтироқда»².

Жамият таракқиёти учун катта тўсиқ бўлиб турган ҳар қандай иллатларни йўқотиб, соғлом муҳитни қарор топиши, ҳалқимизнинг маънавият ва маърифатга интилиб яшашлари учун нималар қилмоқ ва нималарга эътибор бермоғимиз керак? Бу саволга Президент Ислом Каримов шундай жавоб бердилар: «Ҳеч қачон кишилий жамиятида гоявий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимиздаги бегона турли хил мафкуравий тайзиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар»³.

Чунки мафкура илғор миллий ғоя инсоннинг руҳий озуқаси, ҳаётий таянчидир. Етук, давр талабига, истиқлол эктиёжларига мос келувчи мафкуруни яратиш, уни тўлиқ эгаллаш, фуқаролар эътиқодига, ишончига айлантириш миллат камолотини таъминлайди, фуқароликнинг ҳаётий фаоллигини оширади, жамият аъзоларининг, қонунларни ўзлаштиришлари ва ҳаётга тадбиқ этиш даражаларини юксалтиради.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий қоидаларни, илмий концепцияларни ҳаётга тадбиқ этиш самарадорлигини оширади.

Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади.

Маънавий мерос — ўтмишнинг ютуғи, келажакнинг маънавий озуқасидир.] Уни ҳар томонлама оқилона эгаллаш ва ривожлантириш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчидир. Мақсад маънавий меросни эгаллаш билан чекланмайди, балки уни чуқур эгаллаб, яна янги юксак босқичга кўтариш, замон ва давр талабларига мослашдан иборатдир.

Замон ва давр талабига мослаш деганимизда маънавий ҳаётнинг таркибий қисми бўлмиш мафкуруни назарда тутамиз. Чунки мафкура ва маънавият ажрал-

мас умумийликка эга бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради] биргаликда ривожланади ва жамиятнинг маънавий озуқага бўлган истеъмолини қондирали. Маънавият ҳар бир даврнинг миллат ва мамлакат муаммолари ни, мақсад ва режаларини, орзу умидларини амалга ошириш йўллари ва усулларини ўзида акс эттира, мафкура ана шу орзу-умидлар, мақсад ва режаларни амалда рўёбга чиқишида муаммоларни ҳал этишда асосий ричаг, маховик ролини ўйнайди.

Мафкурани ўзида сингдира олмаган маънавий ҳаёт жозибасиз, ҳаракатсиз, таъсирчанлиги йўқ бўшлиққа ўхшаб қолади.]

Шунинг учун ҳам қонунларни ишлашида иқтисодиётнинг ривожланишида, сиёsatни омилкорлигида, фуқароларнинг фаоллашувида мафкура ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ижтимоий ҳаётда катта роль ўйнайди.

Хозирги кунда маънавият ва мафкура масаласи ~~и~~ сатакиллики мустаҳкамлаш ва олдимиизга қўйган узкан, улугвор вазифаларимиз, мақсадларимизни муваффакиятли улдалай олишимизда йўлимизни ёритиш билан боғлик бўлган масаладир.

Шу ерда бир масалага тўхталиб ўтишимиз ўринлидир. Яъни гап биз яратаетдан жамиятда бирон бир партиянинг ёки гурӯҳнинг мафкурасини якка ҳукмронлик қилиши ҳақида бораётган йўқ. Умумдавлат ва халқ манфаати учун хизмат қилиши керак бўлган кўп қиррали мафкура ва маънавият ҳақида бормоқда. Албатта, биз қураётган янги жамият, мафкуралар хилма-хиллигига кенг йўл берилишига асосланган, лекин ҳар қандай альтернатив мафкуранинг охирги мақсади бир умумийликка, яъни давлат ва халқ манфаатига хизмат қилишга йўналтирилган мафкура ҳақида бормоқда. Охир оқибат бир мақсадга йўналтирилган, мафкуралар хилма-хиллиги бўлишига қарамай, таъсирчан келажакка умидбахш этувчи мафкура ва маънавият фуқароларнинг ишонч ва зътиқодини кучайтиради, фуқароларнинг ҳаётий активлигини оширади, лоқайдлик, беларволикни йўқотади, жамиятдаги мавжуд иллатларни илдизини қирқади ва жамиятни ҳар томонлама ривожланиб боришини таъминлайди. Ҳар бир инсонни ўз манфаати жамият манфаати билан бир бутун эквалигини тушуниб олишига ёрдам беради. Президент фармонлари ва қонунларни, қарорларни ҳаётийлигини таъминлайдиган кучга айланади.

Маънавият ва мафкурани ҳамоҳанглигини таъминловчи таянч нукта «Маънавият ва маърифат» марказлари бўлиши керак. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириши ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 1996 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида шундай дейилади:

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол толтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанимизга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимиз амалга ошираётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омиллариdir.

Одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Аммо ҳанузгача жойларда маънавиятнинг мөхиятини, унинг олға силжишимиз, фаровон жамиятга тезроқ етишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик холатлари мавжуд.

...Маънавият ва маърифат ишларига бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк, демократик, озод давлат қуришдек әзгу мақсадимиз рўёбга чиқиши учун мутлако зиддир.

Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисоблансин».

Ушбу фармонни эълон қилиниши муносабати билан маънавият ва мафкура масаласида анчагина ишлар амалга оширилди. Энг муҳими миллий истиқлол мафкурасини яратиш масаласида изланишлар олиб борилди. Маънавий меросимизни ўрганиш, таҳлил қилиш даврини бошимиздан кечирдик. «...биз етти-саккиз йиллик мустақиллик тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда ортирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютукларимизга таяниб айтиш мумкинки, энди инкор килиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди»⁴. Бунёдкорлик пайтини белгилаб берувчи энг муҳим омил бўлган, одамларнинг дунёқарашидаги, тафаккуридаги, руҳиятидаги ўзгаришлар ва мустақиллигимизга бўлган ишонч ва эътиқодни уйғота олдик. Буларсиз янги давлат миллий мафкурасини яратишга уриниш бефойда эканлигини яхши тушунган ҳолда

Президентимиз етакчилигига режали иш олиб борилди.

Мафкура масаласида бунёдкорлик иши нимадаň бошланиши керак деған саволга Президентимиз шундай жавоб беради:

«Дар қандай халқни, миллатни-миллат қиласын, унинг йўлини ва мақсадларини аниқ — равшан чароғон әтадиган мафкура — миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти — одамларни тафаккури, дунёқарашининг вокеликка нисбатан таъсирини инобатга олишидир. Шу маънода миллий ғоя, миллий онг туйғусининг моҳиятини тұғри англаш, уни тарбия қилиши, уни бугунги куннинг эңг зарур вазифаларидан бири сифатида әътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориши, фикр алмашиш, очиқ-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун наф келтиради»⁵⁾.)

Президент илгари сураётган бу фикрга кура миллий мафкура ва миллий ғоя қайсиdir партия ёки гурухлар томонидан ишлаб чиқилиб, у халққа мажбуран сингдирилиши ва кимларнингdir манфаатлари учун хизмат қилиши керак эмас, балки миллий ғоя ва мафкура халқчыл бўлиши, халқ, миллат ва давлат манфаатларига хизмат қилиши, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзига сингдирган, демократик тамойилларни, замон ва давр талабларига тўлиқ жавоб беришга қодир бўлган даражада яратилиши зарурлигига ишора қилинган.

Алоатта, миллий мафкура ва миллий ғоя Президент Ислом Каримов айтганидек бирданига яратиладиган нарса эмас, бу мамлакатимизнинг ижтимоий фан олимлари ва барча зиёлилари, давлат арбоблари, етук партияларнинг етакчилари иштирокида тортишувлар, мунозаралар, илмий концепциялар асосида секинлик билан қарор топиб борадиган ҳодисадир.

Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов бу масалада «Туркистан» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида миллий мафкура ва ғоя масаласида умумий йўналишлар бериб, ўзининг илмий концепциясини илгари сўради:

«Шахсан менинг бу борадаги қарашларим қўйида-гича: мадомики, биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маъ-

навиятини камол топтириш, бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур»⁶.

Тоталитар тузум тафаккури сарқитларидан халқимизни батамом халос этиш борасида ишларимизни давом эттиришимиз ва янгича тафаккурни, онгни шакллантиришимиз, таъсир кўрсатувчи омилларни янада кучайтиришимиз зарурким, токи инсонлар фикрлашда қўрқув нималигини билмасинлар. Эркин фикр эгасини қатагон қилиш тарихда қолиб кетганлигини, ҳозир озод мустақил давлат фуқароси эканлигини онгли ҳис этсинлар. Шундагина етакчимиз айтганидек, шахс маънавиятини камол топтиришда руҳий имконият одамларда пайдо бўлади. Бу фикрлар ҳуқуқий тафаккурларга, ўтмиш хотираларга ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов яна бир мухим вазифани илгари сўради:

«Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятини маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-хуқуқларини яхши тапибдиган, бокимандликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ордеб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир».

Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятини умидбахни куртакларини кўргандек бўламан ва уларнинг келажагига катта ишонч ва завқ билан қарайман»⁷. Бугунги 8-синф ўқувчиси ҳарфни лотин алифбосида ўрганди. Ватанимиз ўтмиш ва келажагини ўзида мазмунан мужассамлантирган Ватан мадҳиясини кушиқ қилиб куйласп ёшларимиз одатига айланиб бормокда. Мустақиллик рамзларини ёд олган ёшларда ватанпарварлик руҳияти, Ватанга ҳурмати, муҳаббати ошиб бораётганлигининг энг оддий намунаси сифатида шуларни айтса бўлади. Албатта бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Мустамлакачилик азоб-уқубатларини тортган кексаларимизнинг шукроналари, тилак ва истаклари, мустақилликни саклаб қолишини тилаб килган дуолари ҳақида ўйлар эканмиз, халқимиздаги дунёқарашда туб ўзгаришлар бўлаётганлигини, яшаш учун ҳалол меҳнати билан курашаётганлигини кўрамиз. Етакчимиз томонидан айтилган жумлалар ҳақиқатга айланадиганлигини кўрамиз. Чунки бу фикрлар реал ҳаётни таҳлил

қилиш ва келажакка катта ишонч билан қараш асосида айтилмоқда.

Президент миллий мафкура, миллий ғоя ва маънавиятни яхлит узвийлик, бирлиқда ривожланишига ишора қилиб, миллий ғоя ва маънавиятни ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқ йўналишларини кўрсатиб берар экан, шундай дейди:

«Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч — миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, ҳалқни, аввало ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўнікмалар билан тарбиялаш — маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим.

Амир Темур бобомизнинг таъбири билан айтганда, ҳалқимиз, миллатимизнинг дардларига дармоқ бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир»⁸. Миллий ғоя миллатни, ҳалқни бирлаштиришга хизмат қилмоғи, мустақилликни асраб-авайлашга қаратмоғи лозимлигини қайта-қайта тақорлар эканмиз, мафкуранинг ҳам асоси ўзаги сифатида мустақилликни келажатига ишонч билан қараш, ҳалқни буюк келажамизга ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи мафкуравий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилмоғи даркер.

Гулоса қилиб, айтганимизда миллий истиқлол мафкурасининг асосий мазмун ва моҳияти нималарга қаратилган?

— Ҳалқимизни тарихий бой маънавий меросларига ҳурмат билан қараш, авайлаб-асраб ривожлантириш, ҳалқимизни миллий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, динига мос ғоялар асосида одамлар онтига келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, маърифат, маънавият туйғуларини сингдириб бориш;

— Мустақиллик, миллий истиқлол мафкурасининг муҳим йўналиши сифатида миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик жаҳон ҳамжамияти орасидан ҳар темонлама муносиб ўрнини эгаллашга интилиш;

— Жаҳон ҳалқлари эътироф этган демократик таъмойилларга асосланган ҳолда демократик жараёнларни миллий хусусиятлар билан бойитиб, боришга интилиш, ҳуқуқ ва қонунларни ўрганиш, одамларни ҳуқу-

кий маданиятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни юзага келтириш ва фуқароларнинг қонунга итоат килиш, қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш;

— Мустақиллик мафкураси етук миллий онг, миллий бирдамлик туйгуси заминида шаклланган ватанпарварликни миллий гурурни ҳам ўз ичига олади;

— Бозор иқтисодиёти табиатидан келиб чиқиб боқимандалик кайфиятини фуқаролар онгидан сиқиб чиқариб ташлаш, ташаббускорлик, ҳаракатчанлик, меҳнатсеварлик, ўзи учун ва жамият манфаати учун ёниб яшайдиган ғояни сингдириш;

— Маънавий бой, жисмонан соғлом, ақлан теран, баркамол авлодни шакллантириш.

Миллий истиқлол мафкурасини энг муҳим йўналишини инсонпарварлик, эркинлик, миллий ифтиҳор, байналмилаллик, оиласпарварлик каби хусусиятлар ташкил этади.

Миллий истиқлол мафкураси ўз моҳияти ва мазмунига кўра мустақилликни мустаҳкамлаш асосида жамиятни ижтимоий-сиёсий иқтисодий, маънавий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш, барча имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда буюк келажак сари йўналтиришга қаратилгандир.]

Юқорида санаб ўтилган мафкуравий йўналишлар бу тўлиқ хулоса чиқариш деган гап эмас. Мафкура кенг маънодаги тушунча бўлиб, ижтимоий ҳаётни ҳамма жабҳаларини қамраб олиши керак.

12-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУЙХАТИ

¹ Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфисизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 150—151-бетлар.

² И. А. Каримов. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил, 14 ноябрь.

³ И. А. Каримов. «Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қўрмоқдамиз», «Туркистан» газетаси, 1999 йил, 5 февраль.

⁴ Каримов И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қўрмоқдамиз», «Туркистан» газетаси, 1999 йил, 5 февраль.

⁵ Каримов И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қўрмоқдамиз», «Туркистан» газетаси, 1999 йил, 5 февраль.

⁶ Каримов И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қўрмоқдамиз», «Туркистан» газетаси, 1999 йил, 5 февраль.

⁷ Каримов И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қўрмоқдамиз», «Туркистан» газетаси, 1999 йил, 5 февраль.

⁸ Каримов И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қўрмоқдамиз», «Туркистан» газетаси, 1999 йил, 5 февраль.

13-мавзу

ФАН ВА ИЛМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

РЕЖА:

1. Мустақиллик йилларида ижтимоий-гуманитар ва табиий фанларни янада ривожлантиришга булган эътиборнинг кучайиши.

2. Ўзбекистон фанлар академияси, илмий-тадқиқот институтлари фаолиятида янги йўналишлар, янги фан тармоқларини очилиши.

3. Мустақиллик йилларида фан тараққиётини устувор йўналишлари, вазифалари ва илмий ходимлар тайёрлаш масалалари.

Ўтмишданоқ ўзбек халқи илм-фан соҳасида жаҳон халқлари орасида ўзларининг муносиб ўрнига эга булиб келганлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «Муболагасиз айтиш мумкинки, фанимиз, ақл-заковат салоҳияти-мизнинг поёб ва гўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадимги замонлардан юксала бошлаганини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахрланиб айти оламиз. У асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун илсониятга табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликда ишончили хизмат қилиб келмоқда.

«Ўзоқ ўтмишдаёқ ўзбек халқининг илгор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади. Билимлар хазинасини очган буюк аждодларимизнинг номлари бутун дунёда машҳур. Булар буюк математик ва астрономлар Ал-Хоразмий, Фарғоний, Жавҳарий, Марвозий, Улуғбек; файласуф ва илоҳиётчи-ҳуқуқшунослар Фаробий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Марғилоний, Насафий; комусий олимлар Беруний, Ибн Сино; тилшунос-шоирлар Кошварий, Юсуф Ҳожиб, За-

махшарий, Алишер Навоий; тарихчилар Бобур Мирзо, Абулғозий, Баҳодирхон, Огаҳий ва бошқа кўпгина улуғ зотлардир»¹.

Фан ва илм соҳасида илдизи бақувват бўлган Узбекистон халқлари мустақиллик шарофати билан ана шу бақувват маънавий илдиздан яна озуқланиш шарафига мұяссар бўлар эканлар, ўтмиш авлодларимиздан маънавий мерос бўлиб қолган энг яхши анъанааларни ўзлаштириб, тарихий меросимизни чуқур ўрганиш асосида мамлакатимиз илм-фанини ҳозирги замон ва давр талаби даражасида юқори чўққиларга кўтариш учун меҳнат қилмоқдалар. Узбек халқининг илмий зиёлиларининг энг яхши фазилатларидан бири ҳамма вақт, илғор илмий тафаккурнинг олдинги мэрраларида бўлишга интилишдир. Миллий мустақиллик илм ва фан намояндаларимизни жаҳон фанининг олдинги сафида боришлиари учун ҳақиқий маънода катта имкониятлар очиб, кенг шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Шахсан Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг илм-фан зиёлиларига ҳар томонлама етакчилик ва ғамхўрлик қилиши илм ва фанимизни янги уфқлар сари ривожланиб бориши учун моддий ва маънавий асосларни яратмоқда.

Адолатли демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Узбекистон ҳозирги даврда илм-фан орқали ишлаб чиқаришга, халқ турмуши, маданияти, ахлоқи, дунёқарашига тобора кенг ва ҳар томонлама чуқур кириб бориш йўлидан бормоқда.

Узбекистон ўзини порлоқ келажагига фан-техника тараққиётисиз бора олмайди. Халқимизнинг бугунги ҳаёти, мустақиллик, миллий истиқлол тақдирни илмий техника тараққиётига, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этилиб, ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликка эришишга жуда кўп томонлама боғлиқдир. Юртбошимиз фан ва техника тараққиётининг омилларини, давлат арбоби, олим сифатида жуда яхши тушунган ҳолда, маънавият ва маърифатга катта эътибор билан қараб келмоқда. Чунки маънавиятсиз фанда илғор тараққиёт ва жамиятда прогресс бўлмайди.

«Умуман, мен фанни илғор, тараққий, прогресс деган ёзлар билан ёнма-ён қабул қиласман. Фанинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги қунимизниң йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб бе-

ришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзалигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий қонуният эканлигини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётининг олға силжитувчи кучи, воситаси бўлмоғи лозим»².¹

Фан ва илғор тараққиёт, прогресс сўзларини узвийлиги, мантиқий боғлиқлигини Президент фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликда кўради. Илгари ишлаб чиқариш соҳаси, яъни корхоналар билан илму фан, илмий тадқиқотлар ўртасида алоқадорлик деярли йўқ эди. Оқибатда илму фан билан ишлаб чиқариш ўртасида жуда катта узилиш, жарлик пайдо бўлиб, илму фаннинг тараққиёти ҳам, ишлаб чиқаришдаги прогресс ҳам бир хилда зарар кўрар эди. Бу ўз навбатида жамиятимизнинг умумий ривожланишига салбий таъсир кўрсатими қонунийдир.

Мустақиллик бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш зарурлигини тақозо этди. Ана шуни ҳисобга олган Президент 1994 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий йиғилишида фан ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш эса фанга юзланишини қатъий талаб қилди.

«Бугун академия институтларида, жумладан, техника фанлар соҳасида изланишлар олиб борадиган физика, химия, биология, геология, математика, механика ва бошқа институтларда жорий этилишини кутиб турган илмий ишларни танқидий кўз билан қараб чиқиш зарур. Уларнинг ҳаётга жорий этилмасдан қолиб кетишига давлатимиз иқтисодига зиён етказувчи заиф жойимиз, деб қарасакгина иш жойидан силжийди»³.¹

Юртбошимизнинг бу масалага катта аҳамият билан ёндошганлиги туфайли республика илм фани эскича мафкура қолдиқларидан халос бўлишига фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тикланишига олиб келди.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг илм-фан тараққиётига қўшган буюк хизматларини тан олиб ва юксак даражада баҳолаб Фанлар академияси аъзолигига қабул қилинганлиги мамлакатимиз илм-фанининг равнақи учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки Ислом Каримов Фанлар Академиясида тез-тез бўлиб, маърузалар қилиб республикамиз илм-фанининг ривожланишида йўл-йўриқлар кўрсатиб, бевосита ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Президент раҳнамолигида кўрсатаётган ғамхўрлик ва катта эътибор туфайли Республика Фанлар Академиясида кейинги йилларда мухим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Фанлар академиясининг янги низоми қабул қилинди. Бир неча истеъдодли ёш олимлар академик деган юксак унвонга сазовор бўлишди. Ҳақиқий аъзолар сони 80, мухбир аъзолари эса 86 нафарга етди. Марказдан четроқдаги вилоятларда ишлайдиган ходимларнинг, умидли ўшларнинг академия аъзолигига сайланиши, уларнинг адолат ва ҳақиқат барқарорлигига, ўзининг илмий келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлади⁴.

Табиий фанларни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш зарурлиги кўрсатилган бўлса, ижтимоий гуманитар фан вакиллари олдида турган улкан вазифалар ҳақида Президент алоҳида тўхвалиб, «Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллӣ давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришда улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг келажакларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас»⁵, дейди.

Шиддат билан ўсаётган халқ онги, тобора кенгайиб бораётган дунёқараши олис ўтмиш, бугун ва келажакка бўлган қизиқиши, ижтимоий гуманитар фанлар соҳасини тубдан ривожлантириш, уни фаолият даражасини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Ижтимоий гуманитар фан вакиллари зиммасига янги давр янги-янги масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Бу жамият тараққиёти қонуниятларини очиб беришдан тортиб, инсон тафаккурики, дунёқарашини ўзгартириш, маънавиятли ва маърифатли бўлиши ва яна қатор вазифаларни юклайди. Бунинг учун маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўпроқ чоп этиш, айниқса маданий мерос билан бирга янгиланадиган бугунги турмуш тарзини ва янтича тус олаётган жамиятимиз мазмун-моҳиятини теранроқ ёритиш, кенроқ ўрганиш мухимдир,— дейди юртбошимиз.

«Агар иқтисодий ўсиш тараққиёт—жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онг стуклиги, унинг рухи, акли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун окил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсон-

ларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир»⁶.

Биз яратмоқчи бўлган жамиятимиз демократик одил фуқаролик жамиятидир. Демократик жамият сўзи оддийгина эшитилгани билан ўта мураккабдир. Чунки демократик жамият қуриш фуқаролардан ўта юксак интеллектини, юқори даражада шаклланган сиёсий иқтисодий ҳуқуқий маданиятни талаб этадиган жамиятдир. Қонунларни билиш билан бирга чекланмасдан унга риоя эта билиш ҳиссиёти ва кўникмаси ҳам тарбияланган бўлиши шарт. Фуқаролик жамияти ҳам фуқаролардаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий савияни юксак бўлишилгини, ҳар бир фуқарони маънавий баркамол бўлиши, инсонийлик, инсонпарварлик ҳислатлари юқори даражада қарор топган бўлишини талаб этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, биз орзу қилган буюк келажак янги шаклланиб келаётган, ёш авлоднинг қай даражада тарбияланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Бежиз юртбошимиз ижтимоий-гуманитар фанларнинг олдига катта масъулиятли вазифаларни юклаши илм-фан ходимларига, янги авлодни тарбиялаб, вояга етказишларидек катта ишонч билдириши ҳамдир.

Жамиятимиз бозор муносабатлари сари борар экан, жамият аъзоларининг ҳар бири иқтисодий билимга эга бўлишилгини тақозо этади. Шунинг учун ҳам жамиятни социал-иқтисодий жиҳатдан бир текисда ривожланниб бориши учун иқтисодий билим, фан, илмий ва амалий жиҳатдан юқори ўринда туриши шарт. Иқтисодий фанлар соҳасида назарий ва амалий жиҳатдан қилинган ишларимизни кўлами жуда кенг. Иқтисодий соҳада Президент Ислом Каримов томонидан яратилган илмий концепциялар ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш усуллари масаласида гапирсак, бир неча ўн йилларга арзигулик ишлар бажарилди. Қисқа вакт ичида Ўзбекистон юртбошимиз етакчилигида иқтисодиётни ривожлантиришда ўз йўналиш ба йўлларимизни аниқлаб олдик. Бу катта ютуғимизни жаҳон жамоатчилиги юқори баҳоламоқдалар. Ўзбекистонни миллий модели сифатида тан олмоқдалар. Президентимиз айтганидек, бу билан кифояланиб қолмаслигимиз керак.

«Тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Бироқ бу тажрибаларга кўр-кўрон ёндошмасдан, ўзимизнинг миллий эҳтиёжларимиздан келиб чиқиб, энг мақбул шаклларини танлаб олишимиз даркор»⁷.

Юртбошимиз иқтисодий фан вакилларини олдига ҳам улкан вазифалар қўйилганлигини тъкидламоқда. Демакки иқтисодий илмда, иқтисодий йўналишлар ва йўриқлар ишлаб чиқиши янада такомиллаштириш, ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, ҳамда жамият аъзоларини иқтисодий савиясини ҳар томонлама ўстириш вазифаси юклатилмоқда.

Ўзбекистон илм ва фан соҳасида жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари билан илмий ҳамкорлик қилиш масаласида ҳам анчагина таҳсинга сазовор ишларни амалга ошириди.

АҚШ, Япония, Франция, Германия каби мамлакатларнинг илм-фан, техника соҳасидаги ютуқларини ўрганиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Техника университети базасида «Кофютис» Франция Ўзбекистон илмий маркази ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси космотология, экология, қишлоқ хўжалиги, геотехника соҳаларида илмий изланишлар олиб боришдан иборатdir. Хорижий мамлакатлардаги олий ўқув юртлари билан ҳар тарафлама илмий ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Санкт-Петербург давлат техника университети, Туркияning Ота турк ва Мармар университети, АҚШнинг Сан Диего университети, Германияning Гамбург университети, Францияning Сарбона университети билан фан ва техникани ривожлантириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Ўзбекистоннинг ҳамма университетлари, илмий текшириш институтлари Тошкент давлат техника университети каби ўз йўналишлари бўйича дунёнинг турли мамлакатлари илмий марказлари билан, обрўли университетлари билан илмий ҳамкорлик ўрнатгандар. Илмий амалий тажриба орттириш мақсадида кадрлар алмашишлари ҳам йўлга қўйилган.

Умуман илм-фан соҳасида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик марказлардан бири ҳисобланади. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган мөддий асосга, кенг илмий фондга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг илмий ютуқлари бутун дунёда эътироф этилган.

Республиканинг илмий-тадқиқот мажмуи академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ йўналишидаги 362 муассасани, шу жумладан, 101 илмий-тадқиқот институтини, олий ўқув юртларидағи 55 илмий-тадқиқот бўлинмаларини, 65 лойиха-конструкторлик ташкилотини, 32 ил-

мий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхоналарини, 30 ахборот-ҳисоблаш марказини ўз ичига олади. Илмий салоҳиятининг ўзаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясидир. У миңтақадаги етакчи илмий ва тажриба маркази бўлиб, ярим асрдан ортиқроқ тарихга эга. Унинг таркибида ташкил этилган ядро физикаси институти, «Физика — Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Биолог» ИИБ, Майданак тоғидаги баланд астрономия обсерваториялари мажмуни ва бир қатор бошқа марказлар муваффақиятли тадқиқотлар олиб бормоқда.

Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд бўлиб, шулардан 2,8 минги фан доктори ва тахминан 16,1 минги фан номзодлари дир. Биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси тузилди. Унинг вазифаси ёш илмий кадрлар тайёрлашдир. Айни вақтда фаннинг 20 тармоғи бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрланмоқда.

Республикамиз олимлари замонавий фаннинг кўпгина йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Республикада қуйидаги йўналишлар бўйича жаҳон даражасидаги илмий мактаблар яратилган бўлиб, уларда тадқиқотлар муваффақиятли олиб борилмоқда.

Математика, эҳтимоллар назарияси, табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси соҳасидаги тадқиқотлар.

Математика фанининг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дифференциал тенгламалар ва математик физика, функционал таҳлил соҳасидаги ютуқлари республикадан анча узоқда ҳам машҳурдир.

Республикада ўлканинг иклимшунослигини ўрганиш учун таянч астрономия тармоғи вужудга келтирилган. 1930 йилда қурилган Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглиқ станциясида ишлаётган ўзбек олимлари АҚШ, Италия, Япониянинг олим ва мутахассислари билан биргаликда ер юзасида унинг қутблари ҳаракатланишини ўрганиш соҳасидаги халқаро ишда фаол қатнашмоқдалар.

Саноат усулида ўзлаштириш учун яроқли минерал хом ашё заҳиралари ҳосил бўлишига олиб келадиган геологик жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган

тадқиқотлар, шунингдек тектоника, геофизика, сейсмология ва Ер түғрисидаги фаннинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган тадқиқотлар.

Республика геологларининг ер қобиқларини геологик-геофизик ва геокимёвий ўрганиш, рудаларнинг хосил бўлиши ва металлогенетикани, нефтнинг пайдо бўлишини ўрганиш соҳасидаги ишлари Ўзбекистонда қурратли минерал хом-ашё базасини вужудга келтиришга ёрдам беради. Геолог олимлар республика ҳудудидаги ва бутун Марказий Осиё миңтақасидаги кўпгина энг йирик фойдали қазилмалар конларини очиш, ўрганиш ва узлаштиришда бевосита қатнашдилар.

Маълумки, Ўзбекистон сейсмик жиҳатдан фаол зонада жойлашган бўлиб, табиий фалокатларнинг аччиқ оқибатларини бир неча бор бошидан кечирган. Шу сабабли олиб борилаётган тадқиқотларнинг етакчи йўналишларидан бири сейсмология бўйича назарий ва амалий ишлар ҳисобланди.

Ўзбекистон олимлари зилзилалар юз беришининг геологик сабабларини ва шарт-шароитларини ўргана-дилар, зилзиладан дарак берувчи белгиларни излашнинг гидрогеосейсмологик усулларини ишлаб чиқдилар. Бу зилзилаларни олдиндан айтиш имконини беради. Ҳудудини сейсмик жиҳатдан районлаштириш ишлари амалга оширилади ва сейсмик жиҳатдан фаол ҳудудлар харитаси тузилди.

Натижада республикада қурилаётган ишлаб чиқариш бинолари ва уй-жойларнинг зилзилага бардошлилигини таъминлаш имконияти туғилди. Ер ости иншотлари — коммуникация тармоқлари, метрополитен ва бошқаларнинг сейсмодинамик назарияси яратилди.

Молекуляр генетика, ген-хужайра инженерияси, биотехнология соҳасидаги тадқиқотлар. Булар қишлоқ хўжалигида, микробиология саноатида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фан-техника тараққиётини таъминлашнинг зарур асосидир.

Республикада органик ва иоорганик кимё, ўсимлик моддаларини кимёси, биология ва генетика биотехнологияларни яратиш соҳасида илмий мактаблар шаклланди ва ривожланди. Улар юқори самарали, экологик жиҳатдан тоза ўғитлар, кам заҳарли дефолиантларнинг янги турларини, янги дори препаратларнинг янги турларини, ўсишини тезлаштирадиган моддаларни ва уларни ҳимоя қилиш воситаларини яратишнинг назарий асослари ва ишлаб чиқариш технологияларини вужудга келтирдилар.

Ўзбек селекциячилари ғўзанинг юқори сифатли, ка-
салликларга чидамли янги навларини яратиш бўйича
тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Қейинги йилларда ғў-
занинг 30 дан ортиқ истиқболли навлари яратилди.

Моддаларнинг комплекс физикавий-
кимёвий хоссаларини ўрганиш билан
боғлиқ тадқиқотлар.

Мамлакатимизда ядро ва элементар зарралар физи-
каси, радиация физикаси ва материалшунослик бўйича
фундаментал тадқиқотлар айниқса кенг ривожланди.
Янги илмий йўналиш — релятивистик (нисбий) ядро
физикаси шаклланди. Бу йўналиш ядро энергетикаси ва
амалий ядро физикаси соҳасидаги тадқиқотларга наза-
рий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон хозирги вактда радиацион материалшу-
нослик ва гелиоматериалшунослик каби йўналишларда
бутун дунёда эътироф этилган устунликка эга. Республика
радиоактив изотоплар, шу жумладан фармацевти-
ка радиопрепаратлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам етак-
чи марказдир.

Ўзбекистонда юқори энергиялар физикаси соҳасида
илмий мактаб вужудга келди. Ана шу мактаб доира-
сида юқори даражада ўтга чидамли ўта соф материал-
лар олиш, жуда кам едириладиган, иссиққа, коррозия-
га чидамли ва қимматбаҳо конструкцион материаллар
ўрнини боса оладиган, юқори ҳароратга дош бера ола-
диган материаллар яратиш бўйича салмоқли илмий
ишланималар юзага келди.

Энергиянинг ноанъанавий турларини яратиш — қу-
ёш энергиясини комплекс ва самарали суратда бошқа
турдаги энергияга айлантириш, ҳамда ўзgartириш бо-
расида фаол иш олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатни
энергия билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда
катта аҳамият касб этади.

Бешинчи. Жаҳон ва мамлакатимиз тарихини Ўзбе-
кистоннинг маданий ва маънавий меросини, ўзбек ти-
ли, адабиёти ва фольклорларининг тарихий ва ҳозир-
ти ривожланишини ҳар томонлама тадқиқ қилиш.

«Республиканинг ақл-зақоват салоҳиятини ривожлан-
тиришга, ҳалқаро илмий-маданий алоқаларни кенгай-
тиришга жамиятшунос олимларимиз, биринчи наебат-
да тарихчилар, археологлар, этнографлар, тилшунослар
ва адабиётшунослар катта ҳисса қўшидилар. Ўзбек ҳал-
қининг этногенезини ўрганиш ва унинг холосона тарии-
хини қайта яратиш, анъаналари, турмуш тарзи ва ма-

даниятини ўрганиш билан боғлиқ ишлар жуда катта қизиқиш уйғотмоқда»⁸.

Ўзбекистон Республикаси катта илмий салоҳиятга ва потенциалга эга бўлган мамлакатdir. Мустақилликнинг мустаҳкамланишида ва мамлакатни хар томонлама ривожланиб, жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўзининг муносабиб ўрнини эгаллашида, демократик тамойилларни қарор топиб бозор иқтисодиёти муносабатларини энг маданий босқичлари га кўтарилиб боришида, илм-фан намоёндалари ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшадилар.

Ўзбекистон илм ва фанни, маданиятни энг ривожланган марказларидан бирига айланишига катта ишонч билан қараб, буюк келажак сари бораверади. Чунки Ўзбекистон илм-фан намоёндалари учун ҳамма шартшароитлар имкони бор даражада, ҳаттоқи ундан ортиқроқ даражада яратилиб берилмоқда.

Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Республикализнинг илм ва фан намоёндалари янги-янги кашфиётларни яратадилар, жаҳон илм, фан ва маданиятининг ривожига ўзларининг беназир ҳиссаларини қўшадилар. Ўзбекистон халқларининг янги даврда янги ренисманс даврини бошланиши ҳам айнан ана шу масалага маънавий, маърифий, маданий тараққиётига йўналтирилган. Миллий илм ва фанилизнинг ўтмиш илдизлари бақувват бўлган экан, келажаги ҳам бақувват бўлишига ҳеч қандай гумон бўлиши мумкин эмас.

13-МАВЗУ УЧУН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

¹ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон». Т., 1997 йил, 259—260-бетлар.

² «Баркамол авлод орзуси». «Шарқ» нашриёти — матбаа концерни Бош таҳририяти. Тошкент — 1999 йил. 171-бет.

³ Каримов И. А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». «Ўзбекистон». Т., 1998 йил, 54-бет.

⁴ З. Фофуроя, Б. Сиддиқов. «Маънавий юксалиш — тараққиёт омили». Тошкент Давлат техника университети, 1998 йил, 38—37-бетлар.

⁵ Каримов И. А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». «Ўзбекистон». Т., 1998 йил, 54-бет.

⁶ Уша жойда, 55-бет.

⁷ Каримов И. А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». «Ўзбекистон». Т., 1998 йил, 56-бет.

⁸ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон». Т., 1997 йил, 262—266-бетлар.

14-м а в з у

МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ. ДАВЛАТ БИЛАН ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

РЕЖА:

1. Узбекистонда давлат ва дин. Узбекистон фуқароларини эътиқод эркинлигини конституцион эътироф этилиши.

2. Миллий ва диний қадриятларниң тикланиши. Жамиятни маънавий-маърифий ўсишида диннинг ўрни.

3. Ислом дини, унинг асосий боялари: инсонпарварлик, ҳалоллик, маънавий поклик, жамоатчилик исломнинг бош гояси. Буюк алломаларимиз меросини тикланишининг аҳамияти.

4. Диний экстремизм, фундаментализм ва турли диний оқимлар, тоифаларни тинчлик, барқарорлик, миллий тотувликка кўрсатаётган хавфи.

Узбекистон Республикаси ўз суверенитетига эга бўлгандан кейин, эркин фуқаролик дунёвий жамият қуриш йўлини танлади. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва умумхалқ томонидан маъқулланди.

Жаҳон давлатларининг тараққиётига назар ташласак, асосан икки тараққиёт йўлидан ривожланиб бораётганлигини кўрамиз, «Дунёвий», иккинчиси диний «Ислом» тараққиёт йўлидир. Икки йўл ўзининг ижтимоий иқтисодий, социал-сиёсий, маданий, маънавий ривожланишида тутган услублари билан, хаттоқи турмуш тарзи билан бир-биридан жуда катта Фарқ қиласди. Жаҳондаги ҳар томонлама ривожланган мамлакатларнинг деярли ҳаммаси «Дунёвий» тараққиёт йўлидан бормокда.

Узбекистон дунёвий тараққиёт йўлини танлаган экан, бу йўл қандай йўл? «Дунёвийлик» деган тушунча ўзи нимани англатади? Давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар қай тарзда кечади?

«Дунёвийлик» тушунчасини асл маъносини изоҳлаб берадиган илмий тариф йўқ. Лекин дунёвий демократик мамлакатларнинг амалий ҳаётига назар ташлар эканмиз, уни таҳлил қилиш асосида «дунёвийлик» тушунчаси, у динийликни ҳам даҳрийликни ҳам инкор этмайди, уларнинг хар иккаласини объектив ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этадиган жамиятга нисбатан ишлатиладиган тушунчалар деган хуносага келамиз.

Дунёвий жамият қуриш пировард умуммиллий мақсад даражасига кўтарилиган мамлакатларда дин, ҳар қандай бошқа объектив ҳаётий ҳодисалар каби, муҳим ижтимоий-маданий омил сифатида эътироф этилади. Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларда динга муносабат демократик, эркин фикрлар хилмахиллигига асосланган бўлиб, уларда дин ҳаётдаги ижтимоий-маданий ва маънавий-руҳий муҳит ранг-баранглигини таъминловчи хилма-хил тарихий қадриятларга бир вақғда амал қилиш ҳуқуқини беришга асосланган ҳолда қурилган. Лекин улар меъёрини белгилаб берувчи чегара бу сиёсат бўлиб, дин сиёсатга яъни давлатни ишига аралашмайди, бу масала давлат ва диннинг ўртасидаги муносабатларда жуда қатъий қилиб қўйилган. Мустақил Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик дунёвий тараққиёт негизи қилиб белгиланган фикрлар эркинлиги тамойили ҳам юқорида қайд этилган фикрлар ва дунёвий давлатларнинг тажрибаларига асосланган. Ушбу тамойил демократик тараққиётнинг ҳалқаро миқёсда эътироф этилган айрим мезони бўлиб хизмат қилаётган БМТнинг «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Ҳалқаро пакти»нинг диний эътиқод ва виждан эркинлигига онд қонунларнинг ҳамма моддаларига ҳамоҳангдир.

Ўзбекистонда диннинг жамиятда тутган ўрни унинг конституцион мақеми билан белгиланган. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, барча фуқаролар миллатидан, ирқидан, диний эътиқодидан қатъий назар виждан эркинлиги кафолатланган. Бу ерда миллатлараро мунисабатларни барқорор сақлаш ва ривожлантиришда динни омили муҳим аҳамият касб этиши ҳам ҳисобга олинган. Чунки Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, яхудийлар, баптистлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, баҳоичилар, кришнаитлар, буддистлар, пятисентниклар. Иегова худоси шоҳидлари, янги ҳанорийлар, христиан-пресвиторианлари сингари, бир қанча дин ва мазҳаблар ғавоздиди.

Улардан ҳар бирининг ўзига хос мафкураси, тартиб-коидалари, ҳаёт тарзи ва дунёқараши ўзининг фалса-фаси, талаб ва эхтиёжлари мавжуд. Ана шундай хил-ма-хилликдан ва ҳақиқий демократик тамойиллардан келиб чиқиб Узбекистон Республикаси Конституциясида: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки хеч ҳайси динга эътиқод қиласмаслик ҳуқуқига эга», деган қисида киритилган (31-модда).¹

Давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабат масаласига қуйидаги моддада аниқлик киритилган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган, ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди» (61-модда).²

Шу билан бирга барча демократик дунёвий мамлакатлар тажрибаларидан ва дунё воқеаларининг ривожланиш жараёнидан келиб чиқиб, масалани иккинчи томонига ҳам алоҳида эътиборни қаратган ҳолда Конституцияга қуйидаги модда ҳам киритилди:

«Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни максад қилиб қўйувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ па эркинлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳидаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқиқланади». Узбекистон Республикасининг Конституцияси, 57-моддаси.³

«Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қурмоқдамиз. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва умумхалқ томонидан қабул қилинган. Хусусан, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам бугунги кун тарабларидан келиб чиқиб такомиллигига етказилди. Бу диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ба ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вактда улардан ҳам қонун олдида бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиши-иродаси билан танлаб олинган йўлидир». Давлат ва дин муносабатлари Президент айтганидек қонуний асослари ҳар

томонлама мукаммал ишлаб чиқилган бўлиб, мамлакатда диний эътиқод виждан әркинлигига кенг йўл очиб берилган.

Дунёвий жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда давлатнинг дин билан муносабатлари мазмун ва моҳиятини белгилаб берувчи асосий тамойиллари қаторига Президент Ислом Каримов яна бир қатор қўшимча меъёрий ҳолатларга Узбекистон Республикасида риоя қилинишини кўрсатди. Булар қуйидагилар:

- диндорларнинг диний тўйғусини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш, ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулокот қилиш йўлларини излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишига йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш»².

Юқорида таъкидланган Конституцион макомлар ва Президент Ислом Каримов томонидан давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар масаласидаги концепциянинг икки жиҳати яққол ажralиб туради.

Биринчиси дин — жамиятда инсонпарварлик руҳиятини шаклланиши-да, юксак маданият ва маънавият қуроли, бекиёс ахлоқий тарбияси, инсонларни камтаринлик, камсуқумликка, ҳалоллик, покликка ундаши каби қадриятларини барча миллий қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинганлиги бўлса.

Иккинчидан диндан ғаразлиқ йўлида фойдаланиш, диний омиллардан фойдаланиб сиёсатга, давлат ишига аралашибни, ҳокимиятга интилиш каби ҳолатларни қатъия ман этилишидир»³.

Ҳар икки ҳолат дунёвий давлатнинг моҳияти ва мазмунига ўта мос тушади.

Шунинг учун ҳам Президент ҳақли равишда «биз дин буидан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий ахлоқий ва маънавий қадриятларидан, тарихий ва маданий меросларидан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун

курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка ара-лашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз»³, деган. Ушбу жумлалардан кўриниб турганидек, давлатимиз танлаган йўл дунёвий давлат ғояси, диннинг ижтимоий маданий ҳаётдаги улуғ ролини асло инкор этмайди. Аксинча диннинг ижтимоий ҳаётдаги тарбиявий ролини кучайиб боришини тарафдоридир.

Президент Ислом Каримов: «Дин ҳалқ маънавиятиning юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак.

Мазкур сиёсатнинг ибратли ва инсонпарварлик қадрияти шундаки, у маърифат билан хурофот, онгли муносабат билан қуруқ ақидапарастлик ўртасидаги муносабатларни чуқур тадқиқ этади. Ислом маърифатига, унинг бой маънавий ва маданий меросига қанчалик кўп ён босса, уни сохталаштирувчиларга, ақидапарастларга, эҳтиросга зўр берувчиларга ва ислом омилидан ўз манфаати йўлида фойдаланувчиларга шунчалик кўп қарши туради. Бу — соғлом фикрни, соғлом ақл-идроқни химоя қилиш сиёсати. Бу — исломни юксак маданият сифатида асрраб-авайлаш, унга доғ туширмаслик сиёсати!»⁴

Дунёвий мохиятга эга бўлган давлатимиз диннинг баркамол инсонни вояга етишидек, масъулияти ишида чексиз имкониятларини ишга солган ҳолда жамиятдаги ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувликни, ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминлашда бевосита иштирокини инкор этмайди.

Диннинг жамият тараққиётидаги ижтимоий тарбиявий ўрнига юксак баҳо берган Узбекистон давлати салкам унутилиб кетилаётган диний қадриятларни тикла нишига катта аҳамият бериб келмоқда. Диний қадриятлар ҳақида фикр юритар эканмиз, уни миллий қадриятлардан ажратиб ўрганиш ёки таҳлил қилиш қийин.

Чунки миллий қадриятлар диний қадриятлар билан кўшилиб кетиб, мукаммал ҳақиқий инсоний қадриятга айланган.

Ҳалқимизни азалий ва анъанавий миллий байрами — Наврӯзни қайта тиклаш ва 21 марта дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида 1990 йил 2 майда Президент фармони қабул қилинди. Бу фармон мил-

лий қадриятларимизни қайтадан тикланишида биринчи қадам бўлди. Шундан кейин Мусулмонлар ҳаётида қутлуғ кунлар ҳисобланган Қурбон ва Рамазон ҳайитлари кунларини ҳам доимий суратда байрам қилиш ва уларни дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ҳам ёш мустақил давлатимизнинг тарихида алохида бир саҳифани очди.]

Яқин 8 йиллик тарихимиз жараённида мустақиллик туфайли давлат диний исломга умуман мусулмонларга илтифот ва муруват кўрсата бошлади. Узбекистон мусулмонлари бевосита хукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Ҳозирга қадар 20 мингдан кўпроқ Узбекистон мусулмонлари ана шу муқаддас қадамжоларни тавоғ қилиб қайтиш шарафига ноил бўлдилар. Биргина 1999 йилнинг ўзида 4 мингга яқин мусулмонлар Маккии Мунаввара ва Мадинаи Мукаррамага сафар қилдилар.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси диёrimiz мусулмонларига миллий қадриятларимизни, ҳақиқий ислом таълимотини етказиш, мавжуд исломий осори-атиқалар тарихини ўрганиш, нодир қўлёзма асарларини тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар тайёрлаш ва нашр қилишдан иборатdir. Мамлакат телевидениеси орқали берилаётган «Маърифатнома» кўрсатуви халқларнинг маънавиятини юксалтиришда, диний маърифатини ўстиришда катта аҳамият касб этиб боромокда»⁵.

Халқимизнинг муқаддас этиқоди — ислом динини оид бой маънавий-маданий меросини асраб авайлаш, диёrimizda стишиб чиқсан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш тўғрисида, Тошкент Ислом университетининг ташкил этиш ва Университет кошида Исломшунослик илмий-тадқиқот Маркази ва академик лицей ташкил этиш тўғрисидаги 1999 йил 7 апрель фармени аждодларимизнинг бой қадриятлари ва анъаналарининг ислом назариясининг ривожлантиришга муҳим асос бўлади.]

Давлат томонидан амалга оширилаётган бу ишлар, мусулмонларга кўрсатилаётган муруватнинг асл мақсади диний қадриятларни қайтадан тиклаш ва уни яна-да ривожлантириш, халқимизни баркамол қилиш ва комил инсонларни тарбиялашга қаратилгандир.

Диний қадриятлар турли миллатлар ва халқлар, ижтимоий гурухлар манфаати ва мақсадига бевосита тааллукли бўлган ва уларнинг тараққиёти ва истиқболи учун хизмат қиласиган маънавий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий, фалсафий бойликларнинг умумлашган ҳолатдаги ифодасидир. Диний қадриятлар, биринчи навбатда Ислом таълимотида жамики одамзодни эзгуликка, ҳақ ва ҳаққониятга, тўғри йўлга даъват этадиган ва ноҳақликка қарши курашга чорлайдиган шундай бебаҳо фалсафий гоялар, нодир ҳикматлар, риво-ятлар, панду-насиҳатлар, энг муҳим йўл-йўриқлар борки, уларни билиб, чуқур ўзлаштириб олиб, қатъий амал килган киши ҳётда ҳеч қачон кокилмайди.

«Ислом дини—бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайди. Ў куруқ ақидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласилар ва ўғитларга амал қиласилар. Мехр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эхтиром тушунчаларига риоя этиши ҳаракат қиласилар»⁶.

Диний қадриятлар одамларни илм-фанга, маънавият ва маърифатга даъват этганлиги жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Буни Ислом дини мисолида кўриш мумкин. Ислом — илм демакдир. Унинг муқаддас китоби — «Куръон»да 78000 га яқин сўз бўлса, унда «илм» сўзи турли ҳолатларда 765 марта тақрорланади. Ислом факат шаръий илмларни эмас, балки барча илмларни ўрганишни фойдали деб ҳисоблаган. Куръони Каримнинг оят ва суралари, пайғамбаримизнинг Ҳадислари илмга даъват билан тўла. Ислом илм талаб қилишни ибодат даражасига кўтарган, ҳаттоқи ибодатдан илмни устун қўйган.

Имкони борича ва қаерда бўлсанг ҳам илм ўрган, маърифатинг зиёда қиласи, деган гоя ислом динининг магаз-магизига чуқур сингдириб юборилганки, буни Ҳадиси шарифдан олинган кўплаб мисолларда кўриш мумкин. «Илм талаб қилишилик ҳар бир эркак ва аёл учун фарздор», «Бешиқдан лаҳадга боргунча, илм талаб қилинглар», «Илм талаб қилинглар, жиддийки, илм ўргатувчи олим Син деган жой (Хитой)да, яъни мана шун-

дай узоқда бўлса ҳам», «Кимки дунёни хоҳласа, имл олсин, кимки охиратни хоҳласа, имл олсин, кимки ҳам дунёни, ҳам охиратни хоҳласа, имл олсин», «Илмни аввал ўзи ўрганиб, сўнг бошқаларга ўргатишлик — садақаларнинг афзалидир», «Олимнинг ўлими — оламнинг ўлимидир». Каби ҳадисларда айтилган чуқур маъно ва мазмунларга эга бўлган фикрлар бу фақат ислом дунёсининг мусулмонларига айтилган фикрлар бўлмай, бу инсониятга қаратилган, бутун инсоният оламини маънавиятга, маърифатга чорловчи фикрлардир.

Диний ва миллий қадриятларимизнинг хусусан ислом динида миллий маданиятларни асрраб-авайлаш, халқнинг маданий меросини ўрганиш масаласига алоҳида аҳамият берилади. Қадимдан ислом дунёси илм-маърифатни бойитиш, миллий маданиятни ўрганиш ва ривожлантириш мақсадида дорилғунуларни ташкил этиб келганлар. Илмли, билимли кишиларни қадрлаб эъзозлаганлар. Диний ва миллий қадриятларни авайлаб-асраб авлоддан-авлодларга этиб бориши учун ғамхўрлик қилганлар.

Ислом Каримов умуминсоний қадриятларни авлоддан-авлодларга ўтиб боришида диннинг ўрнига ҳақлий равишда баҳо бериб шундай ёзади:

«Бинобарин дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган, уларни поклаб, юксалтирган, ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишилаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам бериб келган. Баъзи вақтларда эса, бунинг бирдан-бир чораси бўлган. Бундай хуносалар чиқаришга, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Шунинг учун ҳам дин инсониятнинг ишончли ҳамроҳи, одамзод ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда»⁷.

Диннинг улуғ қадриятларидан бири шундаки, у миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувлар қаттиқ қораланади, турли диндаги ва миллатдаги одамларнинг ўзаро биродар, аҳил бўлиб тинч-тотув ҳаёт кечиришга, барча диндорлар миллий тотувликда яшашга даъват этилади.

Ҳозирги шароитда давлатлар ўртасидаги тинчлик ўзаро ҳамкорлик, барқарорликни таъминлашда, халқлар, миллатлар ва элатларни тинч ҳаёт кечиришларида, дўстлик ва бирлика яшашларини таъминлашда,

Шарқнинг буюк маънавий таълимотидан, ислом фалсафасидан кенг ва оқилона фойдаланилмоқда. «Биз Шарқ фарзандларимиз, шарқ мамлакатларининг қаे-рига борманг, одамлар бир-бирлари билан учрашганда, авваломбор «Ассалому алайкум» дейишади. Ушбу қалом арабчадан олинган бўлиб, «Сизга тинчлик ёр бўлсин» деган маънони англатишини яхши биласизлар, «Салом», яъни «тинчлик» сўзи Қуръони Каримда 40 марта учрас экан. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: «Меҳрибон парвардигор томонидан одамларга олқиши маъносида «тинчлик» сўзи айтилур.

Кўриниб турибдики, тинчлик, тотувлик, ҳамкорлик ғояси Аллоҳга ҳам, бандаларига ҳам хуш келадиган эзгу ғоядир»⁸.

Ўзбекистон ҳалқлари тарихига назар ташлар экан-миз ўзбек ҳалқи ўзларининг турмуш тарзларида, сиёсатида Ислом фалсафасининг ғояларидан келиб чиқадиган, инсоннинг манфаатларига хизмат қиласиган, қадриятларни ўзларининг миллий қадриятлар билан бойитиб ижтимоий ҳаётларида тадбиқ этиб келганлар ва ривожлантирганлар.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Ислом дунёсига ўзининг буюк алломаларини етказиб бердики, улар нафакат ислом дини ва шариати учун, балким бутун инсониятнинг маънавияти, маданиятини ривожланишига, умумисоний қадриятларни бойитишга ўзларининг буюк ҳиссаларини қўшдилар. Диний — Ислом таълимотлари равнақи йўлида оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратиб кетган имом И smoил ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Абдулхолиқ Фиждувоний, Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Үлуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк зотларнинг маънавий маданий меросларини ўрганишнинг буюк аҳамияти шундаки, бу улуғ зотлар дунёвийликни ҳам, илоҳийликни ҳам бирга қўша олган кишилар эдилар. Улар илоҳийлик деб дунёвийликдан ёки дунёвийлик деб илоҳийликдан воз кечиши ёки бир ёқдама ҳаёт кечиришни инкор этганлар.

Шу маънода Алишер Навоийнинг дунёқарашини олсак, кўп жиҳатдан ҳозирги замон руҳида ёзилганга ўхшайди. Навоий улуғ мутафаккир ва давлат арбоби сифатида ижтимоий ҳаёт қонуниятларини яхши билган сиёсатчи ва файласуф сифатида ўз асарларида давлат-

ларни халқларни тинч-тотув ҳамкорликда яшашга чор-
лайди. Мавжуд муаммоларни, келишмовчиликларни
музокаралар йўли билан ҳал қилишга чақиради. У ўз
асарларида маънавиятли, маърифатли бўлишга, халқ-
лар ўртасида дўстликни, инсонпарварликни тарғиб ки-
лади. Давлатни инсофу адолат, ҳақиқат асосида қури-
лиши кераклигини кўрсатади. Қуръон ва Ҳадисларнинг
моҳияти ҳам, мазмун ва мақсади ҳам Навоий ижоди-
нинг айнан мазмундоши эмасми? Демакки, юкорида
номлари зикр этилган алломаларимизнинг ижодларида
маънавий меросларида ҳам, фалсафий дунёқараашлари-
да ҳам, Қуръон ва Ҳадисларнинг мазмун моҳияти асо-
сий урин тутган.

Чунки Қуръон ва Ҳадисларнинг бош ғояси инсон ва
инсонпарварликдир, бунга шак келтириб бўлмайди, ин-
кор этиб ҳам бўлмайди. Мантиқ-ахлоқ маънавияти ила
озод яшаш тарзимиз — покизалик, тежамкорлик, раҳм-
шафқат, беҳуда қон тўқмаслик, инсоний хислатлардан
бегона бўлган нарсалардан ўзини сақлаш, бирони ҳа-
кини емаслик, ўғирлик қилмаслик, ноҳақ бирони ди-
лини оғритмаслик, етимларни бошини силаш, аёлларни
эъзозлаш, мурувватли бўлиш, маънавий ва руҳий жис-
моний поклик адолатпешалик ва ҳоказолар. Аллоҳ
ҳамда муборак Ислом томонидан қаттиқ тайинланган
экан, демак, инсонни инсондек яшашини таъминловчи
ғоялардир.

Дунёвий жамиятлар сиёсатининг мағзи ҳам шу ғоя-
ларни эътироф этади. Чунки дунёвий жамиятларнинг
фалсафаси, сиёсати ҳам инсон ва инсонлар учундир
деган гоя асосида қурилган. Буларнинг мақсади бир
бўлиб, инсоннинг камолати, ахлоқ, маънавияти, одоб,
покизалик ҳалолликка, имонли, эътиқодли бўлиши учун
хизмат қилади. Лекин уларнинг ҳар бири ўзи танлаган
усул билан масалага ёндошади.

Шундай экан жамиятни маънавий руҳий поклани-
шида мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб, вояга ет-
ган ислом дунёсида чексиз эҳтиром билан тилга олин-
ган алломаларимизнинг маънавий меросларини ўргани-
шимиз катта аҳамиятга эга бўлади.

«Биз бу мутафаккирларимизнинг кутлуғ меросидан
бутун халқимиз, жумладан, ёшлигаримизнинг ҳам баҳра-
манд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий
муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпар-
варлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан
ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача

айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Ясавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз⁹.

Ана шу мақсад йўлида амалий ҳаётда ҳам, илмий диний йўналишда ҳам катта ўзгаришлар қилмоқдамиз. Ҳақиқатдан ҳам айни пайтда мамлакатимизда 4504 та масжид фаолият кўрсатмоқда. Диний асарларни нашр қилиш кескин суратда ошди. Қуръони Карим саккиз марта жами бир миллион нусхада нашр этилди. Бундан ташқари, ҳадис ва шаръий илмларга доир кўпгина асарлар она тилимизга ўғирилди ва минг-минглаб нусхаларда чоп этилди.

«Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида камида биттадан диний мадраса, Тошкент шаҳрида эса Имом ал-Бухорий номидаги Ислом маъхади, Эшон Бобохонов номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди»¹⁰.¹¹

Бундан ташқари буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаш амалга оширилмоқда, уларнинг эски замонда топталган абадий масканлари чинакам зиёратгоҳларга айлантирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ислом таълимотининг инсон манфаати йўлида хизмат қиласиган барча ғояларини рўёбга чиқиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Алломаларимизнинг маънавий мерослари қайтадан тикланиб, ҳалқимизга тақдим этилмоқда, зероким булар ҳаммаси ёшларимизни беодоб, баркамол, ҳақиқий маънодаги инсонлар бўлиб етишишларида ижобий натижалар беради.

Биз юқорида давлат ва диннинг муносабатлари масаласига, Узбекистонда диний эътиқод эркинлигига берилган имкониятлар, диний ва миллий қадриятлар ва бошқа масалаларга тўхталиб ўтдик.

/ Бунга биз Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан фикримизга хулоса ясаймиз: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз»¹¹.¹²

Бироқ ғоҳирги пайтда диний вазият равнақига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган айрим воқеалар ҳам намоён бўлмоқда. Буларнинг энг хавфлиси — диний фирмачилик — гуруҳбозликдир. Аслини олганда диний тоифачилик ва фирмачилик Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистон учун ўтмишда мутлақо характерли бўлмаган, ота-боболаримиз ўзининг бирдамлиги, шу жумладан диний эътиқод ва билимдонлиги билан ислом мамлакатларининг мусулмонлари учун ўрнак бўлиб келганлар. Шунинг учун ҳам ҳар қандай фирмачилик тарафдорлари бошларини Ўзбекистонга суқишидан ҳайиқканлар.]

Халқимиз тарихан суннийликнинг мўътадиллиги ва бағрикенглиги билан сиёсий иқтисодий ва илмий-маданий юксалишига қулай шароитлар яратиб келган ҳанафий мазҳабига (Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби) чукур эътиқод қилиб келганлар. Ҳанафийлик суннийликни ташкил этувчи тўрт мазҳаб — ҳанафийлик, шофиийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик ичидаги энг каттасидир. Ана шу Ҳанафийлик мазҳабида ота-боболаримиз асрлар давомида эътиқод қилиб келган эканлар нима учун буғунги кунда ёшлиаримиз онгини халқимиз учун бегона бўлган турли мафкуралар згаллаб олиши учун ҳаракат қилмоқдалар? Ёки турли фирмачилик, тоифачилик қарашлари Ўзбекистонга кириб келишининг сабаблари қаерда? — деган саволлар туғилади. Бу каби саволларга Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида батағсил тўхталиб, масалани моҳияти очиб берилган. Ушбу саволларга жавоб берар экан Ислом Каримов шундай ёзади:

«Коммунистик мафкура маънавий қашшоқлиги, фанатизми ва миллатга қарши қаратилганлиги билан шўро хокимиятида кейинги маконда диний фундаментализм ва анъанавийлик учун шароит яратди.» Ислом динидагина эмас, балки яҳудийлик, христиан конвессиялари, рус православ, Рим-католик, Арман-григориан, Лютеран черковларида, баптистлик ва бошқа жамоаларда ҳам шу ҳол рўй берди.

Биз буларнинг барчасини 100 дан ортиқ элат ва миллат 15 диний конвессия вакиллари яшаётган Ўзбекистон мисолида яққол кўришимиз мумкин бўлади.

Собиқ ССРдаги ҳукмрон коммунистик партияниң жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-

идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Улар ўзининг бутун фаолияти давомида динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизғин жабҳаларидан бирига айлантирилиб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатағон қилинди. Минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорлар оммасининг аксарият кўпчилиги 90-йилларнинг ўрталарига қадар Қуръони Каримдан баҳраманд бўлолмаган эдилар.

*Мазкур сабабларга кўра, Марказий Осиёдаги исломий маърифат таъқиқлаб қўйилган сөбиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топти. Бундай «чаламуллалар» ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришини ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар*¹².

Ислом Каримов томонидан тоифачилик ва фирмачилик ҳаракатларини, халқимизга бегона бўлган турли-туман диний мафкураларни Ўзбекистонга кириб келишининг бошқа сабаблари ҳам таҳлил қилиб берилган. Лекин энг асосий сабабларидан бирини келтириб ўтдик: Ҳақиқатдан ҳам диннинг ҳақиқий моҳияти мазмунидан бехабар бўлган кишилар учун динга қандай урғу берилмасин, Оллоҳнинг ва унинг Расули Мухаммад Пайғамбар номларини қўшиб ўқилган ҳар қандай диний талқин мафкурага ишонч ва эътиқод пайдо бўлиши муқаррардир.

Собиқ иттифоқ парчаланиши миллий мустақил давлатларни қарор топиш жараёни оғир иқтисодий сиёсий инқирозли кечди. Жамиятни бутун диққат эътибори ана шу инқирозлардан чиқишига қаратилган бир шароитда, баъзи ислом давлатларида иш олиб бораётган сиёсалашган диний фирмачилик ва тоифачилик мафкураси мамлакатимизга кириб олиб «...бизнинг мамлакатимиз

худудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоқларига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларни аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўёлмаймиз ва қўймаймиз ҳам»¹³.

Ана шундай экстремистик фундаментализм характеридаги оқимлар мисолига «Ваҳҳобийлар», «Акромийлар», «Дорул Арқам», «Хезби таҳрири исломия»ларни киритиши мумкин. Булар қандай мақсадда бошқа халқларнинг ички ишларига аралашмоқдалар, тинч тотув ҳаётларига раҳна солмоқдалар? Айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тикланишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган, муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бугунги воқеаликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. [Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, хокимиётни қўлга киритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур]»¹⁴. Назарий ва амалий жиҳатдан ҳам бундай қарашни утопия (хаёлпарастлик) деб аташ мумкин. Дунёнинг 130 га яқин мамлакатларида мусулмонлар яшаса, буларни ҳаммасини бир халифаликка бирлаштириш даъвоси билан чиқиш соғлом ақлга сифишмайдиган ҳолатдир. Бу динга ҳаддан ташқари чуқур кириб кетишиликдир. Динга ҳаддан ташқари берилиб кетишни ислом қоида-қонунларини енгил-елпи тушуниш, унинг моҳиятига фақат хаёлий соғ илоҳий нуқтаи назар билан қараш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Шунинг учун бўлса керак Мұҳаммад ибн Абдулло Пайғамбаримиз ҳадисларини бирида «Динда ҳаддан ташқари ғулув (яъни чуқур) кетманглар, чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ҳаддан ташқари ғулувлари сабабли ҳалок бўлганлар», дейиши тасодифий эмас.] Чунки ғулувга берилиш, Ислом томонидан илгари сурилган инсонийлик ва инсонпарварлик қоида-

ларидан чекинишга, адашишга, фитнага, қон түкилишга олиб бориши мүмкін.

Хозирги Исломдаги фирмачилик ва тоифачиликни баъзи бир мусулмонлар нормал ҳолат деб ҳисоблаб, бир-бирига қайсиdir даражада зид қарашларга эга бўлган, фирмачилик ва тоифачиликни, шундай бўлиши керак, Пайғамбаримиз асри саодат давридаёқ мўминларни 72 фирмага бўлиниб кетгайлар, деб башорат қилганлар деб даъво қилишади. Мана ўша башоратни ҳақиқий матни: «Умматим етмиш уч фирмага бўлингайдир. Буларнинг ҳаммаси дўзахдадир. Илло биттаси нажотдадир», дея башорат қилганларида сахобалари: «Улар кимлардир, ё Расулуллоҳ?» дебон савол назари билан боққанларида Расули Акрам уларга: «Менинг ва сахобаларимнинг йўлини тутгандар», деб марҳамат қилганлар. Залолат йўлига кирган фирмаларнинг ўзаги аслида еттига бўлиб, улар мўътазила, шия, хаворит, муржиййа, нажжорийя, жабрийя ва ниҳоят мутаббиха деб юритилади ва фирмалар ўртасидаги юзага чиққан ўзаро турли ихтилофлар туфайли, улар адади 72 га етган. Хуллас, фирмачилик, тоифачиликнинг ҳаракатларини қайси томонлама таҳлил қилмайлик фақат инсонларни манфаатларига зид, диний Ислом қоида қонунларига тескари ҳолатда юзага келганилигини, улар Ислом учун ҳам, инсоният учун ҳам ҳар томонлама ўта зарарли эканлигини кўрамиз, бундай зарарли ҳаракатларни Афғонистон, Тоҷикистон мисолларида кўраяпмиз. Ўзбекистонда Наманганд вилоятида соидир этилган даҳшатли жиноятлар, пойттахт Тошкентдаги 1999 йил 16 февраль воқеаларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон мусулмонлари учун бегона бўлган бундай диний мағкуралар ёшларни ҳидоят йўлига бошламоқчи бўлиб, залолат кўчасига киритиб қўйишлари улар учун ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам Президент ҳақли равишда «Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиласиз, одамзод руҳий дунёсида имон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда, унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шартшароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадларда ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз», дейишлари ўта адолатдандир.

Ўзбекистон Республикасида динни ривожланишига, диний таълим олишга хеч қандай тўсиқ йўқ. Диннинг сиёсатлашувига йўл қўймаслик ва динни «соғ»лигини сақлаш мақсадида, турли-туман фирмалар ва тоифаларнинг мафкурасини мамлакатда кенг ёйилиб кетишини чеклаш мақсадида, 1998 йил май ойида, янги таҳрирдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.¹

Ижтимоий адолат ва холислик тамойилларидан келиб чиқиб, Қонун Ўзбекистон фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқини уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъий назар таъмин этилишини назарда тулади. Муайян диний эътиқод эгаси бўлган шахс давлат таълим муассасаларида (масалан: колледж, ёки давлат олий ўқув юртлафида) дунёвий илм олиш мақсадида бўлса, унинг динга муносабатидан қатъий назар, мазкур ҳуқуқи таъминланади.

Диний таълим маҳсус диний ўқув юртларида амалга оширилади. Диний ўқув юртлари хам қонунга мувофиқ диний ташкилотларнинг бир тури ҳисобланиб, улар тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилади ва юридик шахс мақомига эга бўладилар. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақлидирлар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳозир Ўзбекистонда бир қатор диний йўналишдаги ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўнгги йилларда «чаламуллалар»нинг кўпайғанлигини ёшларимизни ҳидоятга эмас залолат кўчасига кириб қўйишидан сақлаш мақсадида Қонун хусусий тартибда диний таълим беришини ман әтади (9-модда).

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 229-моддасида қуйидаги қоида белгиланган: Маҳсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш хақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ёки 184-модда фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларининг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари.)

Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагча муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шунга ўхшаш бир қатор қонунлар қабул қилинган бўлиб, қонун йўли билан фуқароларни диний ҳаракатлари тартибга солинган («Халқ сўзи», 1998 йил, 19 май).

Хулоса қилиб, айтганимизда диний эътиқод эркинлигининг берилиши, халқимизнинг миллий диний қадриятларини тикланиши ва ривожланиши учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишни ўрганишимиз керак. Ота-боболаримизнинг миллий диний анъана налиги содиқ қолган ҳолда ҳар қандай ташвиқотлар, даъватларга эргашиб хислатлари биз учун бегона бўлиши лозимлигини англаб олмоғимиз зарур. Шундагина Ватан, халқ, миллат равнақи, осойишталиги, тутувлиги йўлида ўзимизнинг ҳақиқий инсоний ҳиссамизни кўшган бўламиз.

14-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

¹ Каримов И. А. «Оллоҳ қалбимиизда, юрагимиизда», «Халқ сўзи», 1999 йил, 6 март.

² Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил. 43—44-бетлар.

³ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил. 44-бет.

⁴ Нарзулло Жўраев. «Агар огоҳ сен...» «Шарқ нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти». Тошкент, 1998 йил. 138-бет.

⁵ Нарзулло Жўраев. «Агар огоҳ сен...» «Шарқ нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти». Тошкент, 1998 йил. 135-бет.

⁶ Каримов И. А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўзбекистон», Т., 1995 йил, 206-бет.

⁷ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил. 35—36-бетлар.

⁸ Каримов И. А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». «Ўзбекистон», Т., 1995 йил, 219-бет.

⁹ Каримов И. А. «Оллоҳ қалбимиизда, юрагимиизда». «Халқ сўзи», 1999 йил, 6 март.

¹⁰ Нарзулло Жўраев. «Агар оғоҳ сен...», «Шарқ» нашриёт-матбаса концернининг Баш таҳририяти. Тошкент, 1998 йил. 134-бет.

¹¹ Каримов И. А. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда». «Халқ сўзи», 1999 йил, 6 март.

¹² Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Ўзбекистон». Т., 1997 йил. 39—40-бетлар.

¹³ Каримов И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз». «Халқ сўзи», 1999 йил, 5 февраль.

¹⁴ Каримов И. А. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўрмоқдамиз». «Халқ сўзи», 1999 йил, 5 февраль.

15-м а в з у

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ. ЖАҲОН XXI АСР БҮСАҒАСИДА. ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ ИМҚОНИЯТЛАРИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Р Е Ж А:

1. XXI аср бўсағасида Халқаро вазиятда ва дунёнинг жуғрофий тузилишида юз берган ўзгаришлар. Жаҳон харитасида янги давлатларининг пайдо бўлиши.

2. Умумий, минтақавий ва миллӣ хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлигин. Марказий Осиё минтақасида тўпланиб қолган муаммолар.

(3) Афғонистон — Тоҷикистон мажароларининг Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар тараққиётига салбий таъсири.

4. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа дастурлари.

Охирлаб бораётган XX аср инсоният тарихида мусатамлака халқларни, мустақил суверен давлатларни қарор топиши асири сифатида тарихга кирса ажаб эмас. Чунки XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бу жараён асрнинг охирига қадар давом этар экан, дунё харитасида юзлаб давлатлар ўз мустақиллигини қўлга кирилдиар. XX аср инсоният тарихида жуда кўп номлар билан колишига асослар кўп, лекин Ўзбекистон халқлари хаётида буюк бурилиш ва тарихий воқеалик халқимизнинг мустақиллиги, суверенитетини қўлга киритиши бўлиб, бу бир улуғ неъматдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон каби ўз мустақиллигини ўз қўлига олган мамлакатлар, халқлар учун озодликка, мустақилликка эришини асири бўлиб тарихда қолади.

Айнан ана шу озодлик ҳаракатларини муваффақият билан тугалланиши суверен-мустақил давлатларни жаҳон сиёсий харитасида пайдо бўлишлари, дунёдаги сиёсий вазиятни ўзгаришига олиб келди. Ер юзидағи сиёсий кучлар нисбати кескин ўзгарди. Шу билан бирга XXI аср бўсағасига келиб жаҳон тараққиётининг мазмуми ҳам ўзгарди. Узоқ йиллар давомида бир-бирига қара-

ма-қарши бўлган СССР ва АҚШ етакчилигидаги икки ижтимоий-сиёсий тузум, икки ҳарбий-сиёсий блок мавжуд бўлиб, дунё мамлакатлари ҳам иккига бўлиниб, у ёки бу блокнинг таъсир зонасида турар эди. Дунёнинг тинчлик ва хавфсизлик тизими шу икки системанинг, блокнинг ўзаро муҳолифлик мувозанатига асосланган эди. Ана шу сабабга кўра, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, эълон килинмаган «Совуқ урушсиёсати» хукмронлик қилди. Бутун дунё ҳалқи ядро, «бактериологик» уруш ҳавфи остида яшади.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, социалистик лагерни етакчиси бўлган улкган империя — собиқ совет Иттифоқи иқтисодий, сиёсий инқизорзга учради ва у пароканда бўлди, ўз навбатида бу парокандалик социалистик системани, уни таъсир зонасига кирувчи ҳарбий-сиёсий, иқтисодий блокларни ҳам тарқаб кетишига олиб келди. Собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши 15 та мустақил давлатларни пайдо бўлишига олиб келди. Шу билан бирга бир қанча сиёсий ярим мустамла-ка бўлган Шарқий Европа давлатларини ҳам тўлиқ мустақил давлатларга айлантириди.

Икки қутб ва бир неча сиёсий марказлардан ташкил топган дунёда «Совуқ уруш» сиёсати барҳам топтанидан кейин ҳам хавфсиз ва барқарор бўлмади. Аксинча дунё миқёсида турли мажоралар, урушлар сони ортди. Дунё мўрт, мураккаб ва муаммолигича қолди.

Собиқ Иттифоқ республикалари ўз мустақиллигини олганларидан кейни, бу ёш мустақил давлатларни бундан кейинги тараққиёт йўли ва жуғрофий сиёсатда қайси ва ким томонга мойил бўлишилиги масаласи билан қизиқувчи давлатлар кўпайиб қолишди. Чунки сиёсий етакчи марказга айланишга даъвогар мамлакатлар йўқ эмас эди. Ёш мустақил давлатларни иқтисодий заифлигидан фойдаланиб қолишга иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ярим мустамлакага айлантириб олиш ниятлари ҳам йўқ эмас эди.

Ёш мустақил давлатларни, айниқса Марказий Осиё мамлакатларининг танлаган йўли жуғрофий сиёсатда, ҳамда жаҳон давлатларининг тараққиёт йўлидаги мувозанатни қайсиdir даражада ўзгаришига олиб келиши мумкинлигини ҳамма давлатлар яхши тушунар эдилар.

Жаҳон давлатларининг тараққиёти йўлидаги мувозакат хусусида шу нарсани таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Яъни дунё мамлакатларининг тараққиёт йўли асо-

сан икки йўл бўлиб, биринчиси дунёвий тараққиёт йўли бўлса, иккинчиси Ислом тараққиёт йўлидир. Ҳар икки йўл ўртасида анча катта фарқ бўлиб мувозанати ҳам тенг эмас. Шунинг учун ҳам, иқтисодий-сиёсий мувозанатни тенглаштириш ва устунликка эга бўлиш масаласида гоҳ очик, гоҳ яширин кураш боради. Бу ҳолат жуғрофий сиёсатда ва турли давлатларнинг сиёсий стратегиясида асосий муаммо бўлиб келган ва бу давом этар экан жаҳондаги давлатлар ўртасидаги муаммоларни ҳал этиш сиёсий барқарорликни вужудга келтириш муаммовий бўлиб қолаверади.

Кейинги йилларда бутун дунё миқёсида ва минтақалар даражасида вужудга келган кескин муносабатларни зиддиятларни жуда кўп сабаблари борлигини ва бу сабаблар таҳқидий таҳлилга муҳтоҷ эканлигини Ислом Каримов ўзининг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида бир неча сабабларини кўрсатиб берди. Булар: бир қанча мамлакатлarda кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиш жараёнларини таҳлил қилиш.

Миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши, ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши:

- этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги;
- қетиб қолган мафкуравий ақидаларнинг кадрсизланиши, ҳамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлиги;
- дунёнинг катта қисмида иқтисодий заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар сақланиб қолаётганлиги.

Мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакат ичida эса айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги — буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлиги ва авайлаб муносабатда бўлишини талаб қилаётганлигидан далолат беради. Бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажак¹, деб башорат қиласи Президент.

Бугунги кундаги мамлакатлараро муносабатлар, турли минтақалардаги сиёсий нотекислик, ҳарбий тўқ-

нашувлар Президент Ислом Каримовнинг сиёсий башоратини ниҳоятда тӯғрилигини исботламоқда.

Халқаро вазиятда, дунёниң жуғрофий сиёсий тузилишидаги ва харитасидаги юз берган туб ўзгаришлар таъсирида мінтақавий можаролар келиб чиқди. «Дунёни янги тартибларини шакллантириш жараёни мінтақалар даражасидаги ва мінтақалар ичидағы эскидан сақланиб келаётган, зимдан тутаб ётган, ҳар хил тарихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга әга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. ...Бундан ташқари, янги мінтақавий можароларнинг вужудга келиши ва уларга турли ташқи кучлар ўз жуғрофий-стратегик интилишлари доирасида жалб этилишидан иборат хавфлар ҳам мавжуд. Ана шу икки асосга кўра юзага келган мінтақалардаги, ҳаттоқи бир мамлакат фуқаролари ўртасидаги миллий этник ва диний низолар, қонли урушларга айланмоқда. Мінтақавий можароларнинг хавфли тус олганлигини қуйидати мисоллардан аниқ кўрамиз, бутун дунёда қарийб 50 миллиондан ортиқ қочоқ бор: 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 миллион киши рўйхатга олинган: фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одамлар ўзи яшайдиган жойларни ташлаб бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлганлар.

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида Афғонистон ва Тожикистон можароларини таҳлил қилиб берди. «Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий танглик, Тожикистондаги бекарорлик бутун Марказий Осиёдаги мінтақавий барқарорлик ҳолатига ҳам, жумладан Узбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди»². Бу можаролар туфайли Узбекистон фронт олди мамлакатига айланиб қолди. Қуролли ёки бошқача тарздаги қўпорувчилик ҳаракатларининг, фитначи элементларнинг, қочоқларнинг Ўзбекистонга ҳам ўтиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шундай экан, мінтақавий хавфсизлик бевосита миллий хавфсизлик билан боғлиқdir. Умумий мінтақавий ва миллий хавфсизликка солинаётган таҳдидлар ўзининг кўлами жиҳатидан анча катта ва серқиррадир «Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан диний руҳиятдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчи-

лик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экологик муаммоларни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, юқорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли мінтақаларда турлича күч билан намоён бўлсада, инсониятда бир хилда ташвиш туғдирмоги даркор»³.

Бу муаммоларни умуминсоний манфаатлари нуқтai назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал этилишини назарда тутиб, давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун Президент Ислом Каримов масалага янгича ёндошувларни излаб топиш ва XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Ривожланган давлатлар жуғрофий сиёсатдан фақат ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун қилаётган ҳаракатлари ҳам ўзини меъёрига эга бўлиши мумкин. Шу маънода ҳозирги пайтда умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор бўлган халқаро ташкилотлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, БМТ ўзининг универсаллиги билан, кенг ҳуқуқий имкониятлари билан халқаро хавфсизлик таъминлашга қодир бўлган ташкилотdir.

Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов жуда олижаноб ғояни илгари сурib шундай дейди: «Жаҳондаги жуғрофий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши янги минг йиллкларда БМТ таркибий тузилиши ва БМТ фаолиятини такомиллаштиришни ҳам талаб қилмоқда. Дунёдаги бир қатор давлатлар пайдо бўлдики, бу давлатлар қурдатли ва жаҳон сиёсати кўламидаги таъсири ортиб бораётганилиги туфайли Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлиши мумкин. Айнай вақтда БМТнинг тузилмасигина эмас, балки унинг амал қилиши, иш тартиби ва ҳаракатларни амалга ошириши ҳам буюк давлатларнинг таъсир доиралари учун эски кураш таъсиридан ҳали қутула олгани йўқ. БМТнинг мінтақавий можароларни тартибга солиш юзасидан амалга ошираётган тинчлик ўрнатиш йўлидаги ишлар ҳамма вақт ҳам муваффакиятли бўлмаётганилигини қисман шу билан изоҳлаш мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон табиатан жаҳоншумул ва универсал бўлган ташкилотнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини такомиллаштиришни бундан бўён ҳам фаол ёқлаб чиқаверади»⁴.

Халқаро ташкилотларнинг фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш ва дунё давлатларининг асосий қисмини бирлаштириб турган, БМТдек ташкилотнинг бугунги кун-

даги ҳолатини кўрсатиб беришга Ўзбекистоннинг етакчиси биринчи бўлиб жазм этди. Бу ўзига хос матонатни, шиҷоатни талаб этди. Шундай экан Ўзбекистоннинг жуғрофий сиёсатда тутган ўрни қандай деган савол туғилади.

Марказий Осиёда жуғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистон кучлар тенглиги ва мувозанатини таъминлаш, стратегик муҳим бўлган ушбу минтақада ҳамкорликка мустаҳкам замин яратиш жараёнида сезиларли роль йўнаш учун ҳамма имкониятларга эга. Унинг ҳудуди ўзининг мавжуд ва потенциал табиий ҳамда хом ашё заҳиралари билан ҳозирдаёт — XXI аср арафасида дунёнинг сиёсий ва иктиносий харитасида аҳамият касб этмоқда.

«Минтақада ижтимоий-иктиносий жиҳатдан энг ривожланган мамлакат, катта маънавий ва маданий куч-қудратга эга бўлган Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар — Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон ўтасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтайди. Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш орқали бутун Марказий Осиё минтақасида манбаатли муносабатлар ўрнатиш имкониятини очади». Яна соддароқ қилиб айтганда, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари учун чорраҳа бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатларининг марказида жойлашувининг муҳимлиги, ундан ташқари минтақада ҳар жиҳатдан ривожланган, аҳоли сонига нисбатан, илмий-техникавий жиҳатдан катта потенциалга эга бўлган мамлакатdir.

Ўзбекистоннинг қулай жуғрофий жойлашувининг муҳим томони шундаки, у Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган. Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш масаласида ва ўз тараққиёти истиқболлари жиҳатидан қулай жуғрофий-стратегик мавқега эга бўлган мамлакатdir. Чунки қадимдан Шарқ билан Фарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли ҳам Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган эди.

Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритганларидан кейин, Ўзбекистон ўзининг жуғрофий сиёсатдаги имкониятларидан тўғри фойдалана олди ва бугунги кунда минтақада ўзининг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлай олди ва бу масалада халқаро ташкилотларнинг обрў-эътиберини, ишончини қозонди.

Марказий Осиё давлатлари масаласидаги, яъни минтақага тегишли бўлган муаммолар Ўзбекистоннинг бе-

поссита иштирокида ҳал этилмоқда. Узбекистонни жуғрофий сиёсатда тутган ўрни ҳақида сўз юритганда, ўзбек халқининг етакчисини тутган роли ва ўрни алоҳида диккатга сазовордир. Чунки минтақада барқарорликни вужудга келтириш масаласида Узбекистон Республикаси Президентининг қилаётган саъй-ҳаракатлари қайсиdir даражада жаҳон жамоатчилигини дикқат-эътиборини ўзига торта олди. Шулардан баъзи бирларини эсга оламиз:

1992 йил 6 июль МДХ давлатларининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида Ислом Каримов Тожикистондаги фуқаролар уруши ҳақида қаттиқ ташвиш билан нутқ сўзлаши ёки 1992 йил сентябрь, 1993 йил март ойларидаги БМТнинг бош котиби Бутросу Галига ёзган хатида Тожикистон воқеаларига жаҳон жамоатчилигини дикқат-эътиборини тортиши ва Тожикистондаги кескинликни юмшатиш учун қилган ҳаракати ёки 1993 йил 27 сентябрь БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлаб, Узбекистон Республикаси номидан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш, Тожикистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишида БМТ фаолият кўрсатиши кераклиги ҳақидаги сўзлаган нутқи ва яна қатор халқаро йигилишларда жаҳон жамоатчилигининг дикқатини минтақага қаратиш учун, минтақадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда кўрсатган жонбозлиги ўзининг мевасини берди.

Бугунги кунда «Тошкент — Шарқ дарвозаси» эканлигини исботловчи аҳамиятли ишлар амалга оширилди. Шулардан биттаси БМТ фаолияти билан боғлиқ бўлган Президент Ислом Каримовнинг сайъи ҳаракатлари билан 1993 йил февралида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Бу ваколатхона БМТнинг тараққиёт дастури. Қочоқлар иши бўйича ваколатли Олий комиссари, болалар жамғармаси, саноат тараққиёти дастури, наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, аҳоли жойлашиши жамғармаси сингари ихтинослашсан муассасаларни ўз таркибига бирлаштириди. Бундан ташқари БМТнинг дастури асосида дунё хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, маданиятни тиклаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа кўплаб соҳалардаги масалаларни ҳал этишга доир ўtkazилган халқаро учрашувлар, семинарлар кёнференциялар Тошкент номи

билин боғлиқдир. Шундай экан Узбекистонни жуғрофий-сиёсий аҳволи, имкониятлари қандай деган савол туғилади. Узбекистон Республикаси ҳам бошқалардан ажралган ҳудуд эмас. Сайёрамиз яхлит бўлинмасдир. Ҳар бир мамлакат жаҳон хўжалик алоқаларининг муроҷаи географик ва сиёсий тизимларни таркибига киради.

Узбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қулай жуғрофий стратегик мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб Буюк Ипак йўли Узбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бирини-бири бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва яқин Шарқдан Осиё — Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишиади.]

Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллик ва суверенитетини қўлга киритгандан кейин бу алоқалар жонланиб, аҳамияти яна ҳам ошиди. Чунки Марказий Осиёда жуғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўринни тутган, Узбекистон ушбу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларига эга. Узбекистон бугунги кунда ҳудудий туташган давлатлар — Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Қозогистон Афғонистонни ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтаётган давлатдир.

Узбекистон Марказий Осиёнинг транспорт, энергетика, сув тизими марказида жойлашган. Аҳоли сони илмий-техникабий ва бошқа икониятлари жиҳатидан минтақадаги қўшни давлатлардан маълум даражада устун туради. Табиий иқлим шароити, улкан минерал ҳом-ашё заҳиралари, стратегик материаллар ва қишлоқ хўжалик ҳом-ашёсининг катта заҳиралари мавжуд. Деҳқончилик маданияти ривожланган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини катта миқдорда экспорт қилиш имкониятига эга. Узбекистон ўзини нефть, газ, ранги металлар билан таъминлангина ҳам, балки экспорт қилиш қудратига эга мамлакатдир.

Шу билан бирга жуғрофий-сиёсий жиҳатдан Узбекистонни ўзига хос ноқулайлиги ҳам йўқ эмас, яъни Узбекистон тўғридан-тўғри ривожланган, тинч, барқарор давлатларга ва катта денгиз портларига чиқиш имконияти чекланган, Марказий Осиёда Узбекистон

билин ҳудудий туташ бўлган мамлакатларда тўпланиб қолган муаммолар ҳам Ўзбекистонни жуғрофий-сиёсий жиҳатдан қийинчиликларни туғдирувчи омилларни келтириб чиқармоқда.

«Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатдан колектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган миңтақада жойлашган. У Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг Нефт ва газ жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказида жойлашган. Шу боисдан бу ҳудудда бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида кўпгина давлатларнинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари ўзаро тўқнашмоқда. Бир томондан, Россия, Хитой ва Ҳиндистон, шунингдек Шарқ ва Гарб мамлакатлари мазкур миңтақада ўз манфаатларини изламоқда. Иккинчи томондан, мусулмон дунёсидаги баъзи кучли мамлакатлар — Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони ҳам бизнинг ҳудудимизда ўз манфаатларини излайди.

Яна бир нокулайлик шундан иборатки, Ўзбекистон этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига юртимиз миңтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантирилиб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон ва Тоҷикистон билан чегарадош. Президент Ислом Каримов бу муаммоларни ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»⁶ асарида ҳар томонлама батафсил таҳлил қилиб берган.

Афғонистон ва Тоҷикистон можаролари Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар тараққиётига ҳар жиҳатдан салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони миңтақада иқтисодий алоқалар тизимига, транспорт коммуникациясининг ривожланишига, ташқи дунё билан иқтисодий боғланишга катта тўсиқ бўлиб турибди.]

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг бутун диққати бу қийинчиликларни бартараф этишга, жуғрофий-сиёсий имкониятларини мустаҳкамлашга, миңтақада мавжуд муаммоларни Жаҳон Ҳамжамияти билан ҳамкорликда бартараф этиш имкониятларини излаб, қатор таклифлар билан чиқмоқдаким, бу келажакда албатта ўзининг ижобий натижасини бергай.

Мустақилликни дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш, жаҳон ҳамжамияти орасида ўрнини топиб олиш долзарб масала сифатида кўндаланг бўлиб тураг эди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг пухта сиёсий йўлини белгилаб олиши, мустақилликни мустаҳкамланиши учун муҳим ахамият касб этар эди. Ёш, тажрибасиз мустақил давлат учун бу масалани ҳал қилиш осон кечмади. Чунки ташқи сиёсатни юритиш тажрибасига эга бўлган кадрларнинг ўзи республикада йўқ эди. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий йўлини белгилаш масаласи устида иш олиб борилар экан, Ўзбекистон Раҳбариятига кўп қиралли ишларни бошидан бошлишига тўғри келди.

Президент Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» ва бошқа асарларида мустақил ташқи сиёсат юритиш қоидалари, ҳуқуқий асосларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ушбу йўналиш, яна илмий ва амалий жиҳатдан бойитилди, такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимизнинг ташқи сиёсий қоидалари қонунлаштирилди ва жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнида ортига қайтмаслигининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, хизмат қилмоқда. Ўзбекистонни ҳалқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий-алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон мустақил ёш давлат сифатида ташқи сиёсий йўлини ишлаб чиқишида, жаҳон тажрибасидан фойдаланилди ва мамлакатимиз, ҳалқимиз минтақавий хусусиятлар ҳисобга олинди.

Ташқи сиёсатта тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди:

— ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуналиги;

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- халқаро ҳуқуқ нормаларини давлат ички нормаларидан устуворлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш;
- давлатлар суверенитети ва чегараларнинг даҳлизилигини ҳурмат қилиш;
- давлатлараро муносабатларни ҳал этишда куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига риоя қилиш;
- Узбекистоннинг давлат, халқ манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ёки улардан ажралиб чиқиши;
- тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиши.

«Узбекистоннинг тутган ташқи сиёсий йўли халқаро хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати, жаҳон халқлари томонидан тан олинди ва қиска вақт ичида Узбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда 38 мамлакат ўз элчинонасини очган. Шунингдек, республикада 88 та чет эл ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотлари ишлаб турибди»⁶. Уз навбатида дунёнинг кўргина мамлакатларида Узбекистоннинг элчиноналари ишлаб туриди.

Узбекистон ташқи сиёсатини асосий принципларидан келиб чиқсан, ҳолда жаҳон мамлакатлари билан ўз муносабатларини ташкил этган. Мамлакатда ташқи иқтисодий, сиёсий фаолият билан шуғулланувчи барча муассасалар ташкил топган бўлиб, Узбекистонни жаҳон иқтисодиётiga интеграциялашиш жараёнини таъминламоқда.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлидан бориб, жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириб бормоқда. Жумладан, Халқаро валюта фонди мутахассислари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам таркибий ўзгартиришлар дастури ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдорида дастлабки маблағ ажратилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаш ва қарз берувчи 21 та мамлакат томонидан Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўrsатилмоқда. Бу ёрдам 1993—1994 йилларда салкам 75 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Ушбу маблағ мутахассислар тайёрлашга, Энергетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилади. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқалар ўртасида савдо-саноат палаталари барпо этилди. Республиканинг 2 мингдан кўпроқ хўжалик субъекти, шу жумладан уюшмалар, концернлар, кичик ва хусусий корхоналарга ташқи бозорга чиқиш ҳукуқи берилди. Республикамизда дунёning 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва комианияларнинг 166 та ваколатхонаси ишламоқда. Республика миллий банки дунёning 80 та йирик банкида вакиллик ҳисобини очган.

Ўзбекистонни ташқи савдо обороти изчил ўсиб бормоқда. У 1994 йил 5 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йили қарийб 9 миллиард АҚШ долларига етди, ёки Ўзбекистон шу йилнинг бошларида дунёning 120 дан ортиқ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатди. Экспорт миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Экспортни катта қисми Туркия, Бельгия, Англия, Франция, Голландия, Польша, Жанубий Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга тўғри келади. 1995 йилда ташқи савдо оборотининг 87 фоизи тараққиётини этган хорижий мамлакатлар ҳисобига тўғри келди.

Ташқи иқтисодий алоқаларда Республикамиз иқтисодиётнинг хорижий сармояларини жалб этишга катта

аҳамият берилмоқда. Бунинг учун ташқи сиёсатга доир конституциявий қоидаларга асосланган ҳолда, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятини кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳужжатлари қабул қилинди. Бу қонун ва норматив ҳужжатлар чет эл инвесторларини Ўзбекистондаги фаолиятини ҳар томонлама кафолатлайди ва хавфсизлигини таъминлайди. Шу билан бирга солиқ ва бож тўлаш масалаларида бир қатор имтиёзлар беради. Масалан, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкил этилган корхоналар даромадларининг ишлаб чиқариши кенгайтиришга ва технология билан қайта жиҳозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқдан озод қилинади. Шунга ўхшаш имтиёзлар берилган.

Ўзбекистон «очик эшиклар» сиёсатини олиб бормоқда, чет эллик инвесторлар тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий кафолатини яратиб бериш билан бирга имкони бор даражада ёрдам кўрсатиш мақсадида, «Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган. Булар — чет эл инвестициялари бўйича агентлик, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзбекинвест» миллий экспорт-импорт суғурта компаниясидир. АНГ (АҚШ) билан бирга сиёсий хавф-хатарлардан суғурталаш бўйича қўшимча корхона — «Ўзбекинвест Интернейшнл» таъсис этилган. Унинг қароргохи Лондонда жойлашган, Анзинг компанияси ташкил этилди. Унинг муассислари — Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, «Малайзан БЭНК Берхард» (Малайзия) ва бизнинг ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимиздир»⁷.

Ўзбекистонни чет эл инвесторларига кўрсатаётган ҳар томонлама ғамхўрлиги туфайли чет эллик сармоядорлар Ўзбекистонга ишёнч билан кириб келмоқдалар. Йилдан-йилга иқтисодий алоқалар ўрнатаётган мамлакатларни сони ортиб бормоқда.

Чет эл инвестицияларидан ўринли фойдаланган ҳолда корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этиш, иқтисодий ислоҳотларимизни муҳим ва устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Ана шу мақсадда чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларига ва энг аввало Жаҳон банки, Халқаро

молия корпорацияси, Европа тараққиёт ва таъмирлашган банки, Осиё тараққиёт банкига ўхшаган халқаро молия тизимларини лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

«Шу кунга қадар ҳажми 10 миллиард доллар бўлган чет эл сармоялари иштирокидаги 200 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Биргина 1999 йилнинг ўзида 2 миллиард доллар ҳажмида чет эл сармояларини ўзлаштириш кўзда тутилган. Бу 1998 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпдир»⁸.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини бундан кейин ҳам жаҳон иқтисодиёти билан интеграция қилиб боришни ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланган чет эл инвестициясини имкони бор қадар кўпроқ жалб этиш сиёсатини олиб боришга катта эътибор билан қарашни ўзининг асосий мақсади қилиб олган.

Ўзбекистонни ташқи сиёсатини яна бир йўналиши ва энг муҳим томони бу ҳарбий сиёсатdir. 1995 йили 6 июнда Ўзбекистон Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринасини қабул қилди. Бу доктринада мамлакатни ташқи тинчликсевар сиёсатига ҳамоҳанг ва монан келадиган қоидалар ўз асосини топди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси асосларининг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг асосини ташкил этди. Бу сиёсат «Мустақиллик декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конун, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидаларига, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа Халқаро ташкилотларининг аъзоси сифатидаги мажбуриятларга асосланди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда сиёсий кучларни янгича жойлашувини хозирги ҳолатини ҳисобга олиб давлатнинг хавфсизлигини пухта таъминлаш ҳаётий зарурлигини эътироф этди, шу муносабат билан доктринани умумий қоидасида Ўзбекистонни принципиал позициясини белгилаб олди, булар:

- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралаш-маслик, уларнинг суверенитетини ва мустақиллигини, шунингдек давлатлаарарабо шаклланган чегараларнинг яхлитлиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш;
- ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳи-

моя қилиш вазифасини ўз зиммасига олиш, ўз-ўзини мудофаа қилишдан иборат ажралмас ҳуқуқини амалга ошириш, давлатнинг зарур даражада кафолатланган ҳарбий қурдатига ва мудофаа қобилиятига эга бўлишлигини таъминлаш ва бошқалар.

Доктринанинг сиёсий жиҳатлари ҳам Ўзбекистон тинчликсевар давлат эканлигини, яна бир бор қатъий исботлади. Доктринани сиёсий жиҳатлари қўйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

— жаҳондаги биронта ҳам давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди, уларнинг биронтасига ҳам ҳудудий ёки бошқа бир даъвоси йўқ;

— халкаро муаммоларни, давлатлараро сиёсий иқтисодий зиддиятларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъиян қарши чиқади;

— жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида ҳарбий можаролар чиқишининг олдини олиш, уруш хавфини бартараф этиш дипломатиясидан фойдаланишда фаол иштирок этиш, зиддиятлар кескиилашиб кетишини олдини олишга куч-ғайрат сарфлаш ўзининг ташқи сиёсатининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди;

— биронта ҳам мамлакатга қарши биринчи бўлиб ҳарбий ҳаракатларни бошламайди;

— ядро қуролисиз яшаш принципларига амал қиласди, ядро қуролини жойлаштиrmайди, ишлаб чиқармайди ва сотиб олмайди;

— Ўзбекистон Республикаси ер юзида хавфсизликни, жаҳон ҳамжамияти лоқайд кузатувчиликлардан фаол тинчликсеварликка ўтишини таъминлашга ҳаракат қиладиган жаҳон институти бўлмиш БМТнинг роалини оширишини;

— Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан БМТнинг доимий семинарини чақиришни;

— манбаатдор давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятиянинг фаол иштирокида Марказий Осиё учун минтақавий хавфсизлик тизими яратишни;

— Марказий Осиё минтақасини ядро қуролларидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиниши;

— кимёвий бактериологик ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ҳамма ерда йўқ қилинишини, Ўзбекистон Республикасининг кимёвий қуролларни таъқиқлаш тўғрисидаги Конвенцияга ва бактериологик қуролларни таъқиқлаш муаммолар юзасидан музокараларга қўшилишини;

— одамларни рұхиятига ҳалокатли таъсир қиладиган воситалар, тектоник ва бошқа турдаги қуроллар чиқарилишини таъқиқлашни ва бошқа қатор инсониятни тинчликсевар манбаатында хизмат қиладиган ва колектив хавфсиялигини таъминлашында омил бўлиши мумкин бўладиган принципиал, муҳим қоидаларни Узбекистон ўзининг ташкии сиёсатининг стратегик устувор йўналишлари деб белгилади ва жаҳон ҳамжамияти давлатларини ҳам, ҳар қандай урушларни олдини олишга имкон берувчи юқоридаги ҳолатларга рноя қилишта чақиради.

Узбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий аҳволни, умуман жаҳондаги ва энг аввало туташ минтақалардаги ҳарбий сиёсий вазиятларни ёмон томонга ривожланиши мумкин бўлиб колиши, ҳолатларини ҳам хисобга олган ҳолда, доктринанинг ҳарбий-ташкилий жиҳатларига катта эътибор бериб, бу масалада ҳам принципиал ёндошли. Узбекистон Республикасининг асосий ҳарбий стратегик вазиятларида иккита вазият ҳисобга олинди, тинчлик даврида ва уруш чиққан тақдирдаги ҳолатлар:

— тинчлик даврида — давлатнинг мудофаа қобилиятини республика даҳлсизлиги таъминланишини кафолатлашында қодир даражада сақлаб туришдан, унинг суверситети ва ҳудудий яхлитлигига қарши қилиниши мумкин бўлган иғвогарликлар ва тажовузларнинг олдини олишдан, Қуролли Кучларнинг ҳужумлари ва мустақил тарзда ҳам умумий хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар қатнашчиси бўлган давлатларнинг Қуролли Кучлари билан ўзаро ҳамкорликда даф этиш учун ҳар томонлама доимий тайёр туришини таъминлаш;

— уруш чиққан тақдирда — тажовузни кафолатли тарзда даф этиш ҳам, ўз кучлари билан ҳам мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги давлатларнинг Қўшма ҳарбий куч-қудрати билан кўп томонлама ва иккита томонлама тузилган шартномаларга мувофиқ тажовузкорларга қатъян талафот етказишдан, ҳамда уни урушни давом эттириш имкониятидан маҳрум этишдан иборат бўлишини белгилади.

Ҳарбий қурилиш соҳасида мақсад профессионал армияни, ўз таркибida яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз ҳалқига, она заминга садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қийматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни бос-
270

қичма-босқич вужудга келтириш кўзда тутилди. Мақсад армияни миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму-кўст қуролланган, Ўзбекистон хавфсизлигини мустақил равишда ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришга қаратилди.

«Бизнинг Қуролли Кучларимиз,— дейди Президент Ислом Каримов,— ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жуғрофий-стратегик мавқенини ва ҳудудининг жуғрофий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига куруқликда ва ҳавода муносаб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур»⁹.

Қуролли Кучларнинг ҳарбий қудрати, жанговар қобилиятини ортирувчи ҳамма омиллар ва имкониятлар ишга солиниши доктринада кўзда тутилди:

— хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрлар тайёрлаш тизимини барпо этилиши;

— Қуролли Кучларни жанговар техника қурол-яроқларнинг энг сўнгги намуналари билан қуроллантириш;

— ҳарбий кадрларни тарбиялаш жараёнига алоҳида эътибор бериб, ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларини, жанговар ҳаракатларни олиб бориши тажрибасини, шу жумладан чет эл тажрибасини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш ва бошқа қатор чора-тадбирлар белгиланган.¹

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Қуролли Кучларини замонавий талабларга жавоб бера оладиган дарражадаги юқори даражадаги жанговар қобилиятига эга бўлган армияни вужудга келтириш масаласида кенг кўламили ишларни амалга оширмоқда. Зероки, Амир Темур, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби буюқ аждодларимизнинг букилмас темир иродалари қўшинларимиз руҳиятида ўз аксини топсин. Ҳар қандай ваҳшийлашган душманга ҳам муносаб зарбасини бера олсин.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё минтақасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда жаҳон жамоатчилиги билан ҳамкорлик қилиш йўли билан ҳал этиб бориш ва минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни сайъи-ҳаракатлари ўзининг ижобий натижаларини бериб, минтақада тинчлик, бар-

қарорлик қарор топди. Ҳарбий Қуролли кучларимизни доимо Ватанимизни ҳимоя қила оладиган даражада тайёр туришини таъминлашда ҳам давлатимиз катта ишларни амалга ошироқда.

15-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

¹ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 6-бет.

² Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 19-бет.

³ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил.

⁴ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 301—302-бетлар.

⁵ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 3—16-бетлар.

⁶ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 296-бет.

⁷ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 288-бет.

⁸ Каримов И. А. «Келажакни жасоратли одамлар қуради». 1997 йил 17 февраль. «Халқ сўзи» газетаси.

⁹ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 163-бет.

16-м а в з у

УЗБЕКИСТОН ВА МДҲ. УНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚУШИЛИШИ ВА ХАЛҚАРО НУФУЗИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

РЕЖА:

1. МДҲнинг ташкил топиши. Мустақил Ўзбекистоннинг унга аъзо бўдиши. МДҲ ҳужжатларни имзоланиши.

2. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг саъй-ҳаракатлари МДҲ давлатлари ўртасидаги интеграцияни ривожлантириш масалалари.

3. Кавказ ва Болтиқ бўйи мамлакатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалари ўринатилиши.

4. БМТ Бош Ассамблеясининг 50-йиллик юбилей сессиясида юртбошимизнинг Марказий Осиё ва жаҳон хавфсизлигни таъминлашимиздаги таклифлари.

1991 йилнинг охирларига келиб сабиқ иттифоқ тарбибидаги Респубубликаларнинг кўпчилиги ўзларининг Мустакиллиги тўғрисидаги декларацияларини эълон килишган бўлиб, сабиқ иттифоқ норасмий равишда яшамоқда эди.

1991 йил 8 декабрда уч славян республикалари — Россия, Украина, Белоруссия, раҳбарлари — Б. Ельцин, А. Кравчук, С. Шушкевичларнинг Белоруссиянинг Беловежская Пушчада учрашуви бўлди. Бу учрашувда уч славян давлатларининг Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)ни тузиш тўғрисида шартнома имзоладилар. Шартномада МДҲга кирувчи давлатлар учун очик деб эълон қилинди. Шартномада ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия-банк системаси бўлади, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади. ташки сиёsat ва армия соҳасидаги сиёsat келишилган ҳолда юритилади, деб белгиланган эди. Ҳужатда СССРнинг яхлит давлат сифатида тан олин-маслиги эътироф этилиши ҳам қайд этилди.

Сабиқ СССРнинг Президенти бўлмиш М. С. Горбачёв Иттифокни янгилангандан шаклида сақлаб қолиш

учун қилингандар уринишлари бефойда кетди. Чунки уни мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам қўллаб-қувватлайдиган манфаатдор сиёсий куч ёки давлат йўқ эди.

Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия Республикаларининг парламентлари, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигини тузилиши тўғрисидаги шартномани тезлик билан ратификация қилдилар ва янги шаклдаги СССРни тузиш тўғрисидаги 1990 йил 30 декабрдаги шартномани бекор деб ҳисобладилар. Республикаларнинг СССР Олий Советидаги депутатлари чақириб олинди.

Оз берган сиёсий вазият Марказий Осиё республикалари Президентларини ҳам йигилиб, ушбу масалага ўз муносабатларини билдиришлари зарурлигини тақо-зо этди. 1990 йил Олмаота учрашувида ва 1991 йил Тошкент учрашувида эришилган аҳдномаларга муво-фиқ Президент Сафармурод Ниёзовнинг ташаббуғ билан 1991 йил 12 декабря Ашхабодда навбатдаги маслаҳат учрашувига Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Қаримов, Қозогистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикасининг Президенти Аскар Акаев, Тожикистон Республикасининг Президенти Раҳмон Набиев ва мезбон Туркманистон Республикасининг Президенти Сафармурод Ниёзовлар ҳозир бўлдилар ва Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги Минскда битим им-золангандан кейин юз берган вазиятни муҳокама қилдилар. Олдинги ҳуқуқсиз Республикалар ўрнида, Ҳамдўстликка бирлашган мустақил ҳуқуқий давлатларни барпо этилишига Белоруссия ва Украина раҳбарлари-ни интилишларини ижобий баҳоладилар. Шу билан бирга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ташаб-бускорлари диққатига бир қатор таклифлар ва истак-ларни билдирган Баёнот қабул қилинди.

Баёнотда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳуқу-кий асосда, собиқ СССРдаги барча Республикалар то-монидан ихтиёрий ва тенглик асосларида тузилиши лозимлиги, уларнинг барчаси МДҲни тузувчилари бў-либ қолиши лозимлиги тъқидланди. Беш давлат бошлиqlари МДҲга уни таъсис этувчилар ролida киришга тайёр эканликларини билдирилар.

Таклифлар ва мулоҳазалар ҳамма Республикалар томонидан яхшилаб таҳлил этилгандан кейин, 1991 йил 21 декабря 11 мустақил мамлакатлар раҳбарлари

Олмаотада йигилишиб, Олмаота декларациясини, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бошликлари кенгашининг қарорини, битими ва протоколини эълон килдилар.

Мустақил давлатлар бошликлари кенгашининг протоколида, Қуролли кучларни ислоҳ қилиш тўғрисидаги масала ҳал этилганга қадар, Қуролли Кучларга қўмондонлик қилишни маршал Е. И. Шапошниковга топширилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлар бошликлари кенгашининг қарорида, Ҳамдўстлик давлатлари, Россиянинг БМТдаги собиқ СССР аъзолигини, шу жумладан Хавфсизлик Кенгашининг ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий аъзолигини давом эттирилиши учун уни қўллаб-қувватлашлари, ҳамда Белоруссия, Россия, Украина, Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг БМТга ва бошқа Халқаро ташкилотлардаги ҳуқуқий аъзолиги масалаларини ҳал этилишида кўмаклашадилар, деб қарор қабул қилинди. МДХ давлатлари БМТга аъзо бўлиш истакларини билдирилди.

Олмаота Декларацияси Мустақил давлатлар: Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Белоруссия Республикаси, Қозогистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тоҷикистон Республикаси, Туркманистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Украина демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, улар ўртасидаги муносабатлар, давлат суверенитетини ва суверен тенгликни, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат, даҳлсиз ҳуқуқини ўзаро тан олиш ва ҳурмат қилиш, ҳуқуқий тенглик ва ички ишларига аралашмаслик коидалари, куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан дўқ қилишдан, иқтисодий ва бөшқа ҳар қандай тайзиқ усулларида нозорат кечиши.

Низоларни тинч бартараф этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумлада, оз сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мажбуриятларини, ҳамда ҳамма эътироф қилинган халқаро ҳуқуқ коидалари ва меъёрларини ҳалол бажариш асосида ривожлантиришни йўлга қўйишга интилиш асосида қўйидаги ҳолатларга қатъий риоя этишга келишилди:

— бир-бирининг ҳуқуқий яхлитлигини, ҳамда мавжуд чегаралар бузилмаслигини тан олиш ва ҳурмат қилиш;

- чуқур таркибий илдизларга эга бўлган дўстликни яхшилаш, ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- фуқароларнинг тинчлигини ва миллатлараро тутувликни сақлаб қолиш;
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битимнинг мақсадлари ва қоидаларига содик қолиш;
- МДҲ давлат ҳам эмас давлатлар устидаги тузилма ҳам эмас;
- Ҳалқаро стратегик барқарорликни ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбий-стратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақлаб қолиши;
- умумий иктиносидий маконни, умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тақидланди;
- МДҲ қатнашчилари мазкур декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини олдилар.

Шундай қилиб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги собиқ СССР ўрнида ташкил топди.

Олмаота кенгашида МДҲ давлатларининг раҳбарлари 1991 йил 30 декабрдан кечиктирмасдан МДҲни мувофиқлаштирувчи таклиф ва тавсияларини беришлари кераклиги ҳақида келишиб олдилар.

Ана шу келишувга мувофиқ 1991 йил 30 декабрда Минсқда МДҲ давлатларини бошлиқларининг кенгаши бўлди. Кенгашга Б. Ельцин (Россия), Л. Кравчук (Украина), С. Шушкевич (Белоруссия), Н. Назарбаев (Қозогистон), И. Каримов (Ўзбекистон), А. Акаев (Қиргизистон), Р. Набиев (Тоҷикистон), С. Ниёзов (Туркманистон), А. Муталибов (Озарбайжон), Тер-Петросян (Арманистон), М. Снегур (Молдова)лар қатнашдилар. Кенгашда МДҲ мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган муҳим масалалар кўриб чиқилди ва бир қатор муҳим хужжатлар имзоланди. Имзолangan хужжатлар орасида «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги давлатлар бошлиқлари кенгashi ва ҳукumatlar бошлиқlari кемgashi тўғрисида муваққat битim» муҳим ўрин эгалайди.

Битимда давлатлар бошлиқларининг Кенгashi Олий органи бўлиб, унда Ҳамдўстликда қатнашувчи барча давлатларнинг умумий манфаатлар соҳасидаги фаолия-

тини мувофиқлаштириш билан бўлган масалаларни мұхокама қилиш учун давлат бошлиқлари даражасида қатнашдилар, деб таъкидланди. Унда давлатлар бошлиқлари Кенгаши билан ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашининг фаолияти ҳамдўстлик аъзоларининг давлат суверенитетини ва суверен тенглигини, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат даҳлсиз ҳуқуқни, ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ва дўқ қилмаслик, низоларни тинч йўл билан бартараф қилиш масалалари белгилашиб қўйилди. Битимда: «Кенгашда ҳар бир давлат бир овозга эга бўлади. Кенгаши қарорлари ҳаммағинг розилиги — яқдиллик билан қабул этилади»,— деб таъкидланди. Давлат бошлиқларини кенгаши йилида камиде икки маротаба, ҳукумат бошлиқларининг Кенгаши эса уч ойда камиде бир маротаба мажлисга йиғилади. Ҳамдўстлик давлатларининг давлат тиллари кенгашларининг расмий тиллариdir, иш тили рус тили деб белгиланди.

Минск Кенгашида мұхокама қилинган бошқа масалалар бўйича қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— қуролли кучлар ва чегара қўшинлар тўғрисида битим;

— космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида биргаликдаги фаолият ҳақидаги битим;

— собиқ СССРнинг чет эллардаги мол-мулки тўғрисида битим.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари-нинг Олмата келишувига кўра МДҲ давлатларининг раҳбарлари тез-тез учрашиб туришлари, мавжуд муммомларни хал этиб боришлари тўғрисидаги аҳдномага кўра навбатдаги учрашув 1992 йили 9 февралда Москвада, 1992 йили 20 марта Киевда ва 1992 йили 15 майда Тошкентда бўлиб ўтди.

Тошкент кенгашида 13 та мухим муаммо юзасидан битимга эришилди. Бу имзоланган битимлар орасида мухимларидан бири: «Коллектив хавфсизлик, тинчликни саклаш, коллектив кучларининг мақоми ҳақида битим»dir. Бу битимга кўра, Ҳамдўстлик давлатлари хавфсизлигини кафолатланиши шарт қилиб қўйилди. Бундан ташқари, яна бир қатор ҳужжатлар имзоланди: молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик ҳақида битим, чегара қўшинларини пул билан таъминланиши тўғрисидаги битим; ва бошқа масалалар тўғрисидаги битимлар. |

1993 йил январида Минске МДҲ давлатлари бошлиқларининг учрашувида МДҲнинг Низоми имзоланди ва МДҲни ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни якунланди. Қенгашда Афғонистон билан Тожикистон ўртасидаги чегараларни мустаҳкамлаш учун МДҲнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлимларини юбориш масаласи муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар, ҳужжатлар қабул қилинди. 1993 йил 14. майда Москвадаги учрашувда Тожикистонга ёрдам беришга келишилди.

1993 йил 24 сентябрда Москвада МДҲ давлатларининг навбатдаги учрашуви МДҲ доирасида Иқтисодий иттифоқ барпо этиши масаласи муҳокама қилинди ва шартнома имзоланди.

Бу учрашувда 18 масала муҳокама қилинди.

Навбатдати учрашув 1993 йили 24 декабрда Ашхаботда бўлиб ўтди. Қенгаш ишида Грузия раҳбари Эдуард Шеварнадзе қагнашди ва Грузия МДҲ аъзолигига қабул қилинди ва у 24 декабря тасдиқланди. Афғонистоннинг Тожикистон билан чегарасидаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича қўшимча тадбирлар белгиланди.

МДҲ давлатлари раҳбарларининг учрашувлари 1994 йилдан 1998 йилнинг 28 апрелига қадар саккиз маротаба учрашувлари бўлиб ўтди. 1300 га яқин масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди.

1998 йил 29 апрелда Москвада учрашувида Б. Ельцин МДҲ давлат бошлиқларининг 2000 йилгача раиси, Узбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари Қенгашининг раиси этиб тайинланди.]

Юқорида айтганимиздек, 1300 га яқин қабул қилинган ҳужжатларни аксарият кўпчилигий қоғозларда қолиб кетди. Шартномаларни бажариш механизми яратилмади, ўзаро ҳисоботлар яхши мувофиқлаштирилмай қолиб келмоқда.

Узбекистон Республикаси МДҲ доирасида сунъий равишда жорий этиладиган интеграцияга, ҳамда давлатлардан юқори турувчи тузилмаларни кўплаб амалдорлар ишлайдиган маъмурий идоралар, ҳарбий сиёсий органларни ташкил этишга қарши чиқмоқда, чунки бундай тузилмаларни ташкил топиши давлат мустақиллигига путур етказиши, ташаббускорликни чекланишига олиб келиши муқаррар. МДҲ давлатлари орасида иккилил, тўртлик, бешлик тарзида гуруҳланишлар со-

дир бўла бошлади. Ҳатто эски иттифоқ тарзида қайта бирлашиб тарафдорлари ҳам пайдо бўлмоқда. Бундай ҳаракатлар мустақиллик ғоясига тўғри келмаслиги ва охир оқибатда МДҲни ҳар томонлама заифлашувига олиб келиш келмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Ўзбекистонни МДҲ давлатлари билан тутган сиёсий йўли, ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белтиланган. Буни турли сабаблари бор, энг муҳими Ислом Каримов сўзи билан айтганда, «Мамлакатимиз халқларининг яқинлашуви — табиий кечётган жараён бу яқинлик, Совет иттифоқи мавжуд бўлганлигидан катъий назар, ҳамма вақт бўлиб келган. Бу халқ интеграцияси бўлиб, сунъий равишда жорий этиладиган сиёсий интеграциядан фарқли ўлароқ, ҳақиқий интеграциядир¹. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон МДҲ давлатлари билан бўлаётган сиёсий иқтисодий муносабатларига устуворликка эътибор берар экан, бу соф инсонийлик ва инсонпарварлик позициясидир. Шу билан бирга Ўзбекистон ўзининг мустақиллигидан орқага чекинишни хоҳламайди. Ўзини МДҲ давлатларини аъзолигини, интеграциясини ҳақиқий мустақил суверен давлат интеграцияси сифатида кўриш ғоясини илгари суради.

Президент Ислом Каримов МДҲ давлатлари ўртасидаги иқтисодий сиёсий муносабатлар, ҳамда иқтисодий интеграцияси жараёнида яна бир муҳим ҳолатга катта эътибор беради. «Бирга мустақил республикаларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ кўламида яқин қариндош — уруғчилик алоқаларига эга бўяган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиқлигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигини сақлаб қолиш, Республикада фуқаролар, ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарти, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди². Бу сиёсатни муҳим томони шундаки, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувликни қарор топтиришдир, айни пайтда мамлакатлараро муносабатларни ҳам барқарор ривожланишининг кафолати бўлиш билан бирга МДҲ давлатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияга раҳна солувчи ҳар қандай тўсиқлар олиб ташланишига катта таъсир кўрсатади.]

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ҳали

МДХ давлатларининг ҳамкорлик масалаларидаги йўли аниқ бўлмасдан анча илгари, яъни Ўзбекистон мустақиллигини биринчи кунлариданоқ МДХ давлатлари учун ўта фойдали бўлган интеграцион позицияни эгаллаган эди ва ўқишининг ташки сиёсатининг асосларида баён қилинган эди.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги энг муҳим масала Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берганлигидир. Бунинг икки сабаби бор, биринчisi бу инсон манфатлари ва иккинчisi иқтисодий ҳамманфаатдорлик. Маълумки, Ўзбекистонда русийзабон миллатлар анчагина. «Шунинг учун ҳам Ўзбекистон аҳолисини кўпчилиги Россия билан дўстлик ва ҳамкорликни сақлаб қолишини хоҳлайдилар, шунинг учун ҳам инсоннинг руҳий маънавий эҳтиёжига айланган дўстликни, ҳамкорликни сақлаб қолишдан Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам бирдек манфаатдордир. Иккинчisi, Ўзбекистоннинг иқтисодиётини соғломлаштириш учун Россиядан республикага ҳаётий муҳим ресурслар — металл, нефть, ёғоч ва тахта, транспорт воситалари, технология ускуналари ва бошқа моллар узлуксиз етказиб берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон Россияга пахта толаси, кунжара, ипак, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни етказиб берадиган асосий республикадир³. Ҳар иккала давлат Раҳбарлари ҳам ана шу муҳим икки томонни эътироф этган ҳолда ҳар томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга аҳамият бериб келмоқдалар.

1991 йил 26 октябрда Ўзбекистон Президенти И. Каримов Расмий давлат сафари билан Москвага борди. Россия Федерациясининг Президенти Б. Ельцин билан И. Каримов ўртасидаги келишувга кўра, икки давлат ўртасида муҳтор ваколатхоналарини очиш, бир-бирларининг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, ташки сиёсада ва иқтисодий масалаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

1992 йил 30 майда И. Каримов бошлилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Россияга давлат ташрифи пайтида икки мамлакат ўртасида қатор муҳим масалалар юзасидан, жумладан: дўстлик, ҳамкорликни ривожлантиришга ҳуқуқий асос солинди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилди ва элчихоналар очилди.

1991 йил май ойида Б. Ельцин Ўзбекистонга ташрифи пайтида 2 давлат ўртасида алоқалар янада мустаҳкамланди. Ҳар икки давлат раҳбарларининг бир неча учрашувлари имзоланган шартномалар асосида Ўзбекистон ва Россия мамлакатлари ўртасидаги алоқалар йўлга қўйилиб, ривожланиб бормоқда. Алоқалар; Маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларида яхши йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий, коммуникация, фан-техника, иқтисодий интеграция ҳам кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан савдо оборотида Россия етакчи ўринни эгаллади. 1997 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо обороти 1 миллиард 600 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Икки мамлакат ўртасидаги ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар 260 дан ошади.

Икки давлат ўртасидаги 1998 йил май ойидаги қўшма баёнотига ва битимга кўра ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. ИЛ-76 самолётларини ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш, шунингдек, ИЛ-76 ва ИЛ-78 самолётларининг эксплуатация ва модификациялаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишилиб олинди. В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини янада кенгайтириш имконияти очилди.

Умуман Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацииси ўртасидаги муносабатлар дўстона ҳар томонлама тенг ҳуқуқийлик асосида ҳар иккала давлатлар манфаатларига мос равишда ривожланиб бормоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-маданий алоқалар Белоруссия, Молдавия, Украина, Грузия ва Болтиқ бўйи давлатлари билан икки томонлама алоқалари ўрнатилган. Белоруссия Республикаси Олий совети Кенгашининг раиси С. Шушкевичнинг 1991 йил 6 ноябрда Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни ўрнатилишига асос солди. Давлатлар ўртасидаги шартномалар имзоланди, савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида 1992 йили битим имзоланди.

1994 йил 21—22 декабрда Белоруссия Республикасининг Президенти А. Лукашенконинг расмий ташрифи Ўзбекистон ва Белоруссия ўртасидаги муносабатларни ривожланишида янги босқич бўлди. Икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатлар дўстликни, ҳамкорликни янада чуқурлаштирди.

Ўзбекистон билан Украина ўртасида давлатлараро муносабатларга асос солиша, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил август ойида Киевга расмий ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Президент И. Каримов ва Украина Президенти Л. Кравчук икки давлат ўртасида давлатлараро муносабатларининг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Сафар чоғида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши тўғрисида протокол ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик битимлари имзоланди.

1994 йил 10—11 ноябрь кунлари И. Каримовнинг Украина га иккинчи визити, 1998 йил 20—21 июнда Украина Президент Леонид Кучманинг Ўзбекистонга ташрифлари икки давлат ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама кенгайишига, такомиллашиб боришига хизмат қилди. Жумладан: Украина ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида даромад ва мулкдан икки томонлама солиқ олмаслик, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари барпо этилди, эркин савдо-сотиқ тартиблари ўрнатилишга келишиб олинди. Самолётсозлик саноатида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Украинани енгил саноатига Ўзбекистон пахта толасини, оғир саноатига эса Ўзбекистонни рангли металларини етказиб берилиши, Ўзбекистонни нефть ва газ конларини ўзлаштиришда, Украина ускуналарни етказиб берилиши масалаларида шартномалар имзоланди.

Икки давлат Президентларининг учрашувларида 1992—1997 йилларда нефтни қайта ишлаш, коммуникация, фан-техника, саноат, савдо ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича 70 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Ўзаро савдо ҳажми 1992 йилдаги 20 миллион АҚШ долларидан 1997 йилда 350 миллион АҚШ долларига етди. Қўшма корхоналар сони 20 тага етди.

Ўзбекистон ва Украина давлатлари ўртасидаги тенг ҳамкорликка, ҳуқуқийликка асосланган муносабатлар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Молдова, Грузия, Озарбайжон Республикалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаб бормоқда.

1995 йил 30—31 март кунлари Ўзбекистон Президенти И. Каримов Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди. Молдова Президенти Мирча Снегур билан олиб борилган музокаалар натижасида Ўзбекистон—Молдова давлатлари ўртасида дўстона ҳамкорлик

тўғрисида шартномалар имзоланди. Ҳукуматлар ўртасида эркин савдо муносабатларини ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида, икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон учун Молдова шакар, дори-дармон, қишлоқ-хўжалик техникиси, электротехника асбоб-ускуналари, сугориша фойдаланадиган насослар, Молдова учун Ўзбекистоннинг пахтаси, кимёвий толаси, каттиқ металлар масаласида ҳамкорлик қилиш етарли заминдири.

1995 йил 5 сентябрда Грузия давлат раҳбари Эдуард Шеварнадзе расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тарихий алоқаларни тикланиши ҳар икки мамлакат учун ҳам катта аҳамиятга эга эди. И. Каримов ва Э. Шеварнадзе томонидан Ўзбекистон ва Грузия давлатлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси ва Грузия Бош вазирлари ва ташқи ишлар вазирлари ўрталари-даги учрашувларда Ўзбекистон ва Грузия давлатларининг муносабатлари янада ривожланди, жумладан: фан-техника, банк қишлоқ хўжалиги, халқаро транспорт алоқалари, эркин савдо маориф, маданият, спорт, сайёхлик, атроф-муҳит муҳофазасига оид ҳужжатлар, битимлар имзоланди.

1996 йил 12 майда Ашхабодда Ўзбекистон, Грузия, Туркманистон ва Озарбайжон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда тўртта Республика ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида ҳамда транзит юқ ташишни тартибга солиш масаласида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Мазкур битимни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йил май ойида Грузия па Озарбайжон Республикаларига расмий давлат ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ислом Каримовни Грузия сафари чоғида Э. А. Шеварнадзе билан халқаро Транс-Кавказ йўли, унинг Грузиядан ўтадиган қисмини барпо этиш, Грузиянинг Поти бандаргоҳи имкониятларидан Ўзбекистон юкларини ташишда фойдаланиш масаласи бўйича келишиб олindi. Ўзбекистон ва Грузия ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида декларация имзоланди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон икки туркий тилли мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга

зга. Ана шу тарихий алоқаларни қайтадан тикланиши ва яхши йўлга қўйилишида Ислом Каримовни 1996 йил 27 май куни расмий давлат ташрифи билан Озарбайжонда бўлиши муҳим аҳамият касб этди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида бир қатор расмий ҳужжатлар имзоланди. Бу имзоланган ҳужжатлар орасида икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси, икки қардош мамлакат ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш, савдо-иктисодий, солиқ, божхона, ҳаво йўли, автомобил ва темир йўли алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат халқаро Транс-Кавказ йўлини барпо этиш, уни Озарбайжондан ўтадиган кисмини шакллантириш, Узбекистон юкларини Озарбайжон ҳудуди орқали Европа мамлакатларига чиқариш, Озарбайжон бандаргоҳларини таъмирлаш масалалари тўғрисида келишиб олинди.

Жавозорти мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларининг давоми сифатида, Президент Ислом Каримовни 1998 йил 8 сентябрда Озарбайжон пойттахи Бакуда Буюк ипак йўлини қайта тиклашга бағишлиланган Европа—Кавказ—Осиё (TRASEKA) транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишлиланган халқаро анжуманда нутқ сўзлаб, Жаҳон давлатлари Ҳамжамиятини иктисадий интеграциялашувида TRASEKAning аҳамияти катта эканлиги тўғрисида маъруза қилди.

«Агар Узбекистоннинг Транс-Кавказ йўлидан олиб ўтиладиган экспорт-импорт юклари ҳажми 1996 йилда 140 минг, 1997 йилда 285 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1998 йилнинг саккиз ойи мобайнида бу кўреат-кич 240 минг тоннадан ошиб кетди. Ушбу йўл очилганидан бўён биргина Узбекистон билан экспорт-импорт сперацияларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида 470 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 660 минга ҳаётий муҳим юклар ташилди»⁴.

Шуниси аҳамиятлики, 1996 йил Сарахеда Марказий Осиё билан Эрон темир йўл тармоқларининг туташтирилган TRASEKA лойиҳасини амалга оширишда дастлабки катта ишлардан бири бўлган эди. Худди ўша 1996 йил 13 май куни Узбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон ўртасида ўзаро шартнома имзоланди. Бу ёғи Япониядан то Адриатика денгизига қадар чўзилган ушбу қадим карvon йўлининг муҳим бўлагидан фойдаланишни бошлаган республикаларнинг сарф-ҳаражати камайиб, даромад ола бошлади. Узбекистон TRASEKA

йўлидан тўлиқ фойдалана бошлаганидан кейин экспорт-импорт юкларини ташишдан катта миқдордаги сўмни тежаш имкониятига эга бўлади. Масалан: пахта ташишга кетадиган харажатнинг 12 миллион доллари ни тежаб қолиш имкониятига эга бўлади. ТРАСЕКА шимолий йўналишга нисбатан нақ 2 минг километрга қисқарди ва тўхтовсиз фойдаланиш имконини беради. Узбекистон ўз пахтасини Қозоғистон ва Россия орқали Украина ва Балтика бандаргоҳларига етказиб бериши учун, бир тонна пахтага 100 доллардан зиёдроқ маблағ сарфласа, ТРАСЕКА орқали ташиладиган бир тонна пахтага сарфланадиган харажат 55 долларни ташкил этади. Хуллас Узбекистон учун муҳим савдо иқтисодий стратегик аҳамиятга эга бўладиган йўлдир.

Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатишида дарвоза рулини ўтловчи Балтика. Болтиқ бўйи Республикалари билан Узбекистонни алоқаларини ўрнатилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1995 йил 6—8 июнь кунлари И. Каримов Латвия Республикаси давлат ташрифи билан борди. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис билан учрашув чоғида икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди.

1996 йил 23 майда Узбекистонга Латвия Президенти Гунтис Улманисни ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисида декларация имзоланди. Ҳукуматлараро ҳуқуқ-тартибот, халқаро-автомобил қатнови, төмір йўл транспорти, маданият, божхона ишида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Узбекистон Латвиядан электр машиналари, ускуналар ва шакар, эфир мойи, кора металл сотиб олмоқда. Латвияга эса ипак пахта ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. Узбекистонда Латвия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат ўртасида савдо-сотиқ ўсib бормоқда. 1994 йил ўзаро товар айрбошлиш 121,8 миллион сўмни ташкил этди.

1995 йил июнь ойида Президент И. Каримовни Литвага ташрифи чоғида Литва Президенти А. Бразаускас Узбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва ҷукурлаштириш тўғрисида декларация имзоланди. Шунингдек, Узбекистон ҳукумати билан Литва ҳукумати ўртасида таълим, фан ва техника, савдо-иқтисодий ва бошқа қатор масалаларда битимлар имзоланди.

Узбекистон ва Латвия республикалари ўртасидаги иктисадий савдо-сотиқ алоқалари, ўзаро товар айрбошлаш хажми ташкил этди.

Узбекистон Литва транспорт хўжалик коммуникациясига, дengiz йўлига, Клайпед бандаргоҳидан фойдаланиш масалалари келишиб олинди. Икки мамлакат ўртасида алоқалар ривожланиб бормоқда.

Узбекистонни бирлашган миллатлар ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида барча низомлари ва халқаро ташкилотлари талабларининг Республикамиз томонидан тан олиниши ҳақида олдинги бобларда фикр юритган эдик.

Узбекистон БМТнинг юкори минбарларидан туриб мамлакатлараро, миңтақалараро ва қитъалараро муносабатларини ижтимоий сиёсий жараёнларни чуқурроқ таҳлил килиш асосида жаҳонда тинчликни сақлаш, ноғинч миңтақаларда, жумладан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни юзага келтириш масалаларини жаҳон ҳамжамияти сиёсатдонларини ўртасига ташла-мокла.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бирлашган миллатлар ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан бош Ассамблеяning маҳсус тантанали йигилишида сўзлаган сермазмун нутқи жаҳон ҳамжамилтийнинг диққат эътиборими ўзига жалб қилди. Ислом Каримов томонидан ўртага тағланган таклифлар жаҳон сиёсатдонларини жаҳон муаммоларига бўлган қарашларини ўзгартириб юборди. Жумладан, миллий хавфсизлик масаласини ҳозирги замон талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқишга қаратди. Чунки ҳозиргача Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлган беш давлат БМТ аъзолигига кирган 187 давлат ташвишларини, уларнинг муаммоларини ва тақдирини ҳал этишга қодир эмаслигини кўрсатиб берди. Шунинг учун хам Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари доирасини, уларнинг фаолиятини кенгайтириш мазмунини чукурлаштириш зарурлигини ана шу кенгаш аъзолигига Япония, Германия мамлакатларининг ҳам қўшини зарурлигини кўрсатди.

Дунё хавфсизлигини барқарорлигини таъминлаш масаласига тўхталиб «Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгashi дунё хавфсизлигини таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда,— дейди И. Каримов,— миңтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминла-

ниши ҳақидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади⁵. Минтақалар тинчлик, барқарорликни таъминланиши мантиқий аеосида жаҳонда тинчликни барқарор бўлиши энг муҳим омили сифатида қараш зарурлигини кўрсатди.

Шу масалада Афғонистондаги можораларни бартараф этиш учун,— деди И. Каримов.— «Бизнинг фикри-мизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш қалити энг аввало ташки кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир.

Биз яна бир бор БМТ хавфсизлик кенгашига ким томонидан Афғонистонга қурол олиб киришни таъқиқлаб қўйиш таклифи билан мурожат қиласиз»⁶. Афғонистон уруш эмас тинчлик ва барқарорлик обьекти бўлмоғи лозимлигини, жуғрофий сиёsatда бу минтақа ўз манбаатларини уруш, қон тўкиш йўли билан эмас, балким тилч тенг ҳамкорлик йўли билан топмоқлари зарурлигини курсатди.

Жаҳон муаммосига айланиб бораётган орол масаласи ҳам ана шу юкори минбарлардан Ислом Каримов томонидан тилга олинди. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожиа, нафақат минтақавий, балким бутун ер юзини қамраб олган фожигага айланиб, миллионлаб кишилар ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи муаммо тўғрисида гапириб. Жаҳон ҳамжамиятини ана шу фожиани олдини олишга биргаликда курашишга чақирди. Бу муаммога жаҳон жамоатчилигини диққат эътиборини тортди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги даврдаги тикланаётган бўбаҳо қадриятларимиздан муҳими — бу буюк инсонлар алломаларимизнинг меросига катта аҳамият бериш, эътибор билан ўрганиш, уларнинг таваллуд топган йилларини, юбилейларини нишоплаш анъанасини тикланиши бўлди. Шу жумладан улуғ саркарда соҳибқирон Амир Темур таваллудини 660 йиллиги ҳалқаро миқёсда кенг нишонланди. Парижда ЮНЕСКО томонидан ушбу сананинг нишонланиши ўзбек ҳалқини ўтмишини бутун жаҳон ҳаддларига бир бор намойиш қилди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йил 24 октябрь куни Тошкентда «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзусида ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. 25 октябрь куни анжуман қатнашчилари Самарқанд шаҳрида юбилей

тантаналари бўлиб ўтди⁵ Юбилей тантанасида ва конференциясида хорижий давлатларнинг, ҳамда мамлакатимизда элчихоналар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари, чет эллик журналистлар иштирок этдилар. Амир Темурнинг юритган буюк сиёсатини конференция иштирокчилари томонидан ҳар томонлама таҳлил этилди. У нафақат давлат арбоби, ҳарбий саркарда, ўз замонасининг буюк дипломати ҳам бўлганилиги алоҳида таъкидланар экан, Амир Темур дипломатияси ҳали ҳам қимматли ва кенг қамровли манбалигича қолаётганилиги, у ҳозирги замон дипломатлари учун қимматли тажриба манбаи бўлиши мумкинлиги ҳақида маърузалар ўқилди.

Президент Ислом Каримовни «Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз» мавзусида қилган маърузаси жуда ҳаётий ва тарихий манбаларга асосланган бўлиб, Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр ва Ҳурсоннинг шаҳар ва кишлоқларида, ҳаттоқи Жанубий Озарбайжон ва Кобул каби узок ерларда ҳам ободончилик ишларини олиб борганлигини халқаро ташки сиёсатда, халқаро иқтисодий савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш Амир Темур учун бош бўлиб хизмат қилганилиги алоҳида таъкидлаб ўтди.

«Амир Темур фаолияти,— дейди Ислом Каримов,— биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иктисодий муносабатлари орқали халқаро, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан илёжимиз йўқ»⁷.

Амир Темур бундан 660 йил аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

«Амир Темурнинг улуғ сиймоси, унинг қолдирган бой мероси, ўғитлар бугунги ҳаётимиизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни счишда бизга кўл келаётган экан, биз бу меросни ўрганимасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ»⁸.

Конференция ишида Судогира Окатима (ЮНЕСКО ни Осиё ва Тинч океани мамлакатлари бўйича бўлиминг директори) ўз нутқида Амир Темурни жаҳон тарихида алоҳида ўринга эга эканлигини қайд этди. Амир Темурнинг дунё халқлари маърифати ва маънавиятига, башарият хазинасига муносаб улуш қўшсанлигини соҳибқороннинг 660 йиллиги юбилейи ЮНЕСКО ҳомийлигига кенг жаҳон жамоатчилиги томонидан нишонланиши Узбекистоннинг, ўзбек халқининг кимлигини улкан ва бой тарихга эга эканлигини дунёга намойиш этди. Узбекистоннинг ЮНЕСКО билан «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли» дастури доирасидаги ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Узбекистон ипак йўлининг қайта тиклаш орқали турли минтақадаги мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантириб, дунёга янада кенг юз очаётганлиги унинг ўтмиш тарихини бой асослари бўлганлигидан, Амир Темур бобокалонларининг ижобий ишларини давом эттираётганлигининг намунасидир.

Бобокалонларимиз Амир Темур қадами етган ўлкаларда тинчлик, ободончилик, барқарорлик ва инсонларга яхши турмуш яратиб бериш учун курашган. Узбекистон Амир Темурнинг ижобий ишларини янги шароитда, янги даврда давом эттироқда. Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми ҳисобланган, давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларини ривожлантиришга минтақамизни тинчлигини сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилусчи, кўпгина минтақавий ташкилотлар, жумладан Евropa Иттилоғи, НАТО, ЭКО Ислом конференцияси ташкилотига қўшилди ва бошқа қатор ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бу ҳамкорликларнинг аҳамияти ниҳоятда улкан бўлиб, халқаро ва минтақавий муаммоларни, хавфсизлигини таъминлашда ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда, ҳамда Узбекистоннинг халқаро майдонда нуфузи ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам минтақа муаммоларини ҳал этилиши Узбекистоннинг иштирокисиз бўлмаётир.

16-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

¹ Каримов И. А. «Узбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққёт кафолатлари», «Узбекистон». Т., 1997 йил, 312-бет.

- ² Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон», 1992 йил, 29-бет.
- ³ Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон», 1992 йил 31—32-бетлар.
- ⁴ «Ҳалқ сўзи», 1998 йил, 10 сентябрь.
- ⁵ Каримов И. А. БМТнинг 50-йиллиги муносабати билан бош Ассамблеяда сўзлаган нутқи «Ҳалқ сўзи», 1995 йил, 24 октябрь.
- ⁶ «Ҳалқ сўзи», 1995 йил, 24 октябрь.
- ⁷ Каримов И. А. «Амир Темур фаҳримиз ғуруримиз», «Ҳалқ сўзи», 1996 йил, 26 октябрь.
- ⁸ Каримов И. А. «Амир Темур фаҳримиз ғуруримиз», «Ҳалқ сўзи» 1996 йил, 25 октябрь.

17-мавзу

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯНГИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ КУП ТОМОНЛАМА ВА ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРИ. ТУРКИСТОН УМУМИЙ УЙИМИЗ

РЕЖА:

1. Марказий Осиёдаги қардош мустақил давлатлар билан ҳамкорлик, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари эканлиги.
2. Орол бўйи экологик ҳолатларини соғломлаштириш борасидаги давлатлараро ҳамкорлик.
3. Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг учрашуви. Тошкент декларациясининг аҳамияти. «Туркистон умумий уйимиз» ҳаракати.

«Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон билан дўстона, қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг гоят муҳим устувор йўналиши ҳисобланади»¹. Бу республикаларни ўзининг бир неча хусусиятлари борки, уларни алоҳида ажратиб олган ҳолда тасаввур қилиш қийин. Бу республикалар қадим-қадимдан бир-бирлари билан ҳамкорликка интилиб яшаганлар, миллий маданияти, тил, урф-одатлар ва анъаналари, диний эътиқоди ва тарихий тақдирлари бир бўлганилиги қардош ва қариндош бўлиб яшаганларни ва тарихий бирлиги билан интеграциялашган ўлқадир. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамиша ҳалқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмөқда. Бутун тарих давомида бу минтақа ҳалқлари ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши ва елкама-елка туриб курашиб келганлар. Бу ҳалқларнинг вакилларини мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш гоялари бирлаштирган. Бу ҳалқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудда асрлар давомида яшаб келганлар: «Марказий Осиё ҳалқларининг интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа

эмас, бу — бор нарса, бу — мавжуд воқелик бўлиб, фагат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир»².

Юқорида айтилган фикрлардан кўриниб турибдики, Узбекистон мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ, Марказий Осиё республикалари билан алоқаларини хар тарафлама мустаҳкамлашга, ривожлантиришга қаратилгани, интеграция жараёнига бу ҳудудий республикаларнинг ҳаммаларини қарашлари бир хилдир.

Ана шу мақсадда Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг биринчи учрашуви 1990 йил июнда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтди. Бу учрашувда давлатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги асослаб берилиди. Учрашув собиқ Совет Иттифоқи ҳали мавжудлиги шароитида, лекин уни аҳволи тобора ёмонлашиб, иқтисодий сиёсий инқизози чуқурлашиб бораётган бир шароитда бўлган эли.

Шунинг учун ҳам Марказий Осиёдаги беш давлат иқтисодий тангликтан чиқиш учун иқтисодий имкониятларни бирлаштириш зарур, деган холосага келдилар. Бешта республика раҳбарлари — И. Каримов, Н. Назарбаев, А. Масалиев, Қ. Маҳкамов ва С. Ниёзовлар Урта Осиё ва Қозогистон халқларига мурожаатнома ҳамда республикалар раҳбарларининг баёноти номли ҳужжатларни имзоладилар. Бу учрашувда давлат бошлиқлари ҳар йили учрашув ўтказиб туриш түғрисида келишинб олдилар.

Марказий Осиё давлатлари Президентларининг наебатдаги учрашуви 1991 йил 13—15 август кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Бу учрашувда Урта Осиё ва Қозогистон республикалараро маслаҳат кенгашини тузиш түғрисида битим имзоланди. Маслаҳат Кенгашининг вазифаси бешта мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароит яратишдан, бозор муносабатларига ўтишда минтақа манфаатларини ҳимоя қилувчи келишилган сиёsat юритишдан, иқтисодиётнинг умумий муаммоларини ҳал этишга ягона ёндошувларни ишлаб чиқишдан иборат, деб белгиланди. Битимда Маслаҳат Кенгашининг фаолият юритиш тартиблари ҳам қўйидагича белгилаб берилиди:

— Маслаҳат Кенгашининг фаолияти тенг ҳуқуқлиник, ўзаро манфаатдорлик, ишбилармонлик фаолияти учун шарт-шароит яратиш қондаларига асосланади;

— унинг таркибига республикалар ҳукумат бошликлари ўринbosарлари раҳбарлигидаги вакиллар киради;

- Кенгаш ҳузурида доимий ишлайдиган ишчи гурхи тузилди ва у Ашгабад шаҳрида жойлашади;
- Маслаҳат Кенгашининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида, навбати билан республикаларда ўтказилади;
- қарорлар манфаатдор томонлар вакиллари маъқуллаган тақдирда қабул қилинган хисобланади;
- Кенгаш фаолиятини ҳар бир республикада наюта ва молиявий воситалари билан баробар миқдорда таъминланади.]

Ушбу Битимни қабул қилинишида Озарбайжон делегацияси ҳам иштирок этди ва битимга имзо чекди.

Марказий Осиё ва Қозогистон республикаларининг алоқаларини ривожлантириш, иқтисодий интеграциясини кенгайтириш ўта серқирралиги билан, характеристи, хусусияти билан бошқа давлатларга нисбатан кескин фарқ қиласиди. Жумладан, ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув хўжалиги, энергетика объектларини бирлашиб ишлатиш, ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг бир хиллиги, ягона транспорт магистралларининг бир-бирига туташилиги, бундан ташқари ушбу минтақада яшаётган барча халқларнинг хавфсизлиги учун муштарак бўлган таҳдидларни ўхшашлиги ва шунга ўхшащ умумийликка эга бўлган ҳолатлар мавжудлиги давлатлараро муносабатларни ташкил этишдаги бир қанча мураккабликлардан иборатdir.

Шунинг учун ҳам давлатлараро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришда томонлар учун фойдали бўлган меъёрда ҳал этилиши, давлат раҳбарларининг тез-тез учрашиб туришини тақозо этди. 1990—1998 йилларда иккни ва кўн томонлама 30 маротабадан ортиқроқ давлат раҳбарларининг учрашувлари бўлиб ўтди ва мамлакатлар ўртасидаги муаммолар ўз ечимини топди. «Тошкентда Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг бу сукерен мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий мақонни ташкил этиш ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши шу йўлдаги амалий қадам бўлди»³. Дарҳақиқат 1994 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасида товарлар, сармоя сарфлаш ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи, ҳамда узаро келишилган кредит, хисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва ва-

люта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш түғрисида шартнома имзоланди. Худди шундай шартнома 16 январда Қирғизистон Республикаси билан хам тузилди. 1994 йил 30 апрелда Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш түғрисида уч томонлами шартнома имзоланди.] Уч қардош мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириша янги боскич булди.

Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон Республикалари Президентларининг 1994 йил июль ойи Олмаотада бўлиб ўтган учрашувда ўзаро интеграцияни кучайтириш бўйича, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини тузиш түғрисида битимлар имзоланди.] Томонлар давлатлараро Кенгаш ҳамда унинг доимий ижроия органи, шунингдек Бош Вазирлар Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, Мудофаа Вазирлари Кенгашини таъсис этдилар. Бундан ягона мувофиқлаштирувчи бошқарув органларининг пайдо бўлиши Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон ўртасида интеграция учун ҳуқуқий заминни мустаҳкамлади. Яхлит иқтисодий маконни вужудга келтириш учун қилинган, бу ҳаракатлар, шу ҳудудда яшаётган ҳалқлар ўртасидаги дўстликни, алоқаларни, ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади, факат ижобий ишларга хизмат қиласди.

1995 йил 15 декабрда Жамбулда Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Президентлар Ҳамдўстлик дастурининг рўёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, иқтисодий интеграцияга 2000 йилгача мўлжалланган 53 та муайян лойиҳани ўз ичига оладиган дастур ишлаб чиқилди, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш учун асос солинди⁴. «Центробанк» уч мамлакат ҳудудидаги 10 дан ортиқ лойиҳани, жумладан Ўзбекистонда тоғ-кон саноати, Қирғизистонда электр двигателлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни маблағ билан таъминламоқда.

Жамбул учрашувида 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурлари бўйича қарорлар қабул қилинди. Мудофаа Вазирлари Кенгаши Низоми тасдиқланди.

БМТ раҳнамолигида ҳаракат қиласидаган Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчликни сақлаш колектив батальонини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Уч давлатнинг тинчлигини сақлаш коллектив батальонини шакллантирилди ва у айни пайтда фаолият кўрсатмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграцияси узоққа мўлжалланган, иштирокчи мамлакатлар халқлари орасида дўстликни, ҳамкорликни ва иқтисодий ривожланишга бевосита амалий таъсир кўрсатадиган интеграциядир.

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги биз учун шунчаки интеграция удумига эришиш эмас, устун бўлиб олиш ёки ўз таъсир доирамизни кенгайтиришга интилиш ҳам эмас. Бу XXI асрда бизнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлимиздир. Ишончим комилки, бу бирликни амалга ошириш ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Марказий Осиё давлатлари, гарчи ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдач хилма-хил бўлса-да, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш учун, қулай муҳитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тариқа бу минтақа давлатлари бутун дунё куррамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади,— деб ушбу интеграциянинг келажагига катта ишонч билдиради Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов.

Уч қардош мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва бошқа қатор муаммоларни ҳал этиш мақсадида 1990 йил 12 январда Кўкчаторда, 1997 йили 9—10 январда Бишкеқда, 1997 йил 12 декабрда Қозогистон Республикасининг янги пойтахти — Оқмода шаҳрида давлатлар раҳбарларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Бу учрашувларда бир қатор ҳамкорлик лойиҳаларини ўз ичига олувчи интеграцион дастурлар қабул қилинди. Ҳамдўстликка кирувчи давлатларнинг биронтасини худудий хавфсизлигига бирон мамлакат хавф солгудай бўлса, уч давлат раҳбарлари зудлик билан йиғилиб, халқаро ҳамжамиятни бундан огоҳ этиш, биргаликда мудофаа учун чора-тадбирлар кўришлари ҳақида келишиб олдилар. Ундан ташқари

уч мамлакат ўртасида энергетика, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникация, ҳамда минерал ҳом ашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорцумлар тузиш тўғрисида музокара бўлиб ўтди. Томонлар учун фойдали бўлган шартномалар имзоланди.

1998 йил 5—6 январь кунлари Ашгаботда Туркменистон, Узбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинди ва истиқболдаги, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ва чукурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, учрашув ҷоғида нефть ва газ узатиш, транспорт ҳамда коммуникациялар тармоқларини ривожлантириш, бу орқали жаҳон бозорига чиқишини яхшироқ таъминлаши зарурлиги масалаларига тўхталаҳилар. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи жиҳатлари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилар. Музокараларда Тоҷикистондаги вазиятни йўлга солиш жараёнидан қониққанликларини билдирилар ва Тоҷикистонда бошланган муроса жараёнини қўллаб-қувватладилар. Беш давлат бошлиқларининг қўшма баёноти имзоланди. Баёнотда сиёсий иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлини бир хил қатъият билан давом эттиражагини билдирилар. Томонлар минтақадаги интеграция жараёнларини ривожлантиришда Узбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномаларнинг муҳимлигини юқори баҳоладилар. Тоҷикистон Президенти И. Раҳмонов мазкур ягона иқтисодий ҳудудга Тоҷикистон ҳам қўшилишини билдириди. Ашгабот учрашуви беш қардош мамлакатларни Ҳамжиҳатлик ва тотувликка бўлган ишончини мустаҳкамлади.

1998 йил 26 марта Тошкентда Узбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро кенгаш мажлисида Тоҷикистон Президенти И. Раҳмонов ҳам иштирок этди. Кенгашда ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартнома доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик минтақада тинчлик, барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. 1994 йил 30 апрелда уч давлат имзолаган ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага

Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги протокол имзоланди.¹ Кенгашда миңтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида тўрт мамлакат ўртасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари тўғрисида битим имзоланди.

Тошкент учрашуви Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро иқтисодий интеграция йўлида имзоланган барча шартномалар ҳаётга тадбиқ этилаётганлигидан гувоҳлик берди. Тожикистон Республикасининг ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Марказий Осиё ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлардаги мавжуд муаммоларни биргаликда бартараф этиш йўлидаги имкониятлар янада кенгайди.

МОҲгига кирувчи давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик билан биргаликда икки томонлама алоқалар ҳам йўлга қўйилишига ягона иқтисодий маконни яратилиши муҳим омил бўлди. Президент Ислом Каримов айтганидек: «Бу ҳамдўстлик давлатчиликни қарор топтириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида миңтақадаги мамлакатларнинг куч-ғайратлари ва саъй-ҳаракатларини жисплаштиришга қаратилганлигидир»⁵. Икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенг йўлга қўйилиши давлатлараро муносабатларни ҳар томонлама ривожланишига ҳақиқий маънодаги томонлар ҳеч фойдали бўлган интеграцияни вужудга келиши ишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасидаги икки томонлама дўстлик, ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома 1992 йил 24 июнда Президент Ислом Каримовни, Қозогистоннинг Туркистон шаҳрига расмий ташрифи пайтида Н. Назарбоев ва И. Каримов томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Қозогистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзоланишида бошланди» ва бу ҳамкорлик 1993 йил 10 ноябрда И. Каримовнинг Олмаотага қилган иккинчи сафарида янада тўлдирилди ва мустаҳкамланди. Қозогистон Президенти Н. Назарбоевни 1994 йил 10—12 январда расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлиши ва икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган шартномалар икки давлат ўртасидаги иқтисодий маданий алоқаларни янги поғонага кўтарди.

Бу учрашувларда икки давлат ўртасида савдо-сотиқ, ҳамкорлик, иқтисодий интеграцияга оид алоқалар яъни ўзаро сармоялар алмаштириш, қўшма корхона-

лар ва юксак технологиялар яратиш ишлари йўлга қўйилди, ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутувчи, ҳамда ўзаро келишилган кредит ҳисобкитоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи шартномалар имзоланди.¹ Узбекистон Миллий банки билан Қозоғистон Миллий банки, Тошкент шаҳрида «Узбекистон—Қозоғистон», ҳамда Олмаотада «Қозоғистон—Узбекистон» клиринг палаталари шаҳарларида, уларнинг филиалларини очиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Узбекистон ва Қозоғистон Республикалари орасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Узбекистоннинг Қирғизистон Республикаси билан ҳам ўзаро икки томонлама ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Қирғизистон Президенти А. Акаевнинг 1992 йил 29 сентябрда Узбекистон пойтахти Тошкентга қилган расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари, дўстлик, ҳамкорлик тўғрисида шартномани имзоладилар.²

Узбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йил августда Қирғизистон Республикасини Ўш шаҳрига расмий ташриф пайтида икки давлат ўртасида 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграцияни ривожлантириш тўғрисида баёнотнома имзоланди.

1994 йил 16 январда И. Каримовни Қирғизистонга иккинчи расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни, иқтисодий интеграцияни ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Икки мустақил қардош мамлакатлар ўртасида тенг ҳамкорликка асосланган бир қанча шартномалар имзоланди, жумладан: савдо-иқтисодий, фан ва таълим, спорт ва туризм, ишчи кучларини эркин юришни, ўзаро келишилган ҳисоб-китоб, сармоя, бюджет, солиқ, нарх, божхона, валюта сиёсатини белгиловчи шартномалар, битимлар имзоланди. Ана шу шартномаларни амалий ҳайётда ўз аксини топиши икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлмоқда, муносабатлар ривожланмоқда.

Узбекистон билан Тожикистон Республикалари ўртасидаги алоқалар юқори даражадаги учрашувларда анча кейинроқ расмий қарор топган бўлишига қарамай, Узбекистон ва қардош Тожикистонга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб келди. 1992—1996 йилларда давом этган биродаркушлик урушлари Тожикистон иқтисодиётига салбий таъсир қилди. Бу уруш Тожикистоннинг қўшни давлатлар билан иқтисодий сиёсий муносабатларига,

ҳамкорлигига путур етказди. Шунга қарамасдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни саъй-ҳаракатлари ва бошқа давлатларнинг кўрсатган ёрдами билан Тоҷикистоннинг расмий ҳокимияти билан мухолифот кучлар ўртасида тузилган миллий муроса ҳақидаги шартнома имзолангандан кейин Тоҷикистон қўшни қардош мамлакатлар билан расмий алоқаларини жонлантириш имкониятига эга бўлди.

1998 йил 4 январь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Тоҷикистон Президенти Имомали Раҳмонов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келди. Икки давлат раҳбарлари қўшма ахборот имзоладилар. Ўзбекистон ва Тоҷикистон бош вазирлари соглиқни сақлаш, маданият ва гуманитар соҳа, фан, техника ва ахборот соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимларни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида йўлдан фойдаланиш, газ етказиб бериш, энергетика масалаларида битимлар имзоладилар. Тоҷикистоннинг қарзлари бўйича ўзаро хисоб-китоб тўғрисида келишиб олинди. Шу вақтгача Ўзбекистон билан Тоҷикистон ўртасида 30 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Улар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1997 йили 50 миллион АҚШ долларидан ошди, бу аввалги йилга нисбатан 50 фоиз кўпdir. Ўзбекистон ва Тоҷикистон давлатлари орасидаги ҳамкорлик кенгайиб ривожланиб бориш палласига кириб бормоқда.

Ўзбекистон билан ҳудудий туташ бўлган яна бир республика, бу қардош Туркменистон Республикасидир. Икки қардош республикалар Президентларининг 1991 йилдаги учрашувида дўстлик, ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

И. Каримовнинг 1993 йил 14—15 апрелида Туркменистонга расмий сафари икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайишига хизмат қилган бўлса, 1996 йил 16 январь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркменистоннинг Чоржўй шаҳрига қилган амалий ташрифи пайтида Туркменистон Президенти С. Ниязов билан И. Каримов ўртасида ва икки мамлакат делегациялари ўртасида музокаралар бўлди. Икки давлат раҳбарлари дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида ва бошқа қатор масалалар бўйича битимларни имзоладилар.

Икки қардош давлат ўртасида 20 дан зиёдроқ битимлар имзоланди. Бу битимларда ҳаво йўли, божхона ишларида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, узоқ муддатли савдо-иктисодий ҳамкорлик, икки ёқлама солиқ олмаслик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилди.

Марказий Осиё Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларининг турли соҳаларда алоқаларини ривожланиши минтақадаги, ҳалқлар ўртасидаги дўстликни, биродарликни, қон-қардошлигини узилиб кетишига йўл қўймаслик, минтақа аҳолисини турмушини гузаллаштиришга, минтақадаги муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилгандир. Ушбу минтақада шундай мураккаб муаммолар мавжудки, буларни ҳамкорликсиз ҳал этиш мумкин эмас, жумладан минтақанинг экологик аҳволи, хавфсизлиги масалаларидир. Минтақадаги Орол муаммоси Марказий Осиёдаги ҳамма давлатларга бирдек бўлган энг мураккаб муаммодир.

1993 йили 4 январда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Тошкентда Ўрта Осиё ва Козогистон Президентларининг йигилиши бўлиб ўтди. Бу учрашувда бир қатор муҳим хаётий зарур масалалар қаторида Орол ва Каспий денизлари муаммолари масаласига катта эътибор қаратилди. Тошкент учрашувида оролни сақлаб қолиш ҳалқаро жамғармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамғарма мажлисларини Қизил Ўрда, Нукус ва Тошховузда ўтказиш зарур деб топилди.

Тошкент учрашуви ташаббусининг давоми сифатида 1993 йил март ойида Қизил Ўрдада Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Россия давлат делегацияси иштирокида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда Орол бўйидаги экологик тангликтини, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида баҳамжиҳат бўлишга чақирилди, маслаҳатлашилди ва умумий ёндошув ишлаб чиқилди.

Ушбу анжуманда Орол денгизи ва Орол денгизи билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш, Орол минтақасидаги экологик мувозанатини барқарорлаштириш, Орол денгизи билан боғлиқ бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қилишга келишиб олиниди. Ана шу мақсадда Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи органи — Ижроня Қўмитаси тузилди.

Оролни қутқарыш халқаро жамғармаси таъсис этилди. Н. Назарбоев бир йил муддатга шу жамғарманинг Президенти этиб сайланди.

Учрашув қатнашчилари Қозогистон, Қирғизистон, Узбекистон, Тожикистон, Туркменистан ва Россияномидан БМТ Бош котибига мактуб йўлладилар. Орол бўйидаги мураккаб аҳвол ва рўй берган муаммоларни хал этиш учун белгиланган чора тадбирлар ҳақида ҳамда Орол деңгизи ҳавзаси муаммоларини хал қилишга жаҳон жамоатчилигининг дикқат-эътиборини жалб килиш зарурлиги түғрисида ҳам фикр юритилди.

Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил 11 январда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол деңгизи ҳавзасидаги экологик газиётни яхшилаш юзасидан яқин уч, беш йилга мўлжалланган минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Оролни қутқарыш бўйича давлатлараво Кенгаш Низоми тасдиқлаанди, ҳамда уни ижроия органининг раҳбари тайинланди. Бу масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

1994 йил март ойида Тошховузда бўлган учинчи учрашувда давлатлараво Кенгашининг ушбу дастурни баражарилиши ҳақида ҳисоботи тингланди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қелиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил сентябрида Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларининг Орол деңгизи ҳаезасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича декларациясини қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожлантириш қоидаларига қатъий амал қилишини назарда тутди ва эътиборни қўйидаги ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратди.

Кишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимиға ўтиш:

— сув заҳираларидан фойдаланишининг тежамли усуулларини ишлаб чиқиш, сугоришда ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш өситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;

— минтақанинг табиий заҳираларини комплекс бошқарыш тизимини такомиллаштириш.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон Банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Олмасотада бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмани такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди — Оролни қутқариш Халқаро фонднинг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Пировард натижада Орол танглигини барқарор ривожланиши, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дустурни ишлаб чиқиш, ҳамда рўёбга чиқариш зарурлиги кўзда тутилади.

Орол фожиаси бу фақат минтақанинг муаммоси бўлиб қолмай, жаҳон халқларининг муаммосига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг саъй ҳаракатлари билан жаҳон халқаро ҳамжамиятининг юқори минбарглардан туриб, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг юқори минбаридан туриб, Орол муаммосини ҳал этишга жаҳон жамоатчилигини диққат-эътиборини қаратиш учун қилган ҳаракатлари ўзининг натижаларини бермоқда. Бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларнинг илмий жамоатчилиги, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзларининг турли таклифлари билан чиқиб Оролни қуткариб қолиш устида бош котирмоқдалар.

Турли тилда сўзлашувчи давлатларнинг иқтисодий, техникавий ва маданий алоқаларини кенгайтириш, туркӣ халқларининг буюк маданий-тарихий меросини тиклашга ва тарғиб қилиш, оммалаштириш мақсадида туркий тилда сўзлашувчи мамлакатларнинг Президентлари Туркия Республикасининг таклифига кўра Анқарада, кейинроқ Истамбулда, учинчи олий даражадаги учрашув эса 1995 йил 8 августда Бишкекда бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни таклифи билан тўртинчи Олий даражадаги учрашув 1996 йил 21 октябрда Тошкентда чақирилди. Ушбу анжуманга Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурат Ниязов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримовлар иштирок этдилар. Туркий тилда сўзлашувчи мамлакатларнинг Президентлари Тошкент декларациясига имзо чекдилар. Ушбу декларация 17 пунктдан иборат бўлиб, анжуман қатнашчилари бўлган давлатлар халқларининг тўлиқ манфаатларига жавоб бериб, уларнинг ҳар томонлама алоқаларини ривожланишига, жаҳон халқлари орасида ўзларининг муносаб ўринларини топиб олишларида, ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатадиган қоидаларда ўз аксини топди:

— мамлакатлар ўртасида, турли соҳаларда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш;

— демократик, инсон ҳукуқларини ҳурмат қилиш ва бозор иқтисодиёти тамойилларига қатъяян ва доимий содиқлик;

— фан ва маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, туркий халқлар маданий-тариҳий меросларини оммалаштириш;

— Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан буюк шахснинг хаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган унутилмас саналарини биргаликда байрам қилиш;

— Туркий ташкилотига туркий маърифат билан боғлиқ бўлган тариҳий саналар жадвалини ишлаб чиқиш ва байрам қилишда ЮНЕСКОни жалб этиш, буюк турк ҳақонлигининг 1450 йиллигини биргаликда ўтказиш имкониятини ўрганиш тадбирлар, режалар тайёрлаш;

— туризм йўналишлари тармоғи, туризмнинг тузилмаларини, унинг ҳамма фойдаланишини мумкин бўлган шаклларини кенгайтириш мақсадида «Йпак йўли»ни қайта тиклаш; маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданий меросини қайта тиклаш;

— савдо-иқтисодий ҳамкорликни барча чоралар билан ривожлантириш, туркий даражадаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий интеграция жараёнларига қўмаклашиш;

— божхона ва транзит тадбирларини янада содлаштириш ўзаро савдо-сотиқ, молия ва банк операцияларини кучайтириш;

— табиий газ, нефт ва гидроэнергетика ресурсларини ишга солишда ва уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун қувурлар етқизиш, электрлиниялари қуриш

бўйча қўшимча лойиҳаларни амалга оширишни маъқулладилар;

— БМТ тараққиёт дастурини, Жаҳон банкини, Жаҳон валюта жамғармасини ва минтақа тараққиёт банкларини ўтиш даврида туркий тилли мамлакатларнинг ҳар бири учун ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиша иштирок этаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, янада фаол ҳаракат қилишга чақирдилар. ۱

Туркий тилли давлат бошлиқларининг бешинчи учрашуви 1998 йил 10 июнь куни Қозогистон пойтахти Остонада бўлиб ўтди. Остонадаги учрашувда Ислом Каримов туркий тилли давлатлар ҳамкорлик ҳамжамияти доирасини кенгайтириш ғоясини илгари сурib «Гап ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида кетар экан, туркий тилли давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг табиий ва фаол бир қисми бўлиб, уларнинг эшиги тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бошқа барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш учун очиқ эканлигини алоҳида қайд этишини истардим.

Тожикистоннинг Марказий Осиёдаги учта мамлакат — Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг интеграциялашуви жараёнига қўшилиши бунинг ёрқин далилидир⁶, — дейди Президент анжуман қатнашчиларини ҳар қандай чекланишлардан ҳоли бўлишга чақиради. Марказий Осиёдаги у ёки бу давлатни четда қолишини истамайди. Туркистон халқларини ягона бир оила фарзандларидек аҳил бўлишини хоҳладиди.

Шунинг учун ҳам кейинги Олий даражадаги учрашувни Тошкентда «Туркистон — умумий уйимиз» номи билан аталувчи конференцияда ўтказишга таклиф этди.

1995 йил 21 ноябрь куни Тошкентда Марказий Осиёзиёллари иштирокида «Қардош халқлар учрашуви» мавзусида халқаро қурултой бўлиб ўтди. Қурултойда «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатини барча қардош халқлар зиёлилари қўллаб-қувватладилар. Президент Ислом Каримов «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини илгари сурар экан, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозогистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига минтақа аҳолисини эътиборини жалб этади.

Бизнинг — тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришни ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлида тутиб турган бўлишидан қатъи назар, халқимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оиласда, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги тўйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан, деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яхудий ва бошқаларнинг қалбида ҳам муносабиб ўрин олган⁷. «Туркистон — умумий уйимиз» деганда, барча туркий давлатлар ҳамда туркий халқлар назарда тутилаётгани йўқ. Гап Туркистон деб номланган сиёсий-жуғрофий ҳудуд устида, ҳудуддаги мамлакатларнинг ўзаро бирлигини мустаҳкамлаш, уларнинг халқлари ни яқинлаштириш ҳақида бормоқда. Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири ўз доирасида, ўз тараққиёти йўлидан ривожланиб бораверади. Мақсад «минтақа давлатлари орасида бугунги пайдо бўлган кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоён Туркистон ҳудудлари буйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириш учун замин ҳозирлашга қаратилса, айни муддао бўлур эди»⁸, — дейди Ислом Каримов.

Машҳур қирғиз ёзувчisi Чингиз Айтматов ва бошқа қардош халклар вакиллари Туркистон тўйғусини муқаддаслиги ҳақида гапиридилар. Қурултойда «Туркистон халқлари маданияти Ассамблеяси» ташкил этилди. Чингиз Айтматов Ассамблея Президенти, Одил Ёкубов Ассамблея вице-президенти этиб сайланди. Ассамблеяният қароргоҳи Тошкент шаҳрида бўлиб, Бишкек ва Олмаотада унинг бўлимлари ташкил этилади.

1997 йил октябрь ойидан бошлаб, Ассамблея ташаббуси билан 8 саҳифалик «Марказий Осиё маданияти» номли ҳафтагалик газета ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус тилларида чиқмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг фан ва маданият арбоблари, машҳур давлат арбобларининг йилликларини нишонлаш, уларнинг маънавий меросларини ўрганиш ва тарғиб қилишга катта эътибор берилмоқда.

Ассолбия ташаббуси ва бевосита ташкилотчилигига
Туркистон заминидаги мустақил давлатларнинг мада-
ний алоқалари ривожланиб бормоқда. Марказий Осиё
минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий
жиҳатдан ягона муҳитни қарор топишида, ота-бобола-
римиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бир-
лик тўйғусини қайта тиклашда, ушбу ҳаракат катта
роль ўйнайди.

17-МАВЗУ УЧУН

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

¹ Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». «Ўзбекистон», Т., 1992 йил, 32-бет.

² Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-
сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолат-
лари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 320-бет.

³ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-
сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолат-
лари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 322-бет.

⁴ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-
сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолат-
лари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 323-бет.

⁵ Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-
сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолат-
лари», «Ўзбекистон», Т., 1997 йил, 322—323-бетлар.

⁶ «Ҳалқ сўзи», 1998 йил, 9 июль.

⁷ Каримов И. А. «Туркистон умумий уйимиз». «Ўзбекистон»,
Т., 1995 йил, 15—16-бетлар.

⁸ Каримов И. А. «Туркистон умумий уйимиз», «Ўзбекистон»,
Т., 1995 йил, 17-бет.

18-маззу

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҚШ, ЕВРОПА, ОСИЁ ВА ТИНЧ ОКЕАН ҲАВЗАСИ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистон - ва АҚШ ўртасидаги давлатлараро алоқаларнинг ўрнатилиши. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг чуқурланиши.
2. Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасида дипломатик алоқаларни йўлга қўйин ва ўзаро савдо иқтисодий ҳамкорликнинг қарор топиши.
3. Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Мир, Ҳиндистон, Эрон давлатлари билан дипломатик, маданий иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйин ва ривожлантирилиши.
4. Ўзбекистон Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси, Осиё ва Океания мунтақаси давлатлари билан дипломатик ва ҳамкорлик алоқаларни йўлга қўйинши.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида, етакчи давлатлар, жумладан, АҚШ билан муносабатига, ҳамкорлигига алоҳида эътибор билан қарайди. «Дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришни чуқурлаштириш ҳозир биз учун устувор аҳамият касб этмоқда. Биз Америка компаниялари ва фирмалари билан қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узок муддатли, ўзаро фойдали шерикчилик муносабатларини ўрнатишга, Америка капиталининг бизнинг бозоримиздаги иштироки кенгайишига катта аҳамият берамиз»¹. Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп, ҳам икки томонлама ташкил этишда, ҳар қайси томоннинг манбаатларини янада аниқроқ ҳисобга олиш, бир-бирини яқиндан таниш, узок муддатли ўзаро манбаатли ҳамкорликка мустаҳкам асос яратиш, шу тариқа барқарорлик ва хавфсизлик учун мустахкам замин яратиш-

ни ўзининг ташки сиёсатини асесий принципи қилиб олган.

Америка Кўшма Штати билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга ва ҳар томонлама ривожлантиришга устуворлик берилар экан, Узбекистон ўз манфаатларидан келиб чиқади. Айни пайтда, дунёнинг етакчи давлати ҳисобланган АҚШ ҳам Марказий Осиё минтақасида, асосан Узбекистондаги ўз манфаатларини сир тутмайди. Икки мамлакат ўртасидаги манфаатларнинг мутаносиб келиши, давлатлараро алоқаларни ғоят муҳим йўналишлари бўйича изчил событкадамлик билан ривожланиб бормокда.

Узбекистон билан Америка Кўшма Штатлари ўртасида алоқалар мустакилликнинг дастлабки йилларида ёқ йўлга қўйилди. 1992 йил 15—16 февраль кунлари АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Узбекистонга расмий ташриф буюрди ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда АҚШ элчихонаси очилди. 1993 йил 14 сентябрда АҚШ давлат департаментининг маҳсус топшириқлари бўйича элчиси Строб Талбот Узбекистонда бўлиб, Узбекистон Президенти Ислом Каримов билан Узбекистон ва АҚШ мамлакати ўртасидаги ҳамкорлик масаласида сухбат бўлиб ўтди. 1995 йил 6 апрелда АҚШ мудофаа вазири Уильям Периснинг Узбекистонга келиши Узбекистонни НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштирок масаласи ва АҚШ армияси ўқув-машқ марказида тинчликни таъминлаш мақсадида ўтказилган ҳарбий машқларда Узбекистон Қуролли кучларининг бир взводи иштирок қилиши ҳакида келишиб олинди. Узбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига 1995 йилнинг июл ойида қўшилди. Бу дастурда иштирокимиздан кўзланган мақсад ўз мустакиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқларидан баҳраманд бўлиш, малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашдаги имкониятларимизни кенгайтириш, Қуролли кучларимизни замонавий ҳарбий маҳоратини ошириб боришдан иборатдир. Узбекистон билан АҚШ ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисида шартномалар тузилди. Тошкент—Нью-Йорк ўртасида хаво йўли очилди.

1993 йили Америка—Узбекистон савдо палатаси тузилиди. Ушбу қўшма палата икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиши

ва Ўзбекистон иқтисодиётига Америка сармоясини жалб қилиш вазифасини ўз олдига қўйди. Бугунги кунга келиб, ушбу палата мамлакатимизда фаоллик кўрсатадиган ёки Ўзбекистонга қизиқиш билан қараётган 63 та Америка компаниялари ва хусусий ташкилотларини, шунингдек, етакчи ўзбек корхоналари ва иқтисодий идораларни бирлаштирган. Америка—Ўзбекистон савдо палатаси аъзолари қаторига «Боинг», «Уайд-энд», «Кейс», «Кока-кола», «Катерпиллер», «Каргилл», «Энрон», «Эксон», «Ньюмонт Майнинг» «Америкен Интернейшил Групп», «Ньюмонт Голд», «Тексако», «Эрон ойи газ Интернейшил» каби жаҳон бозорларида тан олинган компаниялар киради.]

1992—2000 йиллар давомида Америка сармоялари иштирокида 200 тадан ортикроқ Ўзбекистон—Америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатмоқдалар. Булар орасида 1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон—Ньюмонт» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Корхонанинг муассаси Американинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейши» компаниясидир.] Ушбу қўшма корхона Мурунтов кон ағдармаларининг минераллашган уюмидан олтин ажратиб олиш мақсадида барпо этилди. Қиймати 220 миллион АҚШ долларига тенг бўлган завод қурилиши 1993 йил октяброда бошланди ва бор-йўғи 18 ойда — 1995 йил майда тутатилди. 1995 йилда қўшма корхона олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди, 1997 йилнинг натижаларига кўра «Зарафшон—Ньюмонт дунёнинг етакчи олтин қазиб оловчи корхоналари сафидан жой олди»².

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 23—28 июнь кунлари АҚШда бўлиши ва АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожланиб, янги поғонага кўтарилишига хизмат қилди.] Ушбу учрашувда Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш, томонлар манфаатига даҳлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик масалаларни муҳокама қилдилар, АҚШ Президенти Б. Клинтон Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва равнақидан манфаатдор эканлигини, Ўзбекистон билан яқиндан муносабатлар ўрнатиш истаги борлигини, Ўзбекистон тезроқ дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлида ёрдам беражагини таъкидлади. И. Каримов билан Б. Клинтон учрашуви икки мам-

лакат ўртасидаги муносабатларга сиёсий замин ҳозирлады.

1996 йил 25 июнь куни Узбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси очилди. Бу маросимда Узбекистон Президенти И. Каримов, АҚШ Мудофаа вазири У. Перри, энергетика вазири Г. О. Лири, АҚШ давлат департаментининг МДҲ давлатлари бўйича вакили Ш. Коллиз катнашди.]

Узбекистон Президенти Ислом Каримов АҚШ сафари чоғида, Вашингтондаги, Хорижий хусусий сармоядорлар корпорацияси АҚШ (ОПИҚ)нинг қароргохида, Техас штатининг пойтахти Хьюстонгда, Тенесси ва Колорадо штатларида бўлиб, губернаторлар, кўпгина корпорацияларнинг Президентлари, Узбекистон билан қизиқаётган кўпгина сармоядорлар билан учрашиб, Узбекистонни бой табиий ресурслари ва имкониятлари тўғрисида, хамда Узбекистонда чет эл сармоядорлари ва бизнес учун яратилган қулай иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий шарт-шаронлари тўғрисида батафсил аҳборот бериб, аҳборот тақчиллигини бартараф этди. АҚШ бизнесмен ва сармоядорларининг Узбекистонга қизиқишини янада орттирди. Кўплаб битимлар, шартномалар протоколлар имзоланди, жумладан: «Узбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан «Эрон» корпорацияси ва ОПИҚ ўртасида лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ва суғурта қилиш тўғрисида протокол, Узбекистон ташки иқтисодий фаолият миллий банки билан «Кейс» корпорацияси ўртасида лизинг компанияси тузиш тўғрисида битим, «Узбекнефтгаз» корпорацияси ва «Тексако» компанияси ўртасида кўшма корхона тузиш тўғрисида шартнома, Президент И. Каримов ва Тенесси штатининг губернатори Т. Сандквест ўртасида Узбекистонда «Газомоторс» ва «Газкомпрессор» кўшма корхоналари тузиш тўғрисида ҳужжатлар имзоланди. Булардан ташқари яна қатор битимлар имзоланди.

Узбекистон саноатининг бугунги кундаги равнақи учун АҚШ сармоясини киритилиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Масалан: АҚШдаги хорижий хусусий сармоялар корпорацияси ОПИҚ ажратган 400 миллион АҚШ доллари Узбекистонда газ саноатини ривожлантиришга хизмат қилаётган бўлса, АҚШнинг Экспорт-Импорт банки (Эксимбанк) 800 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредити билан Узбекистонда ўндан ортиқ лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Жумладан: Кўкдумалоқ Компрессор станцияси,

Бухоро нефти қайта ишлаш заводи, Шўртангаз кимё мажмуй ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини ривожланиб боришида «Кейс корпорейшн» компанияси алоҳида ўрин тутмоқда. 1994—1998 йиллар давомида ушбу компаниянинг 1554 та Кейс русумли тракторлари, 825 та комбайнлари Узбекистон томонидан сотиб олинди. Ҳозирги пайтда «Кейс корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда учта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 1998 йил 3 декабрда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва корпорация раҳбари Жан Пьер Рocco ўртасида бўлиб ўтган мулоқотдан кеин, ушбу компания ўзининг тўртинчи қўшма корхонасини очиш масаласида келишилиб олинди. Мазкур компаниянинг хизмати билан Ўзбекистон дехқонлари замонавий илгор техникаларга эга бўлмоқдалар.

АҚШнинг йирик компанияларидан бўлган «Проктер энд Гэбл» бир неча йиллардаги фаолияти давомида Ўзбекистон ҳалқи учун 50 миллион АҚШ доллари минқдорида маҳсулот сотди, озодалик ва шахсий гигиенага оид тарғибот ишларини олиб борди ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда ўсмирлар орасида шахсий гигиена борасида соғломлаштириш ва маълумотини ошириш дастурини амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги тенг ҳамкорликдаги олиб борилган маданий иқтисодий алоқалардан қониқиши ҳосил қилган икки давлат ўртасидаги муносабатлар чуқурлашиб, сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам мұхим ўрин тутаётганини, бу муносабатларнинг ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ривожланаётган икки мамлакатнинг кўплаб ҳалқаро муаммолари бўйича яқин ва ўхшаш нуқтаи назар эканлиги намоён бўлиб бормоқда.

Хуласа Узбекистон ва Америка мамлакатлари тенг шерикчилик асосида иқтисодий, сиёсий ривожланған замонавий тузилмасини шакллантириш учун катта-катта амалий ишларни қилмоқдалар. Бу мамлакатни барқарор ривожланишини, ҳалқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишида Европанинг имкониятлари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ҳаёти мұхимдир. Европа ва бутун Гарб — юксак технологиялар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон ҳуқуқларининг рамзиdir. Буларнинг барчаси

XXI асрға хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ри-
вожланаётган даражада тараққий этган ва замонавий
демократик давлат бўлиб кириш мақсадида янгиланиш
ва тараққиётини ўзининг стратегик вазифаси қилиб ол-
ган, ёш Узбекистон давлати учун ҳаётий заруратдир»³.
Ислом Каримов Европа мамлакатларининг Узбекистон
учун муҳимлигига ана шундай юқори баҳо берар экан,
мустақилликни биринчи йилларидаёқ Европа мамла-
катлари билан алоқаларни ўрнатиш мақсадида 1993
йил 28 апрель куни Германияга расмий ташриф билан
борди. Бу беш кунлик ташриф Узбекистонни Европа
сари йўлини очди. Бу сафарни жаҳон жамоатчилиги
кatta қизиқиши билан кузатмоқда эдилар, чунки иқти-
садий инқироздан эндиғина чиқаётган ҳали инқироз
эсанкирашлари таъсиридан тўлиқ ҳоли бўлмаган, Уз-
бекистон Германиядек иқтисодий бақувват давлатдан
моддий ёрдам сўрайди, деган тахминлар бор эди. Ислом
Каримов самолёт пиллапоясидаёқ саволларга:
«Мен Узбекистонни немисларга танитгани келдим, Уз-
бекистон ҳеч кимдан садақа сўрамайди, фақат тенгма-
тенг ҳамкорликка тайёр»⁴,— деб берган жавоби сиё-
сатдан ва журналистларни ҳайратга солди. Европа
мамлакатларининг Узбекистонга бўлган қизиқишилари-
ни орттириди. И. А. Каримов ГФР федерал Президенти
Рихард фон Вайзекер ва федерал канцлер Гельмут
Коль билан музокаралар олиб борди. Германия саноа-
ти билан танишди. Икки давлат ўртасида маданий
ҳамкорлик түгрисида, сармоялар кўйишини амалга оши-
риш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш түгрисида,
илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини таш-
кил этиш түгрисида битимлар имзоланди. Сафар са-
марали бўлди, «Дойче банк», «Мерседес-Бенц» компа-
ниялари билан ҳамкорлик қилиш ҳакида келишилиб
олинди. Ана шу келишувга кўра, Хоразмда «Мерседес-
Бенц» компанияси иштирокида юқ машиналарини йи-
ғадиган завод қурилиши 1994 йилдан бошланди. Ҳо-
зирги вақтда завод машиналарни ишлаб чиқармоқда.

1995 йил апрелда Германия федерал Президенти
Роман Герцочнинг Узбекистонга расмий ташрифи, 1995
йил 14—15 ноябрда Ислом Каримовни ГФРга иккинчи
ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муно-
сабатларини янги поғонага кўтарди. Икки мамлакат
ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 1994 йил 209,2
миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1995
йилнинг тўққиз ойидаёқ 226 миллион АҚШ долларини

ташқил этди. [Бугунги кунда Ўзбекистонда 60 га яқин Герман сармоялари иштирокида фаолият кўрсатаётган «Мерседес-Бенц», «Алкатель», «Сименс» каби фирма ва компаниялар, К. Аденауэр жамғармаси мустақил Ўзбекистон—Германия ҳамкорлигини кашшофлари ҳисобланади.] Ўзбекистонда яшаётган 50 мингга яқин немис миллатларига мансуб Ўзбекистон фуқаролари ҳам ушбу ҳамкорликни ривожланиб боришига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Европани ривожланган давлатларидан бири бўлган Францияга Ислом Каримовни 1993 йил 28—30 октябрь кунларида қилган расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди.] Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ва Франция Президенти Ф. Миттеран билан музокаралар олиб борилди. Ф. Миттеран Ўзбекистонни Марказий Осиёда етакчи ўринга эга эканлигини, у Шарқ билан Farb ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкинлигига, ўтмиши буюк бўлган Ўзбекистон доим француздарни диққатини тортиб келганилигига тўхталиб, Ўзбекистоннинг ўтмиш ва бугунги кунидаги ҳаракатига юксак баҳо берди. Франциянинг пойтахти Парижда Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Маданият илмий-техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон Президентини Париж хартиясини имзолаши, шунингдек, Ўзбекистоннинг Европа ва бошқа тарақкий этган мамлакатлар билан янада яқинлашуви муҳим аҳамиятга эга бўлди. [Ўзбекистон миллий банки билан Франциядаги йирик «Кредит коммерсиал де Франс» банкига кафолат учун маблаг қўйди.] Ўзбекистонга 1994 йил 25—27 апрель кунлари Франция Президенти Ф. Миттеранни расмий ташрифи Ўзбекистон билан яқиндан танишуви ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан қатор битимлар ва декларациялар, шартномаларини имзолаши Франция билан Ўзбекистон муносабатларини ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.] 1994—1995 йиллар давомида савдо-саноат доираларининг вакиллари, Париж савдо-саноат палатаси нинг делегацияси, бир қанча компаниялар ва фирмаларнинг раҳбарларини Ўзбекистонга келиб, Ўзбекистон

бозорини ўзаро фойдали, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини ўрганишлари икки мамлакат ўртасидаги амалий алоқаларни янада чуқурлаштириди.

Хозирги пайтда Узбекистонда «Технип», «Дилепланк», «Рон-пуленк агрошими», «Элф-акитен», «Копико», «Софинфро», «Шомбон са», «Боффур-ибсен» каби таниқли француз фирмаларининг ваколатхоналари очилган.

«Оричейт», «Биомет», «Тереза» Узбекистон Франция қўшма корхоналари барпо этилган бўйиб, улар муваффақиятли ишламоқда. Бу корхоналар парфюмерия моллари, дори-дармонлар ишлаб чиқармоқда, маркетинг сервис ва реклама хизмати билан шуғулланмоқдалар. Францияни «Технил» фирмаси Узбекистонда кенг кўламли лойиҳаларини амалга оширишда қатнашмоқда, жумладан: «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси билан биргаликда Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. Завод 300 гектар ерни эгаллаган, қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг. 1997 йил 22 августда ишга туширилди. 1996 йилнинг май ойида Францияни «Бунг» фирмаси билан Узбекистон «Бунг» қўшма корхонасига асос солинган эди. Ушбу қўшма корхона 21 ойда қиймати 181 миллион франк турадиган «Хилтой—Тошкент» меҳмонхонасини қуриб битказдилар. Узбекистон—Франция ўртасида товар айирбошлиш хажми ҳам ўсиб бормоқда. 1995 йили 16 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1978 йилга келиб, 172 миллион долларни ташкил этди. Узбекистон—Франция ҳамкорлиги фан соҳасида ҳам яхши йўлга қўйилган, ўзбек ва француз тарихчилари томонидан Темурийлар даври тарихи ва санъатини ўрганиш соҳасида катта илмий ишлар амалга оширилиши мўлжалланган.

Узбекистон Европанинг нуфузли мамлакати бўлган Буюк Британия билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган. 1993 йил 15 октябрда Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича давлат вазири Даглос Хочнинг Узбекистонга сафари чоғида икки давлат ўртасида маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик битими имзоланди.

1993 йил 22—25 ноябрда Узбекистон Президенти И. Каримов бошлиқ делегациянинг расмий амалий ташрифи билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигига бўлиши ҳар икки мамлакат

ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Узбекистон Президенти қиролича Елизавета II. Баш вазир Ш. Мейжор билан ўзаро сұхбатлар, музокаралар олиб борди. Узбекистон Республикаси билан Буюк Британия қироллиги ўртасида бир қатор иқтисодий маданий алоқаларга оид шартномалар имзоланди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарлари билан бўлган учрашувлар самарасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Узбекистонда олтин қазиб олиш корхоналарини қуриш учун 150 миллион АҚШ доллари ҳажмида маблағ ажратди, 1994 йилда «Омонтов Голгифилде» Узбекистон—Британия қўшма корхонаси ташкил этилди. Унинг чет эллик муассислар Лонро компанияси (Буюк Британия ва Ҳалқаро Молия корпорацияси) ҳисобланади. Қўшма корхона Довғизотов ва Омонтовтойнинг олtingа бой конларини ўзлаштирумоқда. 1996 йилнинг бошларида, бу икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожланишида янги босқич бўлди.

Узбекистон ўзининг ташқи сиёсий иқтисодий алоқаларида Европа йўналишидаги давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта зътибор бериб келмоқда. Европа мамлакатлари орасида Италия билан Узбекистоннинг алоқалари собиқ Итифоқ давридаёқ йўлга қўйилган эди. Узбекистон мустақиллигини олганидан кейин, бу алоқалар янада кенгайиб бормоқда. Италия Узбекистонни иқтисодий илмий салоҳиятини яхши билган мамлакатлардан бири бўлгани учун ҳам икки давлат ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида 1992 йил сентябрь ойида биринчилардан бўлиб, Италия Узбекистонда ўзининг элчинонасини очди. Ислом Каримовга Италия элчиси Карпо Үнгаро ишонч ёрлиғини топшириш пайтида, Италия ва Узбекистон ҳамкорлигига юксак баҳо бериб, «Ўзплатитал»га ўхшаган қўшма корхоналарни ҳамкорликда кўпайтиришга ишонч билдириди.

1997 йил расмий ташриф билан Италия Президенти Оскар Скальфаро Узбекистонга келди. Узбекистон Президенти Ислом Каримов билан Олий даражадаги учрашувлarda ҳар иккала давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги қатор ҳужжатларни имзолashi икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янги босқичга кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Узбекистон ва Италия давлатлари орасидаги муносабатларни ривожланиб боришига яна бир муҳим

сабаб, бу Ўзбекистонни Европа иттифоқи кенгаши билан шерикчилик ва ҳамкорлик қилиш түғрисидаги ҳаракатларни Италия ҳукумати қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон советлардан кейинги маконда Россиядан сўнг иккинчи бўлиб, Европа иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик түғрисида 1996 йил июль ойида Флоридада битимга имзо чекди.]

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар кенгайиб ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 1993 йилга нисбатан 1998 йилга келиб, уч баробардан кўпроқ ошиди. 1996 йил товар айирбошлиш 142 миллион АҚШ доллари ҳажмига тенг келди. Ўзбекистон ва Италия ҳамкорлигидаги «Ўзпластитал» қўшма корхонаси республикада катта даромад олаётган корхоналардан биридир. «Ўзбектелком» ва Италия «Стет интернейшнэл» корпорациялари ҳамкорликда «Удинет» қўшма корхонаси га асос солдилар. Бу қўшма корхона Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 30 дан ортиқ Ўзбекистон—Италия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон, Финляндия, Нидерландия, Голландия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатди ва бу алоқаларни кенгайтириб бормоқда.

Давосда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий жаҳон иқтисодий анжуманида Президент Ислом Каримов иштирок этиб сўзлаган нутқлари, унинг иштирокчиларини, давлат ва ҳукумат бошлиқларини, халқаро молия ташкилотлари, йирик банклар ва компанияларнинг раҳбарларини Ўзбекистоннинг кенг имкониятлари ва салоҳияти билан таништириди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонга хорижий сармояларни жалб этишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунларида ёқ урф-одатлари ва тарихий анъаналарига яқин бўлган яқин ва ўрта Шарқ давлатлари билан маданий иқтисодий ва дипломатик алоқаларини йўлга қўйишга киришди.

1991 йил 16—19 декабрь кунлари Президент Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Туркия жумҳуриятида бўлди. Туркия Президенти Турғут Ўзол,

бош вазир Сулаймон Демирэл ва бошқа раҳбарлар, ишбилармонлар турли компаниялар, фирмаларнинг раҳбарлари билан амалий учрашувлар ўтказиб, фикр алмашдилар. Икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлиш тўғрисида протокол, иқтисодий ва савдо соҳаларидағи ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, медицина, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ахборот айирбошлиш, телевидение ва радио эшииттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида протоколлар, бошқа расмий ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу ташрифдан кейин икки давлат ўртасидаги яқинлашув ва ҳамкорлик ривожланиб борди. Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси очилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонга Туркия давлат раҳбарлари Тургут Узол, Сулаймон Демирэл, Тансу Чиллер, Месут Илмаз ва Ҳикмат Четинларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чогида имзоланган ҳужжатларни икки давлат ўртасидаги муносабатларни кенг қулоч ёйиб ривожланишига асос бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асосланган 50 дан ортиқроқ ҳужжатлар имзоланди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш, қўшимча корхоналар қуриш, кадрлар тайёrlаш тизими니 ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлиш 1992 йили 75 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1997 йилга келиб 320 миллионни ташкил этди. 1998 йили 275 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1999 йил 15 марта Сулаймон Демерэлни Ўзбекистонга ташрифи чогида икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик таҳлил қилинди ва имкониятлар даражасида эмас деб топилди. Бундан кейин иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисида келишилиб олинди.

Ўзбекистон Туркия қўйшма корхоналарининг сони 200 дан ортиб кетди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган фирмалар, компаниялар орасида «Коч холдинг», «Ай сел», «Дамо» фирмаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Самарқанд автомобил заводини қурилишига 1995 йили «Ўзбекавтосаноат» уюшмаси-

нинг Туркиядаги «Коч холдинг» компанияси билан имзоланган шартномага мувофиқ киришилган эди. Туркияning «Дома» фирмасининг бунёдкорлари, Германия, Италияда тайёрланган маҳсус технологияларни ўрнатишда уюшқоқлик кўрсатди. Ушбу компания ҳамкорлигида Самарқанд «Сино» заводи негизида замонавий совитгич ишлаб чиқариш 2001 йили йўлга қўйилди, биринчи йили 150 минг, 2002 йилга бориб 250 минг совутгич ишлаб чиқара бошлади.

«СамКочавто» қўшма корхонаси заводида йилига минглаб турли русумдаги автобуслар, турли хил юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу машиналарни эътиборли томони шундаки, улар «Исако» Италия—Испания фирмасининг ихчам конструкцияларига асосланган, ҳамда «Коч холдинг» компаниясининг аъзоси «Отойўл» заводида янада такомилаштирилиб, Узбекистон шароитига мослаштирилган. Узбекистон Туркия алоқаларини янада ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар ҳар иккала давлат томонидан ҳам яратилмоқда. Узаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб боришига асослар етарлидир.

1992 йил 27—28 июнда Покистон Ислом Республикасининг бош вазири Мухаммад Навоз Шарифнинг Узбекистонга расмий давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларга асос солди. Узбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, туризм, оммавий ахборот соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди. 1992 йил 13—14 август кунлари Узбекистон Президенти Ислом Каримов Покистонга расмий ташрифи чоғида имзоланган қатор расмий ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада яқинлашувига, чуқурлашувига хизмат қилди. Савдо иқтисодий, товар айирбошлиш соҳаларида ҳамкорлик ривожланди. 1994 йили Покистон ва Узбекистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлиш хажми 4,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган, Узбекистон Покистонга чарм хом ашёси, пилла, енгил саноат учун машина ва ускуналар етказиб берса, Покистон эса ҳалқ истеъмол моллари, пойабзал, тамаки, тайёр кийимлар, чарм буюмлар, какао ва шакар етказиб беришини йўлга қўйди. Узбекистонда Покистон ишбилармонлари иштирокида 120 та қўшма корхона тузилди. «Табани»,

«Меркурий», «Метро», «Ласкон», «Тарака» каби 19 та йирик фирма ва компаниялар фаолият күрсатмоқда.] Икки мамлакат ўртасидаги қатор минтакавий муаммолар, жаҳоншумул лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш юзасида шартномалар имзоланган.

Ўзбекистон қатор яқин ва ўрта Шарқ, ҳамда Араб давлатлари: Афғонистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Миср, Эрон каби мамлакатлар билан маданий дипломатик, савдо-иқтисодий, фан-техника, кадрлар тайёрлаш, туризм ва бошқа соҳаларда битимлар, шартномаларни имзолаган. Бу давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларни ривожлантириб, мустаҳкамлаб бориши учун Ўзбекистон барча имкониятларини ишга солмоқда. Номлари зикр этилган давлатларни Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлигининг характерли жойи шундаки, бу мамлакатларнинг ҳалқларини тарихий тақдирлари, турмуш тарзлари, маданияти, санъати, кўпчиликларининг диний ва фалсафий қарашлари яқин бўлиб, ҳозирги кунда ҳам бу мамлакатларни умумий манфаатларига, иқтисодий тараққиётига хавфсизлигига, барқарорлигига хизмат қиласидан умумийликлар мавжуддир. Ана шу умумийликка хизмат қилувчи омилларни рўёбга чиқариш йўлларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов олий даражадаги учрашувларда ўртага ташламоқда, тенг ҳуқуқийлик, ҳамкорлик ишини илгари сурмокда.

1977 йил Эрон, Покистон ва Туркия давлатлари биргаликда ташкил этган (ЭКО) иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига, 1992 йил Ўзбекистон, Козоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Озарбайжон, Афғонистон, Туркманистон давлатлари томонидан амалга ошираётган оламшумул ишлар, яъни Истамбул—Пекин Трансосиё темир йўлини таркибий қисми бўлган.¹ Машҳад—Серхас—Таман темир йўлини қурилиши, Осиё ва Европа мамлакатларини боғлайди. Ёки ҳалқаро автомобиль қатнови олиш учун Истамбул, Техрон, Исломобод, Ашғабад, Тошкент, Бишкек, Олмаотани бирлаштирувчи катта автомобиль йўлини қуриш, таъмирлаш ва ишга тушириш, 50 мамлакатни боғловчи йўлдир. Юқорида номлари тилга олинган мамлакатларни ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришда ва иқтисодий ривожланишида мана шунга ўхшаш умумийликлар мавжуд.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти қатнашчиларига ЭКО иқтисодий ташкилот эканлигини, бинобарин, унинг

фаолиятини сиёсатлаштириш мафкуралаштиришга йўл қўйиб бўлмаслигини қатъият билан таъкидлаб келганлигини айтиш ўринди. Ислом Каримов фикрича, бу ташкилот ўз моҳияти, ўз номи ва вазифаси бўйича иқтисодий гуманитар ва коммуникацион муаммоларни ҳал этиши лозим. Дунё мамлакатлари ўртасидаги зиддиятлар кучайиб бораётган, бир пайтда ЭКО аъзолари бўлган давлатларни сиёсатбозлика берилиб кетишлари мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка, алоқаларга путур етказиши мумкин.

«Узбекистонни ЭКО фаолиятида қатнашишда кўзда тутилган мақсадлари ҳақида тўхталиб уч асосий ҳақиқатни кўрсатиб беради:

— ташкилот ишида иштирок этиш бизга қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун зарур. Бу ўз навбатида мамлакатимиизнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласи;

— минтақадаги гуманитар муаммоларни биргаликда ҳал этиш, тарихий замини бир бўлган ҳалқимиз ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатdir;

— бу мавжуд табиий салоҳиятимизни дунёга олиб чиқиш учун коммуникация тармоқларини вужудга келтиришдан иборатdir. Чунки бу муаммоларни ҳал этмай туриб, 300 миллион аҳоли яшайдиган ўлканинг ҳудудида иқтисодий тараққиётга эришиш қийин»⁵.

Масалага мана шу принципда ёндошиш ЭКО қатнашчиси бўлган ҳамма мамлакатлар учун ҳам ўта фойдали бўлиши муқаррардир. Буни биринчи ҳолати, ушбу ташкилот қатнашчилари бўлган давлатларнинг иқтисодий маданий ҳамкорлиги барқарор равишда бир текисда ривожланиб борса, иккинчи ҳолати ушбу ташкилот қатнашчилари бўлган давлатлар ўртасидаги тинчлик, биродарлик, дўстлик ҳам барқарор бўлади. Ўлка давлатлари турли таҳлилий таҳдидлардан ҳоли бўлади. Демак, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган қоидалар барқарорлик шартлари ва тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилишида шак-шубҳа йўқ.

Узбекистоннинг ташкиси сиёсатида қўлга киритган ютуқларидан яна бири шундаки, у Шарқий ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари — Хитой, Жанубий Корея, Япония, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамланиб, ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтларидаёқ, Ўзбекистон ва Хитой халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги алоқалар бир неча минг йиллик тарихга эга қудратли Хитой давлатини Шарқ ва Фарбдаги кўплаб мамлакатлар билан боғловчи «Буюк ипак йўли» бизнинг мамлакатимиз шаҳарларидан ўтган бўлиб, бу ипак йўли орқали дўстлик ва ҳамкорлик карвонларимиз Хитойга қатнаган. Янги даврда икки мамлакат дўстлик ҳамжамиятлар ўртасидаги алоқалар 1989 йили бошланган эди. 1989 йилда Мустақил «Ўзбекистон Хитой жамияти» ташкил этилди. Ана шу жамият доирасида олимлар, маданият ходимлари, ҳукумат аъзоларининг бориб келишлари икки давлат халқларини яқиндан бир-бирларни танишга имкон берган эди. Ўзбекистон тўлиқ суверенитетини қўлга олганидан кейин, XXRнинг ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Ланьцин 1992 йил 2—3 январ кунлари Тошкентда бўлди, шу куни икки мамлакат ўртасида II моддадан иборат битим имзоланди, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой халқ Республикаси ўртасида 1992 йил 2 январдан бошлаб, элчилар даражасига дипломатия муносабатларини ўрнатиш, элчихоналар очиш тўғрисида қўшма ахборот берилди. Икки мамлакат ҳукуматлари мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини, бир-бирларининг истиқлолли ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, бир-бирларига ҳужум қиласлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, шунингдек тинч-тотув яшаш қоидалари асосида ривожланишига келишиб олдилар.

1992 йил 12—14 март кунлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг XXRга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларда янги саҳифа очди. Буюк мамлакат билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун асос солинди. Икки мамлакат ўртасида 15 та муҳим ҳужжатлар имзоланди. 1994 йил 18—20 апрель кунлари XXR давлат кенгашининг раиси Ли Пенning Ўзбекистонга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кредит, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти, автомобил транспорти, алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Хитой томони Ўзбекистондан ИЛ-76 ва ИЛ-144 самолётларини харид қиладиган бўлди.

1994 йил 25—26 октябрь кунлари Узбекистон Президенти И. Каримовни Хитойга иккинчи марта сафар қилиши, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг асосий принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликларни ривожлантириш тўғрисида баённома имзоланди. Икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришда Тошкент—Пекин, Тошкент—Урумчи ҳаво йўли очилди. Тошкентда бешта Хитой компаниясининг бешта ваколатхонаси очилди. «Ойдин—Маниза» қўшма корхонаси болалар учун кийим-кечаклар, Урумчидаги корхона билан «Ташинтерм» бирлашмаси ишлаб чиқараётган кўркам «Термослар» ўзини сифати билан мамлакатимизда машҳур бўлди. Узбекистон билан XXРнинг товар айирбошлаш ҳажми 1993 йил 73 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Узбекистон—Хитой қўшма корхоналарининг сони 71 тадан ошиб кетган.

Узбекистон билан Жанубий Корея ўртасидати ўзаро савдо иқтисодий алоқалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Узбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик алоқаларга 1992 йил март ойида асос солинди. 1992 йил 19 июнда Узбекистон Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореяга давлат ташрифи билан борди. Бу ташриф чогида икки мамлакат ўртасида иқтисодий савдо, маданий-техникавий алоқаларга асос солинди. Узбекистон Президенти И. Каримов ва Жанубий Корея Президенти Ким Ен Сам бир қатор давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларациялар ва шартномаларни имзоладилар. 1994 йил 4—5 июнда Жанубий Корея Республикасининг Президенти Ким Ен Самнинг Узбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришни янги босқичга кўтарди.

Ислом Каримов 1992 йилги сафари чоғида «ДЭУ» компаниясига қарашли «Паблик Матрос» заводида бўлиб, завод ишлари билан танишар экан. «УзДЭУ-авто» қўшма корхонасигининг тамал тошини қўйди. Республика Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил ноябрда Андижонга Асака автомобил заводини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу заводга нисбатан қисқа мuddатда — уч йил ичида қурилиб, ишга туширилди. Завод қурилишига жалб этилган маблагнинг 52 фоизи Узбекистон, 48 фоизи Жанубий Корея ҳисобига тўғри келди. 1996 йил 25 марта заводни биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. «Дамас» русумидаги кичик автобус чиқара бошлади. Кейинги босқичларида «Тико» ва «Нексия» машиналарини чиқара бошлади. Келишувга

кўра эҳтиёт қисмларини 30 фоизи, кейинроқ эса 70 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқариши мўлжалланган эди. Ана шу келишувга кўра, Ўна бир нечта қўшма корхоналарга асос солинди, жумладан: «Ўз Қорам», «Ўз Донг», «Ўз тонг Хонг», «Ўз донг Янг» қўшма корхоналари шулар жумласидаи бўлиб, булар машиналарни бампер ва ускуна панелларини, ўриндиқлар, автомобиль бўлаклари, ички эҳтиёж қисмлар ва бошқа ускуналар тайёрлаб берди. Шу жумладан автомобиль глушителлари, ғилдирак-дискаларни ҳам чиқариш кўзда тутилган эди. Бу қўшма корхоналар муваффакиятли фаолият кўрсатмоқда.

Жанубий Корея билан Ўзбекистонни ҳамкорлиги кўп соҳаларда ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожланишига қўшган буюк ҳиссасини юқори баҳолаб. 1995 йилда Жанубий Корея Республикасининг пойтахти Сеулга қилган ташрифи чогида Корея Республикасининг Олий мукофоти — «Марғунхва» катта орденига сазовор бўлди. Ҳақиқатдан ҳам Асака заводини ишга тушиши Ўзбекистонни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 ривожланган мамлакатлар қаторига кириши билан, бутун Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг савиясини ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янги юксак погонага кўтарди.

Шарқнинг энг ривожланган мамлакати Япония билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги 1994 йил 16—19 майданда бошланди. Ўзбекистон Делегацияси расмий ташриф билан Японияда бўлиб, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ҳақида қўшма баёнот ва бир қатор расмий ҳужжатларни имзоладилар. Ўзбекистон Делегацияси машҳур «Панасоник» концернининг раҳбарлари билан бўлган учрашуvida Ўзбекистонда «Панасоник» концернининг филиалини очишга келишилди. Республикамизда «Панасоник» маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлашиб ривожланишига Ислом Каримовни 1994 йил 16—17 май кунлари Японияда бўлиши, Япония бош вазири Цутому Хата, Япония Императори Акихито, Япония савдо ва саноат вазири Эйтиро Хатани ва бошқа ҳукумат аъзолари билан учрашиб музокаралар олиб борди. Икки ўртада давлатлараро муносабатлар асосларига доир қўшма баёнот имзоланди.

Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машҳур «Мицуи

ва ХО ЛТД», «Мицубиси корпорейшн», «Сумитот корпорейшн», «Томен корпорейшн», «Чори» компанияларининг доимий ваколотхоналари фаолият кўрсатмоқда. Япония ҳукумати Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати соҳини ўзлаштиришда, Бухоро нефтини қайта ишлаш заводини қуришида, Фарғона нефтини қайта ишлаш заводини таъмирлашда, телеалоқа тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашидилар.

1995 йилдан бўён Япониянинг Узбекистон иқтисодиётiga киритган сармояси бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми эса, 1998 йилда 117 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

1999 йилдан бошлаб, Япония Узбекистон учун янги имтиёзли кредитларни ажратса бошлашга қарор қилди. Бу кредитлар вилоятлардаги телекоммуникация соҳасини замонавийлаштириш учун 12,690 миллиард, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳаси учун, 670 миллион иен сарфлаш кўзда тутилди.

Бу алоқалар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда, фан, кадрлар тайёрлаш соҳаларида ҳам икки давлат ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Узбекистон, Малайзия, Индонезия, Вьетнам, Таиланд, Австралия, Комбоджа ва бошқа қатор Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси, Осиё ва Океания миңтақасидаги давлатлар билан ўзининг дипломатик савдо-иқтисодий ҳамкорликларни ўрнатган, ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Мазкур мамлакатлар билан яқиндан, узоқ муддатли ҳамкорлик қилишимиз, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайиб бориш, ҳар икки томоннинг мавжуд имкониятларидан фаол фойдаланиш учун катта истиқболлар очиб бермоқда. Бу эса мамлакатимизни иқтисодий тараққиётида мұхим аҳамият касб этмоқда.

18-МАВЗУ УЧУН

ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

¹ Каримов И. А. «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Узбекистон», Т., 1997 йил, 310-бет.

² Каримов И. А. «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Узбекистон», Т., 1997 йил, 245-бет.

³ Каримов И. А. «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Узбекистон», Т., 1997 йил, 307—308-бетлар.

⁴ «Халқ сўзи», 1993 йил, 29 апрель.

⁵ «Халқ сўзи», 1998 йил, 12 май.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Жириш. Фаннинг предмет, мустақил демократик давлатнинг қарор толиши ва жаҳон тараққиётни йўлига қўшилиши 1-мавзу. Халқимизнинг мустақиллик учун кураши ва унинг босқичлари | 3 |
| 2-мавзу. Узбекистонда миллий тикланишнинг янги босқичи. Мустақиллик сари йўл тутилиши | 13 |
| 3-мавзу. Давлат мустақиллиги ва унинг тарихий аҳамияти | 30 |
| 4-мавзу. Суверен демократик Республика Узбекистоннинг маъмурӣ ҳудудий тузилиши ва бой имкониятлари | 47 |
| 5-мавзу. Ҳуқуқий давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва унинг янги жамият қуришдаги аҳамияти | 59 |
| 6-мавзу. Узбекистон ҳалқлари демократик одил фуқаролик жамият қуриш йўлида | 83 |
| 7-мавзу. Сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг вужудга келиши ва фаолияти. Кўп partiyaviylik тизимишнинг шаклланиши | 103 |
| 8-мавзу. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий тотувликни таъминланиши янги жамият қуришнинг муҳим омилидир | 128 |
| 9-мавзу. Узбекистон Республикасининг кадрлар сиёсати. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури | 144 |
| 10-мавзу. Демократик жамиятнинг моддий негизи ва иқтисодий тизимиши шакллантириш назарияси ва амалиёти. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga ўтишнинг зарурияти, қонуниятлари ва хусусиятлари | 159 |
| 11-мавзу. Кўп укладли иқтисодиёт, мулкдорлар синфининг шаклланиши: якунлар, муаммолар, вазифалар | 173 |
| 12-мавзу. Маънавий юксалиш — демократик жамият қуришнинг муҳим омили миллий истиқлол мафкураси ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни | 193 |
| 13-мавзу. Фан ва илмнинг ривожланиши демократик жамият қуришнинг муҳим омилидир | 216 |
| 14-мавзу. Миллий ва диний қадриятларнинг тикланиши. Давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар | 227 |
| 15-мавзу. Узбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Жаҳон XXI аср бўсағасида. Узбекистоннинг сиёсий имкониятлари ва ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари | 237 |
| 16-мавзу. Узбекистон ва МДҲ. Унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва ҳалқаро нуфузининг ортиб бориши | 255 |
| 17-мавзу. Марказий осиёдаги янги мустақил давлатларнинг кўп томонлама ва икки томонлама алоқалари. Туркистон умумий ўйимиз | 273 |
| 18-мавзу. Узбекистоннинг АҚШ, Европа, осиё ва тинч океан ҳавzasи мамлакатлари билан ҳамкорлиги | 291 |
| | 307 |

**УЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КУРСИДАН
ҮҚУВ ҚҰЛЛАНМА**

Муаллиф Мирзаев Абдулахат

*Мұхаррірлар Ҳасанова М. Р.
Ұсмонова О. Ю.,*

*Техмұхаррір Қурбанов Т. А.
Мусақхұх Хұзиәхмедова Р. М.*

Теришга берилди 25.02.2000 йил. Босишга рухсат этилди 4.04.2000
йил. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босмахона қоғози. Адабий гарнитура.
Юқори босма. Нашр тобоги 17,25. Шартлы босма тобоги 10,25.
Хисоб нашриёт 17,22. Нұсқа 15000. Буюртма 415.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника Университети. Тошкент, 700095.-Университет күчаси, 2.
УзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси. 700170, Тошкент,
акад. Ҳ. Абдуллаев шоҳ күчаси, 79.

ИЗОҲЛАР УЧУН

ИЗОХЛАР УЧУН
